

ИМКОНИЯТ

XXI аср кириб келишига санокли

ойлар қолди

...Азалдан аён маъқулот шуки, инсон кўз очажак маконини танлай олмайди. Аммо ушбу юрда туғилмоқ саодати насиб этгани, киндик қонимиз табаррук тупроққа тўкилгани учун шукроналар айтсак арзийди. Ва, энг ажойиб ҳолат шундаки, сизу бизга бир минг йилликдан бошқа минг йилликка ўтишдек тарихий ҳодисани кўрмоқ имконияти насиб этиб турибди.

Ҳа, яна қандайдир тўққиз-ўн ойдан кейин она сайёрамизга милодий ҳисоб бўйича XXI аср кириб келади! Мутахассислар XXI аср айнан 2001 йилнинг 1 январидан бошланади дея бот-бот такрорламоқдалар. Аммо шунга қарамай баъзи оммавий ахборот воситаларида, радио-телевидениеда “Биз XXI асрда яшаймиз!” кабилада бонг уришлар ҳам учраб қолмоқда. Не тонгки, ушбу ҳолатни ҳам келаётган улугвор XXI асрни интиқлик ила қутиш ҳаяжонига менгзаш мумкин.

Хўш, қандай кечажак сирли XXI аср? Биз ундан нималарни кутаямиз, у-чи?..

Табийки, келгуси йилнинг биринчи январидан биз бир юмалаб мутлақо ўзгача одамга айланиб қолмаймиз. Она заминиз ҳам ноҳос покланиб, бегуборлашиб, яшариб қолмагай. Аммо ҳақиқат шуки, келгуси минг йилликнинг қандай бўлмоғи бутун бани башарга, жумладан, сизу бизга ҳам боғлиқдек. Илло, умумийлик - хусусийликлар йиғиндисидир.

Биз тахририятимизда XVIII асрда яшаб ўтган инглиз сиёсий арами Эдмунд Беркнинг бир гапини тез-тез эслаб тураимиз: “Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, - деб ёзади Берк, - мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман”. Инчунун, бугунги авлоднинг кайфияти, дунёқарashi, орзу-истаклари, идеали, бир сўз билан айтганда маънавияти жамиятимизнинг эртанги куни, келажаги, қолаверса XXI асрдаги шакл-шамойили, моҳияти қандай бўлишини белгилаб беради.

Биз, машхур ёзувчимиз айтганидек, янги асрга оёғимизда лой билан ўтиб қолмасликни истардик. Бу лой эса эски мафкура қолдиги, боқимандалик иллоти, маънавиятсизлик, сиёсий-диний саводсизлик оқибатларидир. Биз янги асрга эркинлик, демократия тушунчаларининг амалиётимиздаги аҳамиятини англаган ҳолда, уларнинг кўламини тушуниб-ҳис этиб, комил инсонлар сифатида қадам кўймоқликни орзу этамиз. Биз янги аср, янги минг йилликка муносиб фарзандлар бўлмоқликни истаимиз.

Инсоният узок таракқиёт йўлини босиб ўтди. Бу олис йўлда адашишлари хатоликлар, ютуқлари оламшумул муваффақиятлар, урушлари қирғин баротлар - бари-бариси бўлди. Биз тамаддуннинг, таракқиётнинг мудом илгарилаб кетишига ишонамиз. Инчунун, эртанги кувимиз бугундан кўра беҳроқ, яхшироқ, мазмунлироқ бўлмоғи жоиз экан, нечун XXI аср, бизга фақат ва фақат яхшиликлар, эзгуликлар ҳада этмоғига ишонмайлик!

Бу ишонч эса мустақкам заминга, асосга эга. Юрт мустақил, жамиятда тинчлик-барқарорлик таъминланган. Ёшларнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етмоғи учун шарт-шароитлар яратилган. Албатта, бу соҳада ҳамма нарса идеал даражада дейиш фикридан йироқмиз. Аммо яхши ишламоқ, демак яхши яшамоқ учун сон-саноксиз имкониятлар яратиб қўйилгани айни ҳақиқат. Бу имкониятлардан фойдаланмаслик, осмонга қараб ётганча давлатдан, жамиятдан одамлардан нелардир талаб қилиш эса ҳеч кимга, биринчи навбатда ёшларга ярашмайдиган иш. Замон, тезкор ва шиддатли замон ҳамма-хаммадан, айниқса ёшлардан фаолият талаб қилмоқда. Фаолият бўлганда ҳам давр талабига мос, илмга, интилишга асосланган фаол ҳаракат. Бугун коммунистик мафкура етмиш йилдан ортиқроқ давомида идеал қилиб кўрсатиб келган Корчагинчасига қорда яланг оёқ кезиб темир йўл қурувчилар даври ўтган. Бугуннинг илғор йиғит-қизлари - илмли, чет тилларни, компьютерни билладиган, мустақиллик ғояларига садоқатли, миллий қадриятларни чуқур ҳурмат қиладиган ҳамда жаҳон тамаддунига ўз хиссасини қўша оладиган ёшлардир. Шукрки, бундай ёшлар тобора кўпчиликни ташкил этиб бормоқда.

Кириб келаётган янги, улугвор XXI аср ҳаммамизга муборак бўлсин! Энг муҳими - биз янги минг йилликка муносиб фарзандлар бўлайлик. Бирники ўнга, ўники туманга. Агар биз ҳаммамиз ва ҳар биримиз комиллик сари интиларканмиз, бу ҳол жамиятимизда мутлоқ янги эврилишларга, ижобий инқилобларга олиб келмайдими, ахир. Сизга, бизга янги минг йилликни кўрмоқ имконияти насиб этмоқда. Бу имкониятдан фойдаланиб қолайлик. Зеро, шоир айтганидай:

*Бу кунларнинг энг жун фалсафиси шул:
Ватан тақдирига ҳаммамиз масъул...*

Абдулла СОДИК

МАНГУ ЁПИЛМАЙДИ УМИД ДАФТАРИ

* * *

Булоқларим лойкалади йиллар тикиб оёғин,
Кўзгуларим чанги энди кўзларимга солар чанг.
Бор кучимни йиғиб чалсам хисларим кўнғироғин,
Мен кутганим жаранг эмас, тўқилмоқда эвоҳ, занг...

Нечун йўлдан адашмаслик йўлни топа билмадим,
Қора қушлар қаноти-ла қачон урди кўзимга.
Хеч бўлмаса кўлим билан юзим ёпа билмадим,
Хеч бўлмаса тўхтамадим ё қайтмадим изимга.

Фақат олдга кетавердим... тажрибасиз, гўр овчи,
Бир ножўя қадам билан чўчитгандай ўлжани,
Даф эгаман деган ёвим дарҳол қайгадир қочди,
Ўнглаб бўлмас хато қилдим, хато кетди мўлжалим.

Алмашиндик... таъқиб этар энди тушиб ортимдан,
Қулай фурсат топиб охир мендан қасос олади.
Қочиб қайга яширинай, химоя сўрай кимдан,
Оҳ, сезияман, мана ҳозир шартга қилич солади...

Оҳ, сезияман, мана ҳозир етиб келиб қулатар,
Бирга базм қурмоқ учун чорлар қора қушларни.
Жодуланган сув ичириб мени мангу ўқлатар,
Киригимга боғлаб қўяр оғир, ёлғон тушларни...

Фақат ёлғон тушларимда тозарар булоқларим...

* * *

Сездим, юрагимда қоним қорайди,
Баттар қуюқлашди устимда соя.
Базўр тошган йўлим зумда торайди,
Ишончми, умидми топди ниҳоя...

Ўзинг англазмасанг англай олмасман,
Тангрим, нечук ҳолдир маним бу ҳолим.
Наҳот улгурмасман, ўнглолмасман,
Наҳот шундоқ этар заволим...

Умрим фасллари чалкашиб кетди,
Кексайиб қолдимми, ёшманми ҳали.
Билганим - энг улкан дардни кашф этдим,
Энди менга керак улкан тасалли...

Танладимми ёки танландимми мен,
Аввал-бошда кимда эди ихтиёр.
Суюкли қулинига айландимми мен,
Суюклининг билан сирлаш, Бирубор...

Йўқ, йўқ, сўзлар бузди берган ваъдасин,
Либос кийдирдилар шаффоф розимга.
Бўғиб ташлай, қабул қилмай тавбасин,
Эрк бериб қўйибман ўз овозимга...

Сиримиз сандиғи тубсиз уммонга
Чўкиб кетаверсин, тутиб олмасман.
Судрамасман қора тупроқ томонга
Ва қулфита қалит солмасман...

Майли, юрагимда қоним қорайсин,
Майли, қуюқлашсин устимда соя.
Майли, базўр тошган йўлим торайсин,
Майли, умидим ҳам топсин ниҳоя...

* * *

Ўзинг адашибсан, дўст, мени ҳам адаштира,
Билиб туриб тебратма умрим қилқўпригини.
Юлдузларни кўрсатиб кўзимни қамаштира,
Сендан яхши биламан уларнинг қўлигини.


Қулбам тор бўлса бўлсин, тотсиз оби ёвғоним,
Қўнғлим булоғин ичиб мангу яшнаймаман.
Кимнингдир уйин ногоҳ қуйдирмасин ёлғоним,
Хаёсиз гулларимни узиб ташлайвераман.

Насихат қилмагучи доно топсам қанийди,
Суқунат қайроғида чархлар эдим тилимни.
Дўстим, бу харфларни ахир ҳамма танийди,
Мен эса ахтарурман ҳали ниҳон илми.

Топсам, ўзим ўрганиб, ҳеч кимга ўргатмасман,
Хаётимнинг шиори ушбу гўзал худбинлик.
Унга элтар йўлларга белгилар ўрнатмасман,
Ёт шаштин қайтаргучи деворлар қураман тик.

Охири бездираман ортимдан келганларни,
Осмонимда ёнаман қуёш бўлиб сўнг танҳо.
Кўтариб руҳимдаги самовий елкаларни,
Бўронлар, чақмоқларга тизгин соламан хатто...

Кўзларим юлдузларни кўравериб чиникқан,
Ниҳон илмдан ўзга зиё қамаштиролмас.
Йўқотиб, тонавериб гидроким-ла тиникқан,
Энди ҳеч бир куч уни йўлдан адаштиролмас...
Тебратсанг тебратавер умрим қилқўпригини...



* * *

Бир узун наволар, бир узун охлар
 Ногоҳ кўкрагимда ниш урса, нетай,
 Нетай, чорлайверса шовуллаб боғлар,
 Қуриган баргларим тўқай-да, кетай.

Ўтган йилларимнинг хотиралари
 Шалаббо уст-бошдай гарчи зил-замбил -
 Мангу ёпилмайди умид дафтари,
 Янги тилакларин битиб толмас дил.

Мен дил қудратига айтдим тасанно,
 Тундан ясай билар тонг янглиғ қанот.
 Гуё тоғда кўчки бошланган асно
 Суворийни олиб қочган учқур от.

Неча бор кутқарди мени ўзимдан,
 Қайта ҳаёт ато этди лошимга.
 Шамол бўлиб қувиб етди изимдан
 Ва гулчамбар тақиб қўйди бошимга...

Гулга ғарқ боғларда ёнди охларим,
 Кўзимда илохий дарёлар жўшди.
 Ҳис қилдим, тўкилди бор гуноҳларим,
 Дилим ўзин улуғ қудратга қўшди...

* * *

Бу даврада шеър ўқини - гуноҳ,
 Ёшланмайди кўзлар барибир.
 Ерга тушиб кетару ногоҳ,
 Чил-чил синар сўзлар барибир.

Бу даврада шеър ўқини - азоб,
 Ёлғизлигинг англаб, ёнасан.
 Саволинга бермаслар жавоб,
 Ўксиб-ўксиб ўзинг қоласан.

Юрагингдан чиққан нидолар
 Яна ортга қайтар ўқ бўлиб.
 Жонинг бекор қилиб фидолар
 Йўқ бўлиб кетасан, йўқ бўлиб...

* * *

Кўнглим тўлган кунни ўламан
 Ва ё ўлиб кўнглим тўлади.
 Охири йўқ овораликнинг
 Охирида шундай бўлади.

Кетар чоғим муштоқ кўзимни
 Тупроқ эмас, нур тўлдирар, нур.
 Хур, покиза, уйғоқ сўзимни
 Замон кўзга қилиб ўрнатур.

Оҳ, кўнглимнинг ҳеч тўлмас жойи,
 Сендан эсар энг тоза эпкини.
 Сеп иклими сеҳрли водий,
 Сенда ҳаёл тамоман эркини.

Бу шундай эрк, ақлга сиғмас,
 Дош беролмас унга қалб ҳатто.
 Хикоятга, нақлга сиғмас,
 Сиғмагандек ҳовучга дарё...

Тасаввурим нақадар ғариб,
 Ўхшамаси чизган суратим.
 Кўлларимни кўкка узатиб
 Тагин неларнидир сўрадим.

Не сўрадим, ўзим билмадим,
 Лекин билар билгучи ул Зот.
 Ногоҳ қулдим, ногоҳ йиғладим,
 Банди бўлдим, ҳам бўлдим озод...

Майли, ўтай бир умр бўзлаб,
 Кўнглим сира тўлмасини, майли.
 Айрилар-ку дарёдан кўза
 Ахир, тўлганлиги туфайли...

* * *

Машраб кўрган тушлар рани ҳаволарда қолгандай...
 Томчи бўлиб астагина юзимга из солгандай,
 Кўзим юмсам кўрганиму билганим йўқолгандай,
 Бир нотаниш тубсизликка сассиз тушиб кетялман,
 Совқотялман, титраялман, оҳ, увишиб кетялман.

Тирюнимдан сочимгача кўммокда ҳур ҳаловат,
 Ғариб, нурсиз, маънисиздир бундан ўзга фароғат,
 Ҳушим йўқдир, мажолим йўқ, ҳолим ғоят аломат,
 Бир нотаниш тубсизликка сассиз тушиб кетялман,
 Хаяжоним хароратли, терлаб-нишиб кетялман.

Пастлаганим сари, ажаб, руҳим менинг юксалар,
 Чанқаб-хориб ортга қайтар қушлар бирга учсалар,
 Қучоғига сиёдиrolмас уни осмон қучса гар,
 Бир нотаниш тубсизликка сассиз тушиб кетялман,
 Совқотялман, қизиялман, жўшиб-жўшиб кетялман.

Ихтиёрдан айрилганим, мағдублигим муборак,
 Машраб кўрган тушларга чин маҳбублигим муборак,
 Кўзлан ниҳон дунёларга мансублигим муборак,
 Ёмғир билан тўлган дарё каби тошиб кетялман,
 Бир нотаниш тубсизликка сассиз тушиб кетялман...

Абдулла СОДИҚ 1970 йил Қувасой шаҳрида тугилган. Қувасой шаҳар "Дўстлик байроғи" газетасида хизмат қилади. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган. "Ёшлик" да илк бор чиқиши.

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ - ЗАРУРИЙ ЖАРАЁН

Жамият ўз таракқиётида бир босқичдан бошқасига ўтаётган даврда маънавий ва мафкуравий жаҳаларда ҳам янгиланиш рўй беради. Собик иттифоқ тарқалиб, унинг худудида вужудга келган мустақил давлатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам, ижтимоий-сиёсий мезонлар ўзгариб бораётган ҳозирги даврда ана шундай жараён кечмоқда.

Истиклолга эришилганидан кейин юртимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш йўлидан борилмоқда. Дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий талабларга мос, демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий мақсадга айланди.

Бунинг натижасида жамиятнинг маънавий янгиланиш мезонлари, мафкура ва маърифат билан боғлиқ мақсад ҳамда интилишлари каби масалаларнинг қатор жиҳатлари ниҳоятда долзарблашиб бормоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар жаҳон цивилизацияси талабларига мос келади ҳамда ижтимоий барқарорликка асосланади. Унинг натижасида янги-ча яшаш усулини устивор қилиш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, шарқона урф-одатларнинг замонавий жиҳатларини ҳаётимизда қўллаш билан боғлиқ вазифалар ҳал қилинмоқда. Ўтган даврда ўзининг талабларини сўзсиз ўтказиб келган ягона, тоталитар синфий-партиявий ғоялар ўрнига истиклолдан нур олган

янги жамиятни куриш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий омилларга ниҳоятда қатта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда бу жараён турли муаммоларни ҳал қилиш, ранг-баранг вазифаларни ечиш билан характерланади. Шу аснода жамиятнинг истиклолга асосланадиган маънавий-ахлоқий мақсадлари, мафкуравий идеаллари ва улар билан боғлиқ эҳтиёжлар, талаблар, интилишларни уйғунлаштириш муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу борада яна қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон миллий истиклол йўлидан бораётган ҳозирги кўпқиррали жараёнда, мамлакатимизда маънавий янгиланишнинг узлуксизлигини таъминлаш истикболда маърифий ва мафкуравий омилларнинг уйғунлигига эришишни, улар билан боғлиқ таракқиёт мезонининг замонавий хусусиятларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилишни заруриятга айлантиради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва чуқур ислохотлар жараёнида барқарорликнинг сақланиши Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бошчилигида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий омилларнинг уйғунлигига асосланган ҳолда олиб борилаётган сиёсатнинг натижасидир. Бу сиёсатнинг асосий тамойиллари, мафкуравий ҳамда маърифий йўналишлари мавжуд. Ушбу йўналишлар келажакдаги режаларни тўғри белгилаш ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш учун асос бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда рўй бераётган ислохотлар

жараёнида бир тарихий ва ижтимоий даврдан иккинчисига ўтиш содир бўлмоқда. Бундай шароитда маънавий, мафкура ва маърифат соҳасида эскиликнинг инкор этилиши ва янгилликнинг вужудга келашидан иборат жараён рўй бермоқда. Ана шу жараёнда юксак маънавий мезонлар ва идеаллар шаклланимоқда, улар келажакда барқарорликни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Республикаимизда ирки, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, эътиқодидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳамжихатлигига асосланадиган ижтимоий муҳитни шакллантиришда маънавий омилнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Учинчидан, Ўзбекистонда жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврига мос келадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ранг-барангликнинг уйғунлигига асосланадиган маънавий мезонларни яратиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш йўллари, омиллари ва бу борадаги долзарб вазифаларни ҳал қилиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Собик иттифоққа ҳос маънавий муҳитнинг ўтмишга айланиши жараёнидаги инкорни-инкор билан боғлиқ масалалар, янги демократик хусусиятларга эга бўлган яшаш тарзини шакллантириш имкониятларини кенгайтириш эътиборни янада кўпроқ талаб қиладди.

Тўртинчидан, мамлакатда ижтимоий барқарорликни сақлаш ва унинг узлуксизлигини таъминлаш автоматик тарзда ва осонгина рўй бермайди. Балки, у турли кучлар, ҳаракатлар, партиялар, уюшмалар ва интилишларнинг умумийлаш-

ган фаолияти сифатида намоён бўлади. Уни тартибга солиш, режалаштириш ва бошқаришда ҳозирги жараёнларнинг асосий ташкилотчиси давлат бош ислохотчи ролни ўтайди. Мазкур талаб мустақилликни мустаҳкамлашнинг маънавият билан боғлиқ омиллари аҳамиятини ошириш борасидаги ишларда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб қолаверади.

Бешинчидан, мустақил мамлакатимизда янги, демократик, умуминсоний хусусиятларни барқарор қилиш асосида инсон қадрини оширишга хизмат қиладиган маънавий, маърифий ва мафкуравий жиҳатларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Ижтимоий барқарорлик Ўзбекистондаги ислохотларни амалга ошириш имконини берадиган асосий шартлардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда унинг узлуксизлигини таъминлашга ёрдам берадиган мафкура ва маърифат билан боғлиқ омилларнинг самарасини оширишга хизмат қиладиган чора ва тадбирларни мутғасил ўтказиб туриш зарур. Бундай ҳолатда масалага комплекс ёндашиш талаб этилишини назардан

кочирмаслик зарур.

Айнан ана шундай зарурият жамиятимиз ҳаётининг маънавий жабҳаларида сезиларли ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Бу борада айниқса Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари ташкил этилганлиги айни мақсадга мувофиқдир. Улар бутун мамлакатимиздаги маънавий ва маърифий жараёнларни мувофиқлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ана шу мақсадни амалга оширишни ўтмиш маданий меросимизни тиклаш; асраб-авайлаш ва ижодий ривожлантириш борасида олиб бораётган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин. Жумладан тарихимизда ўчмас из қолдирган ва дунё маланиятига катта ҳисса қўшган бир қатор аллома ва мутафаккирларимизнинг барҳаёт сиймоларини тиклаш, жаҳонга машҳур тарихий шахсларимизнинг асл номларини қайтариш шулар сирасига киради.

Бундан ташқари айни кунларда мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда “Кадрлар

тайёрлаш миллий Дастури”нинг замонавий руҳда ва кенг миқёсда ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги ҳам давр талабидир. Шу билан бирга республика-мизда “Соғлом авлод учун”, “Камолот” “Умид”, “Устоз” ва бошқа шу каби жамғармаларнинг ташкил этилганлиги, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинганлиги мазкур масалага жиддий эътибор берилаётганлигидан далолатдир.


Табиийки, Ватанимизнинг мустақил тараққиёти бу борадаги фаолиятларнинг моҳияти, мазмуни ва мақсадларини тубдан ўзгартирди. Хусусан, бутунгунга келиб мафкурага умуминсоний қараш, маърифий тизимни эса демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари бормоқда. Айнан ана шундай ўзгаришларнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш ниҳоятда долзарб бўлиб бораётганлиги зарурий ҳолдир.

*Тамара МИРНИЁЗОВА,
Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти катта ўқитувчиси*





Асад ДИЛМУРОД



ОҚ, АЖДАР САЙЁРАСИ



Азал қули қоплаган сиру савдо шу кунда. Лаъл шаҳри тақдиринга битилган ёндош чизиклар ва белгилли ўлчамлар паноҳида хотиржам ўрнашган фаслда очилгани кутулмаган ҳодиса бўлди.

Осуда ҳаётга кўникиб қолган шаҳар бир силкиниб олди.

Раҳматли бобомнинг шундоқ ҳам безовта руҳи не кўйга тушгани менга қоронги... Майли, ҳозирча бу ҳақда индамаганим маъқул, негаки, ҳозир юрагимга қил ҳам сиғмайди.

Шаҳар аҳли, бир-биридан бегонасираб яшагани етмаганидек, кечмиши ва эртасидан беҳабар, ажабки, бирон валюта бун ҳолисона тан олишни истамасди. Ҳар ким тирикчилик иқир-чиқиринга кўмилган, шу боисданми тез-тез ҳаёт зерикарли эканини эслатувчи нолишлар эшитилиб қоларди. Асли эрта-кеч кўҳна дошқозон тиғимсиз қайнарди, бозорлар мол-ҳолга тўла, нарх-наво кун ора кўкка сағиналашгани айтмаса, барчаси маромда эди. Қурилиш бисёрлигини айтинг: осмонлар бинолар ой-йил сайини шаҳар хуснига ҳусн қўшарди.

Чиндан-да, бора-бора Лаъл деганимиз азим Самарқанд, Париж, Рим билан беллаша олгудек даражада қуч-қувватга тўлди, фақат унинг чиройига доғ туширадиган уч-тўрт кўримсиз бино хануз кўзга қалнинардики, бири руҳий химоялаш маркази бўлса ажабмас.

Очиғи, уни иморат дейишга тил бормайди. Айтишларича, қачондир санитар гуруҳига мўлжаллаб қурилган экан. Бирдан омади юришган гуруҳ бошқа қўлай маконга кўчгандан кейин, кимдир, раҳим келиб, ушбу ташландик гўшага фойдаси тегиш-тегмаслиги дарғумон марказни номинатинга тикиштириб қўйган. Атиги иккита хона кензор бўлганда ҳам қийинчилик учна сезилмасди, бориники, кўҳна бир жавонни ўрнатганимиздан кейин эмин-эркин кириб чиқиш имкони бўлмай қолди.

Яна денг... Оти овра, кети тоғора қилиб марказга бошлик тайинлаб қўйишганига қуясизми, куласизми? Ихтиёрингиз, бугеги шуки, ўша зўраки бошлик галати ишхонадан ҳам, эртдан то қаро кечгача бекорчиликдан эснаб ўтирадиган ва ора-сира мижоз мўраласа довдариб қоладиган ходимлардан ҳам ашқонда беиз улурган. Илюжини топса сал ёғирок, елиб-югургани мундоғ билинадиган, нуфузи баландроқ маҳкама ёки шифохонага жўнавориш пайида. Неча бор келиштириб ариза ҳам ёзди. Қани дардини эшитишса. Жавоблари доим бир хил: келажак руҳшуносларики, шоммасангиз марказни кенгайтирамиз, мўъжизали ускуналар билан жиҳозлаймиз, игна тешигидан бемалол туяни ўтказиб юборадиган ўнлаб сехргар атрофингизда гирдиқапалак бўлади, койил-мақом хизмат машинасида юрасиз...

Оти ҳам ҳалигидай, супраси ҳам қуп-қурук идорада ивирсиб, олақурук ваъдаларга лаққа учиб, ох-оҳ, кечаси қўшалок чиройи осмону фалаккача ёритадиган ялтироқ уловни тушларида кўрадиган ўша банд кимлигига қизикиб қолганингиз тайин... Қўлоғингизни яқинроқ тутинг: ўша, ови юришса ҳам дови юришмаган банд - қамини, ҳа, ажабланманг, худди ўзим!

Эзма эмасман, ёлгонни ҳам эпловмайман, фақат сал... хотирим паришон, хўш, нимайди, хомхаёлман десам тўғрироқ бўлар. Ана шу дард менга йўрғақда теккан. Э, яна нима теккан. Худо биледи. Фоний дунёни бемаврид тарк этган бахти қаро ота-онам ҳам менинг бедаво феълимдан бутунлай қуйганиди. Улар ҳуқуқ дарғаси бўлишимни исташарди, мен эса, тақдиримга битилгани руҳшунослик, дея, икки оёғимни бир этikka тикиб олдим. Муқаррар тарзда мен эришажак шўҳрат манов тор хоналар исканжасида қузи ҳазонлар янглиғ сўлиди. энди унда қайтадан тириклик нишонаси кўринишга ишонгим келмайди.

Кўпинча йўлдошим - ёлғизлик...

Овунчим қайда? Балки, тунги самоннинг номаълум бир нуқтасидадир, балки, ерни беминнат нури билан тўкин қиладиган оймома бағрида, балки, юксакдан соқин жимирлаб тикиладиган юлдузлар шуъласида ниҳондир.

Билмадим, нега шундай, мен потаниш дунёга ошиқардим.

Ёру биродарларим сиру асроринми пайқашди. Бекорчилик бадига урган Камар Жонтой илмоқли гап қилди: "Ошнам-ов, зотингда зўри ўтганимиз-ёвв!" Илжайиб, гап жигонини бошқа ёкка бурдим. Камар Жонтой аста жилғач, қафларимни янгимга тираб, бобом Розик Қори девонанинг серекоол, ажини, меҳр ёғиниб туралган чехрасини хаёлимда жолаштирдим. Хали-ҳали эл ичида бобом хусусида бири бири билан келишмайдиган гийбатлар юради, лекин, мен эътибор бермайман. Негаки, бор ҳақиқат ўзим билан бирга, ҳеч ким уни менчалик билмайди.

Ёшнингда бобом улкан ҳовузини якка ўзи бир кеча-қундузда қазиб қўзган, шидек кетмон билан етти таноб ерини ҳордик олмадан ағдариб чиқаркан, қундузи тўрт паҳсали равот деворига лой отгач, кечаси ой ёрунда беда ўраркан... Гоҳо,

ҳафталаб кўринмай қоларкан, шунда одамлар: "Девона парилари билан ҳасратлашгани кетди", дея гап тарқатишаркан.

Тўғриси, бобом лақабидан орланардим, сираси, у бирон марта ноҳўя қадам кўйганини эслолмайман. Хайрли иш деса ўзини томдан ташларди. Бор меҳрини Оллоҳқа, ниҳоят, учна қатта бўлмаган ҳовли-боғи, ертўласида кўз қорачиндек асраб келган кутубхонасига берган эди. Ноёб китоблар бахти-тахти - кўп ўқирди, шу лаҳзаларда ҳар нарсани унутарди, яъни, ўз оламига яқинлашганда бошқалардан узоклашар, ҳагто мени ҳам қошига йўлатмасди.

Киш чилласида эса кўпинча бобом мени суйиб, эрқалаб, ўзи билан эргаштириб юрарди. Буидан кўнглим тоғдек ўсарди, негаки, фақат шунда у қорни ялангоёқ кечинини, лангиллаб ёниб турган чўғ устида қордона қуриб ўтиришини кўриш менга насиб этарди. Дами ўқир эди, Қуръони Каримдан дуолар ўқиб, майиб-мажруҳларни оёкка турғизарди. Қайсидир йили етти кун чилла сақлаб, нафас уриб, басир кўзини очган экан...

Шу инсон зурёди - қамини томирида тоза, қучли, жўшқин қон оқшига шубҳаланманг. Ахир, эс билгандан бери овозабон ишлар қилиш, кишилар дардига малҳам бўлиб, ҳар хил фалокатларни даф этганига иштиқмандлигим шундан далолат эмасми!?

Ўрзумини рўёбга чиқариш максасида бобомдан мерос қолган, хануз бегона нигоҳи тушмайдиган ертўлада сакланаётган рисоаларни яширикча мутолаа қилардим. Ертўлага тушсам беихтиёр бобом нафасини сезаман, бобом ёнимда чўккалаб, кетмон дастаси қовартирган қафтлари билан пешонамни сийлайди. Сўнг, нелардир устида тортишамиз, охири мен толқаман, бобом эса қурраи арз жодугарлари билан фазовий афеунгарлар ўртасида азал-абад мавjud зиддиятларни таърифловчи ҳикоятларини сўйлашдан қарчмайди. Охири, ухлаб қоламан, кўзимни очсам, жимжит ертўлада, чарми кўчган юмшоқ ўриндикда ёлғиз ўлтирибман.

Хилват ертўла чексиз хилқатни эслатарди, чамаси, бу ерга бобом руҳи мен билан баҳшлашиш, тириклик устидан ҳукм чиқариш учун қўқдан тушиб келарди, ким билсин, асли мени у эмас, қонотнинг ўзи мунозарига қорлармиди? Ҳар ҳолда мен қатта тортишувга тўла-ўқис тайёр эмасдим, нажот йўли сирли тўлқинлар узатишга мойил ўзаро туташ буржлар орқали ўтишидан беҳабар эдим. Қолаверса, аёнким, инсонни узидан ўзини қутқариб, ўзи ва ўзгалар ҳалоскорига айлантирадиган омил салохиятдир. Китоб ва билим ёрдамчи восита, ҳолос.

Шаҳримиз олимлари сардори Азиз Қамоллий мўъжазгина қишлоқ тез суръатлар билан йирик шаҳар қўдғасини олганини ҳизм қилолмай, ўлимни олдидан ҳам нуқул шундан ногинан Розик Қори девонани танишини билганимда ёқа ушладим. Мухтарам устозимиз самовий жиёмларини ўраганига бел боғлаб, ноидр қўлёмза суриштириб юрганда, бобом билан танишади ва қиёматли дўст тутинади. Уртада тутилган иззат-хўрмат туфайли бобом ёш олимга ноёб бир қўлёмза совға қилади. Кейин билсам, воқеа сал бошқароқ кечган. Аммо, бобом нолишини ёмон кўрарди. Тасодифан билиб қолдим Азизхон Қамоллий ертўлада ўзини тутолмаганини... Нима бўлганда ҳам у бобомни оғзидан бол томиб мақтарди. Қайсидир йили ёзда бир чўпонни илон қакканда дуойин хайр билан заҳри қотишни қайтаргани ва ажални снганини эслаб хаяжонланар, дийласи юмшарди.

Халол-покиза яшаб ўтган Розик Қори ҳурматини қилиб у мени қанотига тордди, кейинроқ: "Мана, ўқиниши битирдинг, манови соҳа оқсаб турибди, оёкка қўйиб бер", деди-да, марказга инсиз боғлади. Илмий кузатувиарим билан бирон клиник шифохона шўҳратини кўтариш ҳам руҳий муолажа оламиди инқилоб қилиш истагида эдим, на чора, орзуларим чил-чил синди. Мана, Худо ҳам назар солишни истамаган гўша гуноҳқор бандаларга керакми ёки йўқми, деган адишшда хижолат чекиб, бобом арвоҳидан мадад тилаб, оҳ-воҳ қилиб ётибман.

Мижоз биз учун нақд анқо уруғи, ҳарчанд зорикиб қутганимиз бефойда, излаш - гумроҳлик, ахир, у ихлос қўйиб, нажот кўзини тикиб, ўз оёғи билан кириб келишига нима етсин.

Батъан зерикчи ҳам мияни ишлатиб юбораркан: муовиним - тинимгур Камар Жонтой таваккалига ҳар ерда эълон осибди. Эрта-индин ишимиз унланиб кетинини қаромат қилди. Йўқ, дедим ўзимча, бу тадбир ҳам фойдасиз, негаки, биз ишончдан ташқарида - ўғаймиз. Эҳтиёткор, иззат-нафси билаш кимсалар марказимизга қадам қўйгани рўйи-рост орлиншади. Ахир, биродарлар, дунёни шарқираб оқдэтган дарёлар тутиб ётганда бир жойда туравериб сарғайиб қолган қўлмакка мойил бўлиш тентақлик эмасми!?

Шунақа, лекин, ҳар нарсанда яқун бор, ҳагто чегарасизлик ҳам вақти-соати етиб ўз ниҳоясини топади. Давр ўзардинми,



бирон туртки, яъни, ҳалиги эълон сабаб бўлдим, ишқилиб, марказимиз остонасида ўлгини ташлаб олган мискинлик бирдан чекинди. Бу ҳол тасодифга ҳам ўхшарди, қисқаси, бир эрта, одагидек истар-истамас келсам, аллақимлар йўл пойлашапти. Этибор бермай, одоб юзасидан шунчаки бош ирғаб саломлашдим. Ёнимдан бемалол калитни чикардим. Тавба, ҳар гал осонгина очиладиган қулф бу гал ҳадеганда юшмасаси денг. Роса уринганим боис аъзон баданимдан несик тер куйилди. Қаншарига ойнак кўндирган жиккакрок ўрға яшар киши қарашвормаси яна қанча азоб чекишим фақат Эганинг ўзига аён эди.

Раҳмат айtdим, сўнг, ичкарига қалам босарканман, ё, тавба, меҳмонлар шовқин-сурон билан ортимдан ёпирилишти. Ўтакам ёрилишига сал қолди. Бир амаллаб ўзимни босиб олдим ва таҳлика аралаш умид акс этган заҳил башараларга зимдан тикилдим. Кимдир дағал товушда жимликни бузди. Кейин... пала-партни саволлар жаладай ёниди. Қай бирига жавоб қилишни билмай довларадим. Оббо, дейман хитлашиб, булар қанақа одамлар, нукул сўрашади, айтганинги эса тинглашмайди...

Ҳали мушқулнинг осон қилган кас - Кўзойнак чечалгини айниқса қийвораркан, фақат, ташдан маъно ажратни қийин эди. Ахирини, у чўзинчоқ бетига мое тушмаган қийғир бурни ёнида бурттиб турган нўхатдай-нўхатдай кўш сўганидан полиётганини билдим. Лаънати шу нарса кечаси, уйкуда ётса йўқолиб қолармиш, ўрнида ангишворнага ўхшаш ўйик пайдо бўлармиш, эрталаб уйғонсаки, аҳвол эскича, бу жумбок тағига етолмай гарант эмиш...

Бир маҳал думалоқ бошига баҳмал дўнини қуйволган барваста кимса арзи-ҳолини қайтадан бошлаган сўзамол Кўзойнакни елкаси билан туртиб, бурчакка суриб юборди. Айни пайтда менга гуноҳқорона қаради, чечак изи қолган ок малғизи бетига синик қўли ёниди. Чуқур хўрсиниб қўйгандан кейин бешала бармоғи ҳам тағидан сизирга кесилган ўйг қўлини тумшунимга тутди. Тан олай: кўрққанымдан яна ичим музлади, тилим тағилаймига ёништи. Арзи-ҳолни бефойдалигини англаб улгурган Кўзойнак этак силкиб чиқиб кетган пайтда Полвон: "Ўв, мулла, бирон чорасини қилини!" - дея қўл қовуштирди. Чора? Нималар деб алжираяпти? Эси жойиндами?

Тавба, бир жума, кечки пайт ховлисдаги войиш тағида аччиққина кўк чой ҳўйлаб, ҳаёл суриб ўлтирса, бехосдан бадали варажалаб, ногирон қўли аста-аста тегнага қўтарилибди. Қарасаки, қачонлардир шўхлиги эвазига электр арра қурбонига айланган бармоқлари ўридан бинойидек ўсиб чиқибди. Аввал кўзларига ишонмабди, кейин чинқириб юборибди. Бошқалар ҳайрон экан... Ажабсизиниб елка қисган хотинини кўтара қилиб сўкибди. Хонтахта четига гурчиллатиб урибди. Аммо, энди кўраски, қўли муштмас, ўша хонича - тумтоқ эмиш!

Шундан бери задал экан, негак, кўча-қўйда, ховлида, автобусда ёки ёр-ошнаси орасида, ҳатто бирон маърақада бирмоқлари дафъатан ўсиб чиқаркан, сўнг, шўрликни суратдек қотириб, чирт-чирт узлиб ерга тушаркан-да, чирт-чирт мисоли думалаб-сумалаб сакрашаркан...

Офарин-ё, худди шу бедаво кўринишнинг аъза-баъза даф қилиш керак эмиш, йўқса, эртами, кечми, юракқинаси ёрилиб ўлиб-негиб қолармиш... Ахир, нима бўйни, қарнайчидан бир пуф-да!

Нарёгини ўзингиз тошиб олаверинг, нақд бошим говлади, ҳамма бало шундаки, ўша фожиали диққада Полвон миёсининг қай бир тўқимасида электр арра ваҳимаси чипта ўрнашган... Бу - бир умрлик ҳолат, демак, гоҳо Полвон самовий ўлчамдаги ўз тўлқини билан топишда, оқибатда болалик хотираси қўзғалиб, жунбушга келган сезимлар бармоқларини тирилтиради. Тегишли тўлқин саёқ қучлар зарбасига учраб, бошқа ўлчамга кўчган заҳоти сезимлар тағин мудрай бошлайди ва бари эски ҳолига қайтади.

Хотира сийқаланиши, рух таназзули танани ҳалокатга маҳкум этиши мумкинлигини Полвонга ётғи билан тушутирдим. Қулфатни хотиржамлик енгади, майда-чуйдага асаблигини бузавердан, дедим шўжи борича ўзимни босиб. Нечўндир лаблари оқариб кетган Полвон афғимга тик қаради, бор бисотинг шуми, ука, деди астагина, мен елка учирганимни кўриб, лагг очик эшикка ўзини урди.

Эг жимлик... Биз, шу қунагача зеркиш балосига гирифторм бўлиб келган биродарлар антрайганча бир-биримизга тикилиш, сўнг, томни бошимизга қўтарганча, баравар қахқаха отдик...

Худо ҳақи, ақл бовар қилмайди, бунақалар фавқулодда ноёб нусхалар экан, ҳусусан одағлари ғароиб: ғийбат, полиши,

норозилик... Сирқалари сув кўтармаслигини айтсангиз-чи! Энди, эрталаб уйғонгач, исенққина тўшақ ичида мудраб, эричқоқлик қилиб ётмайман, аксинча, ириб тураман, ўпкамни қўлтиқлаганча марказ сари чопаман. Эшик тағида ўйлаб миқоз интиқлашиб, бир-бирига ола қараб, гўссага тўлиб, нажот истаб қутаётганини ўйласам ғалати ҳолига тушаман.

Мен ҳаммасига, энг машаққатли синовга ҳам тайёр эдим, ажабки, умр бўйи иситма нималигини билган-билмаган ёки ҳар лаҳзаси талваса ичра кечадиган бандан ожизлар билан ўзимни бир қайикка тушгандек ҳис эта бошладим. Дардимни шерикларимга тушутиролмай ҳалакман. Ўзим билан ўзим қолганимда эса қўн нарса ойдинлашади, аникроғи, мен ёлғизликда дунё жумбоклари тағига етардим: ҳар лаҳза бобом арвоқи билан қовушишга мойил руҳим билан яккама-якка жанг қилардим; етардим, ентилардим. Қизини, ентиш ҳам, ентиш ҳам завқли, ҳар иккала ҳолда ҳам кўнглимни губорлар тарк этарди. Соқин бир фурсатда кўнглим ҳурлик оламини қирарди, уни ҳеч бир куч бошқармасди, у ўзини ўзи бошқарар, у тенглик навидасининг тағи олар, фалакиёт қудратини зухур этувчи сайёралар ва ўлчамлар сари талпинарди.

Атганки, ҳозирча масофалар замирида яширин мувозанат билан чиқишолмасдим, шу боис, бир-бири билан кесинган, юлдузларга ҳос салтанатларни туташтирган фазовий сўқмоқларда тез-тез адашиб кетардим. Ҳали қувватларимни маромига етказиб тоблашга улурмагандим. Танним ерда қолиб, руҳим осмону фалакка учган келарда айрилик аламинини туярдим, азоб чекардим.

Сир шундаки, қомил зотларда, руҳ ўз либосини ечиб хурликка эришганда, укубат эмас, роҳат намоён бўлади. Ҳали роҳат мендан йироқда... Жоним қийналишда... Шунга қарамай, ўжарлик билан олис сафарга оғланардим. Ва, уча-уча, балки минг, балки милён сайёрани айланаб ўтиб, сиз билан, сиз эдингизга била бошлаган мискин остонага қелиб қўлардим.

Ох, тинимсиз кўнишлар... Кейин армонли энтикишлар... Адловлар тош бўла-бўла юракка урилиши... Сўнг, тилак-хоҳиш оловига сув каби сениладиган жимлик... Жимликнинг ҳаёлини қучиши, астагина шуурни забт этиши... Бирдан умидлар қайта уйғониши... Худди шу лаҳзада Сомон йўли сарқадлари томон учгим келади, ҳозир ҳам... Аммо, руҳимда жоиланиш рўй берган маҳалда, хаворанг эшик, нимадандир отоҳ қандак, охишта зорланиб очилди. Ногоҳ, кимдир эдингизга бўй етган қиз бола товушига ўхшаш ёқимли товуш ила, эрқаловчи оханга, майин-майин шивирлади. Тахтадек қотим. Нима бу, тушми? Йўқ, бари ўнгимда рўй бераётганиди. Энди хона почорлини ҳам сезилмай қолди, деворлар жозибали тус олиб, билшурдек товланди. Хайратим ортди ва... ногоҳ, қуёқ шўгла ичра жодуваш қақнаётган жуфт кўзини кўриб қолдим.

Ажаб, бул қароклар бемор эмасди, аксинча, учраган ҳар жонни бемор қилишга қодир эди. Улар фақат постларди, дунёни ёндирини, хайратга солиш учун яратилганди, ичрасидан қурраи арзини зимзиё пардалардан ойна-осон фориғ қила оларди. Ҳамма гап шуни хоҳлашида, аммо, боқинишдан улар маккорга ўхшайди. Балки, улар сеҳри, жозибаси шу ҳолатида ниҳондир.

Мен кимман? Нега у мени йўқлаб келди? Бемор десам... Йўқ, ёлғон! Яна айтаман, тикилиши бошқаларни ҳасталашга қодир, балки мени шундай қаро қисматга маҳкум эттиш ниятидадир. Нима бўлса ҳам муддаосига етишти, бир зарб билан мен шўрликни заминимдан ниҳол янглиг юлиб олди. Кейин... бегараз, ҳа, ширингина қулги ҳади этди. Бари бир зумда рўй берди, жоним изидан ному нишонсиз кетди. Хонада шаввираб таним қолди. Рухсиз тағи нима? Химоясиз ёғоч-да!

Чекимга яна бир ғалва тушди: хонамга ногоҳ қелиб, ногоҳ гоёиб бўлган санам дийдорига етишмакдан орпик бахт кўзимга кўринмай қолди. Энди уни қидириб топишим керак. Акс ҳолда... Фақат, э, дариг, мановилар намуна тикилишч қилишаётми? Нима бало, бирон жойда бетоблар уяен бўзилдимми?

Жумбок қўп... Бари кетганда иккинчиси чикади: ҳар лаҳзада жонингизни ҳалқуминга келтиради. Қурраи арз бўғизга ёнишаётган бало-қазоларни даф этиш устида, фаҳми оғзимча, якка маҳовдай бўлиб фақат ўзим бош қотирардим. Ҳатто бутун бошли академия ҳам бекорчилик соҳида мудраб келади. Бугун бу фикримни тап тортмай Анзхон Қамоллий бетига айтдим. Тавба, устоз пинак бузмади, анчалдан кейин ўзи раҳбар бўлган лаборатория эрта-кидини фалакдаги ўзгаришларни қузатиш соҳасида қатта янглик қилаганини сўзлашга тушди. Негадир энсам қотди, чунки, бу аллақачон жаҳон эътироф этган олимнинг эски ашуласи эди.

- Озон туйнуги яна кенгайган...

Устоз чехрасида терап бир андух ифодаланди.

Бу фикр ҳам янглик эмас, фақат - даҳшатли... Кекса



аллома дардига қўшилмасликнинг иложи йўқ, у кейинги вақтларда ўша туйнукдан Ерга фақат Қуёшнинг зарарли нурлари эмас, турли сайёралардан зарарли оқимлар пайдар-пай ёғилаётганини ташвишланиб маълум қилди. Агар бу қулфат олди олинмаса келгусида Ер ақл бовар қилмас тўфон қомига гарк бўлади. Ажабо, одамзод нега бу ҳақда бош қотирмайди? Кунни ўтса бас - тирикчилик билан овора!

- Сабр қил, яқинда сени лабораториямга ўтказаман, - Азизхон Камоллий менга маъноли қараш қилди. - Қўлни қўлга бермасак бўлмайди шекилли... Лекин, айтиб қўяй, ўн кунча аввал эски бир қўлёмани йўқотдим. Бу яхшилик аломати эмас!

- Қандай қўлёмана экан, устоз? - дедим безовталаниб.
- Афсув китоби... Бобонг совга қилган эди.
- Балки... Бирон жойга қўйгандирсиз?
- Қайда? Химм! - Азизхон Камоллий лабларида аланечук истехзо кўринди. - Сиздингми, шаҳар нотинч, Зарқоя қонида қанақадир тўполон бўлаётганмиш...

- Хабарим йўқ,
- Кўзингни оч, гофил қолма! Мунақа гаплар турганда... Марказинг ҳашамини ўйлашни йиғиштир! Сенга ҳашам муҳимми ёки натижа, галваре!

Ер ёрилмадики, ерга қирсам! Негаки, ҳали, безатилган ҳосхонага кирганим захоти, гапни марказ ҳоли ночорлигидан бошлаган эдим. Ўйлаб қарасам, устоз ҳақ; ҳадеб бир нарсани баҳона қилавериш ҳам ярашмас экан...

Ховримдан тушдим, бу масалани қайтиб устозга эслатмасликка қасам ичдим. Рост-да, шундай обрўли зот хузурига аллақандай икбир-чикирни ортмоқлаб келиш уят! Қурмагур Қамар Жонтой ҳам анчагина бачкана, агар шу ниж-нижамаса ускуна-жиҳози тугал ундан каттаси ҳам ёдимга тушмасди. Аммо, нима қилай, бошқалар аллақачон тирикчилик кетидан жўнаб қолди, жонимга фақат шу йиғит ора кириб турибди, шу бўлмаса ҳолимга маймуллар йиғларди. Мана, у бутун ҳам ўрнини билдирмай, озмас-қўпмас, йиғирма бир инжик миждоз билан сўхбатлашибди. Бари билан тил топишибди, фақат бирини на аччик, на ширин гапга кўндирибди. Нуқул осмондан келармиш; арзи на чўмичда турармиш, на қошиқда...

Илож қанча, кун охирида, қалтам ҳумдек оғирлашган дамда, муросан мадора нималигини билмаган миждозни лутфан қабул қилишдан ўзга чора тополмадим.

Очини, Лалъ шаҳридан ташқарида ҳам отнинг қашқасидек танилган Хофиз Рустам Али - Зарқоя қонининг бошқони ташрифи яқин-орада бошланажак галвалар дебначаси бўлиб қолишини ҳали билмасдим.

Ранг-қути учган Қамар Жонтой бул зоти шариф мабодо майдон талаб қилса амриқолик Рок Феллер белини синдиришини эҳтиёткорлик билан қўлоғимга шивирлади.

Хар ҳолда, Хофиз Рустам Али доврўгини эшитганим, ҳатто талабалик йилларимда Зарқоя адирларини кезиб, йирокдан уни кўриш шарафига мўъссар бўлганим. Шу боис муовиним сўзларига унча эътибор бермадим, қолаверса, азиз меҳмоннинг сомон тикилган қопни эслатадиган барваста гавдаси эс-хушимни ўғирлаб қўйганди. Пишиллаб нафас олишига қараганда юрагини ёғ босган, кечалари босриқиб, яхши ухложмаса керак. Хойнаҳой шундан шикоят қилар. Ичимда маслаҳат пишита бошладим. Меҳмон эса семиз кафтларини чакқаларига босганча узоқ сукут сақлади, сўнг, қутилмаганда ўзини орқага ташлаб, ингичка товушда воҳ деб юборди.

- Давлат қалламини жодиди майдалайди-ку, а!?
- Нима ган, ака, тинчликми? - дедим гашланиб.
- Ярамастар, бир вагон нарса сўрашяпти-я!
- Жа гўжала қилдингиз, ака!..

Тутоқиб кетган бошқон ўқрайди, сўнг, ўзини босиб, борини майдалаб тушунтирди. Қулгим кистади. Ақча билан бештош ўйнайдиган, қўлини чўзса ойга етадиган шундай мансабдор телба-тескари экан, эвоҳки, миршабхона ўрнига марказимизга бош уриб келибди.

Юракни эзгудек зил жимликни енгилгина қулги бузди. Бенхтиёр ҳушёр тортиб, дераза томонга қарадим. Ажабо, бу қанақаси, ҳалиги кунни хузуримга ташриф бўлган малак нигоҳи ойна ортидан мени маъносизна кузатарди.

- Қандай кунга қолдим? - ҳикиллади жабрдийда.
Хушим гоҳ андуҳга кўмилиб ўтирган меҳмонга, гоҳ дераза ортидан мўралаётган паривафга кўчади: Билдим, санам йўроқда, лекин, иссиқ нафаси вужудимни чулғаётгандек туюлади. Ногоҳ у юпка лабларини таманноли буриб шивирлади: "Айтинг, рози бўлсин!" Ичим музлади. Ё, тавба, не савдога йўлиқдим? Ёки, ниям суюлиб қолдим?
- Бир одам келди уйимга, кийик марта... Боши тақир, яна

денг ғирт кўса! - сал ўзини босиб олди Хофиз Рустам Али. - Эрта-индин Хумор кўли ўғлим Давронни ютармиш, агар айтганини бажо қилсам ҳеч гап йўғиммиш!

- Васваса, - дедим хотиржам, - Жа бўшашиб қопсиз.
- Унинг афти курсин.
- Ўғлипингни кўчага чиқарманг. Вассалом!
- Фарқи йўқ экан.
- Э, ака, намуноча соддасиз? Ким айтади сизни фалон хазинанинг хўжайини деб!?! - хитланганча дераза томонга нигоҳ юбордим, жодугар кўзлар таъкибини ҳис этмай, анча енгил тортидим. - Изқуварларга хабар берсангиз-чи!
- Асло, асло! - Хофиз Рустам Али томоғига суяк тикилгандай олайди. - Худо кўрсатмасин, унақа қилсам ҳовлимни... Нима десам? Тавба, газанда босармиш!
- Газанда? Сиз... Ака, ошираяпсиз!
- Ёлгон гапирсам тил тортмай ўлай!
- Шу... Кўса деганингиз шунчаки бир фириблар бўлса керак.

- Қайдам. Энагарини кўзи ёмон тушган, - ён-верига атанлади бошқон. - Укажон, эшитдим, сиз... шунақаларни дам уриб тийиб кўярсансиз.

- Ўҳ-ҳў, - дея илжайдим, - шунақа фазилатим бор эканми?
- Мен билан талашманг. Оғзингизга сиққанини сўранг.
- Мен ҳам бир вагон талаб қилсам-чи!?
- Ҳазилнинг мавриди эмас... Ука, мен сизга айтсам, шаҳримизни қандайдир шайтонбачалар қўлга олмоқчи эмиш! Эл оғзида шунақа гап юрибди!

- Бас, чарчадим, - дедим елкам тиришиб.
- Майли, мени ҳам, оиламини ҳам ўйламанг...! Давроним умри хазон бўлса бўлар! - дарғазаб ҳолда давом этди бошқон.
- Аммо, Зарқоя тақдири... О, бу тубанлик! Наҳотки, қўлимиз шу қадар қалта? Улар бунча нимасига ишонишади?

Рости, кўнлимга гулгула тушди, аламини дастурхон қилиб ёзаётган Хофиз Рустам Алига жўяйди бир гап айтолмадим. Тасаввуримда жонланган жумбоқ олдида ожиз эдим. Ҳали Азизхон Камоллий билан орамизда кечган сўхбатни эсладим. Рост экан-да шаҳарни номатълум тахлика қучгани! Зарқоя мулкига кўз ола қилганлар қимлар?

3

Эрталаб сочи елкасига тушган ўрта яшар киши келди. Қарийб уч соатча арокка пул бермай қўйган хотинини ёмонлади. Охирида қўлоғимга шивирлади: "Қанчикни қайтиб ўлдирай? Пичоқлайми, сува чўқтирайми?"

Соч-соқоли қордай оқарган чол кирди. Неча йилдан бери томга чиқаркан, аммо, осмондаги ойга қўли етмаётганидан армонда экан...

Сал ўтиб пайдо бўлган эпчилгина дўпшили кимса ўзини Лалъ шаҳрининг донги кетган дурадзор устаси деб таништирди. Эс билгандан бери у Зарқоя тизмасидаги энг баланд чўққини тағидан кемираркан, насиб қилса, эрта-индин уни қулутаркан. Маслаҳат сўради: "Шундай қилсам элга наъфим тегадими, йўқми?"

"Тегати, тегати!" - дейман хўмрайиб.

Шунақа, илгари бекорчиликдан зериккандик, энди эса... иш қўлигидан хитланамиз. Аникроғи, Қамар Жонтой нолигани нолиган, аммо, мен фақат шукур қиламан. Ҳалиги тошгешар меҳмонимни кузатиб қўйганимдан кейин анча енгил тортидим, хаёл оғушида ўлтирарканман, ногоҳ ситамгар санамнинг сўта чайилгандек беғубор чехраи малоҳатини кўриб қолдим. Бошимга гурзи тушгандек ганидим, юрак ҳовучлаб, айт, кимсан, қайси макон гулсан, дедим, лекин, у жавоб қилмади, юпка лабларини буриб қўйди.

Ана шу ҳолати менга кўпроқ ёқади. Қирмизи дудокларидаги таманнога мен ўзимни қурбон қилишга тайёр эдим. Хартугул у ичимдагини сезди, беозоргина қулади. Сўнг, жимгина кузатади, лекин, яқинимга йўлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Негадир тутоқиб, шитоб ила унга таппиндим. Қай ердидир каттол чегара бор, хар галидек шундан нарига ўтолмадим. Адамим қучайди, ночорона бир тарзда миждозимга разм солдим. Ёпирай, ахир, бу кадрдоним Хофиз Рустам Али-ку!

- Укажон, - деди меҳмоним жиддий, - Давроннинг аҳволи оғир, шўримга шўрва тўқилмасе!
- Ҳаням бормаднингизми миршабхонага?
- Йў-а, ўғлим кўзини юмса... алламбало... тушига...
- Бари бўлди, туш қолдимми?
- Оқ нарса... Оппокмишми-ей!
- Нимайкан ўша қуриб кетгур?
- Газанда! Оти курсин!
- Яна гўжала қилдингиз-да.



- Газандаси... илон-да! Овв, шўргина пешонам! - бўғилди аламзада бошқон. - Юринг, сизни олиб кетгани келдим. Болам бечорани кўриб кўйинг, зора нафасингиздан шифо топса! Э, сизни кимлар мактамади, дам уриб тошни сув қилворадиган одам невараси экансиз.

- Бўпти, бораман, эртага кечкурун!..

Кули... Чинни жарангидек тиник кули янгради кўкимтир ойнали дераза ортида. Жимжит хона қандайдир сирли оҳангларга тўлди, сўнг, таҳдидли шивир эшитилди: "Айтинг, фойдаси йўқ! Хар йили бир вагон! Бу - денгиздан томчи!" Оҳиста хўрсиндим, дераза сари нигоҳ юборишдан чўчиб, гужанак бўлиб олдим.

Ҳофиз Рустам Али қачон ғойиб бўлганини эслолмаيمان, сал хушимни йиғсам, рўпарамда Қамар Жонтой илжайиб турибди. Муовиним можагорога нописандлик билан қараётгандек туюлди. Йўқ, у паршонҳол, бетига недир ҳайрат соя ташлаганди.

- Ёруғ оламда нелар бўлаётир? - деди у ниҳоят жаҳл аралаш.

- Кунчи кеча бир аёл шунақа... шикоят қилувди.

- Йўғ-е, наҳотки!? - дедим бўзариб.

Ёлгон Қамар Жонтойга бегона... Тузуккина ясан-тусан қилиб, қош-кўзини бўяган хушқомат жувон йигит бечорани ҳоли-жонига қўймай ташқарига судрайди. Рўпарадаги бекатда қизимтир папка қўлтиқлаганча нари-бери одимлаётган жиккак кишини кўрсатади. Бир кун шу киши жувон йўлини тўсиб, газандадан эҳтиёт бўл, дебди-да, кўздан йўқолибди. Ушандан буён бечорага думи узун, териси ялтироқ махлук кўринаркан: кўча-қўйда, ишда, ҳовлида, том устида... Кейин тушига қирадиган бўлибди. Хар кеча у тинчини бузиб, ваҳима соларкан. Кейин яна Кўса йўлиқибди. Жон ва даҳшат ўртасига юз минг доллар тикилибди.

- Бу қанақа жумбоқ?

- Билмадим, - деди Қамар Жонтой ўйчан алфозда. - Бишишимча, жувон Англиё кироличаси билан дугона экан. Юз минг дўллари бериб қутилган. Келмай қўйди.

- Алжирам, Жонтой, - дедим жаҳлдан кўзиб, бошқон можаросини унутганча, - одам боласи беўхшов бир туш учун ўзини ўзи шунчалар хўрлаши керакми? Худойим ақлу идрокни нима учун берган?

- Туш арзимаса... Жон-чи, жон!?

Қамар Жонтой ҳақ, инсонга энг азизи - жон, фақат гофил қолмаслик жоизки, жон атойи Худо, керак вақтида Узи қайтариб олади. Бу кунда У Азроилини шаҳар оралаб юрган Кўса қиёфасида йўллаган бўлса не ажаб?

Аёнки, Қодир зот мўмину мўминларга ҳуда-беҳуда ёмонликни раво кўрмайди, офатни суллоҳлар бошигагина ёғдиради. Таваккалчилар эса ҳар доим ўт ва сув ўртасида тўлганарлар, кўпинча нима билан яқун топинчи номаълум ажаб ҳодисотлар қурбонига айланарлар. Бағдаси кўнгили кўчаларида ўз ихтиёри билан адашадими ёки Оллоҳ хоҳиши туфайлими? Балки, руҳи ва қонида азаддан мавжуд беқарорлик уни мусибатлар гирдобига улоқтирар?

Лаъл шаҳрини исканжага олаётган мағиячи гуруҳ эмасми?

Бу - шунчаки фаразим... Ҳақиқат эса тахмин ва гумонлар заминда туғилади. Хар ҳолда, буни Қамар ҳам, мен ҳам сал-пай тасаввур қила олардик. Хай, хай, Қамар Жонтой мен ўйлагандан кўра пишиқроқ экан, у Лаъл шаҳрини исканжага олган хавфни билган ҳолда, ўзини гофилликка солди. Анча муқаддам у ҳали институт машғулотлари таъсирида юрган тўпоригина йигит эди, фазо билан инсон сихати ўртасидаги алоқадорликни узук-юлуқ тасаввур қиларди. Вақт ўтиши билан ўзини анча тугтиб олди, энди у жон-жаҳл билан биоқувватлар хилма-хиллигини ўрганди. Ҳагто у бир кун радиотўлқини ёки фазовий тўлқинлар воситасида кучайтирилган биоқувватни қурраи арзиниғ исталган бурчагига, исталган одам миясига, қолаверса, ўзга сайёраларга узатиш мумкинлигини шарҳлаб берди.

Қамар Жонтойга ичимда тан бердим, чамамда, у ушбу жаҳхала мендан орда қолмасликка тиришаётган эди, ҳартугул мен кенгроқ кўламда ҳаракат қилаётганимди, яъни, ҳар кўнгили билан беғараз-иттифок тузиш, руҳни ва тафаккурни ташқи озорлардан қутқариш, ногаҳоний хурўжлардан шикаст топган жон ёки ниймон таназзула учрашини неботлашини олдими мақсад қилиб қўйганимди. Кейинча, Азизхон Камоллий билан маслаҳатлашган, бүгун эътиборимни руҳ ички имкониятларини текширишга, мия қобигида тинимсиз кечадиган ҳолатлар мувозаанатини меърида тутиш орқали одамзод муҳофаза қобилиятини кучайтиришга қаратдим. Маълумки, бош мия қобини ўта таъсирчан бўлади, у ўзидан ҳам бегона нишон қидиради, ўзини қутқариш учун жавоб ҳужумига ўтади.

Очиги, беҳисоб жафоларни бошидан кечирган Ер, галактикадаги ўзга сайёралар иродаси билан Инсон ақлу идрокни

орасидаги ўзаро боғлиқ қонуларни аниқлаш ва кашф этиш учун биз ҳаётимизни қурбон қилишга ҳам тайёр эдик.

Аллақимлар учун кириш душвор зиммиё горга ўхшайдиган ушбу янгиликни аввало руҳий-ҳиссий тасаввур, ниҳоят, ҳалигача нималиги номаълум биоқувват воситасида рўёбга чиқариш мумкин эди. Фақат ўшандай имконга етишунга қадар инсон маълум тайёргарлик босқичини ўташи лозим. Билингни, руҳ оживлиги - тан ва дил мажруҳлиги, руҳ қаровсизлиги - тафаккур ва идрок беқарорлиги!..

Мана, муаммо нимадалигини сал бўлсин англадингиз, аммо, мижозларимиз буни тушунишларига анча бор, улар мадад тилаб келишадими-да, кўчага чиқишга заҳоти қулқоқларига қўйилганини унутиб, ўз билгиларича иш тутишади. Ёрдам сўровчилар қанча кўпайган бўлса, афсуски, бизга нишонмай қўйганлар шунча орди. Аҳволни ўзгартириб, салмоқлироқ натижаларга эришиш учун мукамал дастур зарурлигини англадик. Яхши ҳамки илгарироқ домла Азизхон Камоллий топшириғи билан академия руҳшунослар учун махсус кўланмалар чоп этган экан. Тўғри, ҳозирги кун учун улар бир қадар, эскирган, деярли яроқсиз. Айрим эътиборга лойиқларини янги хулосалар ва қарашлар билан бойитиш, қайта наشر қилдириб, аҳоли ўртасида тарқатишга қарор қилдик. Аниқроғи, игна билан қудуқ казишдек машаққатли бу вазифани камина гарданимга олдим. Ишга қизғин киришганим сайин узатилган фикр билан беморни соғ, соғни бемор қилиш мумкинлиги кўҳна ёзма манбаларда теран баён этилганига ишона бошладим.

Жимжит ертўла... Нақшли, ойнаванд жавонлар...

Недир илинжда юмшоқ ўриндикка чўкман, паршон ҳолда муаззам китобларга термиламан. Борлиғимни бир хавас чулғайди, сезимларим сим-сим кўзгатади ва кўз ўнгимда ҳали шухарга айланган улурмаган Лаъл кишлоғининг ўрта гузаридagi кенгина майдон, лип-лип ўчаётган гулхан, чўғ уюми устида чордона қуриб ўтирган мўйсафид гавдаланади.

Эсимда, ўн тўрт ёшда эдим, бобом Розик Қори бир кун тўсатдан кўринмай қолди. Югуриб ертўлага тушдим. Қарасам, саҳлда тиз чўккан, боши ҳам, ёноқлари ҳўл... Анчадан кейин андухли шивирлади: "Эсиз, гаҳхаримдан ажрадим!" Билдимки, падари бузруқлари, яъни, бобоқалоним Хиндистондан келтирган Афсун китоби ғойиб бўлибди. Рисолада Ердан Қуёш вақти билан бир неча минг йиллик масофада жойлашган сайёраларга, моддий ва номоддий дунёларга саёхатлар уюштириш, фалақнинг номаълум сарҳадлари, бинобарин, фазовий буржлар, ўлчамлар, турфа чизиклар ва заррачалардан тарқаладиган нурлар билан тўлқинларни тутиш, маълум мақсадларга хизмат қилдириш, шунингдек, афсун, жоду, тилсимот мақомлари таъриф у тавсиф қилинган экан. Кейинча, бобом ертўлада қирқ кун чилла ўтирди, менга номаълум қагдайдир машғулотлар асосида хотираси қатларигада жами биллиларини тиклади, сўнг, барини қозоғга туширди. Очиги, ўшанда ҳар жиҳатдан мағиз тўқ, қизикари, ҳар бир хулосаси манتيкий далилланган рисола туғилганини бу кунда фахмлаб турибман.

Йўқолган китоб, шаксиз, азал-абад зиддиятли дунёнинг муфассал баённомаси бўлгани аниқ... На чора, ҳозир у кўлимда йўқ, кўрлигим - кўнглим кўзи очилмагани боис эзиз йиллар у ким томонидан гум қилингани менга ниҳон қолди. Руҳим ва шууримда рўй бера бошлаган тозарлиш туфайли ногоҳ сир ойдинлашди. Ертўлада мумдек эриб ўлтирсам, ё, тавба, тасаввурим ойнасида Азизхон Камоллий жонланса денг, Хали йигирма бешга тўлмаган вақтларида у келишган, бақувват, тик бокишли эпчил йигит бўлган экан. Соддалик, хушфел бобом, о, ана, уни ертўлада ёғиз қолдириди. У эшикка ҳадикли қаради, сўнг, жавонда эъзозлаб қўйилган кўк баҳмал муқовали китобин олиб чамадончасига яширди.

Сиз таажжубда... Ҳозир тушунтиришга урипаман. Фаҳимча, ертўладаги воқеани ўша фурсатда қайсидир олис сайёрада яшовчи қонли киши руҳий нигоҳи билан кўришга улгурди ва хотирасига жойлайди. Орадан неча йиллар ўтиб фақирда шу синаот тағига етиш эҳтиёжи туғилади, ушбу эҳтиёжни бош миям нурга айлантириб қонотга тарқатади. Нурин қабул қилиб олган ҳалиги ғувоҳ зот ҳам ўз навбатда шундай юмушни адо этади: хотирасидаги воқеани тўлқинга жойлаб, мен сари узатади. Ажабо, ўша киши ким, у қайси сайёрани ошён тутган, нечун менга кўмак бериш учун ошиқаётир?

Бора-бора мен узим тузган дастур қулига айландим, энди шу нарчасиз бир қадам босишга ожиз эдим, у мени кўкда кеча-кундуз кечадиган ниқиллобниғ қоқ ўртасига даъват этарди. Аҳийри, бобом Розик Қори руҳи олис сайёрадаги Номаълум киши руҳи билан ягона эканини найқаб қолдим. Бу ҳам бир кашфиёт эди, ҳа, аста-аста кўнглимни танидим,



энди руҳим танимнинг ҳақиқий соҳибига айланди.

Шукур, шундай бўлди, йўқса, иродам ва идроким руҳим ва таним оралиғидаги бепоеён хилқатда сарсону саргардон қолса, балойи нафс жонимни тутқун қилиб ётса, йўлидан адашганлар билан қулфатга дучор бўлганларни қутқариш учун уринишимда маза-матра бормиди!? Маладга муҳтож одам берган мадад нимага ҳам арзирди?

Тасаввурим ойнасида зухур бўлган ҳақиқат ростакамига аччиғимни кўзгади. Бобомнинг ишончи оёқ ости қилиниши меҳдек қизикқон набирани қасос олишга ундарди. Тўғри, у - устозим, лекин, унинг бу мавқеи, сир бетидати қулни тортиб ташлашга монелик қилмаслиги керак. Неча кун ўзимни шунга ҳозирладим, безағи ва жиҳози кўзни ўйнатадиган ўша хоҳсонга дадил отилиб кирдим-у, Азизхон Камоллий ранг-рўйини кўриб не камсада келганимни унутдим.

- Тахминим тўғри чиқди, - деди у мени илик қаршилаб.
Сўз яна Озон туйнуги устида шеклили... Ошқора хитланиб, устоз бетига тикилдим. Ажин қоплаган очиш бетидати ташвиш шу қадар теран эдики, беихтиёр каловланиб қолдим.

- У шаҳарда... неча ойдан бери...
- Кимни айтасиз, устоз?
- Бир банда... Афсун китобиди ёзилмиш банда!
- Тавба қилдим-а, ачиб кетди-ку миямнинг қатиги!..
- Сен ниманиям билардинг? Бу эски тарих... Шундай одам келиши керак эди Лаъл шаҳрига... Мана, келди. Энди ҳозир бўл, акс холда сени ё оловда ёндиради, ё сувга чўктиради.

- Мени? Нега энди айнан мени?
- Ҳамма бало шунда! Айнан сени! - бўғилгудек бир ҳолга тушиди академия президенти, қутилимаганда. - Замонда Зарқоя ҳам тилсим қилинган. Энди бунинг аҳамияти йўқ! Шундай хазина Хофиз Рустам Али қаби бир зот мулкига айланди. Давлатни орага бекорга тикиштиради.

- Тилсим кучини йўқотмиш, шундайми?
- Кўп яша, топдинг.
- Хўш, - дедим ховлиқиб, - бунга менинг нима алоқам бор?

- Охиритгача тингла... Хўш, бир жон бор, Зарқояга тегишли... Хали шу жон тилсими ечилмаган... Ўша жон кимлигини мен ҳам билмайман, фақат ўша жон сенинг тақдиринг билан чапишиб кетгани аниқ... Раҳматли бобонг Розик Қори қилган қароматлар аён бўла бошлагандан бери шуну ўйлайман. Қисматинг оғир... Қисматингни кутиб олишинг керак. Сен билан руҳий машғулотларга зўр берганим боисини энди англагандирсан?

- Худо ҳақи, халиям ҳеч нарсени тушунмадим!
- Ҳа, бир гап қопти... Халиги келиндинг мудаоси - Ерни асир қилиш! У даҳшатли режалар тузган! Яъни, сен орқали тилагига эришмоқчи! Сендан бошқа ҳеч ким унга ёрдам беролмайди. Йўқ, яна бир жон... Зарқояга алоқадор жон ҳам... Насиб қилса, у кимлигини эрта-индин ўзинг билиб оларсан!

- Юрагимга ваҳима солиб кўйдингиз, устоз, - дедим бўшашиб.
- Ваҳима!? О, шундан гапирма-да! - негадир Азизхон Камоллий пешонасини тириштирди. - Билсанг, ваҳима келгиндининг қуроли... Кай йўриқда ишласа менга қорони... Сен қутулиб қолай десанг... руҳий зирх яратишинг керак.

- Ҳа, ха... Лекин... Унинг нишони фақат мен эмасдирман?
- Бу гапингда ҳам жон бор... Хўш, ўғлим, энди бундай, биргалашмоқ керак. Йўқса, фақат Лаъл шаҳри эмас, бутун Ер фалокатга дучор бўлур! Бора қол, омадингни берсин!..

Ҳаётда илк бора мен билан беихоё очилиб, рўй-рост суҳбатлашган Азизхон Камоллий билан ғамгин алфозда хайрлашдим, мрамар остонадан узоклашарканман, курран арзинг қайсидир бурчидан Лаъл шаҳрига яқинлашиб келаётган қисматини қаршилаш учун ошиқайтгандек саросар эдим...

4

Ажабо, нечун кўчаларда одам сийрак?

Автоуловлар ҳам камчилдек... Балки менга шундай туюлаётгандир? Ҳозир ҳаёлим жойида эмас, фикрларим тарқок... Миямни устозим сўзлари пармадек ўйиб, зирқиратади. Қаранг-а: эрта ё индин мен ўз Қисматим билан учрашаман!

Шаҳар айланиб, беҳуда ўй суриб, чарқадим, марказга кириб, дераза орқали хуморваш боқайтган кўзларга дуч келдим. Тилла қандилларда минг шам баравар ёнаётгандек хона чароғон эди. Устозда очиб қўйилган китобни Камар Жонтой искагудек бўлиб ўқиётгани, ҳатто қоронғидан зорланганига ажабсиндим. "Қароқиб қолган чоғи", дея тўнғилларканман, тўсатдан эшик шиддаг билан очилиб, барваста кимса кўринди. Санам тезгина чекинди. Энди чиндан ҳам хона

қоронғуликка чулғанди. Фақир ўзимни ўнглашга улгурмай, дадага солиб кирган банда бўғзимга ёпишди. Йўғон, аммо, патдек юмшоқ панжаларни танидим, ие, ака, дея олдим. Утинчим Хофиз Рустам Алининг том битган қулоғига кирмади. Бир силтаб мени букди, чалқанча йикитиб, кўксимга тизасини тиради. Салокатли Камар Жонтой кўмакка шошилди. Жон беришига бир баҳа қолган омадсиз биродарини семизлиги Тангрига ҳам ёқмайдиган банда жангидан суғуриб олишга ҳарчанд уринди, кошқи эплотса.

- Мургад, сен сабабчисан барига!

Фаол мижоз томоғини йиртиб чинқирди, сўнг, қорнимда бемалол кўнкайиб, жағимга шап-шуп ура кетди. Тагин сўкингани ортиқча: қаллоб, қотил, безори! Барака топсин, Камар Жонтой ахйири йўлини қилди, қасосқорни бир тегиб қулатди. Тўлиқиб кетган шўрлик бошқон, саҳнда чўккалаб, елкалари силкина-силкина, ичиданини тўқди.

- Бор дедик, чўмилиб кела қол дедик, ойиси иккимиз ярамас тилларимиз билан буюрдик, - у пешонасига муштлади.
- Эвоҳ, шуну ўлгудек истадик! Бола пақирни ўз ихтиримиз билан ажал қўлига топширдик. Тамом, Давронимиз йўқ! Хумор қўли ютди!

- Лагга экансиз! - дедим ижирганиб.

- Ў, биродар, секин айтасизми? - у тутакиб, тагин менга хезланди. - Лаънати хоҳини! Одамни сўқир қилиб кўяркан-а! Мен гўмроҳ, бор деганим етмай, уни ўзим қўл бўйига етаклаб борибман. Ҳатто, ташла, ташла, деб зўрладим. Агар айтганимни қилмаса қок иккига айрилиб кетадигандек эдим. Кейин... ташлагач, севинганимни курсангиз.

- Ҳар нарса бўлинг-е!

- Ўзинг бўл ҳар нарса! - бўқирди бошқон. - Ярамас, икки оғиз маслаҳат беролмадинг-а эшлаб! Дори буюр, Амриқодан бўлса ҳам тоғиб келаман десам, масҳара қилиб қулдинг.

Аллаговур гашлик туйиб, секин нигоҳимни яширдим, сўнг, пажот истаб дераза томон ўгирилдим. Жодули кўзлар қачондир мени ё бор, ё йўқ қилишини эътироф этганимни биласиз. Лекин, ҳозир, мен учун мушкул соатда малак ҳамдарднинг сизмадим. Негадир у қовоғини солиб олганди, шу асно бир имо қилиб улгурдики, дарҳол Хумор қўлига бориб, рўй берган ҳодиса қай даражада тўғри-ноғуғрилигини билишим зарурлигини англадим.

Иккиланишга ҳожаз йўқ: ҳозиргина кирган кўнгир сочли йиғит билан бафуржа суҳбат бошлаган Камар Жонтойга чурк этмай йўлга тушдим. Хумор қўли ўнча узокмас, ҳадемай гарб томонда ястанган Зарқоя адирилари, ниҳоят, баҳайбаб чинорлар, қошлари гўж қайрағочлар, хаёлчан эрилган мажнунтолар шарқовида сокин чайқалаётган қўл кўринди. Шов-шувга сабаб бўлган нодир хазинани бағрига яширган тизмалар оралаб оқиб келадиган асов дарё шовуллаши ҳам қулоғимга чалинди. Соҳида тўшланган сон-саноксиз одамлар қиёфасидаги ваҳима-ҳадик бир зумда менга ҳам юқди. Не қиларимни билмай саросар тўхтадим ва, ё, тавба, қулоч етмас танасига эълон тахтаси осилган чинор тағида хоҳлаган вақтида дераза ортидан мўралайдиган малағимни кўриб қолдим.

У ажиб назокат оғушида: қўлтиғида тимсоҳ терисидан тикилган бежирим сумкача, эғнида энг охириг рўсумга кўра тикилган ёқаси очик маргиниюний атлас қўйлак, тим қора сочи турмақланган, ғажаклари қулоқ-чаккасини босган, пайваст қошлари остида порлаётган қароқларида недир навозиш, юпка лудоқларида нозик бир ийманиш зухур... Шу туришарида у лодувард мавжлар қаьридан сузиб чиққан парини эслатарди, тўё, бир шамол турса, хурқиб, қанот қокқанча сува шўнғийди.

Аммо мен унинг ғойиб бўлиб қолишини сира-сира истамасдим. Ҳалқгача уни ғойибда, ойна ёки ҳарир парда орғида кўриб келаётган бўлсам, мана, энди ўнгимда учратдим. Йўқ, шошманг, чалғидим, сираси аввал уни қайдадир кўргандекман. Ҳа, ёдимга тушди. Азизхон Камоллий уйда, устозим туғилган қунда!

Муболага эмас, ўшанда ул зот ёзган саховатли дастурхон атрофида тизилган настарин гуллар ичида энг тароватлиси мана шу нозанин эди. Адашмасам, исми - Дилфуза! Эсимда, кеч тушиб, қандиллар порлагач, у хоразмча қўйга шўх-шўх ўйнаб, ҳаммани лолу ҳайрон қилувди. Қадҳа сўзини айтганда жами юраклар суву селоб бўлиб оқди, унча-мунча сулуғва ён беришни истамасам-да, мен ҳам уни ошифтаи мажнун бўлиб тингладим. Аста таъзим қилиб, ўрнига чўкқанда иштиёқ билан барчадан кўпроқ қарсақ чалдим. Кейин... бир баҳона билан ёнига ўтдим, бор хунаримни ишга солиб, кўнглини овладим. Малак камгал экан, саволларимга эринибгина жавоб қайтарди. Давра охирагач, кузатиб қўйиб илинжида эдим, аммо, сукимни қўзғаб, устозимнинг хизмат машинаси уни миңдириб жўнади. Қарангки, армонимга айланган ва ғойибона тарзда оромимни ўғирлаб келаётган санам, ана, улкан чинор тағида

бир мулоим ўйга чўмган...

Коски у билан тўйиб-тўйиб дардлашсам! Сал чўчиб, кўксим ловуллаб, илгари босдим. Хануз жимир-жимир мавжларга термиллиб, сув салқинидан баҳра олаётган санам чамаси аҳдимни сезди, ноз ила чимирилиб, нари жилди. Гавжум хиёбонда гўё эриди, мен эса бирдан ерга тушдим, атрофни тутган йинги-синини тинглаб юратгим эзилди. Оломон орасидан Ҳофиз Рустам Алини қидирдим. Аламзада, омадсиз бошқон дараксиз эди. Наҳотки у ҳақ бўлса? Ростдан ҳам кўргилик камина бекорорлиги ва ношудлиги орқасида рўй бердими? Сира ишонгим келмайди. Бўхтон! Хей, шунақа вақтда жилла қуриса пинжимизда писиб юрадиган тасодиф балосини сал эслаб кўяйлик. Тасодиф истаган пайғида сувни лойқалата олади, имомни қомилки, Ҳофиз Рустам Али хонадони узра айланишаётган булут ҳам шуники!..

Рост, тасодиф қаттол, на яхшини аяйди, на ёмонни, лекин, унинг тегиримонига сув қудяган ким, одамзоднинг ўзи эмасми? Бу фикрдан гашлигим кучайди, кўхна дунё турган битгани жумбоқ эканини ўйлаганча, яна бошқонни излай бошладим, кўзим Дилфузага тушди. Жойига қайтибди. Энди қўлдан чиқармаслигим керак. Шарпта йўлини тўсаман-у, қаҳвахонага таклиф қиламан. Ҳартугул музқаймоқни ёқтирап.

Кўнглимда шубҳа... Ҳозир, ҳа, ҳозир у мени кўради, мени доғда қолдириб, парилар макони - қўл ости салтанатига приллаб учайди-кетайди. Тагин тутқич бермайди. Нима учундир у орамиз олис бўлишини истайди, ғойибона таъкибни ёқтиради. Тийрак ниҳоллардан муттасил тараладиган яшинвор нур билан тану жонини сеҳрлайди. Шу ҳолга мен ҳам кўникиб қолдим, гўё, ҳаммаси шундай бўлиши керак. Баъзан бениҳоя йироқлашиб кетган дақиқаларда малак сеҳри-малоҳати яна ҳам ортиқроқ туюлади. Масофа, гўё, малоҳати ва салохиятини белгилайди. Фақат ҳозир Дилфуза қароқларига яқиндан тикилишни орзу қилиб қолдим. Вужудимни сонинч, завку шавк аралаш армон хисси қамради, энди афтидан у ҳолимни тушунди. Йўғ-а, аҳтимол муруват қилгиси келди. Ишвали қулганча мен сари жорди. Сезиб қолдим: оёқлари ерга тегмасди, гўё, кўринмас қанотлар келишган қоматини авайлабгина кўтариб учарди.

Оломон тўзондек тарқаб, қўл бўйида сукунат чўқди, бари бир зумда унутиди, фақир эса инон-ихтиёрини малак измига топириб, майи нога тўйгандек сархушландим.

Ора-сира сокин ялтираётган-қўл саҳига безовта қарайман, хануз шўрлик Даврон жасади топилмаганини ўйлаб андуҳга кўмиламан. Ярамас гаввослар ҳам инеопларини еб қўйишган, нақдини санаб олишмагунча узатган оёқларини йиғишмайди. Ҳеч бўлмаса савоб учун... Э, бу замонда савоб қолдими?

Бу бобда раҳматли бобом қанчалар қўйганини эслоқдимки, юзига иссиқ нафас урилди, қаймоқдай ёқимли овоз этимни жимирлатиб юборди: "Яхши йиғит, намунча ғофилсиз?" Малак, гўё, кўнглимда не бўлса, барини ўқишга қарор қилган эди. Тан берай: бу ишга у қодир! Негадир ўзимга ўзим аянчли кўриниб кетдим, у эса мағрур эди, товущисиз қулди, қўлга имо қилди, кейин... пахтадай йомшоқ кафтини пешонамга босди.

Нимадир гувилаб кетди, туби йўқ гирдобга қуладим, йўқ, гавдам қўқ-яшил тўлқин ўраимида қолди, бу тўлқин нималигини сал кечроқ пайқадим. Вақт ўтган бўлса ҳам биоқувватимни бир нуқтада жамлаб, ўзимни ҳимоя қилишга тиришдим. Бари зое кетди, негаки, санам мени қутилмаганда ўз таъсир доирасига тортиди. Ўқиндим, Худодан сабр ва қушойиш тилаб, ихтиёримни ногаҳоний куч илқига топишдим. Ниҳоят, поёнсизликни босиб ўтиб, балки минг, балки милён водийдан иборат, саҳролари беадад, тизма тоғлари бир-бири билан мингашган заминга етишдим. Қўроғини тусли қоя тагида қимнидир олазарак қутаётган Ҳофиз Рустам Алини кўриб анграйдим. Бир пайт, во ажабо, қоя тепасидан бир илон сирғалиб тушди, вишиллаганча шўрлик бошқонга ташланди.

- Ака, бу ёққа! - деб қичқирдим.

- Чақирманг, фойдасиз!

Шафқатсиз буйруқ шундоқ қулоғим тагида жаранлади, илқис энтиқиб, чексизлик сари шўнғидим. Ҳаво йўлаги қай ердадир ёруғ, қай ердадир зимзиё эди. Фаройиб йўлак тўппа-тўғри қўл бўйига туташди. Хануз қўл саҳи тўхтовсиз топиб-кўпириб турарди. Дафъатан ҳолим почорлигини англадим. Наҳотки, чиндан ҳам ғофилман? Ахир, мен эсимни танингандан бери ҳам биоқувватим, ҳам рухий имкониятимни қўчлангириш ва сафарбар этиш билан машғулман-ку!

Биласиз, яқинда бобом Розик Қори кутубхонасини, ул зот муборак қалами билан битилган, қитобни бошқатдан ўрганиб чикдим, ҳатто, моддий ва номоддий иқлимларга саёҳатлар уюштириш, афсун илмларини ўзлаштиришга дахлдор дастур ҳам туздим. Бари-бекор кетган кўринади. Мана қим

экан Дилфуза, ёпирай, мағия оламидаги яккаю ягона малак!

- Зўр томошами? - дея жилмайди малак.

- А! Дилфуза, сиз... Дунё тор кўзимга!

- Сиз уни қутқармоқчисиз. Шундайми?

- Қўлимдан келса... Билмадим.

- Қоски арзиса ўша қуримсоқ!

- Бемор ким? Аҳамияти йўқ! - дедим ниҳоят кесиб.

- Оҳ-хо! Лекин... унга жон эмас, тилла керак! - энди заҳархандали қулди Дилфуза. - Шу нарса учун керак бўлса бола-чакасида ҳам кечайди. Сиз эса... Афсус, одам танимайсиз! Хай, майли, ихтиёрингиз. Мен борай, кўзингизга балодай кўринаяпман. Эс-ҳушингизни йиғиб олсангиз учрашамиз.

"Қайда? Қачон?" Энтиқиб шивирладим, аммо, Дилфуза жавоб қилмай, бепарво, боғ дарвозаси томон илдамлади. Дарвозадан чиқар-чикмас рўпарадаги бекатда уч эшикли тим қора узун машина қиска сигнал бериб тўхтади. Орқа эшик оҳиста очилди. Қалин сочини силлик тараб, ихчамгина соқол қўйган, бароқ қошли келишган эркак Дилфузани ичкарига таклиф қилди.

Соҳилда алағдалик ичра саросар туриб қолдим, лабимни қонатудек тишлаб, чор-ночор илгари босарқанман, мен учун буткул жумбоққа айланган ва дилим тубига истаган маҳалида назар ташлай оладиган аёлни бағрига яширган автоулов алақачон кўчадаги оқимга қўшилиб ултурган эди...

5

Ажаб бўлди, у мени ёлғиз ташлаб кетди.

Издан борай десам, манзили қайда?

Тавба, намунча қалтирадим унинг қошида? Мен нима, бўрон жонини олган навда нима!? Топиб айтди, ҳали чиндан ҳам ғофилман. Балки, илмда зиёдадирман, аммо, уни амалга кўчиришда ҳали гўрлик қиламан. Тезроқ эътиқимни йиғиштириб олишим лозим.

Узун кечани ҳовлида бедор кечирдим.

Аламим босилмади.

Субҳидам ёришиб, кундуз бошланди, Қуёш ва Ер ҳаракатиға бөглик ҳолда жўнашадиган вақт нидираги каминага яна не кўргиликлар тишиб келтиришини ўйлаб зада ёдим.

Кўчага оёғим тортмади, таскин излабми, бошқа максалдами, ертўлага тушдим. Токчадан бобом қўлёмасини олдим. Дуч келган варагини очиб, жимгинга ўқидим:


"Хар лаҳза ҳозир бўл, йўғасам рухнингин тутқун қилурлар. Тутқин руҳ учолмагай, қаноатга ортиқ эрк берсанг қафасга кўпикур. Қаловини топсанг рухнинг сени хилқат ичра ғойиб хилқатга етказадир. Соғ руҳ хар не хасталик қушандаси эрур..."

Ногоҳ, уф тортидим, буларни неча бор ҳижжалаб мутолаа қилганимни эсладим. Тутқунлик азоби дўзах азоби билан тенгдир. О, на чора, у мени муте қилимиш! Бас, энди эҳтиёт бўлишим керак. Шошманг, ҳалиги замани... қайси сайёра? Имқонимни санаб кўриш учун балки унга ўзим мустакил парвоз қиларман? Ўлчамлари номаълум, лекин жаҳд ила топса бўлади. Ха, ана, топдим, қойил, у одамзод мансуб тизимдан ташқаридаги тизимда экан. Ана шунда Дилфуза эғаллаган суръатга яна бир марта қойил қолдим.

Иккиланиб турсам, кўз ўнгимда, ним қоронғи қишлоқ ўрта майдонда, шуъла сочаётган чўғ уюми устида бемалол чордона қуриб ўтирган бобом гавдаланди, шунда беҳосдан қоним жўшди, рухим миям тўқималари ва биоийдос заррачалардан шитоб ажралиб чиққан қувватлар билан қовушди. Сўнг... парвоз!

Мана, тезда Бирламчи олам ортга чекинди, оҳанраболи бўронлар билан тўйинган Иккиламчи оламга кўчдим, Мавозанатимни йўқотгандек бўлдим, шу бонс Учламчи, Тўртламчи... оламлар ҳам муқаррат мавжуд эканлигиға ўзимни ўзим ишонтира бошладим. Фақат ҳозир булар ҳақида муфассал фикр юритиш ортиқча, қўниш учун қулай жой топишим зарур. Шиддат билан паствладим ва... бир-биринга мингашган чўққиларни, зумрад тусли водийлар, саргайган саҳроларни танидим. Сийрак ўрмонлар устидан учиб ўтарқанман бурала-бурала юксакка ўрлаётган тўфон ўнқонларига дуч келдим. Мана бу тугун Олов дарёсидан кўтарилаётган эди. Дарё қирғонини оху фиғон тутиб кеттанди, ниҳоят, қайсидир тепалик яғринига қўндим, сўқмоқ бўйлаб қўйиға эндим ва эғасиз қулбада тунадим.

Вақт аҳамиятини йўқотган... Кўзимни очсам, тепамда пешонасини патила-патила қўнғир соч қоплаган бўйчан, хушсуврат йиғит тиш қавлаб, тип-тикка, таънали тикилиб турарди. "Қариб қонсиз-ку, амаки", деди у дафъатан. Таажжубим ортиб, аста қўзғалдим ва жангини элигинга соқол қоплаганини билдим. Ажабо, эндингина ўттизга кирдим-ку, бу дардисар қаёқдан ёпиша қолди?



- Ов, йингит, сен кимсан ўзи?
 - Ие, амаки, танимадингизми?
 - Йўқ?
 - Давронман, - хўрсинди йингит, - Хумор кўлига чўкиб кетган шўрпешона Давронбек! Эсладингизми?
 - Хе, аттанг, чўкканинг роғот, - дедим кайғуриб.
 - Йўқ, чўктиришган.
 - Ха, бунисиям рост... Пешона-да.
 - Мени атай танилашди, - ёнимда истар-истамас чўкди Давронбек, хўрсинганча. - Тушунайсизми? Атайин!
 - Нимага эди?
 - Хамма бало шундаки, мен сиртлонли кучукбачча эдим, - яна отир сўлиш олди Давронбек. - Улгайсам кашқир зотини қашқатардим, уларга менинг дастимдан нон тегмасди.
 - Ғалаги, жудаям ғалаги!
 - Кейин... Мен бош меросхўр эдим. Қирк ёшимда отам Зарқоя ихтиёрини бутунлай менига топшириши керак экан. Ана шу нарса кимларгадир ёкмаган!
 - Буни қаёқдан билдинг?
 - Бир чол бор, ўзан бошида ўтириб Олов дарёсида оқиб келганлар рўйхатини тугади. Уша айтди.
 - Яна қанақа қаромат килди?
 - Янами? Яна... Ундан Бирламчи олам ҳалиям нотинчлигини билиб олдим. Сиз нима дейсиз, хоҳ оч бўлсин, хоҳ тўқ, бандаси ғалвасиз туролмас экан-да, а?
 - Давронбекни чалғитиш учун шунчаки сўрадим.
 - Анали чолни кўриш иложи борми?
 - Насиб қилса кўрасиз... Бечора жойидан ҳечам жилмайди, занжир билан қозикқа боғлаб қўйилган дейсиз. Адашсамми? О, ёмон! Хукмдори мутлақ бўлиши Оқ аждар ямламай ютади.
 - Оқ аждар?
 - Нега ажабланасиз? Сиз хозир... Э, кўйинг, шўёги ҳам етар! - қўл силғади Давронбек, - Химм, амаки, укам Аббосени сиз танийсиз. Ўзим... бўлганим бўлди. Уям... Уфф, қийин, жуда қийин! Отам лапашанлик қилиб уни ҳам бой бермасайди. Э-э, унинг беҳисоб бойлигини бошимга ураманми!?
 - Юр, Давронбек, бу ердан кетайлик! - дедим кўксимни раҳму шафқат ҳисси қамраб, - Ростдан ҳам отанг қариган. Зарқояга ўзинг эгалик қилишинг керак. Тишга тошдай тегаетган очопатлар таъзирини мен эмас, сен берасан!
 - Йингит хомушланди. афсус билан бош чайқайди, меҳрим ийиб, уни кучоқламоқчи бўлдим, бироқ, у туткич бермай, нарида гувлаб оқаётган, соп-санокенгиз мурдаларни қирғоққа иргитиб ташлаётган дарё томон чошиб кетди.
 - Атрофни қоронғилик чулғайди, совуқсираб узок ўтирдим, шунақа ялқовлигим тутдики, жойимдан жилгим келмас, елкамга гўё тоғдай зил нарса юкланган эди.
 - Бобом битигини хотирладим: "Чексизлик жодуси руҳингни ўз тўри билан ўради. Аросат зуҳур бўлур. Билки, аросат қиёмат қабидир. Адаша кўрма, кечикмай ўзингни тоңил..." Тавба, бобом гўё ушбу манзилни кўриб-билиб ётганиди, во дариг, у шу қалар беадад эдики, оранликларда одам ўзини топишидан кўра йўқотиши ўнайроқ эди.
 - Бахти қаро йингит ортдан ғамгин термилдим, у ғойиб бўлган, руҳимни эҳтиёткорлик билан Бирламчи олам тўққилларига мосладим. Негадир ланжлик туйдим, недир куч гўё мени қирмаб олганди. Ажабсиниб, ўзимни қўлга олишга уринарканман, туйқус, навқирон чинор танасига ўралган думли газандани кўрдим.
 - Чиндан ҳам у ваҳимали: узунлиги етти қулоч келади, баданини қумушсимон тангалар қоплаган, елкасини оппоқ ёл тутганди. Нигоҳи эса оч заррин ёлқин сочарди, бу ёлқинда бир жоду намоеи эдики, кўнгилларга кишан бўлиб тушгудек!
 - Оқ аждар мени қувмади, барибир чўчиб кетдим, бирдан қанотларим парвозга шайлигини эслаб, аввал аста, сўнг, шиддат билан ҳавога кўтарилдим. Қоқ белига Олов дарёси белбоғдек ўралган сайёра замини билан кўрқув ичра хайриладим. Поёнсиз бўшлиқда қабутар мисол майини сузарканман, кўз ўнгимда ҳазонмарг Даврон жонланди. Одамзод пешонаси шўрми шунчалар? Ахир, кимлар унинг йўлига ғов ташлаётганлар?
 - Мана, Бирламчи олам - қурран арз... Ишонмак мушкул. Ер қобини шунчалар юкками? Бармоғингни суқсанг нариги тарафидан тешиб чиқадиганга ўхшайди. Ажабсиниб, ҳовлимизни мўлжалга олдим. Кўнний... Бу лаҳзада жами азоблар шуурингдаги қайсидир безовта нуқтада йингилади. Қийналиш ўзига ҳос роҳатлигини ҳис этасан, яна қанақадир уқубат билан юзланиш тадорикини кўра бошлайсан.
 - Ажабо, сезиларимда қарахтлик... Не ҳол кечди? Бирдан тушундим: бегона биоқувват майдон! Ахир, бу Дилфуза-ку! Оббо, ана, оёғонамизда нари-бери юраётир, нигоҳида - гина,

ҳатто андак қаҳр... Не демоним, не қиларимни билмай, рўпарасида ёғочдек қотдим.
 - Зиёратлари қабул, - деди пичинг аралаш Дилфуза. - Сизга ишонмас эдим. Балодайсиз. Аммо... чарчаган кўринасиз. Хўп десангиз бир одамга таништирайдим. Сизга кўпдан бери қизикади.
 - Дилфуза, азизим!..
 - Ох-хо, хушомад қилмоқчимисиз?
 - Йўқ, йўқ. Худо сақласин!- беихтиёр кўнглимни ёришга ошиқдим. - Шунчаки... Мени тўғри тушуниш. Анчадан бери мен ўзимни сизга кўра бошладим. Нима билан туғанини билмайман, аммо... сиз, ха, сиз менинг олаимиз!
 - Гумроҳликни тан олиш! - қулиб юборди Дилфуза.
 - Ҳар ким ўз оламига интильмайди?
 - Сафеага! Теитираш! - эди нимадир Дилфуза чехрасига соя солди. - Нахотки билмасангиз? Дунё аллақачон мажнунликдан чарчаган! Кўнгил маълуб, руҳият ғойиб!
 - Менимча, кўнгил билан руҳият иттифок тузмаса, бари бекор!
 - Эҳтимол, лекин, Бирламчи оламга ёндош Иккиламчи олам мавжудлигини унутманг. Сиз хозиргина бориб келган Оқ аждар сайёраси Иккиламчи олам умртқасидир.
 - Бўлса бордир. Аммо, камини ага ёндош олам сиз бўласиз.
 - Ғажирликдан нима фойда? Қани, орқамдан юринг.
 - Энди лом-лил демадим, таънаси ўринли эканини ичимда элтироф этиб, яна нимани исботлар экан, деган ўйда, изтиробга кўмилдим. Хуфрия сафаримни ғойибона билиб олган малагим кенг ва ёруғ кўчадан дадил илдамлаб борар, мен ўзимни унутганча, недир мўъжиза кутиб, изидан терлаб-пишиб шошилардим.
 - Икки тарафида ҳам шарқона, ҳам оврупача услубда дид билан қурилган паст-баланд иморатлар тизилган сўлим кўча ахёйри охиради, баланд ништин девор билан ихоталанган, қатор-қатор сарвару арчалар зийнат бағишлаган кўркам ҳовли-уйга туташди. Қўш ошёнани нақшкор иморати узок-узокдан кўришиб турадиган бу қорбоғ камини ага ҳам қадрдон, зеро, унинг бахтли соҳибни - каминанинг раҳномаси Азизхон Қамолний Лаъл шаҳридаги энг обрўли, энг бадавлат одам эканини ҳамма билади.
 - Дилфуза хотиржам илгариллаш, кўнгирик тугмачасига ҳатто қўл ҳам чўзмади, ўйма тулли маҳобатли дарвоза ёнидаги шинам дарчани бемалол очиб, ичкарига қалам босди. "Сиз эримни танийсиз-а? - деди у ганҷкорий айвонга йўналиб. - Э, айтмоқчи, устозингиз-ку! Эсим кўрсин! Қани, тортинмай юраверинг!" Нақд обғимга тош осилди. Асабийлашганим боис баданим эсканлаб кетди. Ақлга сиғмайди: нахотки ҳусну маълоҳатда тенгиз жувон келиб-келиб муңкилаб қолган бир савдоий чолни танмахрамликка таниласа?
 - Ҳовли беҳиштдек сўлим... Қўйи ошёнанадаги қатта бўлма эса эртақларда тасвирланган подшоҳлар тахти-равонига мўносиб тушадиган дабдабали хонан ҳосини эслатарди. Илгари бу ерда печа бор бўлганман, ҳар гал дилни завқу шавқ билан тўлдирадиган интичка безаклар устаси шавъинга офаринлар ёғдирардим. Негадир бу навбат на ҳажжонландим, на ҳайратландим. Бурчакдаги юмшоқ ўридикка чўқарканман, кўнглим қирок ёкса ёришмасди. "Нега? Нега?" - деган муҳлиш йў кемирарди миямни. Яна ҳам аламилси. Дилфуза қиёфасида бирон-бир пушаймон, ўқиниш аломатини кўрмадим. Бу салтанатдаги ҳаётидан мамнунлиги ҳар бир ҳаракатидан сезилиб турар, гўё, энг тўғри йўлни танилаган-у, оживлар ва адашлар устидан тантана қилиб яйрарди.
 - Сиз менга ачинайсиз, шундайми? - оқсоч хотин келтирган қаҳвадан астагина хўплади Дилфуза. - Лекин, сабабини ўзингиз ҳам билмайсиз.
 - Оламига умр бир марта берилди, - дедим бўшашиб.
 - Бари несбий, биласиз, - хотиржам давом эттирди суҳбатни бадавлат оиланинг оқина бекаси. - Сиз яшаяман, барча поэтематлардан баҳраманд бўлаяман, деб ўйлайсиз. Лекин, яшаш... нима? Одамга ҳақиқий ҳаёт қачон насиб этади? Ҳеч ўйлаб кўрганмиенг?
 - Аввал нафени жилловлаш керак.
 - Бачқаналик... Мутлоқ зотини таниган кунимиздан бошланмайди қатта ҳаёт? - бирдан жимиб қолиб, устма-уст қаҳва хўплади Дилфуза. - Шу ҳаёт билан чиқиб яшашнинг ўзи қиёфа... Шундай экан, қирқиллаша йингитга тегдимми, ёшини яшаб, ошини ошаган бедавоғам, нима фарқи бор?
 - Домла хурматли одам...
 - О, секин айтасизми? - мийинида қўлди Дилфуза. - Лекин, қошки билмасам унинг мартабаси билан обрусей аёл киши учун энг муҳим нарса саналган муҳаббат ўрнини босолмаслигини!

- Билсангиз... Тавба!?

- Кўп куйманг, - у кутилмаганда ёнимга ўтиб, аста кўлларимни ушлади. - Ҳайла кўрдим, мен сизни ёлғиз ташлаб кўймайман, сиздай жонон йиғит кўнглини овласам овлаппанда!

- Пичоксиз суймоқчимсиз?

- Йўк, суймоқчман!..

Жимлик... Бир сирли, бир хавотирли... Жодули нигоҳ тикилиши ҳоли-жонимни ром этади, сўнг, пардек юмшоқ, ошқоқ, ҳароратли кўллар ҳавода бир силқиниб бўйнимга чирмашади. Эрирман, ўз жисмида бино бўлган пўртанга чўкман. Чорасизлик... Ниҳоят, хушимни ўнлайман, кирмиги дудоклар ҳада эта бошлаган қайноқ бўсаларни рад қиламан, асирлик азобида қолган борлигимни чайир кўллар сиртмондан озод қилиб, энтикканча, кўчага отиламан.

Ер-кўк ғамгин, афтодаҳол... Ҳансираб, бўғилиб борарканман, ҳужайраларимни қовуштириб турган энг сўнгги умид ипи ҳам чирт узилди. Билмадим, ҳалиги кенг, раво, ёрут кўча қаён йўқолди, алақайси зимзиё пасткамликка тушиб қолдим. Атрофимда фақат қузғи ҳазонлар чирпирак бўлиб учар, гўё, уларга қўшилиб толққан руҳим ҳам чарх уради. Ҳайла кирмаётган, аммо, ҳаловат нималигини ҳеч қачон билмайдиган шаҳарда тентираб юрдим, бош-охири йўқ ташлабганимни тельбаваш кезинишар босадигандек эди. Кеча бўйи қулбай вайронанимни етим қилдим, гира-ширада кўз ўнгимдан қари эрини илқ табассум билан қўтиб олаётган, оташин бўсаларга кўмиб ташлаётган сулув бир дақиқа жилмасди. Тонг бўзарганда эла анча-мунча танилиб қолган марказимиз остонасида дийдираб турардим. Нималандир аламзада гўша гўё кўксимдан итарди, имиллаб ичкари кирдим ва дераза ортида кўним топган охуваши кўзлар йўлимга интизорлигини билдим. Эвоҳ, бу не кўрғиликки, санам кесакига беозоргина суяниб олган, қаршида меҳрдан кўра қовут ташлагувчи макр устунроқ эди.

Ичим жиз этди, ахир, бир умр мутелик домида қолишни ким ҳам истади. Аммо, нахотки, нисбийликдан чекиншим, Олий ҳаётга юз буришим, аниқроғи, ўзимни топишим омонат чиройига сингиб яшайдиган шу пари хоҳишига боғлиқ!?

Шивирлаш: "Жоним, у менга маҳбуб эмас, суяничик!" Бештиёр қаҳқаҳ отиб қулиб юбордим. Мижозларини кутиб, жимгина китоб варақлаётган Қамар Жонтой афтимга айғрайиб тикилди, ошна, деди, Худо ҳақи, сиз ўзингизни ўзингиз рағиб еялсиз. Қовоқ солдим, унсиз бўзладим, ниҳоят, ўзимни туготмай, дардимни тўқдим. Қамар Жонтой ишонқирамади, киноя аралаш деди: "Тузукроқ табибга учран!" Э, табибнинг бошиндан қолсин, кўзимдан учиб турган экан-да. Неҳир юпанч истаб, яна деразага ўтирилдим. Ох, бу кўзлар сеҳри! Улар олдида Қамар Жонтой таъна-дашномни нимага ҳам арзирди? Қолаверса, бадғумон муовиним Бирламчи оламга туташ Иккиламчи олам билан мулоқотга кириша оладиган санамга боғланиб қолганимни қасқдан ҳам билсин!?

- Яхшиси, баридан кеча қолайлик. - деди Қамар Жонтой тўмтайиб.

- Қаноат қилишини ўрган, Камариддин.

- Қаноат газогимга дори бўлмас... Мунақа беҳосият ишонгани ёпиш керак, - отдан тушса ҳам эгардан тушмади Қамар Жонтой. - Нима, биз чувалчангми, ит ҳам, бит ҳам босиб-янчиб ўтади!?

Бирдан энсам қотди-да: "Ов, йиғит, кўп ховлиқма, Иккиламчи олам узатадиган тўлқинлар гирдобига тушсанг чувалчангдан баттар хорлигингни билиб олардинг!" - демокчи бўлдим, аммо, шайтонга ҳай бердим. Бирин-кетин мижозлар қириб, баҳсимиз тугади. Соат бирга яқин хонани тарк этдим. Илк мароғаб Қамар Жонтойни тақлиф қилгим келмай, овқатлангани ёлғиз жўнадим. Арзонроқ ошхонани мўлжал олиб, ялдамлаб борарканман, яқинда иш бошлаган ва барча бели бақувват ҳўрандаларни ром айлаган юқори тоифали "Тулангом" ресторани рўпарасида кутилмаган ҳодиса рўй берди...

6

Рости, ўлғудек оч эдим, гўё, ўткир бир тиг шўрлик ичакларимни тинимсиз қиймаларди. Ҳозир бари жойига тушади, талабалик йилларим орттиганим - ўн икки бармоқли ичагимдаги яра оғрини бир кеса шўрвани уриб олганимдан кейин босилади. Тез-тез жоним шу яра қўлига тушади, аммо, мен ўзимдаги бу ситамгарни даф этолмайман, одам ўзини даволашга қолганда ожиз экан...

Ожизлик балоси кўрсин. Шу ўй ниямда кечган маҳалда тумшугим тағида уч эшикли тим қора узун машина би-биллаб тўхтади. Машинадан аввал соҳини силқит тараган бароқ қошни,

иччам мўйловли, келишган эркак тушиди, сўнг, во ажаб, товусдек товланиб Дилфуза пайдо бўлди. Пўрим кийинган ҳамроҳи илтифотларини хўррамлик билан қабул қилаётган Дилфузани мотамсора алфозда қузатарканман, томоғимга аччиқ хўрсиниқ тикилди. Айниқса, бепарволиги жонимни ўртади, аслида, у мени кўрди, атай эътибор бермади. Кейин, туйқус, мрамар зинада туфлиси сирганиб, муқиб кетди. Эҳтиёткор ҳамроҳи ёрдамида ўзини ўнглагач, кула-кула ёнимга келди.

- Тошингиз оғир экан, бекорга тўқишмадим.

Гул-гул очилган Дилфуза, шундай, билагимдан авайлаб ушлади, зина юқорида виқор тўкиб, мамун жимлайиб турган басавлат жаноб қошига етаклади. Таништирув чоғида тилидан боғ томди:

Шундай қилиб, кечмишидан ҳам, эртасидан ҳам гофил, фақат бугуни билан яшаётган шаҳар валломати саналмиш Абдул Фанидек зот билан қўл олишмак бахтига муяссар бўлдим. Атиги уч ойда тикланган, савлатидан от ҳурқадиган манов ресторан шунга тегишли эканини билиб оғзим очилди. Аммо, сир бой бермай, хайрлашиш учун ошқидим. Тезроқ бориб бирон ерда арзон-гаров тушлик қилмасам силлам қуриб йиқилишим тайин эди.

- Хей, Дилфузахон, бу дунёда алолат борми ўзи ёки йўқми? - деди Абдул Фани кўтаринки қайфият билан. - Танишиб улгурмай видолашсак! Йўк, ярашмайди, нишонлаймиз!

Очиги, бунақаси тушимга ҳам кирмаган, шифтга билтур қандиллар осилган, ганҷкорий, заррин-гулбобий ва ложувард нақшлар билан безатилган, ҳарир гулли, тўқ қизил дубоабали пардалари ял-ял ёнаётган ҳашаматли бўлма Азизхон Камоллий салтанатидаги бўлмадан зиёд бўлса зиёд, кам эмасди. Хуш-ҳандон ҳўрандалар катта-кичик давраларга уюшиб, базми-жамшидди авжига миндиришганди. Қонни жўштирадиган хорижий мусика янгар, қўкси ва елкаси очик нозик, хушбичим, малла сочили жувон, ширали овозда, инақдай эшилиб хонин қиларди.

Хўш, бу гўшада ҳоқим ҳаёт нисбийи ёки... бошқачами?

Қулгим қистади. Шерикларим ортидан судралиб, кичикроқ бошқа бўлмага кирдим. Афтидан бу иззағли меҳмонларга мўлжалланган хосхона бўлиб, зийнати ақлу хушни ўғирлар, юмшоқ ва нафис фин мебели билан жиҳозланган эди.

Узун устолда ёзилган попукли баҳмал дастурхонда ҳаял ўтмай қуш сугидан бўлак ҳамма нарса мўхайё бўлди. Ўз мулкада бегонадек ўлтирган, ўзини босик, оқил, ҳайрироқ тутайтган Абдул Фани сархил газаклару жилокор шишаларга ишора қилиб, менга кўз қисди. Ичкилик деса тўрт тош нарига қочардим, негаки, бир қултуми оғзимга тегса кифоя, тезда қайғим ошиб, эс-хушимни йўқотардим. Фавқулодий тўқнилик ва иззаат қошида қусуримни унутдим, ютинган қўйи "қизили маъкул" деб юборганимни билмай қолдим. Офарин, дегандай, Абдул Фани қафтини қафтига ишқалади, кейин, бел боғлаб хизматга киришди. Ака, ижозат беринг, мен қуяй, дедим, қайда, кўнамади. Ҳаял ичида бутун боши "Наполеон" оёғини осмондан келтирдик. Навбат иккинчисига етганда қамина ҳолига бемалол маймунлар аза очса бўлаверарди. Бечорагина қаллам тегиримонтошдек гириллаб айланади, шунга қарамай, сира қайтармай, гоҳ муруватли мезбон, гоҳ лола чехрали жонон эҳтиром билан узатган лиммо-лим қадахларни бир сипқоришда бўшатавердим.

Қамина билган ва ҳаминша андуҳли, бефайз, сереулув кўринган кўҳна дунё бу паллада ранг-рўйи, маза-матраси, қадр-қиймати ва жидосини тамомила ўзгартирди, адашибман, у чексиз гўзал, роҳат-фароғат ва шодликка тўла, айни дамда жозибаси ва ширин-шакар ваъдаларини мўъжазгина қумуш жомга жойлаб тортиқ қиларди.


Кейин... бари нарса қоринди. Шифтдаги бешунақай қандил бандидан чирт узлиб устимга тушгандай бўлди. Кимдир охишта қўлтиғимдан ушлаб бир ёкка тортиди. Қай маҳалдир сал хушимга келсам тўрадаги тўқ жигарранг жилди юмшоқ диванда ўлик қаби чўзилиб ётибман. Чароғон бўлма сукунати ҳануз бир-бирига термулганча сархушона суҳбашилиб ўтирган Абдул Фани билан Дилфузанинг ширақайф овозлари бузарди.

- Учинчи... Ҳа, учинчи бобоқалоним Лаъл заминда яшайдиган қавмларидан жабр кўрган, Интиқомга қақиради арвоҳи! - кутилмаганда ўрнидан туриб кетди Абдул Фани. - Кўнглимда ип қурган аламзада арвоҳ нималигини тасаввур қилинг!

- Бошқа гапга ўтайлик, жоним акам, - деди илтижолу товушда Дилфуза. - Худо ҳақи, шу сарғузаштигингиздан чарчадим. Ҳатто эсласам лабимга учуқ тошди.

- Шунақами? Ҳимм! Демак сенга бари бекор!

- Гина қилманг. Мен бечора сиз ясаган қафасдаги



қушчаман-а!

- Тентаккинам, сенга чинакам озодлик нима эканлигини аниқладим, сен эса... Бошқа нима, кайф қипсан!

- Унутай, сизни ҳам, Оқ аждарни ҳам!

- Оқ аждар, Оқ аждар... Ишончим, умидим! - беихтиёр кумуш қадаҳга узалиди Абдул Ғани. - Сенингча, шу махлук кўмагида бойимокчиман, дунёдаги энг бадавлат одамга айланмоқчиман. Йўқ, шунақа деб ўйласанг адашасан. Ха, ха, адашасан!

- Унақада... "Оқ аждар" фирмасини нима мақсадда туздигиз? - таассуф ичра сўради Дилфуза. - "Оқ аждар" жаҳонга ҳукм юртгишини неча марта лаб такрорлагансиз!

- Тўғри, лекин... Қандай тушунтирсам? - Абдул Ғани бетида ноаниқ бир ифода ёнди. - Хе-е, ҳар қанча зар-жавохир менга уч пул! Илжайма, уч пул! Агар... Зарқоя қонига кўз тикаётган бўлсам, бунинг сабаби бор. Қадим замонда бу хазина аждоқларим мулки бўлган. Бир ҳовуч қазиб-қароқчи Восит Жавоҳирини бўғизлаб, уни эгаллаб олган. Пайтавасига қурт тушиб юрган Ҳофиз Рустам Али ўша босқинчи сулола вақили эканини қоши билмасам!

- Булари ичингизда экан...

- Ичимда гап кўп... Хўш, шунақа, мени зар-зевар эмас, кўпроқ одамлар турки-таровати кизиктиради. Ярамасларни дахшатга солсам, кўркув ва таҳликада тутсам, кўзларида қайғу-алам, азоб-уқубат кўрсам! Ох, шунда... Ха, шунда юпанаман, шунда бобокатоним арвоҳини рози қилган бўламан!

- Қонингизда занг бор.

- Эҳтимол... Шундай қилиб, одамзот ҳаловат нималигини билмасин, ёруғ оламда роҳат-фароғат борлигини унутсин, у фақат жазога, газаб ва нафратга лойиқ!

- Буларни мукофот демоқчимансиз?

- Мукофот бўлганда ҳам энг олиқ даражалансиз... Хўш, мавриди келгач, биз одамзот руҳини Бирламчи оламдан Иккиламчи оламга сургун қиламиз, - эҳтиёткорлик билан ён-верига аланглади Абдул Ғани. - Одамзот руҳи ва тани айри-айри яшайди. Оқибатда Улуғ азобга етишади. Ана шу Улуғ азоб менинг битмас-туганмас бойлигим!

- Бундай имкон қайси ўлчамга мансуб?

- Кўя тур уёғини... Аммо, ёнимда сен бўлмасанг беқанот қушман, сен бор, гамин йўқ! - очик ҳушомад қилишга ўтди Абдул Ғани. - Тўғри, биоқувват майдони ҳосил қилишда мен ҳам устаман. Лекин сен бошқача! Сен ноёб иктидорингни хор қилмаслигинг керак!

- Пешонам қурсин, - деб кўйди Дилфуза.

- Ношуқурлик ёмон... Эртанги кун бизники! Оқ аждар томонидан бош мияси забт этилган казо-казо зотлар не кўйга тушадигани тасаввур қилиш қийин эмас. Ох, ох, улар ҳам азоб қишанида яшайдилар, ҳам биз буюрганни қулоқ қоқмай бажардилар.

- Сиз уларни Зарқоя қонига теккига ишлатасиз.

- Ақлинга баши!

- Бойлардан ақча талаб қиласиз.

- Э, йўқ, Зарқоя кифоя.

- Кўса юриш-туришини яшироқчимисиз?

- Кўса йўриғи бўлак... Унга дастлабки тажрибаларини синовдан ўтказиш топширилган. Аттган, кучимиз кам, бизга Кўсага ўхшаган содиқ итлар кўпроқ керак. Манови тўрсўхта этак тутказадими, йўқми?

Ногоҳ, Абдул Ғани мен томонга ишора қилганини сезиб, муз теккандек этим жимирлашди. Хушёр ётганимни сездириб кўймаслик учун гужупак бўлиб олдим ва ёлғондакам хуррак торга бошладим.

- Бу йилит... биоқуввати тошни кул қилишга қодир, - ўйга толди чоғи, Абдул Ғани жим қолди, кейин, товушини пасайтириб, деди: - Сен вақтдан ютқазясан. Тезроқ уни буқишинг керак.

- Осон экан-да? Ўлғудай гажир!

- Етти пушти ҳақиму ҳозиқ ўтган.

- Худо олсин.

- Мен айтган варақ... қапи? Нима бало, унинг фойдасига ишляяпсанми? Сенга ишониб... чув тушмасам! Сизмадингми, у йўлимизга ғов ташламоқчи!

- Кутубхонани Розик Қори одамлари кўриқлайди.

- Эски ашула... Уфф!

- Китоблар Афзабекнинг ҳам суянчи... Адашмасам, шулар ёрдамида Бирламчи оламдан Иккиламчи оламга саёҳат қилиш ҳадисини олди. Энди у "Оқ аждар" фирмасини яқсон қилмоқчи!

Жимлик чўкди, чамаси, Дилфуза тахминини Абдул Ғанига қутилмаган зарба бўлиб тегди. Ҳозирок у мақбул жавоб айтишагани билардим, шу боис бутун вужудимни қулоққа айлантирдим. Негадир Абдул Ғани тийилди, ниҳоят оғир уф

торгани эшитилди. Сўнг, сипил қадам товушин... У бир-бир босиб тепамга келди, ниманидир чамалаб, узоқ тик турди, миқ этмай ортига чекниди. Эрта Лаъл тақдирини не кечишини ўйлаганча уйқуга чўмдим. Эрталаб уйғонсам бобомерос ҳовлимда, анчадан бери йиғиштирилмаган ивирсиқ хонамда совоксираб, қаллам синиб кетгудек оғриб, томоним қақраб, бемажол ётибман. Тура-сола оғзимни жумракка кўйдим, чала-чулла ювиниб, нонушта қилган бўлдим. Кийиниб, сочимни тараётганимда ойна раҳида турган ялтироқ конвертга кўзим тушди. Шоша-пиша очдим, кўлимга қандайдир гувоҳнома илтиди. Не кўз билан кўрайки, гувоҳномада навқирон чинор дарахти танасига ўралиб олган кумуш ёлти аждар тасвири туширилган эди.

Кўнлим чучмал тортиб, бир нуктага маъносиз тикилганча, туриб қолдим. Сўнг, кеча хайри бошланиб, ноҳуш яқунланган учрашув ва зиёфатни, ноз-неъматга тўла дастурхон устида кечган гаройиб суҳбатни эсладим.

Шубҳага ҳожат йўқ; қисмат мени аврай-аврай яна ҳам номаълум, яна ҳам муҳиш кўчаларга етаклаётган эди. Ажабо, энди буюғи нима бўлади? Бу савол миямни тарк этмай кўйди, чор-ночор Дилфуза хузурига чопдим. Аммо, уни уйдан тополмадим. Оқсоч хотин эрталаб эри билан чиқиб кетганини айтиди. Ҳар ҳолда, у ишида бўлса керак, бироқ, Азизхон Камолний лабораториясига боргани журыат этмадим. Сувага тушган латтадек бўшашиб хонамга жўнадим...

7

Хайрият, Камар Жонтой хотиркам, илжайиб қаршилади. Йўқ, чамаси, у ўзини атай бепарво тутди, шу йўсин устимдан мириқиб қулди. Менга ҳеч нарса ёкмасди, тезроқ бор гапни айтмасам, суибула қирови теккан қовундек, тирсиллаб ёрилиши ҳеч гап эмасди. Чошгоҳга яқин, миждозлардан ҳоли қолганимизда, кечаги саргузаштимни лўнда-лўнда қилиб сўйладим, кейин чўнтагимдан гувоҳномамни чиқардим. Ҳикоямни нописандлик билан тинглаётган Камар Жонтой уни синчиклаб томоша қиларкан, тиззасига зарб билан бўлга теккан қаби, чинқириб юборди.

- Дахшат, дахшат! - деди кейин ранг-қутти учиб. - Буни қаранг, бир фирма, бор-йўғи бир фирма... одамзотни букмоқчи, қатта-кичикни ҳар мақомда йўрғалатиш пайида! Интиқом, шуҳрат, бойлик! Қай бири устун?

- Билмадим, - дедим буйнимни қисиб.

- Вой, сулуҳ-ей! - давом этди Камар Жонтой қуюнчақлик билан. - Бир ўқ билан бир йўла уч қийинки ағдармоқчи-я! Устаси фаранг экан. Кўхна дунё ҳали бунақасини кўрган эмас!

- Дилфузага ачинаман.

- Хе, тавба! У... Абдул Ғани ҳамма нарса - ақл, тафаккур, фикр, Ер, қонинг устидан ҳукм юргизмоқчи, сиз эса... туйғу қули билан ўтирибсиз.

- Мен бошқа ўлчамдаман.

- Кўйинг, кўйинг баҳонани! - гапимни шартга кесди Камар Жонтой, хонада нари-бери юраркан. - Химм... Эйдос заррачалар... Ҳамма сир шунда... Биоқувват ажратувчи биохужайралар эйдос заррачалардан озикланари. Эйдос биохужа латиф модда, тезликда эса чегара билмайди, биохужайралар унақамас...

- Мақсадга ўта қол.

- Фаҳмимча, Дилфузада эйдос заррачалар манбаи ўта кучли!

- Абдул Ғанида ҳам шундайдир.

- Фикр узатувчи нукта кучи эйдосга боғлиқ...

- Ўша нукта антеннали темиртан билан қуролантирилса борми?!

- О, ундами... унда эйдоснинг тезлиги ҳам, таъсир кучи ҳам милён маротаба ошиши мумкин!

- Аниқ фикр ёки муддао билан тўйинтирилган эйдосини биоқувват, яъни, нур таъин қилинган нишонга учиб боради, бош мияни исканжага олади ва ҳар қандай буйруқни бажаришга мажбур қилади. Тасаввурда Уқубат сурати - Оқ аждар пайдо қилиш унга оддий ҳол!

- Худди шундай, жаноб!


- Мен ўйлагандан кўра аламлироқ, - дедим ичим сидирилиб.

- Тавба, одам кўкрагига санчилган ханжар унга... қувонч ва завқ бўлиб кўринса!

- Фаҳмимча, у Азизхон Камолнийни ҳам тузоғига илтириган, - дедим багтар ғашлигим ортиб. - Нима учун, биласанми? Унга қолнинг бир йилча бурун американик олимлар жидҳолаб кетган лабораторияси керак.

- Чолини огоҳлантирайлик.

- Бу билан иш битмас, уни қутқариш керак.



Камар Жонтой бўзарди, сўнг: "Отахонимиз Дилфуза мухаббатини қозонганига хурсанд!" - деркан, эшик шараклаб очилиб, ҳамшигадек андухли қиёфада Хофиз Рустам Али бостириб кирди. Бир ёнга қийшайган чўлқок устулга оғир чўкиб, бир менга, бир Камар Жонтойга хўрайиб тикилди.

- Яна таъкиб қилишяпти, - деди кўрка-писа.

- Кимлар? - дедим титилгудек бўлиб.

- Билмайман, - деди у қизарган кўзларини ишқалаб, - Худо ҳақи билайман. Лекин, бир одам... соя дейсиз. Шудирда Кўсаси!

- Сиз унга эътибор берманг, - деди Камар Жонтой қатъий.

- Айтишга осон, - гудранди аламзада бошқон, - Совуқ туркидан ҳам гапи кўркинчи... Қайсидир қуни, яхшилаб қара, ҳовлига илон уялаган, деди. Ишонмадим. Кечкурун келсам, рост экан. Савил девор тағда узана тушиб ётибди. Йўғонлиги белимдай... Ушқон денг тушимга кирди... Химм, унака... тўшақда мен билан бирга тунади. На ўқ қор қилади, на пичок!

Шўрлик бошқон тағин лойиҳаси ҳафсала билан пишник-пухта тайёрланган биюкватт майдонни асиринга айланган қолганига тирноқча шубҳам қолмади. Шаҳар бўйлаб кезаётган мағия нуфузи кишиларни букиш учун турли найранлар ўйлаб топаётганини батафсил тушунтирдим, аммо, уринишим зое кетди, у андак бўлсин юпанмади.

- Айтнинг, пешонамни қайси деворга уриб ёрай? - деди хўрсиниб.

- Кўп куйманг, Худонинг бир айтгани бордир.

- Ким бўлса ҳам... дарди Зарқоя! Э, қуриб кетсин, ё тоғиб қутуламан, ё қочиб!

Сукутга толган Камар Жонтой мен билан кўз уриштирди. Демак, Хофиз Рустам Али ҳам ниманидир сезган... Зўр бериб бошқон кўнглини кўтардим, бироқ, овозим шунака мискин чиқдики, ҳатто ўзим уялиб кетдим.

- Кўсани сўяман, қонини ичаман!

Ёпирай, кесақдан ўт чиқса-а! Сезимки, бошқон Оқ аждар таъкибдан қутилиш учун ҳар нарсага тайёр, ахир, кўхна заминда Улуғ азобдан кўра муқаддасроқ нарса йўқлигини мунтазам эслатаётган махлуқ шўрликни тавбасига таянтирган эди-да.

- Абдул Фани мақсадига эришмагунча бу одамни тинч қўймайди, - деди Камар Жонтой фиғони фалак ошиб, бошқон андак юпаниб чиқиб кетгандан кейин.

Бош иргаб, бу фикрни тасдиқладим.

Мундоғ қараса, Абдул Фани безоргина кўринади. Тикани, тўқмоғи ичида... Камар Жонтой тоғиб айтди: кўхна дунёга мунақаси келмаган, келмайди ҳам! Мен ҳам шўрпешонаман, негаки, у билан ош-қатик бўлдим. Тузини едим, буцдан қандай тонайн?

Шивирлаш: "Хали тузлиғига ҳам тупурарсиз!" Сесканиб, аста ўтирилдим ва дераза раҳига суяниб турган, позик елкасига юпка гўлдор рўмол ташлаб олган Дилфузани кўрдим. Юрагимни ғашик арайлаш андух қамради, сукут саклашимни ҳам, гап қотишимни ҳам билмасдим. Холим забунлигини сезиб, у ҳам бошқа гапирмади, хиёл чимирилиб, сип-силлик деворга қўшилиб кетди.

Камина, бўғзимда потирлаган сўровлар, бўзариб қолавердим, миям чатнаб кетди. Тавба, дедим ўзимча, муддасини пардалаб келаётган бул парига, мушфиқ ерни қафтида коптоқдай ўйлатишга ҳажл қилган анов милёнерга шунчалар керак эканманми? Йўқ, бари сароб, эсим борида эганимни йиғиштириб олишим керак. Қайтиб давраларига қўшилмаганим, турунларини тингламаганим бўлсин. Узимга сўз берман. Бугун, устозим Азизхон Камоллий хузурига бораман-да, барини окизмай-томизмай сўзлайман. Ахир, ул зот муштин бир жойга урмасак Лаъл шаҳри жароб бўлади демаганмиди!?

Ахду қароримни Камар Жонтойга маълум қилиб, тезгина йўлга тушдим. Автобус бекаги нарёқда қолиди, недир куч қўлтигимдан тутиб, мени "Гуландом" ресторани томон судрлади.

Ичимни бир оташ қуйдиради. Ташналик... Чиллашим қийин... Қадамим тобора тезлашади, ичкарига кириб, олазарак ҳолда уларни қидираман, сўнг, ҳашаматли хосбўлмага ўтаман. Ниҳоят, уларга рўпара бўлгач, вужудимни қуйдираётган ўт босилади.

- Очилиброк ўтиринг, мулла Афзал, - енгил хўрсиниб қўйди Абдул Фани, - Нима, башарамиз ёкмайганими?

- Чарчадим, қариндош, - дедим чайналиб.

- Қучча тўлган сиздай йиғит... Унака деманг, уят-а! Сиздан ундимиз катта, сиз... бизни қўлайингиз керак.

- Аввал ўзининг аравамни тортай, ака.

- Менга қаранг, Афзалбек, тайсаллаш бефойда!

- Тўғри, - деб қўйди Дилфуза.

- Одамзот доимо азоб билан роҳат ўртасида яшаган, биз

бу ҳолни ислоҳ қилмоқчимиз.

- Бунақа гапга ақлим етмайди.

- Хо-о, шунақами? - дўрдоқ лабини галати қилиб буриб қўйди Абдул Фани. - Бирламчи олам билан Иккиламчи олам ўртасида сайру томоша қилишга ақлингиз етади, бизга қолганда... Э, йўқ, Афзалбек, лақиллатманг, ҳамма балони биласиз. Агар бутун дунё эътироф этишини истасангиз...

- Акахон, дунёни ўз холига қўяйлик.

- Унутманг, Оқ аждарни кўриб қайтдингиз.

- Нима бўпти? Мени кўрkitолмас!..

- Рухим ҳамиша ҳимояли демокчимисиз?

Ажабо, Абдул Фани шунақа эҳтиёткорона оҳангга савол бердики, у паст тушгани, дилида недир ҳадик, ноумидлик борлигини пайқадим. Иложи қанча, у тиз чўкнига мажбур, ахир, мен анчадан бери инсон мия қобилини бало-қазолардан асрайдиган қалқон яратиш устида тер тўкаётганимни билади. Агар ҳозирга қадар руҳим иқлимида тутилган тажрибаларимни астойдил қўлай бошласам унинг ақлига сизмас дастур асосида ишлайдиган фирмаси қасода учрайди, ангеннали темирған ёрдамида милён борабор кучайтирилган ҳолда узатиладиган ва маълум мақсадга бўйсундирилган бионур қутилган натижани бермайди.

- Ингилдан хабарингиз борми? - деди дафъатан Абдул Фани кинояли тарзда, - Билгадирсиз, марказингиз шунақа гийбатлар уяси-ку!

Елка қисдим ва Дилфуза қовоғини солганини пайқадим.

- Устозингиз аҳволи пачор!

- Нега? - дедим ҳовлиқиб, - Домлага нима қилди?

- Кечалари Оқ аждарни қучоқлаб ётадиган бўлдилар.

- Хаддингиздан ошибсиз, жаноб!

- Мен эмас, устозингиз ошган ҳадидан! - ер остидан Дилфузига нигоҳ отди Абдул Фани. - Сиз эса... уша ўжар қолиниг пуч гапларига ишонайсиз. Истасак ҳозирок сизин ҳам, уни ҳам "қора сиртмоқ" қа маҳкум этамиз. Ё биз билан бирлашасиз, ёки... мангулик азоб!

Ана гап қайда: биз одамзод бошига ёғиладиган Улуғ азоб даҳшатидан тоғиб, тавба-тазарру қилганча, "Оқ аждар" фирмаси хизматига киришимиз, алагувор ҳавойи манфаатларини ҳимоя қилишимиз лозим. Домла ўлганда ҳам бунага кўнмас. Хўш, ўзимча? Сираси, устоз сарқашлиги менга ёкарди. Мухими сарқашлик эмас, обрў, шўҳрат, амал ҳам бекор, муҳими - етмиш ёшни қоралаган домла элу элат, қурраи арз тақдиринга қайгуриши! Охирги учрашувимизда у бош мия қобилини муҳофаза қилувчи қалқон яратиш мумкинлиги ҳуусидани фаразим ва мулоҳазамни тинглаб, терисига сизмай кетди. Эрта-индин лабораториясида иш бошлаймиз, бу ерда шунақа электрон усқуналар борки, хоҳ моддий, хоҳ номоддий нарса бўлсин, бари нарса (ҳатто фикр, кечинма, қаҳр ёки меҳр) сувратларини экранда бемаълот чизиб бера олади.

Абдул Фани нўпасига аниқ бир жавоб айтмадим, қарияни қийнашдан фойда йўқ, дедим-да, қовоқ солиб жўнадим. Музыка жазаваси тутган маҳобатли бўлгани кесиб ўтарканман, хушқачқак даврада чайқалиб, эшилиб ўтирган Хофиз Рустам Алини кўрдим. Тамом, тузқда бу одам!

Етти иқлим нигоҳини ўзига қаратган "Зарқоя" кончиллик корпорацияси бош мутасаддиси эс-хушини шиша қамалини ёриб чиққан шайтон айтиёрига бериб улгурган эди. Ҳатто ҳозир у хонадони узра айланаётган қулфатини ҳам, атини бир йилда оладиган даромади билан амриқолик ошнаси Рок Феллер белини сиқидириши мумкинлигини ҳам унутган эди. Бир маҳал у гандирақлаб турди, қўшни устода ёлғиз чекиб, ўй суриб ўтирган хушбичим жувонни рақсага тортмоқчи бўлди. Чамаси, хоним йиғитини қутаётган эди, ингичка қошларини чимириб, рад қилди. Ноўнағай аҳволда қолган бадавлат биродарим сазаси ўлганига астойдил аччиқланди. Аксига олиб менга тўқнишиб кетди. Аламдан чиқмоқчи бўлиб, бирдан мушгини тугди, мени кўриб, жаҳлидан тушди, ҳатто дарли-ғами ёдига тушиб шекилли, жиддий тортди. Сўнг, қучоқлаб олди. Базўр қутулдим. Аммо у изимдан қолмади.

- Бадимга урдингиз! - дея бақирдим ташқарида.

Қароқларига зил андух чўккан Хофиз Рустам Али бўйлиганимга қилча парво қилмай, кўксини кўксимга тираб, ҳикиллашга тушди: "Ўн кун муҳлат! Охиргиси, укажон! Қонини ҳам, ишчиларини ҳам ҳаггаб беришим керак! Эвоҳ, бу қандай қўрқинлик!?" Қошки, биргина қон тақдир хал бўлиши билан фалокат тугаса! Жами ер юзи таназул гирдобиде турибди. Ер эртаси кенжагой Аббос афт-ангориде қисман бўлеа ҳам аке этгандек... Дафъатан олиседа, Иккиламчи олам турғушини таъминлаган Оқ аждар сайёрасидаги Олов дарёси бўйида Давронбек билан ўртамизда кечган суҳбатни хотирлашим. Аббос ҳаёти ҳам қил устида қолгани аниқ, балки, мен ўз синовинини охиринга етқизганимча уни хилватроқ жойга



яшириш ёки йироқроқ шаҳарга олиб кетиш керакдир.

Бундай содда фикр юритганим учун ичимда ўзимни ўзим масхаралаб қулдим. Ношудлик шунча бўлар, ахир, табиий эҳтиёж асосида фаол ҳаракат қиладиган биоэйдос заррачалар, тана ва мия хужайралари ҳамда руҳий тўлқинлар қўшиливи натижасида яраладиган бионур ёрдамида ғойибадаги банд тасаввурда аниқ манзара ҳосил қилиш ҳамирдан қил суғургандек осон кўчаётган бир пайтда қаёққа ҳам кочиби кутулиш мумкин!? Мабодо, бионур милён босқичли кучайтиригич қурилма дастурига солинса чинакам мўъжиза рўй беражаги аён бўлиб қолди. Фақат бу кашфиёт Ерни инқиروز домига тортиб кетмасайди...

- Укажон, эрта ё индин жанозамга бораверинг.

Ғўссали хўрсиникдан хушимга келдим. Шўрлик бошқон гуноҳи нима, дедим ичимда, неча юз йил мукадам ажодлари Зарқоя бағрида яширин жавоҳирот кўзини очганими? Қадимда бу мулк Абдул Ғани боболарига тегишли бўлган эмиш! Ёлғонини қаранг. Йўқ, ҳақиқий меросхўр Хофиз Рустам Али, бошқа ҳеч ким эмас. Шу лаънати хазинали деб у тўнғичидан ажради. Энди навбат кенжатоинга етди. Фожиага томошабин бўлиб туравериш нақадар аянчли!

Ниҳоят, қаламда бир фикр ялт ёнди, сал енгил тортиб, дунёга сиймай бораётган бошқон билангида ушладим: "Бардам бўлинг, бир иложини қиламиз, жаноб!" У хиёбонда саросар туриб қолди, мен эса Оқ аждар сайёраси остида тутилган Абдул Ғани Бирламчи олам билан Иккиламчи олам ўртасида ўт чиқаришга ҳозирлик қўраётганини етказиш учун Азизхон Камоллий хузурига илдамлаб кетдим.

8

Ҳаёт инсонни аямайди. На иложки, устозим ҳам қариди, баъзи фикрлари эскирди. Илгари у моддиончи олимлар сардори эди, улчами ва ҳажми, салмоғи ва зичлиги, зарралари жойлашуви аниқ тирик жисмлар барқарорлигини исботловчи кашфиётлар билан донг таратганди, шунга кўра, бош мия фаол нукталаридан узатилган ва узатилажак фикрлар ҳам моддий эканини тан олгиси келмасди. Худо инсоф бериб, у айрим ҳулосаларидан кечди, энди у моддий борлик - яратилган ҳар нарса ҳалокатга маҳкумлигини, номоддий иклим азалдан мавжудлигини, шунинг учун у боқий қолажагини эътироф этади. Халиги кунни шаҳарда ёвуз шарпа кезаётганини каромат қилгани табиатидаги шу ўзгариш натижаси эди. Аммо, баъзан эски касали кўзгаб қоларди, демак, барини ётғини билан, оқизмай-томизмай, бор қўлами билан сузлашим керак. Не синоатки, бу қунда тилимагур одамзод Бирламчи олам чегарасини бузиб, Иккиламчи олам сарҳадига кўчди. Мушфик Еримиз Иккиламчи оламдаги Оқ аждар сайёраси татсирига тушиб қолса, ақлу гидроқимиз, тафаккуримиз, кўнглимиз Оқ аждар тутқунига айланса ҳолимиз не кечади?

Домлани академиядан тополмадим.

Тушиқдан сўнг у вақтини лабораторияда кечиради, фикр ва кечинма суратини чизиб бера оладиган қурилмани синовдан ўтказди. Ҳозир ҳам шу юмуш билан машғулдир. Аммо, яна умидим чилпақка чиқди. Ҳатто шогирдлари ҳам қайдалигини айтиб беролмади. Кўнглим чўкиб, изимга қайтдим. Бунақа вақтда ёлғиз қолиш кишига алам қиларди. Фақат домла ёрдам берсагина Оқ аждарни мажақлашим мумкин, аттангки, содик Қамар Жонтой жонимга аро қиролмайдди. Хали у Бирламчи оламга хос мажхул оқимдан тўла-тўқис кутулган эмас, сираси, ўз имкони қўламини етарлича билмайди. Мен эса, марҳум бобом арвоҳи кўнглимни ардоқлагани боис, анча илгарилаб кетишга улгурдим, жисмимда ҳукмрон бўлган қон, биоэйдос заррачалар ва хужайралар синтезини тезлаштириш ҳадисини эгалладим. Майли, бу ҳолни ҳеч ким, ҳатто устозим ҳам тасаввур қилмасин, бироқ, ўзим бўш келмайман.

Кўнглим хувиллаб қолди. воқеани Абдул Ғанига етказишни истамай, елкамни қистанча ҳовлимга жўнадим. Жулжит ертўлани хилват тугсам, бобом арвоҳи билан яна мулоқотга киришсам, жавонларни тўлдирган китобларни варақласам мушқулим осонлашадигандек эди. Аста курсига чўқдим, хаёлимда сокин кўча, майдон... Фуқаро ўраган сахн ўртасида, аланган оташ узра бемалол чордона қуриган мўйсафид жонланди. Агар шу от нафас урса дарё бошқа ўзандан оққан, очик осмонни булут қоплаб, дувиллаб ёмғир қўйган, ҳовуз суви музлаган, зилзила қўпиб, баланддан залворли қоялар қулаган... Мен унинг зуриёдиман, жаҳд қилайки, Улуғ азоб васвасаси чекинсин, шодлик ва роҳат гул очсин! Одамзод ёруғ дунёга қулфат тортиш ва мотамсаролик учун эмас, бир-бировига меҳру муруват кўргузиш, синовлардан завқланиш, хотамтойлиқни қалқон қилиб, жаҳолатни букиш учун келади. Чоҳни адолат учун эмас, разолат учун қазимоқ керак. Мана бу оловда не сир бор? Оқ аждар сайёрасидаги Олов

дарёсини эслатаркан. Бобом уни писанд қилмаган, голиб келган. Афсуни китобини йўқотгани чатоқ бўлган-да. Ёки, чиндан ҳам уни Азизхон Камоллийга совға қилганми? Энди у устозим қўлида йўқ, аплақачон Абдул Ғани бисотиға айланган. Борингки, ўғрини қароқчи урибди, деганлари шу бўлса керак.

Ҳозирча, ўша китобдан атиги биригина варақ қамини ихтиёрида, уни иложи борича тунда, ҳамма ухлагач, мутолаа қиламан, унда ҳар сўз маржон шодаси янглиғ тизилмиш:

"Илон аждаҳо бўлиши учун ер тағдида қирқ йил ётиши жоиз эрур. Тилсим ўз кучини йўқотган кунни у тутқунликдан қутулади, куёш тағтида қизиган тупроқда бир агнаса, пари суратига қиради. Бул пари соя-салқинга ўч бўлур, сувсиз тувланмас. Жазирамада қўл-анҳор ёки чашма тағида жон сақлар. Агар у узок муддат ташналик азобига пирифтор этилса қайтадан аждаҳога айланур. Дуч келган жонлуғни қурдим демай ёйди, агар ёвуз одамни ютса, яхлит тилла ёмби бўлиб, тириклик ила видолашур..."

Бари кундек равшан: Абдул Ғанига мана шу варақ керак.

Пихини ёрган банд! Намунча узокни кўзламаса!?

Қай маҳашир тағин кенг майдон ўртасида гувиллаб ёнаётган гулхан хаёлимни ўради. Гулхан ўртасида бобом қад ростлаган... Бобом бошидан оёғигача яшин тусида товланади, аста-аста у тамою нурга айланади, еру қўкни қамрайди, сўнг бир нуктада жамланади, шам қиёфасини олади.

Бирдан шодлигим кўксимга сиймай кетди.

Қачондан бери интиқ эдим.

Ахир, бу ўша - орзумдаги Шам, жами хоҳиш-иродам, қайғу ва қувончимни бағрида жо қилган мунаввар хилқат!..

Энди мен бемалол тошини ёриб, қатига қираман, истасам дарахтга айланиб, тупроқда томир отаман, истасам самада булут бўлиб кезаман, истасам... Сув тубига тушиб ёки бетон деворли, ошёнана қамалиб поёнсиз бўшлиққа таралган фикрларни эмин-эркин ўқийман ёки ўз изтиробларимни чекензликка қадар етказаман...

Лекин бу ҳаммаси эмас, муҳими - бетига ниқоб ёшган мағизга ҳукмимни ўтказа олишим, мағиз хуружига йўлиққан бандалар кўнгли ва шуурини муҳофаз қилишга қодирлигим!

Шамни кашф этганимдан кейин ҳаётим бирдан ўзгарди, энди теваратимни бошқача назар билан қузатардим. Хар лаҳза, чекензлик ичра, ғойибада, бобом қиёфасини кўраман, кўпинча у ҳалоскор Шамни қағтида тип-тиқка қўйиб, шошилмай, жилмайганча мен сари умтилади. Ҳатто гоҳо у мени марказгача қузатиб келади. Марказда эса хануз нотинчлик ҳукм суради. Фақат энди мунгайган дераза орқасида таъкибор қўзлар кўринмайди, қизиги, энди ўзим ҳам ўша қўзлар сохибаси йўлига термимасдим. Фақат уни тез-тез кўрсардим. Томоғимга хўрсиник тикиларди.

Қуллар қай тахлит кечади, сезмай қолардим; негаки, марказимдан нажот истовчи инжиқ мижозлар сони ортса ортдики, сира қамаймади. Кўрғошин тусли чўққилар тағида, кучли чироклар ёритадиган чуқурликда, қобил ва билагон темиртанлар ҳамроҳлигида қуллардан тилла ва жавоҳирлар ажратиб оладиган ёлланма ишчилар марказимизга муру малаҳдек ёпирилишди. Ҳатто баъзи олимлар ва тижоратчилар эҳтишимизда навбатда турганини қўриб тепа сочим тикка бўлди. Ола-була бўйинбоғ таққан хушрўй йингит академияда ишлашини пеш қилиб, гап орасига мухтарам Азизхон Камоллий қорасини кўрсатмай қўйганини кистирганда тамоғим қоқ бўлиб кетди.

Қариган, лекин, илму ҳикматдан чекинмаган устозим, во дариг-ки, Оқ аждар билан бир тўшақда! На ётишида ҳаловат бор, на туришида! Бас, бечора ҳолидан хабар олишим керак. Уни қутқазмасам бўлмас. Фақат... "Зарқоя" қончилиқ корпорацияси бошқонига ваддани қаттароқ бериб қўйганман. Аббосбек ҳолни не кечдийкин?

Нажот йўқ чамаси... Ранг-рўйи заҳил Аббос мени жон-жаҳди билан қучоқлаб олди. Кўзёшлари ёноқларини ювди. Ногоҳ, Оқ аждарни эсларкан, муз тағига тушиб чиққан қаби дағ-дағ титради. Ярим соатча суҳбатлашдим, биоқувват муолажаси билан асаб тизимини юмшатдим. Қайта-қайта таскин бериб, уйга жўнадим. Йўғ-а, Азизхон Камоллий хонадонига йўл олдим. Бўсағада тошдек қотган икки гумашта мени ичкарига йўлатмади. Ялиниб-ёлвориним бекор кетди. Изимга бурилдим. Дарвозам биқинидан Оқ аждар тасвирланган гушхонага топиб олдим. Ғижиниб тургандим, шундоқ ёнимдан нишагайча Кўса пилдираб ўтди. Эртаси кунни ҳам шу хол рўй берди, Кўса важоҳати муқаррар қулфатдан яна огоҳ этди. Парво қилмадим, умидсизлик тўшағида ётган Аббос билан мулоқотимни давом эттирдим.

Тун бўйи тасаввурим ойнасида бир маромда ёғду сочадиган Шам суратини бино қилардим, сўнг, уни бионур ҳовучида кўмакка муҳтож нукта - Аббоснинг сезирлиги кучайган бош

миёси қатламларига йўллардим. Мулоқот чоғи хоҳласам Аббосни ухлатиб қўйишга ёки тонга қадар бедор тутишим мумкин. Хар ҳолда назият тақозосига кўра ҳаракат қилардим, эрталаб йиғитча холини билиш учун ошқардим.

Кўпинча мени бўсағадга бошқон ўзи қаршилайди, кейин туртина-суртина ўғли қошига етаклайди. Камина, юмшоқ креслога чўкиб, ранг-рўйи анча ўнланган йиғитча билан суҳбатлашаман. “Хўш, азизим, - дейман меҳрибонлик билан, - аҳвол қалай? “Яхши, - бийрон тилда жавоб қилади Аббос, - кечаси мириқиб ухладим!”

Бугун ҳам навқирон миқозим хотиржамлигини билиб, анча сипти тортдим, барибир бош миёси пардаларида мувозанат ҳолатини яқиндан текшириб кўришга қарор қилдим. Катъият ва ишонч билан тўйинган биозёйдос заррачалар ва ҳужайралар ихтосасида кўриқчи Шам бир маромда ёнаётганини ҳис этиб, бошим кўкка етди. Насиб қилса, Оқ аждар яқинига йўлай олмайдди, зўравонлик қилса, қуйиб кетади.

Шамга ишонса бўлади, аммо, гоҳо ўзим билан ўзим қолиб, гидрокимни мискин хаёлар чулғаганда ҳалоскоримни унутардим, ҳатто ундан йироқлашиб кетардим. Бирдан ҳушимни ўнглаб, Оллоҳдан биргина нарсани - гафлатга гирифтор эмаслигини ўтииб сўрардим.

Таскин ва мадад излаб, қайта-қайта ертўлага тушардим, тун бўйи бобом арвоҳи билан мунозара қилишдан зерикмасдим. Бобом кўлёмасини яна синчиклаб ўқиб билдимки, ҳаракатдаги биокуватга азоб-уқубату роҳат-фароғатни, меҳр-оқибату нафрат-ғазабни, донишлуну хоҳилликни ҳам жойлаб йиғилган ўлтамга узатиш мумкин. Гўдақлигида, ҳали миё тўқималари мусавффо пайғида, одам қайси тўқинини қабул қилса, ўшанинг таъсирида ривожланади. Ҳеч эътибор берганмисиз, кимлардир уқубатда кун кечиради, кимлардир ҳузур-ҳаловатда... Кимлардир қашшоқ, кимлардир бадавлат... Яна бировлар товламачи, бировлар ростгўй, бировлар ҳасис, бировлар саҳий... Боринги, беш қўл баробар эмас, шундай потенглик Бирламчи олам билан Иккиламчи олам басма-басига таркатаётган дуолар, қариш-алқишлар, издииятли ўйлар, аламли изтироблар ва андуҳлар билан изохланишини ҳар ким ҳам ҳис қилмайди. Демак, гидрок намобён бўлган дақиқасида қай хил ўлчамли тўқинга йўлиқса, ўша тўқин тақдирини белгилайди.

Ресторанда, фин мебели билан жиҳозланган ҳашаматли хосбўлмада Абдул Ғани ажаб бир мулоҳазани орага тикиштирган эди. Ҳозир ўлгани эслаб кўнглим алғов-далғов бўлиб кетди. Ҳа, ўшанда у, одамзод роҳат билан азоб оралиғида яшайди, биз бу холини ислоҳ қиламиз, дея кўпирганди. Бекорга катта кетмаган экан; чиндан ҳам у бутун ер юзини Улуғ азоб бирдобиға фарқ қилиши мумкин!

Абдул Ғани бугун бўлмаса эртага Дилфузага амр қилади, Дилфуза қариб-қартайган, ҳалимдай мулоийм бўлиб қолган эри амриқолик биродарлари ҳомийлигида кашф этган маҳсуе қурилмани ишга туширади, макр ва қаҳр ила тўйинтирилган биозёйдос заррачалар ва ҳужайралар қўшилувидан юзга келган Оқ аждар расмини тасавури ойнасидан милён босқичли қурилма экранига кўчиради, сўнг, даҳшатли маҳлуқни миелсиз тезликда керакли нишонларга учиради. Ғофил инсонни мутеллик ва азоб қутаётгани аниқ...

9

Азиз Камоллий темиртанлар сулоласининг сўнгги авлоди - лазерли “Қудрат-АК2” қурилмаси учун замонавий биланлар асосида кенгайтирилган маҳсуе дастур тайёрлаганини билардим. Шақсиз, бу дастурга биноан, темиртан ўз экранига ҳар қандай тушувчани рамзий аниқликда ифода эта оларди. Фармойиш ёки бирон фикрни нишонга узатиши ҳам чўт эмас. Агар у ростдан ҳам Абдул Ғани ихтиёрига ўтса... Тамом! Йўқ, бунига йўл қўймаслик керак, домла бирон хилватда чора излаётгандир. Хар ҳолда ул зот кўпни кўрган, осонликча тоб ташламас. Ахир, шаҳарда қадами бежо изғиб юрганидан мени ўзи оғоҳ этмаганмиди!?

Домла мени унутгани йўқ, унутиши мумкин эмас, режасини пишиқтан заҳоти ҳузурига қақиради. Сўнг, мен “Қудрат” билан тил топишиб, экранга тасавуридаги Шамни кўчираман. Шам билан қуролланган темиртан буйруғини бекаму кўст адо этади.

Кутдим, домла сазо бермади, энди фақат ўз имкониятим даражасида ҳаракат қилишдан ўзга иложим қолмади. Эй, Худо, бардошим охиригача етармикин? Чарчаб, гафлат боенишдан кўркаман, негаки, уйқуда ҳалоскорим ғайрати сусаяди. Бас, ухламайин, мен учун кеча билан кундуз фарқи қолмасин. Вазифам ягона - бедорлик!

Рўзномадан бир ғалати одам ҳақида ўқиганман; у Африка қитъасида жойлашган митти мамлакатда, хилват чангалзорда яшайди. Умри биро бўлиб мижа қокмаган, тақир ерда, дарахтга суялиб ҳордиқ олади, тўшак нималигини билмайди. Ухлаб қолса

вахший ҳайвонларга ем бўлади, ҳушёрлик билан жонини сақлаб келади. Энди мен ҳам шундай йўл тутаман, азоб чексам чекмайки, Шам иродасини синдириб, миқозларимни арасида қолдирмай...

Шубҳасиз, Шам ҳалокати Оқ аждарга узил-кесил йўл очиб беради. Оқ аждар шафқат нималигини билмайди, у ёш-қарини бир умр тугамайдиган дўзах машаққатига гирифтор этади. Ғойибдан келган оғат туғайли инсон ўзинини йўқотади, ўлчамни йўқ ўлчамлар ичра адашади. Неча ҳамшаҳримиз қурбон бўлди, хусусан Давронбек қисмати аянчли кечди. Энди навбат Аббосга етди. Агар уни охиригача ҳимоя қилолмасам... Нима деган одам бўламан? Қолаверса, энди гап фақат Аббос устида ҳам эмас, тунлари юзлаб болакай Оқ аждар билан юзлашишга мажбур бўлади.

Шукур, бу кеча бош миёам билан юрагим тузган иттифоқда рўй бераётган айрим ноаниқликка барҳам бердим, бу янглик тасавуриمنى тиниклаштиришда анча қўл келади, кўриқчи Шам ҳаракати тезлашди, бинобарин, у Абдул Ғани буйруқлари билан қуролланган Оқ аждарга қараганда шиддатлироқ парвоз қилаётганига амин эдим. Ҳозирча ўзим ҳам даҳлисиз қолаётганим шунини исботларди.

Демак, Бирламчи олам билан Иккиламчи олам узра ҳокимлик туғини тикишга интилаётган ёвуз руҳин тозабад жиловлаб қўйиш мумкин, буниг учун оживлик қулига айланади, ўзига ишонмай қўйган, бутун ва эртаси қандай кечилиши билмайдиган қимсалар гидрокга нур улашиш керак, қатъият ва умид билан йўғрилган бионур!..

Миқозлар билан мулоқотни туғининг маълум вақтида, Катта Айнк ва Арслон буржлари оралиғидаги кенликда осойишталик чўққанда хотиржам бошлардим.

Тўғриси, ишларим анча илгари сизжида (фақат ҳануз устозим Азиз Камоллий ҳоли не кечганидан бехабар эдим), марказга оху фиғон билан келувчилар қамайди. Қувонганимдан теримга синмасдим, Қамар Жонтой эса таажжубга тушар, зерикаётганидан нолир, ниманидир бахоналаб, уйига жўнади.

Тахминимча, бутун шаҳар қуна-қун зўрайиб, жазавага кирган таҳлика ва зугумдан фориг бўлиб, осуда ҳаётга юз бурди, ҳатто, Абдул Ғани билан Дилфуза ҳам Шам таъсирида безорлик ихтиёри қили чамаси. Камина Оқ аждар сайёраси тўқинларига бас қелолдим. Энди, қолиблик эвазига, ўзимни ўзим муқофотлайман: хилват хонамда озгина мизғийман.

Неча кундан бери давом этиб келаётган бедорлик асабини буткул бўшаштириб қўйганини туйдим. Юмшоқкина қароват жисминни ажиб ютоқлиш билан барига торгди, э, даринки, ногоҳ, лаҳзалик роҳат неча-неча асрга тагиулик азобга айланади. Оғрик, сўнсиз оғрик! Суяқларим қон қақшади. Аччиқ қулдим, ношуқурлик қилмаслик керак, дедим ўзимча, чунки, асл қийналиш ҳам фароғат, аксинча, ортиқча ҳузур - қуфат!

- Офарин! - пичирлади кимдир. - Мардона тан олдингиз ҳақиқатини!


Овоз танишдай... Чўчинқираб кўзларимни очдим. Ёнирай, Абдул Ғани турибди тепамда! Бу ерга қақдан келди? Осмондан тушдимни, ердан чикдимми? Йўқ, мен хонамда эмас, бегона жойда эдим. Қисқаси, сўлим бир боғда. Турфа дарахтлар шигил мева солган, шоҳлари учи эгила-эгила ер ўпган, адоғлаб қолган сунбула шамолга дош беролмаган япроқлар шитир-шитир тўқиларди. Чор-атроф баланд, айлана гиштин девор билан ўралган, қуноботарда маҳобатли темир дарвоза, пештоқли узун айвон, мәрмар устунарди, шакли-ранги ҳар хил ян-янги машиналар кўзга ташланарди.

Чорбоғ ўртасидаги суви шишадек тиник сарҳовуз бўйида, шифтинга тул кесилиб, билдур қандиллар осилган кўркам шийон, йўқ, кўшқда, қўшқават адлас кўрпачалар сонинган ёғоч чорпожда ётганимни билдим ва сапчилаб турдим...

Кўнглим бўм-бўш, зимзиё, ахийри, фикрларимни зўр-базўр бир ерга жамладим, бехос Шам ёдимга гушди. Диққатим ошганча, рўҳимдаги барча иқлими тит-пит қилиб уни қидирдим. Уринишим зое кетди, Шам йўқолиб қолгани, уни бегона бир куч тилка-пора қилиб ташлаганиди.

Бари тушунарли: ҳалиги кунларда Абдул Ғани ўзини чекингандай кўрсатган-у, аслида мени - Шамни жиловлаш йўлини қидирган, қулай пайт пойлаган. Озгина мизғиб олиш учун чўзилганим заҳоти Дилфузага Азизхон Камоллий асраб-авайлаб юрган, бионур учун мослаштирган лазерли “Қудрат” қурилмасини ишга солишни буюрган. Дилфуза хожаси амрини зудлик билан бажарган, натижада Оқ аждар қутирган, ором оғушига қириб, барча ҳавф-хатарни унутган бош миёамдан кўриқчи Шамни қуваган. Бехуш қилингани, қонга тикишгани, машинага ортишгани ёлгон. Мен ўз оёғим, ўз хоҳишим билан бу ерга келганман, ҳар қанақа азоб, таққирни бўйинимга олганман. Илож қанча, қани, сабр билан қутай-чи, кўрпиклик қандай тугаркин?

- Сиз маҳбус эмас, азиз меҳмонсиз.



Энди Абдул Ғани кинояси бўғимга ханжардек санчилди. Чиндан ҳам у ўзини қолибларча тутаётгани, юрагини қаймақийма қилаётган қийноқлар унга бигмас-туғамас сурур бахш этаётгани. Беун инграниб, гулдор поёндозга чўккаладим.

- Иззатингизни билсангиз... шаҳзодадек сийлаймиз.
- Сиз ёвуз одамсиз! - дедим титраниб.
- Ингит, яна эслатиб қўяй, мен Оқ аждар сайёраси остида тутилганман, - деди Абдул Ғани ифтихор билан. - Уша сайёра амри мен учун қону! Аммо, сиз... меҳрибон ва мурувватли Катта Айиқ буржи паноҳида таваллуд топган бўлсангиз ҳам ёвузликда мендан қолишмайсиз. Давронбек қотили ким? Сиз эмасми?

- Жаноб, алжираяпсиз.
- Рустам Алини тентак қилдингиз. Натижада Давронбекнинг паймонаси тўлди. Сиз хали думбулсиз. Шунинг учун ҳам неки иш қилсангиз бари хом-хатала! Сизга зўр устоз керак. Бас энди, Азизхон Камолний этагини қўйворинг. Хеч нарсага ярамайди у одам!

- Сиз уни ҳам хиёс қилганмисиз?
- Йўқ, у Оқ аждар ихтиёрида...
Тасаввур қилдим: устоз қай ердадир азоб билан олишмоқда, қароқларидоғи нур ўрнини умидсизлик, андух, маломат эгаллаган, бор армони бўзини алам бўлиб қуйдириши!

Кўшк билан темир дарвозани бирлаштирган кенгинга йўлакда қуланг камзул-шим, ялтироқ қора туфли кийиб, жигарранг бўйинбоқ таққан гўлабир киши кўриди. У чап кўлини қўйнига, ўнгини эса чўнтағига тикловиб, илдам йўргаларди. Ниҳоят, "Оқ аждар" фирмасининг итти тешитидан тузани ҳам бемалоў ўтказиб юборишга қодир содик иш юритувчиси - Кўсанни танидим.

- Биродар, нега меҳмон ҳолидан хабар олмайсиз? - деди унга қарата Абдул Ғани. - Шундай азиз инсон очиб қопти. Қани, тез бўлинг, муштағир қилмай таом келтиринг.

- Хозир, хозир, жаноб!
Кўса жилди, Абдул Ғани рўпарамда тўхтади.
- Афзалбек, энди очингни айта қолай... Тайёргарликни якуниладик, охири босқич қолди. Биз ёллаган мутахассислар "Қудрат" хотирасига баъзи ўзгаришлар киритди. О, биласизми, улуг инқилоб қутулмоқда!

- Балки сиз паст тушарсиз, - дедим гашланиб.
- Ёлғони йўқ, келгусида одамзот оғриқ иклимида яшайди. Ер эса, ҳа, мана шу Ер гах десам қўлимга қўнади. Эҳ-ҳе, сиз э, содда, Зарқоя қонига қайғуриб ётипсиз. Унақадан нечтаси қўлимга ўтади. Ҳофизга ўхшаганлар соямага кўрпача тўшайдилар. Бахтимга Оқ аждар омон бўлса бас!

- Қилич билан бошини узиб ташласалар-чи? - дедим беихтиёр данганига; миямга келган бу фикрдан тетиклашиб, ғайрат ва шижоатга тўлгандай бўлдим.

- Бир боши ўриндан етгиси ўсиб чиқажак, - муштини ҳавога ўқталди Абдул Ғани. - Наҳотки билмасангиз? Э, укам, Оқ аждар сувга чўкмайди, ўтда қуймайди.

- Йўқолсин оқ аждар!
- Хали вақт бор, яхшироқ ўйланг.
- Мақсадингиз қоронғи менга.
- Самовий тўлқинлар тақдиримизни бирлаштириб қўйган!..
- Диффузани араб юрибсиз, етмайдимми!?

Абдул Ғани ер тепинди, гўшгдор бетига қон урди, ногоҳ, қаршимда қасд қилган ишини бекаму қўст адо этишга бел боғлаган серғайрат, жаҳлдор, мурасасиз кимса буй ростлади. Нима ҳам дердим, у ўз ёзуғини куйиб-пишиб оқлаётир, айни пайтда, мени эътиқодим ва қадримдан кечишу фақат қорним учун йиллашга чорлаётир.

- Сиз Диффуза руҳи билан руҳингизни қовуштирасиз.
- Бу иш тажовуз эмасми?

- Йўқ... Қўшалок биомайдон юзага келади, "Қудрат" машинаси эса икки баравар кўп имконга эга бўлади... Хўш, Ҳофизни ёллашга биз оғирлик қилиб қолдик, негаки, уни ҳимоя қилипсиз. Бас энди! Ҳофиз бош миясига Шам эмас, Оқ аждарни жойлашингиз керак. Қонда нечта ишчи бор? Юзтами? Минтами? Бари Оқ аждарга бўйсунмоғи лозим. Шунда, очингни айтгай, тепангиздан ўзим тилла сочаман!..

- Шам, шам! - дея нидо қилдим. - Халоскорим қани?
- Умид боғланам унга! Азиз Камолний яратган темиртан қўмағида орқа миангиздаги хотира қодларига қўшиб у ҳам вайрон қилинди. Улуг инқилобимиз шу воқеа билан дастлабки қадамни ташлади.

Уқ еган қашқирдек урлаб юбораёздим. Ахир, наҳотки, энди мен кун-қуруқ ёғочман? Наҳотки, дунёни билнши, ҳис қилишдан, ўзга одам, ўзга сайёралар билан баҳсу мунозарарага киришишдек ажиб фазилатимдан тобад маҳрумман? Йўғ-а, орқа мия қобинга даҳл қилиш осон эканми? Абдул Ғани шунчаки кўрқитди: чўпчак айтди. Шундай экан,

бушашмаганим маъқул. Худо хоҳласа, Катта Айиқ буржидоғи Наҳот водийсида яшайдиган Номаълум киши билан сийратан ва сувратан янча бўлган зот - бобом Розик Қори тагин менга кўмакка келади.

Ногоҳ эсладим:

"Хар лаҳза ҳозир бўл, йўғасам руҳингни тутқун қилурлар. Тутқун руҳ учолмағай, қаноатга ортиқ эрк берсанг қафасга кўниқур. Қаловини топсанг руҳинг сени хилқат ичра ғойиб хилқатга етказадир. Соғ руҳ хар не хасталик қушандаси эрур..."

Ҳа, эсладим, сўнг, ўйга толдим. Ҳамниша оқли оқ, қорани қора деб яшаган бобом қароматига ишонса бўлади. Жонни чорасизлик тирдобига ташламак на ҳожад? Тезроқ ҳаракат қилиб, қафасга ўрганиб қолмасидан бурун, руҳимни қутқаришим керак. Анов суллоҳ алдаганига яна бир қарра имон ўғирдим. Шуқур, хотирам қодлари жойида, яна ҳам муҳими - кўнглим кўзи очик...

10

Афсус, устоз Азиз Камолний Оқ аждар чангаллида...

Бу ғани Абдул Ғани аламзадалик билан таъқидлади.

Нима қилай? Осмон узок, ер қаттиқ! Акенга, Лаъл шаҳри буткул ғойиб, бошига тушажак муқаррар асадо нелгини хатто тасаввур ҳам қилолмас. Иккиламчи оламдаги зимзиё нуқтада Оқ аждар пайт пойлар, у қўланса сўлагини оқизганча, йирик-йирик кўзларини олайтириб, Лаъл шаҳри фахри ҳисобланган Зарқоя хазинасига тикилар, хазинабонлик рутбасини устидан ечмаган Ҳофиз Рустам Алини ғажиб ташламак пайида эди.

Асли, ўлим туғилиш каби неъмат, фақат мавридида ва иззатли бўлса, акс ҳолда - миселсиз қайгу! Қолаверса, жасад ҳалокати арзимас, руҳ таназули ҳақиқий фалокат келтиради.

Ҳайрият, ҳозирча тинчман, Оқ аждар ҳуруж сезимайди. Мана, муҳлат тугади, Абдул Ғани эса қорасини кўрсатмади. Ким билади, балки, недир зарурат ила қайсилар сайёрада сайр қилиб юрганлар. У ҳам қонинотда ўлчамдан ўлчамга кўчиб юриш ҳадисини эгаллаган...

Товиздек ҳид олиб юрадиган Кўса эса кўшқдан қадамини сира узмасди. Хар қуни уч-тўрт маҳал олдимга пиёдираб келар, мендан хайрихоҳлик билан ҳол-аҳвол сўраган бўлар, тетиклигини биллиб, хотиржам ишга қайтарди.

Ховли-боғ ниҳоятда кенг: қайдан бошланади, қайда тугайди, айтиш қийин, таажжубли томони, фақат дарвозага эмас, хар дарахт, хар гул-майсага қоровул қўйилган. Кечасию кундузи пана-панадан ваҳима ўқрайиб боқаётгандек туюлади. Хусусан, хар ерда ўрнатилган шеру қоплонлар, сийнасидадан пасти илон кўринишида тасвирланган улғувор маъбудалар ҳайкаллари кишида оғир таассурот уйғотарди.

Шунга қарамай, атрофда кезиб юришни одат қилдим.

Этак томонда кичикроқ фавворали кўш ҳовуз бўлиб, ён-верни нақд жаннатни эслатарди. Тартиб билан экилан турфа рангли атиргуллар барқ уриб очилган, муаттар бўйларни еру қўкни тутиб кетган эди. Чошгоҳда ёки қўш ботар олдида шу кўш ҳовуз бўйига келиб, қора сунъий чарм қопланган узун ўриндикка чўқардим. Сўнг, жимгина анвойи чечакларга термилардим. Руҳим ором оларди, таним енгил торгарди. Гўё, нафис япроқлар шивир-шивир роз айтишарди. Улар билан тинмай суҳбатлашардим. Бора-бора улар дардим, қувончига айланди, гоҳо бу туйғудан шуурим ёришиб кетарди. Ажабо, бир қуни эндигина лаб ёрган нозиккина гунча менга жилмайиб бокди. Жозибали, мунис ва меҳрибон нигоҳини туйиб энтиқдим. Кўксим қалқиб, руҳимда чакмоқ чақди. Сўнг, чакмоқ кичрайди, бир дастагина нур қолди. "Шам!" - дея шивирладим, аммо, у ёпирилиб келган зулмат ичиди ғойиб бўлди.

Бўшашиб, ғамгин алфозда, қуноботар тарафга ўтдим.

Қачон экилгани номаълум қари тераклар қуршовида қад ростлаган, таги шўрлаб, гинишлари кўмирдек қорайган бино диққатимни тортиди. Бино деразалари панжарали, пардали, қўш табаккали баланд эшиги несадир лағ очик эди. Аста ичкари кирдим. Эши беш, бўйи етти метрча келадиган бўлма бир нечта эшикка рўпара қилди. Таваккал билан бировидан мўраладим ва беихтиёр дунёдаги энг ноёб кутубхона қошида турганимни англадим.

Дастлабки бўлмадан қарийб икки баравар кенг бу бўлма шарқона усулда ихлос билан таъмирланган бўлиб, хар нақши бетакрор... Нозик диди уста қўли бежирим қилиб ясаган беҳисоб жавонлар нақд шифтгача тиралган... Сийму зар, қимхобу баҳмал мўқовали кўхна китоблар санокка синамасди; бир бўлаги ўртагай тўгарак устол устида алоҳида ажратилиб териб қўйилганди. Беихтиёр бирини олдим, дуч келган ерини очиб, товушсиз ўқий бошладим: "Одамзод бир бўлак лойидир. Олтоҳ руҳ ато қилгани учун, оғриқни сезур, роҳатни билур, ақл пардасини пешламак ила машуғ бўлур. Гар руҳдан жудо қилниса, яна лойдан фарқи

қолмагай, қуриб, увокланадир...”

Хайлим тўзиди, томоғим қакраб кетди. Қўлимда - Афсул китоби! Янгилашаётганим йўқ, бу - ўша, раҳматли бобом бой берган ва топилмаганини сўнги нафасига ақармон қилган ёднома! Ажиб ташналик тўйиб, яна ўқига тутидим: “Таназул аввали - зўриқиш... Хаким муолажа тиласа, қувватини толиққан нуктага малҳам қилади. Ақсида, соғлом хужайрани шикастлагай. Юлдузлар ошиқ-маъшуклар каби қовушадиган дақиқаларни аниқлаш жоиз...” Шу ерга етганимда останада ҳозир бўлган икки чағдаст гумашта қўлтигимдан олиб, кўз очиб-юмгунча ташқарига судраб чиқди. Кўпол ва шафқатсиз айғокчилар ўлимчи қилиб дўппослаши ёки бирон зимъи ертўлага тикиб ташлашини тасаввур қилдим. Хайрият, индашмади, ҳатто таибех ҳам беринмади. Шоҳона кўшкка қайтдим ва ухламоқчи бўлдим. Нимгатири қоронғилик... Тезпада тинмагур қўшлар дунёни бузудек даражада чуғурлашди. Қўшлар безовталити менга ҳам юқди, қандай овунишни билимай, ҳовуз бўйига бордим. Шамшот танасига суяниб қанча турганимни билмайман, бир маҳал сув бети оҳишта чайқалди, сўнг, ёпирай, бир малак бамисоли баликдек юзага отилиб чиқди. Пари, сув париси! Тахтадек қотдим, ҳушмни ўнглаганимда у кирғоққа турар, менга жиймайиб тикилганда, жикқа ҳўл сочини аста-аста нжикларди.

- Ё, раббий, Дилфуза, сизмисиз!? - дедим тамом довдираб.

Во ажабо, нима, у қар ёки соқовми ёки эс ҳушнни ҳозиргина ёқилган чироклар шуъласида гоҳ нуқра тусида, гоҳ зумрад рангда товланаётган сарҳовуза ўнғирлатиб кўйгани? Балки, у беморлир, балки, бирон аламда куйиб-ёнаётгандир? Саволимни такрор қилсам-да, қилт этмади, мен, девонам нотавон эса, ноз-истиғно билан баҳосини ошираётган сулув томон талпиндим. Нега? Ахир... Шамни ихтиро қилганимдан сўнг унга бўлган ихлосим сўнмаганимди?

- Намунча ажабланасиз, соддагина акам? - ниҳоят жимликни бузди Дилфуза; беҳосдан нигоҳи сачратган ўт вужудимга туташгандай бўлди.

- Ҳаво анча салкин. Сиз... Шамоллаб қолмайсизми?

- Салкин? Қани? Э!... Жазирама-ку! Ўлай даяман-а! - нозланди Дилфуза. - Қуёшни қаранг, қиздиргани қиздирган. Чанқовимни шу ҳовуз босади. Остига тушиб ётсам!

- А-а!?

- Шунчаки айтдим-да. Сизга нима даҳли бор? - яна сирли чакнади Дилфуза қароқлари. - Яхшиси ўзингиздан гапиринг. Аҳволингиз қалай? Жаҳаб Абдул Фани салтанати ёқдимми?

- Бу салтанатга ўт кўйиш керак.

- Ҳалиям тақдирга тан бермабсиз.

- Тақдирдан қочиб қутилиш қийин, - малак овозидаги озгина хайрихоҳликни сезиб таскин толдим. - Аммо, ҳорғин руҳ қафасга тез ўрганур. Мен эса... Йўқ, кўникиш - даҳшат!

- Ҳўжайин сиздан хафа...

- Биламан. Иложим қанча... Ем бўламан чоғи Оқ аждарга!

- Ўжарлик билан иш битмас... Вақтида мен ҳам оёқ тираганман, ҳатто уни... тинчитмоқчи бўлдим. Қарасам, фойдаси йўқ, ундан кўра ўзимнинг жонимни сақлай, бир кунимни кўрай дедим. Қийин... Бирам зерикдимки! Тўғриси чарчадим. Кечаси мижда қоқмайман. Идрокимни тўққинлар бошқаради. Баъзан тунда бир нидо эшитаман. Менга уйқу ҳаром эмиш, қачондир... Аввалги умримдами-ей... тўхтовсиз кирқ йил ухлаган эмишман!

- Аввалги умр? - дея елка учирдим.

- Биламан, сиз ҳалос бўлмоқчисиз. Аттанг, бу иш мушкул, ақла сиғмайди. Жаноб, бу ёғини сўрасангиз мен ҳам ҳибсада. Неча йилдан бери у руҳимни жиловлаб олган. Оқ, менга зарилми... мунақа... Қурибгина кетсин Оқ аждари!

- Хоҳиш қилгансиз-да.

- Хоҳишми? Арзимас нарса... Абдул Фанидан дард юқтирдим. Айтгулиги йўқ!

- Жаҳонга ҳокима бўлиш орзуси!

- Топдингиз.

- Одамлар чеккан жабру қафодан ҳузурланини!

- Буниси ҳам тўғри.

- Дейлик эрта-индин худди шу дард эпидемия каби тарқалса, дунё нима бўлади?

- Билмадим. Лекин... Ғолиблар на муҳокама қилинади, на жазога тортилади... Бир нарсани кўп ўйладим. Агар мен олдинроқ ҳаракат қилмасам бошқалар зўр беради. Ернинг қайсидир бурчида яшайдиган валломат мени букади, кейин... Ҳофиз Рустам Алига ўхшаган қорчалонни қўлга олади. Мағлуб милёнер беҳисоб жавоҳиротни менга эмас, ўша номаълум афсулгарга қўшқўллаб топширади. Қанчалар аламли? Ёки, нотўғрими?

- Одамзотга бир бурда нон кифоя!

- Сизнингча шундай... Тушунчангиз тор... Бобонгиз китобларини ўқийвериб миянгиз суюлиб қолган! Э-э,

кечирасиз, кўрселик қилдим. Сиз улўғ инсонсиз! Қавмларингиздан ҳам зўрлар чиққан экан!

Аршу атло билан мулоқот қилиш шарафига эришган бобом Розик Қорини хотирлаб, фахр ҳиссидан энтиқдим. Ҳатто унинг табарруқ арвохи олдда тоабд қарздорлигини астойдил эътироф этдим. Қоним жўшди, олис сайёралар нафасини, бемор нижозларим дийдорини қумсадим. Рост, дили-ниятни пок қимсалар авлоди эканимни унуттишим - оғир гуноҳ. Фақат, шундай экан, нима учун шумлик гирдоб қаърида оху нола чекаётган, азоб-уқубат ичра чорасиз нобуд бўлаётган фуқародан юз ўтиришим, кўҳна дунёни остин-устин қилиб юборишга зимдан ҳозирлик кўраётган қимсалар тарафига ўтишим керак!?

- Бекарорлик ёмон дард, - деди қутилмаганда Дилфуза.

- Ҳа, ҳа... Узр! - дея чайналдим.

- Сиз Оқ аждарга Шамни қарши қўйдингиз. Яхши ҳамки буни вақтида билиб қолдик. Орқа миянгиздаги ўпирилишни сезаётган бўлсангиз керак?

- Сезаяпман.

- Энди Оқ аждар билан ишлайсиз. Ваъда берсангиз...

Майли, озод қиламан. Эрталаб Абдул Фанидан ишорат бўлди. Лекин, яна алдасангиз... Оқибати чўқ!

Аста бош ирғадим, бир қарич чўккандай эдим, буткул таслим бўлганимга инонган малагим ипақдай майин, болдай ширин табассум ҳада қилди, кейин ёғимга келди, елкамга суйқанди, иссиққина қафтини аввалгидай пешонамга босди.

Ногоҳ, югурик нур ҳароратини тўйдим, беадад сурур, иштиёқ ва сарҳушлиққа кўмилиб, кўзларимни чирт юмдим. Қанчага чўзилгани номаълум сафар лаззатини таърифлашга ожизман, ҳайрият, бу гал Оқ аждар сайёрасида, Олов дарёси бўйида кезмадим, тақдирини қарғай-қарғай қариётган Давронбек билан суҳбат қурмадим, навқирон чинорни, унга ўрмалаб кўтарилаётган газандани кўрмадим. Кўзларим юмук, руҳим эса уйғок... Ҳамма нарсани кўриб-билиб турардим, ҳадемай рангдан-рангини ҳам ажрата бошладим. Ниҳоят, сўнгсиз маъво чекиниб, нур шодаси тарқади, шундоқ рўпарамда жонланган, оддийгина гулсиз парда тутилган деразамга ажабисини тикилдим. Бари ёдимда... Тасаввурим ойнасида ҳалоскор Шам биро қилганим, уни жабрдийда кишилар шуррига узатганим... Оқ аждардан жафо чекувчилар сафни сийрақлашгани... Аббосни муҳофазага олганим... Нақадар завқли туюлувди, зафар қучганимни билардим, қадримни баҳолаш учун ўзимни ўзим муқофотловдим. Юмшакқина тўшакни соғинган эдим-да. Ох, уйқу! Фақирни надомат қомига мангу қулатаёзди. Шуқур, Оллоҳ ёрлақаб, ўзимга қайтдим. Ноилж Дилфузани ашадим. Малагим ваъдага ишонди. Афтидан у Зарқою қонига Абдул Фанидан бешбаттар кўзикаётгани, шу истақ унинг кўнгли кўзига ҳас-ҳашақ бўлиб илашгандек эди. Ажабо, у жазирамадан шикоят қилдимми? Не синоатки, сув тубидагина чанқоғи босилармиш!

Кеч тушди, қарахт эдим, жойимдан жилгим келмасди. Ҳануз борлигим, эс-ҳушим ёғийдан ҳар қадимини кузатишга қодир малак ихтиёрида... Таъқибкор нигоҳ деразамдан узлуксиз боқди. Ҳалоскор Шамни тезроқ қайта кашф этмоғим лозим, акс ҳолда, бу даҳшатли тузоқдан қутулишим душвор!

“Ниятингиз бузилмасин, жоним!” Бу - унинг шивирлаши... Бўзимга бир нарса тикилди, тақдиримга лаънат ўқий бошлаганимда эшик секин очилиб Қамар Жонтой кирди. Шўрлик анча чўккан, кўзлари киртайиб, ранги сомондек сарғайиб кетганди. Жуссамни бағрига босиб ҳикмиллашга тушди.

- Тентак, кўрайсан-ку, соппа-соғман.

Гўё, Қамар Жонтой соям билан учрашгани, шубҳасини яширмай, титроқ кўллари билан аъзон баданимни силаб-сийпаб чиқди. Тирик эканлигим, бирон жойим лат емаганига ишонч ҳосил қилгандан кейин хотиржам тортиб, арзи-ҳол қилишга киришди. Эрта-кеч излабди, тумшук тикмаган жойи қолмабди, фолбинга, ҳатто қамоқхонага борибди, умидини узиб, ўзича аза очганда Кўса хабаримни етказибди.

- Ўзинг тинчмисан? - дедим сабрим чидамай.

- Нолмайман, лекин... марказимиз аҳволи ночор, - деди Қамар Жонтой бўзариб. - Эшик-деразаларни кўпориб ташлашди.

- Ие, нимага?

- Қончилар тўполонига биз фатво берган эканмиз, шаҳар аҳлига зараримиз тегаётгани учун боримиздан йўғимиз авло экан!

- Ҳимм, гап буёқда дегин?

- Нуқул топганлари... Оқ аждар!

Юрак ҳовучлаб Азизхон Қамоллийн суриштирдим. Ҳурматли домлани эслашим билан Қамар Жонтой бир қизарди, бир оқарди. Анчагача мум тишлаб ўтирди.

- Бир ҳафтами, ўн кунми домла шаҳарда кўринмади. Аляқимлар ўғирлаган эмиш, - нечундир энди Қамар Жонтой

товушида хадик оҳаниг бор эди. - Анави темиртан... Нимаиди, "Қудрат"ми? Шу бошига битган бало бўлди.

- Вақтида "Қудрат" шухратига шухрат қўшган.

- Эҳтимол... Кошки оғир кунда шухрат асқотса? Кечадан бери бечора кўчага чиқолмай ўсал ётганмиш! Тунда: "Оқ аждар, жоним, кайдасан?" деб оҳ-воҳ килармиш!

Уксиниб кетдим: демак, бутун шаҳар аллақачон Оқ аждар қарамонига. Хозирча мен ҳам унга мутеман. Нимаики буюрса, бажаришга мажбурман. Худо кўрсатмасин, тезроқ эгагимни йинмасам, ким билсин, эрта ўғирликка қўл уришим, қайсидир хонадонини ер билан яқсон қилиб ташлашим, қароқчилик ёки зино билан шугулланганимга тўғри келадими? Ахир, мени - мен, ўзим эмас, у - Оқ аждар бошқаргандан кейин бундан даҳшатлиси ҳам юз бериши мумкин-да!

Нималар бўлаётир, бу қадар тоб ташламак ярашмайдими. Иншооллох, ундай қўргулик юз бермас. Чикмаган жондан умид... Ана, хув олисда, кенг майдонда бурала-бурала ёнаётган олов ўртасида алантўш бобом суврати липилаб кўрилади. Яшинвор қароқлариди бир таънаки, тошни тешгудек! Барини эслаб, уятдан ерга қираёздим, отилиб, турдим-да, Камар Жонтой хай-хайлашига қарамай, устозим хузурига югурдим. Ахир, ўлик эмасман, уни уқубат домидан қутқариш шоғирлик бурчим эмасми?

Тез орада маҳобатли нақшинкор дарвоза эътиборимни тортди. Беихтиёр қадамим сустлашди, баданимга нимадир заңжирдек ўралаётган эди. Бир чумчал, бир қиздирувчи оғрик туйдим, аста оҳ чекарканман, бўсағада кўндалан ётган махлукни кўрдим. Бирам бесўнакайки! Елкасида ёли бор - оппоқ, бутун танасини сарғиш таңгачалар, зумрад тусли тасмалар қоплаган... Шовурни сезди чоғи, қалласини илкис кўтариб, менга ўқрайиб тикилди. Таҳдидли вишиллади.

Хозир у мени бир лужма қилиб ютади. Ана, оғзини ҳам қападай қилиб очди. Нима бўлди, нидамади, жағини юмди, кўшалок шохли қалласини бўсағага қўйиб мудрай бошлади.

Қизик, нега йўл берди? Хозир бу ҳақда уйлагани фурсатим кам, асосий ишни дўндирмоғим керак. Зумда ичимда уялаган кўркувни хайдаб, айвон орқали муҳташам бўлмага шошилдим. Ним қоронғи бўлгани алатовур совук жимлик қўчанди. Хар замонда тўрдаги йиғма диванда қўзилиб ётган Азиз Камолдиннинг оғир-оғир нишиллаб нафас олишигина эшитиларди.

Устоз ҳоли забунлигини бир қарашдаёқ пайқадим. Шўрлик бир неча йил тўшақда қимирламай ётган, абдий уқубатга маҳкум этилган бемордек афтодаҳол, беҳолу бемадор эди. Заҳил юзида, қировлаган қошлари ўртасидаги туғида, тарс-тарс ёрилган лаблариди интиқлик, зарда, мутелик ва гина-қудурат ифодаси зоҳир эди. "Сув!" Бир маҳзун илтижо қилдики, гўё, ўра тубидан эшитилди. Тилагини бажариш учун стол устида турган шишани шоша-пиша очдим. Гулдор чинни пиёлаани олиб эндигина энгашган эдимки, ё, раб, у бирдан чинкириб юборди. О, не сир, бўзига тўғ тортишимш! Тизилиб отилган қон оппоқ кўрпа-тўшақни бўяб, чақиллаб тиламга томди...

Юрагим товонимга тушгандай бўлди. Кўз ўнгим қоронғиллашди. Не ҳол, тушимми ёки ўнгим? Жимгина кўзёш тўкиб турганимда қадам товушлари эшитилди. Аста ўтирилиб, қовоқ солиб кирган Абдул Фани билан Дилфузани кўрдим.

- Қотил! - деди Абдул Фани рўпарамда тўхтаб.

Қани тилим айланса. Нуқул дуудкланаман. Шу гурбат етмай турувди-да. Бир пайт аввал Дилфуза, кейин Абдул Фани даргазаб қиёфада қўлимга имо қилди. Бу қандай савдо? Ўнг қўлимда дудам ханжар ятирарди. Дами шундоқкина қонга ботган! Баданим музлаб, дарди-дунём қоронғиллашиб, эшик сари бир-бир тисарила бошладим...

11

Ким ҳам ишонди: хасталик тўшағида нажот қутиб ётган, тиб институтида сабоқ берганидан ташқари, теран фалсафий қарашлари ва ўғитлари билан ақлимини пешлаган қадрдон бузрукворимни мана шу бағбахт қўлларим билан қўлла-қўндузи бўғизладим. Нафрат, ҳа, нафрат ҳам тавқу лаънат лойик менга...

Энди одамлар ичнда бош кўтариб юриш осонми? Ёру биродарлар, домланинг бошқа шоғирдлари кўзига қандай қарайман? Чигал қисмат гуноҳимни бўйнимда нақд қилиб қўйди. Дами чўгдек қизарган ханжарни қачон, қайга улоқтирганимни билмасдим. Халослаб ташқарига чиксамки, ҳали остонада узала тушиб ётган Оқ аждар қаёққадир гоёиб бўлибди. Мен ҳам шаҳарни тарк этсам-чи? Номаълум тарафга бош олиб кетаман, шунданга қутуламан бемаъни галвалардан!

Инсоф билан айтса, бу ишим телбалик, негакки, Абдул Фани билан Дилфуза Оқ аждар кўмағида қонлотдаки хар бир

сайёрани, жамики мавжудотни бемаъл назорат ва тафтиш қила олади. Демак, жон сақлаш ва хотиржамликка етишмак учун пана-настқам излаш чора эмас, биргина ҳаққоний йўл - Шамни тириштириш!

Чўғ уюмида чордона қурган бобом насаҳат қилди:

"Мувозанаат билан ҳисоблашсанг ўткинчи ҳислардан қутуласан, ўғлим. Кўнглинг кўзини лойка босдим, руҳинг Оқ аждар сайёрасига ёдишоадир. Билгинки, уйку ҳам нафе ҳуружидир. Хар қандай нафе - тузоқ! Чекил ундан, ўз буржинг, Қаноат буржи - Катта Айик сари юз тутгил!"

Бобом жисми чўғ уюми билан баравар живирлаётган сокин бўшлиқка сингиб йўқолди. Сабоқ туганини биллиб, хушёр тортдим, ўзимни хал қилувчи урашувга хозирладим. Кечаси бутун диққатим Катта Айикда бўлди. Беадад самовотда аралаш-қуралаш тўққонилар қуюн мисоли тўзиб ётади. Хар ўлчам ўз ўрама, ўлқонини намойиш қилади, сал эҳтиёт бўлмасанг ўзингни ўргимчак тўрида кўрасан. Узок адашиб, ниҳоят, муаттар бўйлар билан тўйинган Катта Айик буржини топдим. Энди ўзимни буткул даҳлелсиз сезиб, Нажот водийсига қадам босдим. Водий шабадаси шууримни гўборлардан тозаледи ва қучайтиргичли қуришма қуматда вайрон қилинган орқа миям билан тасаввурим ўртасида мувозанаат кўприги бино қилди. Жами ҳужайраларим, биоэйдос заррачаларим яңгилашиб, борлигимни жунбушга келтирди. Томирларимда қоним кўпирди. Энди Шам қарақалб ёнишига ишонардим. Чиндан ҳам у кўнглим сарҳадни пайдо бўлган қудратли биомайдон ўртасида бўй ростлади. Қанчалар вақт ёруғ нур сочди, салдан сўнг ўчди, тағин ёнди. Умид билан ноумидлик ўртасида саросар турганимда нидо янгради: "Хей, қўли қон банди, сен бизли эмас, ўзингни ўзинг алдаясан!" Абдул Фани овозини танидим. Устимдан гўё қайноқ сув қуйилди, ногоҳ, Катта Айик қучоғидан тубанга, қулфалдан қутуламак илжинида қонлотда саросар кезаётган Ерга қуладим. Тарикдек титилганимни билгандиреиз. Илож қанча, бобом ўғитини эслаб, урина-урини, бошқатдан ўзимни жамладим. Энди Катта Айикқа сафарим анча енгил кўчди, не омадки, Нажот водийсига мени Шамнинг ўзи қаршилади.

Кўнглим ўсди, хавотирим эса сўнмади. Тағин Оқ аждар таҳдид солмасми? Оқ аждар ўфурган тўрфонда у чор-ночор ўчиб қолмасми? Эргалаб шу хил уйлар оғушида марказга анча дадил кириб бордим. Мени кўриб Камар Жонтой диқ этиб ўрнидан турди. Халниг қулфат рўй берган кунни Азиз Камолий остонасида оломон тўплангани, жаҳддор миришаблар мени боғлаб-чирмаб олиб кетишганини кўрган эди.

- Ресторан олди намунча гавжум, Камарбек?

- Э, - деди у қўл силтаб, - булар Абдул Фанидан қарздор!

- Қанақасига? - дедим ўзимни гўлликка солиб.

- Товдай-товдай солиқни тўлаш осонми?

- Катталарнинг кўзи йўқми?

- Тунов кунни миришабоши қамайман деса, оёқ-қўли шол бўлиб қопти. Лаънати бориб бир силаса, тойдек ирғиб турипти. Шундан бери соясига салом берармиш!

Ичим сидирилди: суллох, намунча устаси фаранг!

Бас, қутиш - мағлубиятни яқинлаштириш... Таваққалга ҳам кўп нарса боғлик... Шақсиз, Абдул Фани мени хар лаҳза назорат қилаётир, бутун бўлмаси эртага Дилфуза билан иттифоқ тузишим ва Хофиз Рустам Алини тиз чуқтиришимга ишонди. Бари кўргилик, ёпирай, Ер инкирози бошланади. Зарқоя қони нима бўпти, қуррай арзағи барча ҳазиналар "Оқ аждар" фирмаси ихтиёрига ўтади. Сўнгра, Абдул Фани ким? Ернинг ягона ҳўжайини!

Аламки, у - сугдек оппоқ, мен эса... Қўли қон қимса! Дардимни тушунадиган тирик жон борми агрофимда? Биргина Камар Жонтой сал-пал менга қайишади. Аммо, у Оқ аждарга рўпара бўлиши мушкул... Балки, анов малагим инсофга эниб қўлтигимга қирар? Қайда, у тутқунда, Абдул Фанига тобе, шу боис, ул банди амрига кўра менинг руҳий ўлчамларим ва биомайдонимни бўйсундириш истагиди... Балки, бу палла, малагим Абдул Фани қаккашониди, салқин сарҳовуз бўйида, раъно-райҳон бўйларига кўмилиб, паршон сочларини тараб, қаминдан ишора қуғаётандир. Майли, қутаверсин, халоскор Шам тирик экап, мен ундан кўркмайман, таъқибкор нигоҳидан ҳам чўчимайман. Хозирок Аббос хузурига боришим керак, ахир, ун гулдандан бир гули очилмаган бу норасида қачондан бери йўлимга интиқ...

- Газада ҳовлида... Кўрдингизми? - дарвозадан қиришим билан хунтраб юборди дунёга машҳур Зарқоя қонининг аламдиди бошқони. - Аббосни ютмоқчи! Бас, топшираман қонни! Шунда қутуларман!

Билдимки, Хофиз Рустам Али умиди чирт узилган: бир ёкда хотини ўсал, иккинчи ёкда жангирўшаси ажал тўшағида, учинчи ёкда ўзининг ҳам жони қил устида... Шу ҳолда гамага

ботмасинми? Илик сўзлар билан кўнглини кўтардим ва шифтга маъносиз тикилиб ётган Аббос бошига ўтдим. Бутун борлиги тахлика исканжасида эди. Шишиқираган қовоқларига аста панжамни босдим. Ҳеч нарсани сезмади, ҳатто шифтдан нигоҳини ҳам олмади.

- Ана, келди, келди. Кайтаринг, - шивирлади бир маҳал.

Рост, хона қоронғилашди, димикиб кетди. Аббос қора терга кўмилди, ҳатто мен ҳам... Анчагача ўзимга келолмадим. Кечаси Аббос ёнида қолишга қарор қилдим. Ҳартугул уни биомайдоним таъсирига олишим керак. Чамаси, қоқ сахарда, бунга эришдим, киириқлари аста-аста эгилиб, пишиллаб ухлаб қолди. Энди тасаввурим ойнасида акс этган Шамни бош мияси тўқималарига кўчирсам... Оқ аждар чекинади.

Аттангик, қанча уринмай, Шам ҳаракатга келмади, қай маҳалдир уни зимғи тўқкилар ўради, сўнг, олиста, эҳтимол, ўлчами йўқ ўлчамлар сари учириб кетди.

Бобом оғоҳ қилди:

"Иймонингни аросат қишани чирмабди. Исён қилгил, ул қишан парчалансин... Билки, тунов қуни руҳингни бўғизладинг, руҳингдан сиркига қон гиламга томди. Ханжар - ажалмас, Ханжар - тиникиш, номус ила ғурурни авайлағувчи Мувозанат! Дариғо, бако ва фано оралиғида эрмак бўлмагайсен!"

Устоз, гўрнингизда тинч ёғинг, шуқурким, камна сизни эмас, ўз руҳини бўғизлабман. Ҳозиргина бобом Розик Қори шуни эслагди, ул зот поклик бобида тенгсизким, ҳеч кимга, ҳусусан фақирга ёлғонни раво кўрмас.

Мувозанат кечмишни мангулик кўйинга кўчиради, фақат Шамнимас, негаки, Шамни Иккиламчи оламга хос ўлчамсиз ўлчам ютиб юборди. Аттанг, энди уни Катта Айиқ салтанатда ҳам учратмадим. Ўртана-ўртана Наҳот водийсида чарх урдим. Водийда қиш изидан баҳор келди, борлик чаманга бурқалди. Ногоҳ, милт-милт қайнаётган чашма бўйида уни, йўқ, унимас, бир дона пушти атиргулни кўриб қолдим. "Шу, шу!" Бобом нидо берди, бобом нидоси қониотини тутди. Ишондим, ҳа, кўнглимда умид барқ урди. Зумда тасаввурим ойнасида ўрнашган Атиргул фидойиларча қурбон бўлган Шам ўрнини босишига амин эдим.

Муруватли Катта Айиқ мени тўппа-тўғри Ҳофиз Рустам Али хонадонига кузатиб қўйди. Таниш дарвозадан шахт билан, йўқ, қанот боғлаб учиб кирдим. Сабр қосаи тўлиб кетган бошқон мени гинага кўмиб ташлади. Кеча Кўса келибди, шартни эслашиб, дўк урибди. Яна атиги бир кеча-қундуз муҳлат бериб кетибди.

- Тугади! - афеус билан бош чайқади Ҳофиз Рустам

Али. - Бари тугади! Кафаним бичилди! Қиёмат қуни тушиди бошимга! Зарқояни хомталаш қилар эмишман!

- Кўп шошиланг, - дедим иккиламчи.

- Э, ука, бугун Аббос икки марта уйдан қочди.

Чақираётган эмиш Оқ аждар! Тушунайсизми? Ақаси ҳам шунақа қилувди. Айтнинг, пешонамини қайси деворга уриб ёрай!?

Ажиб бир ғашликка чулғандим.

Не синоат: қўлимда ханжар! Ё, алҳазар! Наҳотки, Аббос жонига қасд қилиш ниятидаман? Йўқ, унақа талвасага тушмайин, тунов қуни устозимни эмас, ўз руҳини бўғизлаганман. Зарил келса, яна... Оҳ, бўғизлаган руҳни қайта бўғизлаш азоби... нима? Ханжар - ажалмас, ханжар - тиникиш! Нега буни англамай, ахир, қолаверса, Катта Айиқ буржидаги Наҳот водийсидан Атиргулни бекорга олиб тушдимми?

Худо ҳақи янгилибман, қўлимдаги ханжар эмас, Атиргул экан, не омадки, у Шам каби тарам-тарам ёғду сочарди. Атиргул жилавасида тенгсиз жозоба зухурланди, сўнг, у шууримга қўчди, вақтни бой бермай уни биоэйдос заррачалар ва биоҳужайралар ажратган малҳамли қувват ихтосига олидим. Барқарор қатъият билан эзгу тилақларимни чеҳран маюҳатига сингдирдим ва Аббоснинг мажрўх қилинган бош миясига йўлладим. Қисқагина муолажадан кейин йиғитча руҳи ва тани қовушди, турли сезимлари ўртасида наҳот кўприги ўрилатиди. Охири ухлаб қолди. Сал кам беш соатдан кейин уйғонди.

- Тушинга нима кирди?

- Атиргул, - деди у қониқиб билан. - Менга уни назиккина қўл узатди. Тўйиб-тўйиб хидладим. Бирам маза қилдимки! Амаки, энди доим шунақа туш кўраманми?

Мамнун бош иргадим.

Ҳамма нарсани қутган бўлса ҳам бунақасини қутмаган Ҳофиз Рустам Али мени ўшчларга кўмди, кейин, хотинини чақириб келиб, ўгли Оқ аждарни эмас, Атиргулни туш кўрганини тўлаб-тошиб узок таърифлади. Рост, мен ҳам ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ханжар - ажалмас, тиникиш! Фақат сир буни англашда... Бошқон патижадан маст, моҳиятга эса фаҳми эмас, шундай эса-да, унга ўгли ёнида ухлашни, илоҳи бўлса деразалар раҳида гултуваклар ўрнатиб қўйишни тайинлаб, шашлиқ жўнадим.

Бир ташвишим минг бўлди, қачондир бошлаган савоб ишимни энди тезроқ ниҳоясига етказишим, ашиқроғи, шаҳар аҳлини гафлат уйқусидан уйғотиб, Оқ аждар ваҳимасидан халос қилишим лозим. Эҳ, бунинг учун қанча тунни бедор ўтказишимга тўғри келаркин?

Ертўлага кириб, мук тушдим, Катта Айиқ сайёрасидан таралаётган хосиятли тўқкилар билан мулоқотга киришдим. Азал-абад рўшнолик ва неқбинликка интилиш майлини уйғотувчи бу тўқкилар Атиргул енгилмас халоскорга айлланиши учун асқотишига амин эдим...

12

Тун йилдек узун, зерикарли, мубҳам кечади. Ажабтовур ҳазин оҳанглр вужудини исканжага тортади. Недир беқарор куч аҳдими синдирмоқчи бўлади. Шуқур, Атиргул ҳимоясидан, шу боис малағимнинг таъқибкор нигоҳи нури зирҳни тешиб ўтолмайди. Идрокимни бўйсундирмоқчи бўлган гафлат йироқларга чекинади. Саодатли бир дақиқада руҳим Катта Айиқ ўлчами билан тугашади. Сўнг, хайрли тилақларим ила тўйинган биоқувватим ҳарир либос - Мувозанат ёғдусига ўраган Атиргулни тегишли хонадонларга узатишга киришади.

Сезиларим уйғоқ... Улар Оқ аждар ситам ўтказган қишилардан таралаётган оҳ-фигон тўқкиларини муттасил қабул қилиб олади, айна пайтда жабрдийда хотираи ўлчами, ҳол-аҳволи, талаб-эҳтиёжи, манзилни аниқлайди, кейин, муаттар бўйли Атиргулни зўриқиб азобига тирифторм кўнгли боғига астагина ўтказилади...

Сезаманки, гоийба Дилфуза аламда қоврилади, мен сари қаҳри ва ҳасадни сиртмоқ қилиб улоқтиради. Аммо, ниятига етолмайди: сиртмоқни Атиргул оташи кўйдириб ташлайди. Ярим тунда Абдул Ҳани йироқдан таҳдид қилади:

"Евузлик кўчасида тоабал қолурсиз!"

Андак бўшашаман, сўнг, шерланиб дейман:

"Асло! Ханжар - ажалмас, тиникиш!"

Сўнг, гоийба бобом Розик Қорининг хайрихоҳ нигоҳини тўйдим.

Тун бўйи, одагдагидек, нотаниш мижозлар билан алоқа боғладим, эргалаб марказ сари яёв йўлга тушдим. Хайрият, шаҳар кўчалари анча осойишта, "Туланом" ресторани қаршисида бир зог кўринмасди.

- Жаноб, мўъжиза содир бўлаётир, - менга пешвоз чиқди фидойи муовиним Қамар Жонтой. - Газетлар нималарни ёзаётганини биласизми?

- Йўқ, - дедим қулимсираб.

- Оқ аждар... Шам... Атиргул! Э, тавба! - тиззасига урди Қамар Жонтой. - Ақлга сизгайди: бутун шаҳар бир йўла бир ҳил туш кўраётганмиш! Чўлчак ҳам эви билан-да!

- Қамар, ишонавер, бу чўпчак эмас, - дедим жиддий алфозда. - Агар шаҳар Атиргулдан ҳам жудо бўлса, ҳақиқий фалокат юз беради. Тирик жон борки, Оқ аждар еб битиради.

- Жаноб, Худо ҳақи, тушунтириб қўйинг.

- Шам билан Атиргул мен яратган биомайдон маҳсули!

- Нима? Нима дедингиз? - бўзарди Қамар Жонтой. - Ўзим ҳам сезардим. Сиз мендан кўп нарсани яшириб келдингиз.

- Қамар, рост, менга нафинг кўп тегди, агар сен илгари сурган фаразлар бўлмаса, фазовий тўқкиларни бўйсундириш ҳамда уларни қайта ишлов билан олиста мақсадли узатиш ҳадисини бу даражада ололмадим.

- Қойил, кўпиртиришга ҳам устаси фарангсиз.

- Қўй, ҳозир гиналаш мавриди эмас... Яхшиси гапимни эшит, - ногоҳ ғашланиб, дераза сари юзландим, таъқибкор нигоҳини учратмаганим учун шуқур қилдим. - Азизим, Дилфузани танийсан-а? Ҳа, ҳа, ўша малак! О, уни... уни севаман!

- Мажнун беқарорсиз, шундайми? - зарда қилди Қамар Жонтой.

- Ундан ҳам баттар! Ўтинаман, кўмак бер!

- Буюринг, ака, нима қилай!? Қачон қочибман хизматингиздан?

- Биладан, қочмайсан... Аммо... Буинси сал хавотирли.

- Буюринг, қулогини қамирлаган номард!

- Унда... ҳозирроқ Дилфузани топ, тезроқ шаҳардан чиқиб кетсин, Абдул Ҳани кўзига кўринмасин.

- Маъқул, - деди Қамар Жонтой иккиланиб, - аммо, жаноб, у рози бўлармикин? Биласиз, у Абдул Ҳани билан ош-қатик, кейин... Зарқояга кўз тиккан!

Аста бурчакдаги курсига чўқдим. Нимадир ичимни мушқудек тимдалади. Ҳаёлимда гавдалангани - жимжит хона, йиғма қароват, оппоқ чойшаба шимилган, кейин гиламга томган қон... Нима, ўзимга ўзим таскин берайманми? Чиндан ҳам ўшанда устозим жонига қасд қилдимми ёки ўз руҳимни



бўғизладими? Кўлимда нақадар аянчли ялтиради консираган ханжар! Малагим эса... голиб Абдул Ғани изидан беларво, ҳатто хийб мамун ҳолда кириб келди. Ёширай, эрининг қонига бўялиб, жонсиз, хору зор ётиши унга роҳат ва завқ бағишлаган эди.

- Қиз бечора кечмишидан беҳабар, - дедим ниҳоят надомат чекиб, - эртасидан ҳам... Абдул Ғани жодуси кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўйган.

Қамар Жонтой яна савол бериш учун лаб жуфтлади, аммо, мен қовоқ оганимини кўриб, ахдидан қайтди. Уйга толди. Анчадан кейин гудраниб, мен билан хайрлашди.

Энди айтгай: нимагадир Дилфуза хузурига ўзимнинг оёғим тортмади, қандайдир куч мени йўлдан урди. Эҳтимол, ҳар қадамда мени назорат қилаётган бобом арвоҳи шундай маслаҳат бергандир. Билмадим. Хуллас, тийилдим. Фақат, Қамар Жонтой эплармикин? Дилфуза олдига солиб қувласа-я? Ишонмагандан сўнг шундай қилишдан ҳам тоймайди.

Жимжит хонада Қамар Жонтойни сабрсиз кута бошладим.

Ёлғизлик... Субҳидам чоғи, мулоқотни тўхтатарканман, миямда ғалати фикр уйғонди. Абдул Ғани биомайдони ўлчамларини аниқласаму Атиргулни ишга солсам, мўъжиза юз бериб, у иккидори манбаи - Оқ аждардан жудо бўлмайдики? Ҳар тугул Катта Айиқ тагин мендан кўмагини дариг тутмас. Узатишган сўровимга тез орада Наҳот водийсидан наҳот келди: Оқ аждар буржи Иккиламчи оламдаги мубҳам нукта. Ўлчами - ўлчамсизлик. Тўлқини афсунгар илтонлар руҳидан яралган. Ғофилларга ҳомийлик қилади. Ўзга буржлар билан рақобатда. Қиши узок. Қор-ёмғири оғу аралаш ёғади.

Энди Абдул Ғани ҳақида кўпроқ нарса билардим.

Аламинни ичимга ютиб режа туздим. Бирон тайинли тўхтама қолмадим. Биласиз, бунақа вақтда фақат бобомдан қолган меросни тикитлаш билан дардимга малҳам топишим мумкин. Кўлимга сарғайган варақ илинди. Дуч келган еридан ўқидим:

“Жамийки тирик жонлугни сув омон сақлайди. Сув қонни, қон эса руҳни тириктиради. Оллоҳ бандасидан руҳни аямади, қонига руҳни киритди, қон мўътабарлиги шу боисдандир...”

Кенг дунёга сиғмай қолгандек эдим. Қон ва Рух синоати - азалий ва абадий тилсим... Йўқ, ногаҳон, сув... ажиб ёдуга айланиб, чор тарафдан сочила келиб, ақлу идрокимнинг қайсидир манзилда руҳим билан бирлашди.

Мук тушганча тагин ўқидим:

“Бир замонда ер юзи тамом жоду қилинур. Бандаси нотавон махлуққа айланур. Чохдан қутулмоқчи бўлганда Нафе оёғидан торгур, боз тишлаб торгур. Қиёмат келмасдан бурун Рух бетобланмиш, улким мадад тилаб зорландир. Яхшилиқни ҳимоясига олганлар Қодир Этам ҳимоясидадир...”

Бетоблик... Нега Қон, бузила бошлаган Қон тилга олинмайди, деб ғашланаман аллатовур эзилганча: яширмак ножоиз, чиндан-да Қон хислатларига пугур етмиш, шу боис Рухда ожизлик аломатлари кўринади. Рост, ўзим ҳам соғ эмасман, гоҳо кечалари тўлғонлиб, ўзим билан ўзим олишиб чиқаман. Васваса - ҳамроҳим! Ношудлигим-чи? Бир ишни ўла-тирига қилмоқчи бўламан, аммо, эплотмай, гуноҳга ботаман. Лекин, бу ҳол учун ўзимни эмас, бировларни айбситаман. Дейлик, марказ ҳалига қадар ўзини тўла ўнглаб олмаганига ким сабаб-чи? Танбал ва иш билмас Қамар Жонтой-да!

Сарғайган саҳифа баҳсени давом эттиради:

“Салтанат тахтига тилда тожли Тош Ола Маккор ўлтирди. Тахти олий оғир силкинди, Ер нола қилди. Тилидан оғу, тирноғидан қон тома бошлаган ҳукмдор тунда оловни кўрпа-тўшак қилиб ётадиган афсунгарларни саройда тўплади. Амр қилдики...”

Шу сўзлар билан битик узилади. Нарёғи йўқ, йўқлик қаърида, аниқроғи, Абдул Ғани ихтиёрида... Эсингиздадир, ўша кўк муқовали китобни Азизхон Камоллий кутубхонасидан ўмарган, агар уни қўлга киритсам борми, эҳ, ошиғим олчи турармиди!?

Қамар Жонтой бедарак... Мен тажанг...

Шаҳарга оқшом кўнди. Чироклар ёнди. Катта Айиқ ва Арслон буржлари орасида осойишталик чўкишини кутаётганимда катта кўча бошида бир шарпа кўринди. Разм солиб қарадим ва Қамар Жонтойни танидим. Ёширай, қўлида ханжар! Кўзлари алаң-жалаң! “Аббос! Аббос!” - дея бақирадим-ей! Жоним ҳалқумимга тикитлиб, йўлини тўсдим. Аммо, у менга эътибор бермади. Хавода ханжарни силкитганча, ёнгинамдан югуртилаб ўтиб кетди.

Бари шитоб кечди.

Ғира-шира оқшом бирдан кундузга айланди.

- Мулки муборағимизга хуш келибсиз, жаноб!

Сеҳрловчи, юмшоқ товуш... Ногоҳ хушёр тортиб, теварағимга алаңладим. Таниш кўрғонда, шинам қўшқда, нақш чекилган чорпоя четнда мум тишлаб, шумшайиб ўлтирардим. Рўпарада лим-лим сарҳовуз жимир-жимир қилади. Во ажабо, анов терракка чирмаб боғланган ким? Ҳеч ишонгим келмайди кўзларимга!

- Каттик янглишдингиз, жаноб Афзалбек!

Юлдузли онларини кутаётган “Оқ аждар” фирмасининг абжир, ғайратли хўжайини шу қадар қоникши билан хитоб қилдики, кўксини тўлдирган умидсизлик аъзон-баданамдан қайноқ тер бўлиб уриб чикди.

- Не ҳодиса содир бўлганини билдингизми?

Зўрға бош ирғадим: “Йўқ!”

- Тузоқ, о, тузоқ! Рост, сиз ҳалиям думбулсиз! - мириқиб қулди Абдул Ғани. - Нима, Оқ аждар сайёраси ўз ўлчамлари ва тўлқинлари йўналишини мунтазам ўзгартириб туришидан беҳабармидингиз?

Эсладим: унинг ўлчами - ўлчамсизлик. Демак, у Бирламчи оламда мавжуд қонулар билан ҳисоблашмайди, бекарорликни ўз мантиғи ва моҳиятининг асоси ҳисоблайди. Аттанг, эҳтиётсизлик қилиб, буни назардан қочирдим. Яна ғофиллик балоси ёпишди бўғзимга!

- Сиз илгари Оқ аждар заминига учганда индамадим. Сабаби, менга мансуб макон қиёфасини кўриб қўйсангиз зарар қилмасди. Аммо бу гал киятингиз бузилганини сездим. Фаришталарим билан келишган ҳолда дарҳол бошқа ўзанда ҳаракат қилдим. Сиз йўллаган тўлқин менинг тўлқиним билан Чаён ўпқонида учрашишга мажбур бўлди. Натижасини қуриб турибсиз.

- Кўрқадиган жойи йўқ, - дедим бўш келишни истамай.

- Эҳтимол... Бўлди, пастрок тушинг, сиз қурбонсиз, ожизлик қурбони!

- Ҳали кўрамыз.

- Ожизлик сизиням... анови кимийди, ҳа, Қамартойми, униям ёвуз махлуққа айлангирди, - ҳал қилувчи фикрни айтгандек, Абдул Ғани нари-берига витор билан юрди. - Шаҳсан сиз аввал Давронбекни ҳазон қилдингиз, кейин ўз устозингизни чавақландингиз. Қамартой-чи? Жа анойи экан бу йигит! Шўрлик Аббосни қийма-қийма қил ташлапти. Нимаймиш, отаси бир дона марваридни фарзандидан афзал биланмиш!

- Бас! Ёлғон!

Томоғим йиртилгудек бўлиб ўқирдим.

Нима қилай, оширди-да Абдул Ғани, ахир, кечагина Аббос соппа-соғ эди. Эсимда, менга эркаловчи нигоҳ билан тикилди, чехрасида ҳаёт нашидаси жилваланди. Ундаги ўзгаришни кўриб, бутун шаҳар ахли ваҳима чангалдан қутула бошлаганига имон ўғирдим. Тавба, “Оқ аждар” фирмаси мутасаддиси нималарни алжирапти?

- Тақдир-да, нурларимиз Чаён ўпқонида кесишди.

- Афсус қиламан...

- Кошки шу... Оғир, оғир! Биродар, анов варақни ҳам йўқотдингиз, уни ўз қўлингиз билан келтириб бердингиз. Эласангиз керак. Бечора бобонгиз арвоҳи бундан қандай ахволга тушдийкин?

Томоғим қоқ бўлиб кетди.

- Сиздай одам... Қамартойга ишонгани ғалати!

- Қамар Жонтой қаерда? - дедим ғазабланиб.

- “Қора сиртмоқ”да! Бу нарса нималигини биласизми?

- Йўқ! Бўшатинг уни, жаноб!

- Оқ аждарни кўндирсангиз... Балки омон қолар!

Демак, сиртмоқ - авраш... Сиртмоқ - Оқ аждар макри...

Абдул Ғани қаҳқаҳасидан ўзимга келдим. Сўнг, кўрка-писа шивирладим: Атиргул! Атиргул! Халоскоримдан жавоб бўлмади. Қизик, ўзим-ку гўрлик қилибман, хавфдан нега бобом оғоҳ этмади? Тахминимга, Бобом йўллаган нурларни ҳам йўлда Чаён ўпқони ютаверган бўлса керак...

Тушунарли: мен ўзимдан адашдим, ёмон адашдим.

Катта Айиқ буржига қайтиш насиб этармикин?

Аламда қоврилиб ётибман.

- Хей, тур, қутқар Қамар Жонтойни!

Омадсиз дўстим исминни эшитиб юрагим симиллаб оғриди, у “қора сиртмоқ”да инграниб ётгани, зўрға-зўрға бўғилиб нафас олаётганини ҳис этиб, ғазабим жўшди.

- Ингит, балки Дилфузадан ҳол сўрасиз?

Йўқ, бу тинч қўймайди, чақати ҳам ўча қолмади. Мен қанча кўп қийнасам, унга шунча яши... Томирларимга тикилган укубат гўё унинг қорачикларига роҳат бўлиб қуйилади.

- Бора қолинг, вақти кам... Дийдор ғанимат!

"Нега?" Чатнаган миямда шу савол-яшин тезлигида айланади ва ногоҳ Дилфуза билан Камар Жонгойни эслайман. Санамлар санами бўлмиш Дилфуза ҳибсада, қизгина ховуз бўйидаги теракка аркон билан жипслаб боғланган. Зангори сувга, ҳа, шишадек йилтираб, охишта чайқалаётган сувга хумор-хумор термиледи. Юпка лаблари қакраган, чўғ тусига кирганким, унга нигоҳ ташлаб, яшин чапандек бир ҳолга тушдим. Дилфуза, дедим ичимда Абдул Ғани тузондан абадий ҳалос қилмоқчи эдим, Камар Жонгой ишни бузиб қўйган кўрилади.

- Камартой эмас, ўзингиз, ишни расво қилган! Бари шаккоқлигингиз оқибати! Агар сўзимга кирсангиз олам гулистон эди. Бу тирик маъдан доим тириклигича қўйнимда бўларди. Энди... Бас! Қарорим қатъий! Сиз билан тортишавериб чарчадим!

Рост, бу одам пихини ёрган, узокни ҳам кўра олади, агар Атиргул тирилиб қолса баридан жудо бўлишини билади. Мурасасиз Атиргул Оқ аждарни аямайди. Шу бонс, Ерни ва одамзодни кўркуву уқубатда сақлаб, жами бойликка эгалик қилмоқчи бўлган Абдул Ғани ашаддий ғаними - камини кучини чамалаб кўрган, охири, шу йўлни ташлаган, яъни, қачонлардир Тош Ола Маккор амрини адо этган Афсуларлар тилсими оқишага қарор берган...

Унинг сўзлари қулоғимга кирмай қўйди, аллатовур қарахлик оғушида бир-бир босиб Дилфузага яқинлашдим. Ишонинг, малагим борлигини чулганган азоб ер юзига татигулик эди назаримда. Аркон ботган нозик билаклари кўкимтир, момик сўйнаси қонлаша, пуфакча отган. Номатлум нуктага қадаланган сўниқ нигоҳларида недир пушаймон, паймол этилган ноз-финок ва дилдорлик ажаб тарзда сувратланиб қолганди.

- Жоним, Дилфуза!

Оғир хўрсиниб, илтижо қилдим. Сўнг, юрак ютиб, жонжаҳим билан, тутқун вужудни бўшатишга киришдим. Ажабо, қўлларим қовушмасди, буткул қарахт, йўқ, шол эдим. Яна таажжублиси, Дилфуза қилт этмади, менга қиё ҳам бокмади, гўё, ҳаёт билан видолашиш учун ўзини алақачон ҳозирлаб қўйганди.

- Сув! - дея ингранди ниҳоят.

Дафъатан хотирам ёришди: "Агар ташналикда сақланса..." Алам билан тишларимни ғичирлатдим, тезгина эгилиб, ховучимга сув олдим. Сувни адоий тамом бўлишига бир баҳа қолган санам лабларига тутган эдимки, кимдир тирсагимдан туртиб юборди. Қарасам, Абдул Ғани! Илжайиб, кнприкларини пирпиратиб турибди. Ёнида - Кўса, назари муздек совук...

- Шошманг, йингит, шошманг, - деди Абдул Ғани хотиржам. - Қачонлардир Лаъл шаҳрига подшоҳлик қилган Малик ибн Зоҳиршоҳ Эркамар кизи бўлмиш малика Зарбиби Ойнуруннинг бешламчи ҳаёти ҳам яқун топди. Энди Зарбиби Ойнуруга сув ҳожат эмас, энди у маним хазинамга кўрку камол бағишловчи зебу зайнатдир.

Барини билиб-сезиб турсам-да, ўсмоқчилаб сўрадим:

- Алжираётганингиз йўқми, жаноб?

- Ўзингизни гўлликка солманг, - Абдул Ғани Кўсага кўз қисиб қўйди. - Тасаввур қилинг: Улуғ азоб жонон юратгани тўлиғича забт этмиш! Мана энди... О, кейин нима бўлишини биласиз. Мен учун энг қадрият-манзара унинг оғзида нажотсиз тинирчиллашингиз.

- Ноинсоф! - дедим гудраниб.

- Фурсат яқин: қисматингиз билан учрашасиз... Дод соласизми ёки жимгина... Ох, Улуғ азоб! - ҳузур билан чуқур энтикиб кўзларини юмиб очди Абдул Ғани. - Қулук сенга, Улуғ роҳатни раво кўрдимгиз менга!.. Қани, Кўса, буни тутиб бўйинга гўл уринлар. Қонхўр оқишасини ҳам келтиринг. Оқ аждарни бараварига куттиб олишсин.

- Олазарақ Кўса ёнимга пилдираб келди, учини ҳақдалақдай думалоқ қалтақ билан қоқ пешонамга туширди. Дарахтга чирмалган ва чор-ночор тамшанаётган Дилфузага бир кур нигоҳ юбориб, тубсиз зулмат қаърига қўладим.

Чор-агроф зимзиё, қаники тола нур кўрикса... Теграмда ола-қурок қўланкалар шовурез нимирлайди. Гоҳо ваҳимли ўқирлик эшитилаётган жарликка, гоҳо лойка босган вайрона уйларга, гоҳо қоплонлари саланлаб юрган дарага дуч келаман. Қайи хил хилқат элиборимни тортади. Хилқат ичра - чоқ... Адолат

учун қазилган! Йўқ, бу - ўпқон, Чаён ўпқони! На чораки, у ҳалоскоримни домига тортмиш... Бобом йўллаган оғоҳ тўлқини ҳам... Туйқус нидо келди: "Болам, қочдан қутулдим. Қайтидим Наҳот водийсига! Ҳозир, ҳозир... Дардинг малхамини узатурман!" Яна қанча маҳалдир Абдул Ғани биомайдони маҳсули бўлган аросат саҳросида кезиб юрдим. Кейин... Қутилмаганда ям-яшил ўтлоққа дуч келдим. Ана, борлигимга Наҳот водийсидан узатилган нур ёниди, бу нур ўз ўлчамимда биомайдоним билан топилди. Недир илқ нарса сым-сим зиркараётган миямини юмшоқ-юмшоқ ўради. Дафъатан тасаввурим ойнаси ёришди. Ёпирай, Атиргул жамол очди. Халиелик, қаноат зирҳига ўралган Атиргул!..

Наҳоткорим димоғимга қўқлам нафасини уфурди. Опнадан қайта тунтилгандек куч-ғайратга тўлдим. Энди қайдалитим аниқ... Фақат манови кимса... Ваҳ, бечора, Камар Жонгой-ку! Йингит, бўйинда гўл, оғир-оғир энтикар, сўқиниб, тақдирдан полирди. Моматалоқ афтига тикилиб, сарҳовуз бўйида ўзим ҳам ундан кўра ночорроқ ахволда, ҳазону тупроққа қоришиб, ажалимни кутиб ётганимни англадим.

Энди бари бекор: ажал ҳам, азоб ҳам... Негаки, Атиргул мангулик маконини топди. Токи Атиргул тирик экан, одамзодни, хусусан каминани хорликка гирифтор этиб қўймайди. Ҳозироқ уни хоҳиш-иродам билан тўйинтирмаман, сўнг, Чаён ўпқонига чап берган ҳолда, Абдул Ғани шуурини забт этиб, биомайдонни ўлчамини парчалаб ташлашни буюраман. Оқибатда Абдул Ғани тутқунимга айланади, ҳар қандай амримни кулоқ қоқмай адо этади. Аввал Дилфузани бўшатсин. Тўғри, уни кўрган кўзим, отгани ўқим йўқ, шундай бўлса-да, нимагадир уни хур кўришни истай бошладим.

Қаттол гўл занжири бўйинимни қавартириб юборди, оғрик исқанжасида тўлғона-тўлғона япроқлари шамолда сокин елинаяётган теракка мўлтираб бокдим. Ёпирай, хушимми, тушим, малагим жойида кўринмади. Ола-була жуи аркон шалвираганча гадир-будир танада осилиб турарди. Анови сурбет шафқат қилибди-да. Йўқ, бу хомаҳёл, ахир, у халитина хотимага яқин қолганини ҳузур билан эслатмадим?

Бу хотима олдидан ақл лол, сабру бардош тазун... Аммо, мен титрамаслигим керак, негаки, бу хотима таржимаи ҳолини даярли мурдан-сирингача биламан. Фақат... э, даринг, қўлимга ханжар тутқазилгани қанчалар аянчи! Хануз лолман: мен устозимни бўғизладимми ёки ўз руҳимни? Одамзодни роҳат ва азоб оралиғида эмас, фақат Улуғ азоб уммонида кўришни орзу қилган банда барини чалқаштириб юборди. Азал ва абад калами битган қисматим билан қачон юзлашман? Аросат саҳросидан Худо асрасин! Ғулни қим бўлақлайди? Ўзим-ла, Тавба, ушбу кўланка қайқдан пайдо бўла қолди? Намунча бесўнақай? Нима, қападек очилган оғзидан олов пурқамоқчимиз?

Арқонни тарқ этган Дилфуза сўнгисиз қўллаш ниҳоясида эврила-эврила Оқ аждар қиёфасига кирганини англадим, зеро, босар-гусарини билмай турган бул махлук Иккиламчи оламдаги зимзиё нукта - ўлчами ўлчамсизлик бўлган сайёрадан тушиб келмиш... Адашмасам, Олов дарёси соҳилида, эгасиз қапада Давронбек билан суҳбатлашиб ўтирганимда у навқирон чинор танасига ўралганча бизни жимгина кузатган эди.

Ажабо, шуми тақдирим?

Қай маҳалдир Оқ аждар белингача кўтарилиди. Ҳозир, ҳозир тортса керак дамига. Жон ширин эмасми, бўйинимдаги зил-замбил гўл билан ҳовли тўрига аста-аста тисарилдим. Тасаввурим ойнасида Атиргул элас-элас кўришди. Аммо нима қилишни билмасдим, ниҳоят, Камар Жонгойни эслаб бақирдим: "Қоч, тезроқ қоч!" У ҳолдан тойган эди, жойидан қирмирламади. Мен эса тагин Атиргулга мурожаат қилдим, уни хужумга ҳозирлаш учун ҳозирроқ жойи қидирдим. Гоҳ эмақларим, баъзан шилланган қафтларимни тақир ерга тираб, кетма билан сударалардим.

Атиргулни тезроқ Абдул Ғани миясига жойлашим керак, аке ҳолда чиндан ҳам Оқ аждарга эм бўламан. У - оч, қорнига тушганим заҳоти мажақланиб кетаман. Кейин у... Ох! Бирдан, ҳа, бирдан бўзласа керак. Сўнг, ҳолдан тойиб йиқилади, уни ўчалди, мўмиёдек эриб, қўнчайди, ниҳоят, ё лаъл, ё зумрад, ё зар тусига қиради ва Абдул Ғани ҳонадонини безайди. Биз, севиниб севинмаганлар шу тарика қовушамиз ва хилват бир гўшада дунё қувончи-ғаними ҳис этмай, яхши-ёмондан гоғил, ману уйқуда ётамиз.

Асли у ҳозир ҳам мағлуб, лекин, ўзини гўлиб санарди,

ожизлик устидан қаҳқаҳа отиб кулар, мискин лўқмаси - каминани ялмай ютиб, тезроқ нафсини қондиришни ўйларди. Аниқроғи, орқада, кўшк панасида турволган Абдул Ғани унинг толиққан миёнага шундай амиронга фикрни йўллаш билан машғул эди.

Энди тисариллишга ҳам ҳолим етмай қолди, охири, барк уриб очилган, кузи иссиқда андак жозибасини йўқотган анвойи гуллар пуштасига бир амаллаб эмаклаб кирдим. Нимадир ичимни куйдирад, қайноқ ёшларим ёноқларимни тўхтовсиз юварди. Хазон босган ариқда чўккаладим, ногоҳ, сонсиз буталар ичида уни... Атиргулни кўриб қолдим. Халоскор Атиргулни аста эгиб, бағримга босдим, тўйиб-тўйиб ҳидладим. Муаттар бўй таратаётган бокира чечак қучоғида ўлиш нақадар гаштли эди.

Чаён ўпқони, ўлчамсиз ўлчамлар тўсини, тумон ва ҳасад тўлқинидан эсон-омон ўтиб келган Атиргул Катта Айиқ буржи ҳам Наҳот водийсидан мадад олган биомайдоним ардоғида ял-ял товлана бошлади.

Фурсатни бой бермаслигим керак, шу боис фармонимга интиқ Атиргулни чароғон юлдузли онини бесабр кутаётган Абдул Ғани биомайдонини ёриб кириш учун ошини чўққаладим. Анча муқаддам бениҳоя тахликали туюлган юмушни битириш учун энди атиги бир неча софия кифоа қилди. Музаффар Атиргул ҳали не гашлигини билиб улгурмаган Абдул Ғани идрокини эгаллади ва унга фикрларимни уқтиришга киришди. Қарасам, у қўл қовуштириб, қадди букилиб, ранг-кути учиб, йўрғалаб келаётир ёнимга. "Бузокнинг югургани сомонхонагача!" - деб ичимда қулдим; сўнг, ҳал қилувчи фикрни узатдим. Чорбоғ соҳиби телбаларча ҳайкириб юборди, мувозанатини йўқотиб, яқинимга йўлай олмай, гулзор четида ярим белигача кўтарилиб вишиллаётган Оқ аждар пойига гулпа учди. Худди шунга кўтиб тургандек, Оқ аждар бошини сал эгди, оғзини ўра қилиб, гувиллатиб ҳаво смирди. Дахшатли ўрага чанг-тўзон ва кум-тупроқ билан аралаш ҳолда Абдул Ғани юм-юмалок бўлиб тушгани, оёғи ердан узилган маҳалда кўзлари хонасидан отилиб чиққудек олайиб кетганини илғадим.

Хануз пушта ичида дағ-дағ қалтирардим.

Новдалар тиканли... Парво қилмай, бирини кўйиб, бирини ушламан, қафтим тилинади. Шуқур, қоним қизил, мағзава рангида эмас. Алҳол, Рухим ҳам бокира - омон, бетобмас. Балки анови банданики мағорлагандир. Балки сиёҳ тусидадир. Билмадим. Бу кўнрок Худога аён. Хартугул у нақд жойини топиб кетди. Пешонасида бори шу экан: Оқ аждар билан дийдорлашув менинг эмас, унинг қисмати экан!

Ҳамон бўйинида гул: таним қақшаб оғрийди. Тугунмас бир азоб нимагадир ногоҳ кўлимга тушиб қолган ханжар билан умр бўйи соясидан ҳам чўчиб яшаган беозор зотни бўғизлаганими эслатади. Сўнг, ўша туманли лаҳзаларни лаънатлаб, қорнини тўйгазганда гулзор четида бемалол чўзилиб олган, бўрттик кўзларини хумор-хумор сузаётган Оқ аждарга термилман.

Қош қорайганда Оқ аждар кўшк сари ўрмалади.

Энди у мени кўрмас, мен билан қилча ниши йўқ эди.

Ингичка чинқирик... Йўғон наъра...

Еру кўк титради. Қўрққанимдан музлаб қолаёзим. Сал хушимни ўнглаб қарасам, у нақшинкор устунлардан бирини кучган... Тангачали ва тасмали бадани қандил ёруғида нафис товланади. Орадан ярим соатча ўтгандан кейин аста сирғалиб пастга тушди. Эринчоқлик билан ўртадаги устунга ўралди. Ҳаракати ҳам назокатли, ҳам ғуссалли эди. Ҳозир устидаги бежирим либосини ечиб ташлашга мажбурлигини фаҳмлаб қолганга ўхшарди.

Узоқ куймадди, яна пастлади, бошини бўсагага кўйиб, ғамини нигоҳини кўзимга қалади. Мени таниди, деб айтолмайман, аммо, қарашни фақат андухли эмас, айни пайтда, ҳам муноси, ҳам ишвали эдики, беихтиёр энтикиб кетдим.

Яна, Бирламчи олам билан Иккиламчи олам оралиғида кеча ва кундуз фароғатини аниқлашга қодир сукунат чўкқанини ҳис этарканман, бирдан наъра янгради. Зилзила кўйиб, шифт силкинди, деворлар ёрилди, устунлар гичирлади, дарахлар қулади, сарховуз чайқалди. Чамамда, қурраи арз ўз ўқи атрофида бир неча баравар тезроқ айлана бошлади. Саноксиз чакмоқ чаклиб, олам чароғон бўлди, йўғ-а, бу ёруғлик чакмоқдан эмас, қаддини адл кертганча, қандил билан бўйлашган ва суврат тусига кирган

жонлуғдан таралаётган эди.

Икки кўзи - икки гавҳар...

Бутун танаси - олмос, тасмалари зар...

Муъжизали ёмби!

Негадир паришонҳол қулдим: ҳозир у судрала-судрала мухташам кўшқни, сўнг, чорбоғни абадул-абад тарқ этди. Анча вақт ўтди ҳамки, у қилт этмади; вақт ўтгани сайин нафислашиб, тобора ёркироқ шуъла сочар, кўҳна дунё айвонини тоабат ёрғитиб туришдек оғир вазифани зиммасига олгандек эди.

Ўзимга сиғмай, Қамар Жонтой сари эмакладим.

Шўрлик йилит хануз гул тағида тўнтарилиб ётарди.

- Азизим, қани тур, кўзингни оч! - кўшк тарафта нўшора қилдим. - Қара, қарасанг-чи, гоғил банд! Бориб турган муъжиза-я! Энди иккаламиз дунёдаги энг бадавлат одамларимиз!

Бақирдим, сўкиндим, силкиладим, аммо, оғриқ суяк-суякгача қарахт қилиб юборган Қамар Жонтой пинак бузмади. Анчадан кейин сал бурилиб, менга шубҳали қаради, бепарво қўл силкиди. Гул занжири аламли шикрлади. Бирдан Кўса ни эсладим. Қалит Кўсада, ўша ярамасни тезроқ тоғни керак.

- Қамар, бардам бўл!..

Ишонч билан, энтикиб шивирладим. Амримни Атиргул орқали Кўсага ошини етказдим. Худоедини танимай кўйган Қоса ҳалимдек юмшаб, илжайганча, югуртилаб келди қошимга. Миёсига Атиргул тимсолида кирган буйруқни адо қилгандан сўнг зўр иззаг-икром билан рўпарамда қўл қовуштирди. Амрилизга мунтазирман, хожа, деди мугеларча. Бугундан эътиборан ҳеч ким Абдул Ғанидан қарздор эмаслигини, у тугун "Оқ аждар" фирмаси узил-кесил тугатилганини, "Зарқоғ" қончилиқ корпорацияси ўз эгаси ихтиёрида қолажагани уқтирдим.

Кўса оғир хўрсинди, маъноли қилиб томоқ ҳам қириб қўйди. Беихтиёр, заррин нур сочаётган Оқ аждарга назари тушгач, лабларигача кўкарди, пешонасига бир уриб кўшқдан узоклашди.

- О, нафис бало! - дея мушт ўқладди Қамар Жонтой. - Бандасини не кўйларга солмай!

Пуфакчалари шилиниб, қалампир сепгандек ачишаётган бўйинини авайлабгина силладим. Лаънати гулдан қутулганимга ҳар қанча севинсам арзирди. Энди мен хур эдим, энди истаган нарсамни ўйлайман, кўнглимга ёққан ишмини қиламан. Ҳеч ким изимдай соядек эргашмайди, дилимни эгаллаган, йўғ-а, бир йўла ҳаётини вайрон айлаган малак энди ҳеч қачон юриш-туришимни таъқиб қилмайди. Эрта-кеч енгил нафас оламан, омад ва бахт ваъда қилаётган эртан ташвишини чекаман, ҳуллас, шу дамгача нуқул галвали кечган турмушим энди бутунлай бошқача оқимга тушади.

Фақат, ё, раб, гаройиб салоҳият ва тенгсиз ҳусн соҳибаси бўлган ҳуриликко мана бунингдек сувратга киргани менга, мендек кўнгличан, ҳатто чумоли ғамини кечадагидан йилитта тинчлик берармикин!?

Бу ўй калламни бежиз банд қилмади, чиндан ҳам ўша лаҳзалан бошлаб ҳаётим бутунлай ўзгарди, руҳимга ажабговур беқарорлик ёпишиб олиб, ҳаловатимга оғу қўшилди.

Лаъл шаҳри тинчиди. Кечаги ғамни эслайдиган мард йўқ... Фақир ороми эса бузилган, гўё, ҳаммасини эслашга мажбурман. Ахир, ўзимни хилватга урдим, гоҳ ҳалиги кўк бахмал муқовали китобни, гоҳ бобом қўлёмасини яна хижжалаб ўқидим. Бобом арвоҳи билан мулоқотда бўлдим. Катта Айиқ сайёрасидаги Наҳот водийси узатадиган тўлқинлардан мадад тиладим. Зора Оқ аждарни тирилтириш йўригини топсам! Тирилганда ҳам... келгусида Дилфуза, зулфи райхонлари муаттар бўй таратувчи, хандону кирмиз лаблари дуру гавҳар ўрнига меҳру муҳаббат ёдирувчи сайам бўлиб мени бағрига босишини орзу қилардим, узун тунларда охуваш шахлолари, ширмой ёноқларида мавжланган ноз ила назокатни соғинардим.

Илож қанча, ҳозирча у одамзодни эс-хушидан айириб, ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга солишга қодир тилсим ичра ажиб тилсим бўлиб қўним топган эди...

Тошкент. 1995-1996

Садриддин Салим БУХОРИЙ

ҚАЛБИМДА СЕН, АЁ ЁР

* * *

Йўлдан йўллар йўқолди,
Кўлдан кўллар йўқолди,
Сен қайдасан, аё Ёр?
Чўлдан чўллар йўқолди.

Осмонда осмон қани?
Замонда замон қани?
Сен қайдасан, аё Ёр?
Жаҳонда жаҳон қани?

Ёмғирда нам йўқ энди,
Кўзимда ғам йўқ энди,
Сен қайдасан, аё Ёр?
Менда мен ҳам йўқ энди...

* * *

Алам алам қўйнида,
Карам карам қўйнида,
Қувонч қувончда қолди,
Ғам қолди ғам қўйнида.

Менда на алам, на ғам,
Менда на қувонч, ситам.
Қалбимда сен, аё Ёр!
Дам ҳам не керак бу дам?!

* * *

Сенга ёмон нарса ўзгага ўнгдир,
Булбулман деганлар наздинда гунгдир.
Хайратланма алар ҳаётидан, дил,
Гўнгқўнғизнинг бешак жаннати гўнгдир.

САВОБ

Одам мен, деган билан
Одам бўлмас ҳар киши,
Хайвондан фарқи йўқдир
Бўлмаса савоб иши.

Гар савоб атоқ бўлса
Ошқорамас, жим қилсун,
Савобни қилсун ҳар кун,
Савобни ҳар ким қилсун.

* * *

Келажак келажакда,
Ўтмиш ўтмишда қолди.
Ҳозиринг кетаётир,
Ҳозир қайга йўл олди?

Келажак келажакда,
Ўтмиш ўтмишда қолди.
Ғафлатдасан, во дариг!
Ҳозиринг ҳам йўқолди.

* * *

Сабр довоини ўтдим,
Тенгсиз бўлди дил.
Кўз ёшларимни ютдим
Денгиз бўлди дил.

Номинг тилга олганда
Бокқа айландим,
Мендай бир ожиз банда
Токқа айландим...

* * *

Дарвишларга дарвишлик шараф,
Дилрешларга дилрешлик шараф.
Кимларгадир шараф тожу тахт,
Лек бизларга хомушлик шараф.

* * *

Қулоқ солгил, аё дил,
Панду насиҳатларга,
Сен баробар бўлма ҳеч
Тўқум табиатларга.

Бир новдада ўсадур
Тикан билан гул, вале
Гул гул бўлур сабр этиб
Тикандай улфатларга.

Тикан хордур, ложарам,
Озор бергани учун,
Тикан унда ёнадур
Хор бўлиб ғурбатларга.

Озорлар тугар бир кун
Сабр айла, аё дил!
Сабр этган етади
Албатта нусратларга.

* * *

Қалб таҳоратлик эмас эрса вужуд нопокдур,
Ҳам кироат, ҳам ибодат, ҳам сукут нопокдур.
Оҳ, таҳорат этдингу нопок қолдинг, во дариг!
Қалб таҳоратлик эмас эрса сужуд нопокдур.



КАПАЛАКЛАР ҲИЙИНИ

Роман*

Чиндан ҳам, Сувоннинг фалакка учганини ўз кўзи билан кўрмаган киши унинг қайтишини бу қадар илҳақ кутмаган бўларди. Буни одамлар секин-аста тан ола бошлашди. Хотира сандикларини титкилаб, Сувон ўзи болаликдан шундай ғалаги бўлгани, эс-хуши жойида одам ҳеч қачон ишонмайдиган аломат нарсаларга ишонгани, фақат эртақдагина учрайдиган ҳар турфа гаройиботлар – учар гиламларми-ей, шу қабиларни орзу қилганини эслашди. Тан олишдики, Сувон ўзининг барчага маълум абдолваш ҳолига ҳеч қим билмайдиган, ҳеч қимнинг ақли ҳам етмайдиган бошқа бир оламда яшаган экан. Қуни кеча Сувонга зурд саналмишларнинг бир ерга гул бўлиб, кўкка илҳақ термулиб туришларига ошқора истеҳзо билан қараганлар энди уларнинг қаршидадан ўтишаркан, бир зум тўхтаб, қўлларини пешоналарига қўйиб осмонга термулишарди. Сувоннинг фарзандлари олдидан ўтаркан, тўхтаб, уларга қўшилиб осмонга анграйгани Бадалнинг ҳам ёдида. Тағин у шуни кўргани келишган яқинларининг эгагига “Кетаман!”, дея маҳкам ёнишгани ҳам. Бу хийла кейин содир бўлган. Унинг ушбу сўзларни илк бор алам-ла пичирлаб айтишига туртки бўлган воқеа:

- Кетаман!... Барибир бош олиб чиқиб кетаман!..

Кизик, қачон у илк дафъа шундай деб айтган эди? Болалик пайти, онаси уни биринчи марта кўлидан судраб, боғчага элтганида, ташлаб қочмоқчилигини найқаб, “Кетаман!”, деб йиллаб, дунёни бузгани, албатта, ҳисоб эмас. Ўқувчилик йиллари, таътил маҳали, меҳнат оромгоҳида нимадандир қаттиқ ўқиб, дам олиш кўни кўргани келишган яқинларининг эгагига “Кетаман!”, дея маҳкам ёнишгани ҳам. Бу хийла кейин содир бўлган. Унинг ушбу сўзларни илк бор алам-ла пичирлаб айтишига туртки бўлган воқеа:

- Кетаман! Барибир бош олиб чиқиб кетаман!..

Аввал олам туғилди. Сўзлар кейин тилдан отилди.

Тўғоқ азоби беҳад фараҳли эди. Унинг дилида қандай куртак отгани ҳозир Бадалнинг ёдида йўқ. Бу ёлғиз угина ҳис қилиши мумкин бўлган, бировнинг билиши асло жоиз саналмаган оламнинг куртаги эканини Бадал фақат анча ўтиб англади. Аммо, у бунёд бўлиши асно баҳш этмиш лаззатли онларни ҳануз энтикиб эслайди. Орқаваротдан кўпчилик: “Капалак жинниси”, деб мазахлайдиган бу оламдан фарқли ўларок, унда Бадалнинг ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Бирок, бу оламда ҳам Бадал ўзини асло камситилган ҳисобламасди, гарчи кўпчилик орқасидан: “Капалак жинниси”, деб мазахлашини яхши билса-да. Ёлғиз угина ҳис қилиши мумкин бўлган, бировнинг билиши асло жоиз саналмаган ўз олами борлигини ўйлаб оғуларди. Қачондир дилида унга бутунлай бош олиб чиқиб кетиш истаги туғилиши мумкинлигини сира ўйламаган эди. Отасини ўйлашган, онасини эса куёвга узатишган кунга қадар. Йўқ, адашган. Хийла олдинроқ – Хулқар деб ўйлагани ҳатто Зухро ҳам эмаслигини англаунгача. Тағин адашди. Ундан ҳам озгина аввал – Сардор келиб, ўз одатича уларга: “Кетдик!”, деб айтган, бирок ҳеч қим жойидан жилмаганида. Ха, аниқ, ўшанда. Тўғироти, ўшандан пича кейинроқ. Сардор келиб, ўз одатича уларга: “Кетдик!”, деб айтмаслиги, умуман, энди у ҳеч қачон қайтмаслигини англаганидан сўнг. Йўқса, Сардор келиб, ўз одатича уларга: “Кетдик!”, деб айтган ва Бадал унинг энди ҳеч қачон қайтмаслигини дарагини эшитганига қадар орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Тўғри, Сардорнинг кетиши ва сўнг келиб, ўз одатича уларга: “Кетдик!”, деб айтгани, бирок, ҳеч қим жойидан жилмагани орасида салкам икки йилга яқин

муддат ётарди. Бу икки йилни Сардор асло боғларда гул териб ўтказмаган эди. Умуман, Сардор Сардор бўлиб, ҳеч қачон уни биров кўлида гул тутган ҳолда кўрмаганди. Сардор ва гул тушунчаси бир-бирига мутлақо тесқари эди. Ҳар байрамда ҳамма мактабга гул кўтариб борарди. Сардорга бу байрамлар тааллуқли эмасди. У ўз одатича табриклар айтилиб, гуллар эгаларига топширилганидан сўнг пайдо бўларди. Ўша, ҳеч қачон эгиндан тушмайдиган, ранги ўнгинган, бирок ўзига ярашган энгил-бошда. Унга ярашмаган нарсанинг ўзи йўқ эди. Майкачан, оёқланг, бет-қўли қоп-қора мойга беланган ҳолда кўриб ҳам барчанинг Сардорга ҳаваси келарди. Кўпинча уни шу алфозда учратишарди. Гузарнинг пастидаги маҳаллалик Кўлдош шумшукнинг “темир эҳром”и да. Шумшук уловига деб темирдан қурдирган хайбатли кўрғонни шундай аташарди. Шумшукни нега шумшук деб аташлари сабабини улар билишмасди, фақат тахмин қилишарди. Уловига темирдан бундай хайбатли кўрғон барпо эттиришининг боиси ҳам, айтишларича, унинг шумшуклиги эди. Бақаховузда ҳали ҳеч қим уловнинг ҳурмати бу қадар жойига келтирмаганди. Қизиги шундаки, шумшук мудом ўзининг шумшуклик ишлари билан банд бўлар, уловини миниб кўчага чиқариб камдан-кам вақт топарди. Бўёғи кўчиб, занг боса бошлаган кўрғоннинг эшигида нуқул отнинг қалласидай қулф осиглик турарди. Қулларнинг бирида эшикдан қулф қўйиб бўлди. Яна бир қули кўрғон олдидан ўтганлар уни қумуш рангига яттириб бўялган ҳолда кўришди. Кўрғоннинг эшиги ланг очик, ичкарида қимдир алламбалоларни тарақлатиб ўралашарди. “Наҳот, шумшук ўзининг шумшуклик ишларидан зериккан бўлса?”, деб ўйлашди одамлар. Кўпчиликнинг бунга ишонмаси келмади. Ҳаддан ортиқ кизикканлардан бири аста бориб эшикни қокди ва ичкарига овоз берди. Анчагача ҳеч қимдан дарак бўлмади. Фақат учинчи марта, бирор натижа чиқишига умидни узиб чақиргандан сўнг, ичкарида тарақ-турук овозлар тилиб, қимнингдир қадам товушлари эшитилди. Остонада ялангтўш, сарпўйчан, юз-қўли мойга беланган бир болақай кўринди. Эшик қоқувчининг ортида қатор тизилган томошалабар болага синчиклаб тикилиб, ёндош маҳаллалик Ориф туноқасознинг тўғичи Сардорни аранг танишди. Узоқ йили, Ориф қабини қилаётиб, томдан йиқилиб ўлганида, жимгидай ҳолига қабр тепасида “Отам”лаб йини берган болақай шу эди. Йил ўтгач, қариндош-уруғлар йиғилиб, ўлган – ўлиди, тирикнинг ғамини ейтиш керак, гўдақлар етим ўсмасин, деб маслаҳат қилишганида, уларни олдига солиб қувиб чиқарган ҳам. “Нечук, шумшукдай одам кўрғоннинг қалитини бир зумрашага ишониб топширибди?”, деб ҳайрон бўлди ҳамма. Лекин, бу ҳали ҳолва экан. Чунки, орадан бироз вақт ўтиб, шумшук нафақат кўрғоннинг қалитини, балки бутун “темир эҳром”ни ичидаги жами ашқол-дашқоли билан шу зумрашага ишониб топширди. Сардор уйдан бош олиб чиқиб, шумшукнинг кўрғонига келиб жойлашди. Бунга ҳеч қим таажубланмади. Яъни, Сардорнинг уйдан бош олиб чиқиб кетганига. Бир кун шундай бўлиши тағин эди. Қариндош-уруғлар Сардорнинг фикри билан бўлак ҳисоблашмай, уни ўғай ота тарбиясига топширишган дамдаёқ. Фақат бир нарсага ҳамма доғ, ҳайрон эди. Сардорнинг шумшукдай одам билан қандай тил топишганига. Сардор ўзи бу ҳақда сира оғиз очмасди. Ундан сўрашга эса ҳеч қим ботинмасди. Ҳатто бирга кўча чапигиб катта бўлган оғайнилари ҳам. Чунки, барибир Сардор уларга ҳеч нарса айтмаслигини яхши билишарди. Умуман, Сардордан ҳадеб гап сўраш одати уларга ёт эди. Сардор келиб: “Кетдик!”, деб айтгангача бўлган ва кеч тушиб, тарқалишганларидан кейинги ҳаёти ёлғиз унинг ўзигагина тааллуқли эди. Унга шумшук сўқлишга улар ботинишмасди. Ҳатто бирмунча ҳайкишарди ҳам. Сардор қабини шумшукнинг “темир эҳром”и да яшаш у ёқда турсин, унда бир кеча тунаб қолишни ҳам улар ҳеч ақлларига сиғдира олинмасди. Уларнинг



наздида, бунга ёлғиз Сардорнинг кодир эди. Баъзан, Сардор пайдо бўлиб: "Кетдик!", деб айтишга ошикмаган пайтлар, улар уни шу ерга қидириб келишарди. Ичкарига бостириб киришга ҳеч кимнинг журъати етмас, Сардорни излаб келишганини "эхром"га тош отиб аниқлашар, эшик очиб бўлса, унинг исмини айтиб чақирарди.

Ушанда ҳам улар Сардорни кўрғонга излаб келишган эди. Эшик ёпиқ, бироқ зулфинда кулф кўринмасди. Хар доимгидек, эшикни очиб, ичкарига бош сукишга ҳеч ким ботинмади. Эшикка тош отиб, Сардорга уни қидириб келишганини аниқлашди. Анчагача Сардордан дарак бўлмади. Пойлай-пойлай, барчанинг сабри тугаган маҳал, ниҳоят, "эхром" эшиги ваҳмали даранглаб очилди. Аввал бир, сўнг иккинчи тавақаси. Сардорнинг қораси милт этгандек бўлди-ю, сўнг тагин кўздан йўқолди.

Уни қидириб келганларнинг ортиқ тоқати қолмади.

- Сардор! - деб чақирди улар.

Сардордан жавоб бўлмади.

- Сардор!! - деб овоз беришди тагин.

Сардор мик этмади.

- Нима бу, эшикни ланг очиб кўйиб, ўзи ғойиб бўлди? - деб бир-бирларига хайрон тикилишди. - Мазах қилганими бу?

- Сардор! - деб сўнг зардали овозда кичкиришди. - Чикасанми ё йўқми?

Уларнинг бу кичкириғига жавобан ичкаридан ниманидир қаттиқ гурчиллагани ва уловнинг тариллаб ўт олган овози эшитилди. Лаҳза ўтмасдан улов охирага юриб чиқиб келди. Уларга етар-етмай тўхтади ва эшиги шарақлаб ошилди, Сардор тушди.

- Ха, мунча бақирдиларинг? - деди у бурилиб, кўрғон томон йўналишаркан.

Мум тишлаш навбати энди уларга ўтди.

Сардор шошилмай бориб, кўрғоннинг эшиги тавақаларини зичлаб ёнди ва зулфинга кулф осди. Қалитни кўлида уйлаб, қайтиб келаркан, уловнинг ланг очиб эшиги ёнига етганда тўхтади.

- Ха, бақрайиб турибсанлар? - деб уларга хайрон тикилди. - Утирмайсанларми?

Бироқ, Сардорнинг бу таклифига жавобан ҳеч ким кимир этмади.

Сардор мийиғида кулиб, бош чайқади. Сўнг хиёл энгашди-да, ичкарига шўнғиди. Ўриндикка ахшилаб ўришгач, эшикни ёпиш олди уларга овоз берди:

- Кетдик!

Фақат шу таниш даъватдан сўнггина уларга озрок жон киргандек бўлди. Лекин, барибир уловга яқинлашишга ҳеч ким журъат этмади. Уларнинг назарида, улов қаршиларидаги шу хайбатли "темир эхром"нинг кичкина бир бўлаги эди ва худди у каби, юракка ваҳм соларди. Уловни кўрғондан Сардор ҳайдаб чиққани эса ваҳманг баттар кучайтирарди.

- Кетдик! - деб такрорлади Сардор, бу сафар қатъий қилиб. Сўнг узалиб, орқа эшикни очди. - Қани, чикинлар!

Шумшук Сардорга ёлғиз кўрғоннинг эмас, уловнинг қалитини ҳам ишониб тоширгани, фақат уни "маҳалладан чиқмасдан" хайдашга рухсат берганини улар кейин билишди. Иккилана-иккилана, бир-бирларига хайрон термула-термула, ниҳоят, уловга чиқиб ўтиришганидан ва Сардор, уларни гумга элтиш асносида, йўл-йўлакай, гап нимадалигини аниқлаганидай сўнг. Билиб, енгил тин олишди. Бора-бора бунга кўникишди. Сардорнинг уловни ҳайдаб чиқишига, Узок вақт Сардор уловда кўриниш бермас, кўмсайдиган ҳам бўлиши. Фақат бир нарса уларнинг ғашига тегарди. Шумшукнинг шумшуклиги, шумшуклигига бориб, Сардорга уловни фақат маҳалла доирасидагина хайдашга рухсат бергани. Тагин Сардорнинг шумшук чизиб берган бу чегарадан ҳеч чиқмаслиги ҳам. Ростда, нима, ейилиб қоларканми шу шадирок араваши маҳалла доирасидан озрок чикса? Сардор ҳам кизик, шумшукнинг шу тақикига бўйсуниб. Айланма, хилват йўллардан Бақаҳовузнинг истаган ерига бориб қайтиш мумкин. Шумшукка бунинг иси ҳам етиб бормапти. Агар Сардорнинг ўрнида улар бўлишганида... Э-э!

Бироқ, бу фикрларини улар Сардорга ошкор этишмасди. Чунки, ҳеч қачон Сардорнинг ўрнида бўлолмасликларини ботинан ҳис қилишарди. Вақт ўтиб аниқлашдики, унинг ўрнини ҳам ҳеч ким босолмас экан...

Хаммаси энди бошланаётгандек бўлиб туюларди. Айниқса, кўнғирок улар учун сўнгги бор жаранлаган ўша

оқшом.

Хаммаси фақат энди бошланмоқда эди. Кўнғирок улар учун сўнгги бор жаранлаган бу оқшом. Олис кенгликлар кўзга кўринарди. Асло кимнингдир маҳалла доирасидан чиқмаслик тўғрисидаги тақиқ эмас. Ҳатто айни тақиқни айтган кимса бундай ёлғиз ўзининг оромини кўзламаган бўлса-да. Қалб оромини ўйлайдиган оқшом эмас эди бу. Қалб кимдир чизган сарҳалга сиғмас эди.

- Шошманлар! - деб туйқус хитоб этди Сардор, мактабда кеча тугаб, улар чуғурлашганча тунни тонга улаш мақсадида кўчани тўлдириб Сайрибоғ томон йўналишаркан. - Бирпас тўхтанлар! Хўп? Мен ҳозир келаман!

Шундай деб, Сардор оқшомга тисланганча, сўнг бурилиб, зулмат кўйнидаги ёндош жинкўчага шўнғиди.

Ҳеч ким унинг мақсадини аниқламади. Лекин, биров Сардорни йўлдан қайтаришга ҳам уринмади.

Орадан, чамаси, "отининг қотили"дан биттасини тутатиб, чекиб тутатишга етарли фурсат ўтди, холос. Сардор кириб ғойиб бўлган қоронги жинкўчада эмас, улар гуррос Сайрибоғ сари йўналимиш қатта йўлда, фақат боққа тескари йўналишда бир жуфт чирок кўринди, шу баробар қатта тезликда яқинлашиб келаётган енгил улов овози ҳам қулоққа чалинди.

- Сардор! - деди кимдир уловни овозидан таниб.

- Ха, Сардор, - деб тасдиқлади тагин кимдир.

- Эй, шу бир қадам жойгайм аравами? Пиёда алақачон етиб бормасмидик?! - деди учинчи биров энаеси қотиб. Лекин, бу эътирозини Сардорнинг ўзига айни шу шаклда билдиришга журъат этмади. - Бекор овра бўсан-да, - деди Сардор шумшукнинг уловида уларнинг қаршисига келиб тўхтаб, эшикдан бош чиқариб, ўз одатига: "Кетдик!", деб айтгач, худди уни аяган бўлиб. - Оёқда ҳам бораверардик. Сайрибоғ бир қалам-ку.

- Йўк, Сайрибоққа эмас, - дея жилмайиб бош чайқади Сардор.

- Сайрибоққа эмас? - дейишди улар кўзлари нақ қосасидан чиққудек бўлиб.

- "Сайрибоғ, Сайрибоғ"... Нима, Сайрибоғда киндикларинг кесилганими? - деб Сардор уларга синовчан тикилди.

- Қаёққа, ахир?

- Борганда биласизлар, - деб сирли кўз қисиб қўйди Сардор. - Қани, чикинлар! Чакқон-чакқон!

- Баримиз сиғмасмиз-ов?

- Борига барақа-да. Олдин кизларни олиб бориб ташлайман. Маъқулми? Қани, кизлар, чикинлар! Чикаверинлар! Тагин, Тагин... Э, филниям кўтарди-ку бу! Хой, сен қаёққа суқилиясан? Хай, майли, эшикни ёп. Қолганларин кейин оқкетаман. Шу ердан кимирламанлар-а? Мен дарров қайтаман! - деб тайинлади Сардор уловни жилдираркан.

Сардорнинг айтганини қилиб, ҳеч ким жойидан кимирламади. Орадан ярим соат, сўнг тагин бир соат ўтгач ҳам. Сардордан дарак йўқ эди.

Баданининг дилига ғашлик оралади. Шунга яқин туйғу асли унинг кўнғилига Сардор уловни жойидан кўзатган лаҳзада соя ташлаган эди. Фақат Бадал уни зўр бериб ўзидан нари хайдаганиди. Бунинг у шу дам аниқ эслади. Эслаб, юраги баттар ғаш торди.

Бир пайт олисда "тап-тап" қадам товушлари қулоққа чалинди. Хамма жонланиб, овоз келган ёққа нигоҳини қадади. Кимдир улар томон дам чошиб, дам юриб яқинлашиб келарди.

- Ибод-ку, - деди Сардорни қутиб қолганлардан бири. Сурбетлик қилиб, кизларнинг орасига суқилиб кетган

Ибоднинг қорасини бошқалар ҳам танишди. Кўнгилсиз нимадир рўй берганига ҳеч қанда шубҳа қолмади. Лекин, нима? Сардорнинг уловни худди ажал қувгандек жоникиб хайдаш одатини эслаб, Бадалнинг ичи шув этиб кетди.

Ибоднинг оғзидан тайинли бир гапни сугуриб олунча улар ундан оз терга ботишмади. Харсиллаб, нафаси бўғзига тикилиб:

- Сардор... Сардор... - деб такрорларди Ибод нуқул.

- Ховликма, бундай ўтириб, ўпкангни босиб ол, - деб маслаҳат беришди унга, бу тарз ҳеч натижа чиқмаслигини аниқлаб. - Энди гапир. Хўш, нима бўлди? - деб сўрашди Ибод йўл четига беҳол чўк тушиб, пича нафасини ростлагач.

- Оқкетинди, - деб қўли билан келган томонига ишора қилди Ибод. - Оқкетинди.



Англашдики, ҳа, Ибод нафасини ростлаган, аммо ҳали ўзига келиб улгурганича йўқ. Уни тағин озрок ўз холига қўйиб, эс-хуши жойига қайтишни кутишди. Ниҳоят, Ибод эс-хушини йиғиб, бировнинг ундовисиз тилга киргач, бари гап ойдиллашди.

Унинг айтишича, Сардор уларни манзилга элтган-да, уловдан тушириб, қолганларни олиб келгани орта бурилган. Орадан ҳеч қанча ўтмай, олисдан уловнинг гийқиллаб тўхтаган овози қулоққа чалинган. Тун, олам сукунат қўйнида эмасми, гийқиллаш овози дахшатли янграб, уларнинг дилига Сардорга бир гап бўлмадимикан, деган ҳадикни солган. Кўнгиллари бўлмай, нима гапнинг билиб келгани Ибодни ғизиллатишган. Ибод оёғини қўлига олиб, Сардорнинг изидан чопган ва узокдан, йўл наастга қараб энган ерда унинг уловини илганган. Сўнг Сардорнинг ўзини ҳам – соғ-омон, фақат миршаблар қуршовида – кўрган. Уларнинг гап-сўзи Ибодга эшитилмаган, бирор гапни илғаш мақсадида қулоғини динг қилиб, наастга қараб юрган лаҳза туйқус миршаблар Сардорга ташланиб, қўлига кишан солишган. Ибоднинг ўтақаси ёрилиб, ўзини йўл чеккасидаги симёғоч панасига олган. Воқеанинг давомини у шу ердан мўралаб кузатган. Миршаблар Сардорнинг кишанбад кўларидан тутиб сулраб, ўз уловларига олиб бориб тиклишган. Ибод миршабларнинг йўл ўртасида кўндаланг турган уловини фақат шунда пайқаган. Сўнг миршаблардан бири қайтиб, Сардорнинг уловиға ўтирган ва уловлар олдинма-кепин суларлиб йўлга тушган, зум ўтмай, қоронғилик бағрида кўздан йўқолган...

Ибоднинг кўргани шу эди.

Тезликни оширгани учун тўхтатишган, деб тахмин қилишди улар. Кейин улово янада қайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқлиги маълум бўлган. Сардорда бундай гувоҳноманинг йўқлиги ҳеч қимга сир эмасди. Қаёқдан ҳам бўлсин, агар у бундай гувоҳнома учун ўқнишга қабул қилишадиган ёшга фақат бир йилдан сўнг тўлса?! Шумшукнинг Сардорга уловини ишониб топшириб, фақат уни “маҳалладан чиқмасдан” ҳайдашни ўқтиргани сабаби ҳам шунда эди. Шумшук “маҳалладан чиқмаслик”ни ёлғиз Сардоргагина эмас, ўзининг уловиға ҳам тайинласа бўларди. Яъни, Сардор уни ҳайдаб, маҳалла чегарасидан чиққан захоти такка тўхташни ва то орта бурмагунича жойдан жилмасликни. Ким билсин, балки шунда Сардор миршаблар қўлига тушмас ва улар айни чоғ зим-зиё тун қўйнида ичлари қоронғи тортиб, нима қиларларини билмай гарансиз турмаган бўлишармиди... Ибоддан воқеани эшитиб, улар буни беихтиёр тан олишди. Барчани фақат бир савол қизиқтирди: энди нима бўлади?

- Яхшилаб пўстагини қоқишса керак, - деб тахмин қилди кимдир. - Нари борса, ана, жарима солишар...
Нима бўлган тақдирда ҳам, то Сардор тўғрисида тайин бир гапни аниқламагунча, ҳеч ёққа тарқалмасликка қарор қилишди. Бирок, узун-қиска бўлиб, миршабхона биноси жойлашган ерга етиб келишганида, Сардорнинг тақдирини учун қурашга тайёрлар сафи хийла снйрак тортиб қолган эди. Шошийни Бадал эслайди. Ибодни ҳам. Табиийки, сафнинг бошида Насим борарди. Тағин кимдир бор эди. Ким? Ҳа, дарвоқе, Бадалнинг ўзи. Сардорнинг тақдирига чиндан қизиққанлар шу тўғривлон эди. У ҳақда тайин бир гапни эшитмоқ ниятида миршабхона эшигини қоқишга журъат этганлар ҳам.

Сардорнинг ушланиши сабабини суриштиргани миршабхонага кириб кетган Насим бироздан сўнг ичкаридан ранги қув ўчиб чикди.

- Сардорни... ўғирликда айблашипти, - дея, титрок овозда ўзининг айни ҳолати боисини уларга тушунтирди.
Бадал айни шум дарак бошқаларга қандай таъсир этганини билмайди, бирок, Насимдан бу гапни эшитиб, туйқус тиззаларидан мадор қочгани аниқ эсида. Тили танглайига чинга ёпишгани ҳам. Бу борада Бадал, чамаси, ёлғиз эмас эди. Чунки, Насим миршабхонадан ранги қув ўчиб чикди, уларни ҳеч кимнинг ақлига сиғмайдиган янгиликдан оғоҳ этгач, орага узок жимлик чўкди. Уни ахирини Шоший бузди.

- Англашилмовчилик бўлган, - деб айтди у. Ҳа, “англашилмовчилик”, деди. Бошқа бировнинг бу сўзга тили келмоғи у ёқда турсин, унинг луғатда мавжудлигини ҳам билмоғи гумон эди. Ва кетидан дарров кўшимча қилди: - Аниқлаб, қўйиб юборишди. - Ҳеч қимдан садо чиқавермагач: - Ҳа, албатта қўйиб юборишди, - деб фикрини тасдиқлаб ҳам қўйди.

Бирок, Шошийнинг овоз оҳангидан бу айтганига унинг

ўзи ҳам ишонмаётганини сезиш қийин эмасди.

Бутун умид, тайинки, шумшукдан эди. Тонг отиши ҳамон унинг изидан одам жўнатишди. Аксига олиб, шумшук ўзининг шумшуклик юмушлари билан қайғадир кетган бўлиб чикди.

Шумшук қайтиб, миршабхонага ташриф буюргунга қадар ўртада фақат бир кун ўтди, холос. Лекин, уларнинг назарида, ўртада баайни минг кун кечгандек эди. Бу вақт ичида миршабхона теграсида уззукун гир айланиб изиб, аниқлаганлари шу бўлдики, уша тун қоронғилик бағрини тилиб, шаҳардан ташқарига томон жаҳд билан олиб кетаётган уловни йўл кўриб юрган миршаблар олисдан илғашган. Табиийки, дилларида дарҳол шубҳа тунилан ва уловларига ўтириб, унинг изидан ошиқлишган. Аммо, харчанд уринишмасини, унга етмоқ тугул, өзгина бўлсин яқинлашсининг ҳам улдасидан чиқишолмаган. Айни шаҳардан чиқаверишда, йўл тегалikka қараб ўрлаган ерда уни буткул назардан қочириб, хуноблари ошиб туришган маҳал, туйқус рўпараллик қандайдир уловнинг чироклари мигтиллаб кўринган. Сиччиклаб тикилиб, бу айван ўзлари кетидан қуваётган уловнинг чироклари эканини ва у, ҳеч нарсадан беҳабар, низга қайтиб келаётганини фаҳмлашган. Фаҳмлашгану: “Ҳа, қўлга тушдишми?!”, дея кафтларини бир-биринга ишқаб, уловларини йўлга кўндаланг қилишган. Сардор, ўз одатича, уловни ажал қувагачек жоникиб ҳайдаб келаётгани боис, йўлдаги “тўсиқ”ни фақат сўшти лаҳзада илғашган. Айнан шу сабабли уловнинг дахшатли гийқиллаши тун сукунатини бузиб, Ибоднинг қулоқларида ҳам акс садо берган ва у, қисман қизларнинг даввати билан, оёғини қўлга олиб, овоз келган томонга қараб чопган. Қолган ҳаммаси Ибод олисдан кўриб, сўнг келиб уларга ҳикоя қилгандаги каби рўй берган. Яъни, Сардор уловдан тушиб, йўлини тўсиб чиққан миршабларга рўпара бўлгач, табиийки, улар ундан ҳужжат сўрашган. Хайдовчилик гувоҳномасини, сўнг эса уловга тегишли ҳужжатларни. Тайинки, Сардорда уларга тақдим этмоққа ҳеч қандай ҳужжат топилмаган. “Кимники ўзи бу улов?”, деган саволларига ҳам миршаблар Сардордан: “Эгасиники...”, деган хийла мужжал жавоб эшитишган ва бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишган-да, шартта унга ташланиб, қўлига кишан солишган. Миршабхонага келтиргач, ўғирликда шубҳа қилинаётганини Сардорга расман билдиришган. У билан ҳазил-мазах ўйнашмаётганини Сардор, афтидан, фақат шунда англаган ва боя уларнинг: “Кимники бу улов”, деган саволларига: “Эгасиники”, деб айтганида нимани назарда тутганини тушунтиришга уринган. Миршаблар, ҳар нечук, тушунинишга ҳаракат қилишган. Бунинг исботи ўларок, Сардор “эгаси” деб назарда тутган кимсани оёғини ерга теккизмасдан миршабхонага етказиб келгани махсус чопар жўнаган. Бир кундан сўнг, шумшук ўзининг шумшуклик юмушларини бажариб, қайтиб келиши тахмин қилинган вақтда чопар тағин зиммасига юкланмиш муҳим топшириқни адо этгани миршабхонадан чикди. Бирок, бу сафар ҳам у борган манзилидан тарвузи кўлтигидан тушиб қайтди. Зеро, чопар ҳали ярим йўлга етиб улгурмасидан, у оёғини ерга теккизмай етказиб келиши дозим саналган кимса миршабхонала, терговчи қаршида ўтирарди. Шумшук бўлган воқеани, хусусан, ўзини миршабхонадан излаб келишганини шумшуклик ишларини битириб қайтгани ҳамон, ҳали ўйига етмасиланок, йўлда учраган биринчи одамдан эшитган ва чопарга иш қолдирмай, тўппа-тўғри миршабхонага қараб йўл солган эди.

Шумшукни кўриб, уларга дарров жон қирди. Вазиятни англагани у томон ошиқлишди. Бирок, шумшукнинг тунд авзойи, атрофдагиларнинг саломига ҳам аниқ олмасдан миршабхонанинг эшини сари жадал иштигаётганини илғаб, унга яқинлашишга ботинишмади.

- Ҳаммаси жойида бўлади, - деб уларнинг кўнглини кўтарган бўлди Шоший. - Ҳаммаси жойида бўлади.

“Ҳозир шумшук Сардорни кетидан эргаштириб чикади”, деб тушунинишди буни улар.

Бирок, шумшук ичкаридан ёлғиз ўзи қайтиб чикди.

Миршабхона эшигида шумшукнинг қораси кўзга ташлангани ҳамон улар жоҳолатда у томон ёпирилишди. Шумшукка бермоқчи бўлган саволлари бисёр эди. Аммо, шумшук шу тобда саволга жавоб бермоқ тугул, уни англайдиган ҳам аҳволда эмаслигини сезишди.

Шумшукнинг ранги мурданики каби опнок эди. Шумшук баайни совуқда қолгандек дир-дир титрарди.

- Ахир... ахир, айтмовмидим унга, а? - деб гудранарди у пуқул. - Ахир, айтмовмидим унга, а?



Улар шумшукдан ҳозир тайинли бир гап эшитолмасликларини тушунишди. Шумшукнинг бу авзойидан ичлари зил кетиб, миршабхона эшигига қараб чопишди. Бирок, эшикни очиб, остона хатлашлари ҳамон кираверишда гоз турган басавлат миршабларнинг йўлини тўсди.

- Ҳалиям шу ердасанлар? – деди у кеч тўшиб, кўкда юлдузлар милтиллай бошлаган палла эшик оғзига чиқиб.

Улар миршабдан Сардор ҳақида бирор гап эшитиш умидида унга илҳақ тикилишди.

- Уйларингга жўнасаларинг бўларди, – деб айтди миршаб уларнинг ҳафсаласини пир қилиб.

- Ташвиш чекманг, – деб заҳарханда қилди Шоший.

- Уйдагилар бизни қидириб, уйқўнғизни бузишмайди. Қаерда бўлишимиз уларга маълум.

Миршаб бошини сарак-сарак қилди.

- Бу ерда туришларингдан наф йўқ...

- Сардорсиз бу ердан бир кадам ҳам жилмаймиз! – деб лўнда қилиб айтиб қўя қолди Шоший.

Миршаб негадир синик илжайди ва “Тушунарли”, дегандек бош иргаб, аста ортага бурилди. Аммо, эшикка етармай тўхтаб, изига қайтди.

- Хой, тушунсаларинг-чи, оғайниларинг бу ердан ҳали бери чикмайди, – деди миршаб уларга маънос тикилиб ва юзини четта бурди. – Яқин уч-тўрт йилсиз...

Бирок, улар ишоншмади.

Миршабхона қаршисидagi чироқлар билан ёритилган майдонда ерга чўк тушганча, ярим тунда кўтарилмиш аёзда жунжиқиб мудрашаркан, Бадал кимдир ортидан келиб, елкасига қалин ниманидир оҳиста ташлаганини пайқалди. У ўтирган ерида эришибгина кўз очди ва эгнида ўзининг кўнгири тус мовут камзулини кўрди. Бадал ўрнидан даст кўтарилиб, орқасига бурилди ва қаршисида ўзига алланечук айбдорона тикилиб турган отасига кўзи тушди. Кўзи тушдию дилида қахр оташи аланга олди.

- Ўғлим! – деб айтди отаси ва бу Бадалнинг дилидаги қахрни сўндиргандек бўлди. Дунёга келиб, у илк бор отасидан шу сўзни эшитиши эди. Аммо, дилида тугилимиш шафқат туйғусини унга сездириши истамасди ва тўнғ бир тарзда отасига орқа ўғирди.

- Ўғлим... – деди у тагин оҳиста келиб, Бадалнинг елкасидан кучаркан.

Танасида қадрон кўл тафтини ҳис қилиб, Бадалнинг кўнгли алланечук бузилди. Дилида отасига нисбатан мухаббатта мойил туйғу қайта тугилгандек ҳам бўлди.

- Энди унга ёрдам беролмайсизлар, – деди отаси, худди юпатган каби, Бадалнинг елкасига оҳиста қоқиб.

Отасининг бу гапидан сўнг туйқус кўз олди қоронғи тортиганини Бадал эслайди. Кейин нима бўлгани унинг ёнида йўқ. Бу воқеага гувоҳ дўстларининг далолатича, у бирдан отасининг кучоғидан юлқиниб чиққан.

- Нега? – деб қичқирган кўзлари ёшланиб, жазавали бир тарзда ва елкасидagi мовут камзулни юлиб отган. – Нима учун?

“Нима учун?”

Бу овоз ўшанда тун бағрини парчалаб, олис-олисларда ҳам акс садо берган, деб ўзича тахмин қилади Бадал. Тагин кўз олдида келтирадиги, уни шифтга термулган кўйи бедор ётган шумшук ҳам эшитган ва юзига кўрпани тортиб, такрорлаган: “Ахир, айтмовдим унга, а? Айтмовдим, а?” Овоз айни воқеа хусусида нимадир эшитган, лекин унинг моҳиятидан мутлақо беҳабар кишиларнинг ҳам қулоқларига чалинган ва уларда бу ҳақда бор гапни билмоққа қизиқиш уйғотган. Бор гап, хусусан, унинг кўпчилик, шу жумладан, улар ҳам ҳозирча беҳабар индаллоси шундан иборат эдики, шумшук терговчи ҳузурига кириб, ўзининг кимлигини айтгач, уни курсига ўткизиб, Сардорнинг икки энли тушунтириш хатини танишиш учун беришган.

- Хўш? – деб сўраган терговчи, шумшук хат билан танишаркан, хонада у ёқдан бу ёққа юриб.

- Лаббай? – деб, унинг саволини англамай, хатдан бошини кўтарган шумшук.

Терговчи оҳиста юриб, шумшукнинг тепасига келган ва:

- Хатда айтилган гапларни тасдиқлайсизми? – деб саволини унга аниқлатган.

- Ҳа, албатта... тасдиқлайман, – деб айтган шумшук, дам хатга, дам тепасида ҳайкалдек тош қотиб турган терговчига тикилиб.

- Демак, сиз ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган шахсга уловингизни ишониб топширганингизни тан оласиз. Шундайми? – деган терговчи шумшукнинг устига энгашиб.

- Йўқ... нега... – деб ўзини йўқотиб чайналган шумшук.

- “Ҳа”ми ё “йўқ”ми? – деб чўрт кесган терговчи шумшукнинг тумшугига тумшук тираб ва Сардорнинг тақдири ҳал бўлган.

- Ўлдираман уни! – деб ўзича кимнингдир тақдирини ҳал қилди Насим ҳам бу гапни эшитиб. Кимнинг тақдирини – буни Насим уларга тушунтириб айтмади. Улар эса сўрашга ултуришмади. Насим, кўзлари ғазабдан ёниб, кўллари билан уларни икки томонга тўзғитиб, жадал йўлга тушди. Афтидан, айтганини бажаргани. Улар эҳсонлари чиқиб, Насимнинг орқасидан хай-хайлаб югуришди. Бирок, Насимни фикрдан қайтариб бўларканми? Насимни-я?! Агар у шумшукнинг маҳалласига томон юрса ҳам бир нави эди. Аммо, Насим тўппа-тўғри миршабхонага қараб йўл олди.

- Насим, жинни бўлма!

- Насим, хой, эсингни йиғ!

- Насим, бундай қилма, ахир, фойдаси йўқ! – деб, унинг икки ёнида пилдираб чопиб, йўлдан қайтаришга уринишарди улар. Лекин, Насимнинг қарори қатъий эди. Буни улар сезиб туришар, шунга қарамай, унинг эътига осилишни бас қилишмасди.

Остонада уларни ўша таниш басавлат миршаб тўхтади.

- Нима бозор? – деди гавдаси билан уларнинг йўлини тўсиб.

- Уёққа киришим керак, – деб Насим боши билан ичкарига ишора қилди. – Муҳим гапим бор.

- Ишонманг унга, амаки!

- Қўйманг уни ичкарига!

- Хайданг бу ердан уни! – деб, бири олиб-бири кўйиб чувиллашди улар.

- Хой, хой, бўлди қилларинг! Бу ер сенларга бозор эмас! – деб уришиб, тартибга чақирган бўлди уларни миршаб ва Насимга тикилди: - Ким керак? Нима гапнинг бор?

- Киришим керак, – деди Насим тагин. – Муҳим гапим бор.

- Кўрмайсизми, иситмаси бор-ку унинг? – деб бошлашган эди улар, миршаб:

- Жим! – деб жеркиб ташлади. – Қани, ҳов, анави ерга бориб, кутиб турларинг-чи! – деб кўли билан ташқарига ишора қилди. – Сен бўлсанг мен билан юр, – деб Насимни ичкарига бошлади.

Улар Насим бу қадар тез қайтиб чиқади деб ўйлашмаганди. Ростини, унинг қачондир қайтиб чиқишига ҳам ишончлари йўқ эди. Орадан, чамаси, ўн дақиқача фурсат ўтгач, эшик оғзида Насимнинг қорасини илғаб, улар ўз кўзларига ишоншмади. Бирок, у чиндан ҳам Насим эди. Атиги ўн дақиқа бурунги ҳовури босилган, нигоҳида ҳам аввалги қахрдан асар йўқ. Боши ҳам, лаблари аламли қимтилган... Насим уларга нинг деб оғиз очмади. Улар ҳам Насимдан ҳеч нарса сўрашмади. Кейин билишдики, миршаб уни ўшанда ичкарига бошлаб кириб, батамом бошқа одамга рўпара қилган. У ҳам ўзини терговчи деб таништирган, лекин у бошқа эди, бошқа! Сардорнинг тақдирини билмоққа қизиқиб қулни кеч қилишаркан, миршабхона даҳлизида Насим уни олисдан илғаганди. Унинг ҳеч ерига бу ёзилмаган, лекин Сардорнинг жаллоди айнан шу эканига негадир Насимнинг ишончи қомил эди. Шу бос у ўзининг “муҳим гап”и Сардорга боғлиқ эканини ва уни фақат мазкур иш билан шуғулланаётган одамгагина айтиш ниятидалигини билдирган. Ўзини терговчи деб таништирган киши Насимнинг бу гапига мийинида қулган ва нима гапи бўлса, унга бемалол айтавериши мумкинлигини уқтирган. Агар бу гап чиндан Насим айтганчалик “муҳим” бўлса, уни албатта тегишли одамларга етказишни маълум қилган. Насим, чамаси, бошқа чора топпмай, балки шунда ниҳоят унга рўпара қилишар, деган илнжда Сардорга шерик эканлигига иқроқ бўлган. Узини терговчи деб таништирган одам Насимнинг иқроқини миқ этмай эшитган, гапини тутатганидан сўнг ҳам хийла вақт унга жим тикилиб турган ва бирдан қаҳқаҳлаб кулиб юборган. Узоқ хахолоб. Хахолоб-хахолоб, Насимнинг қовушини тўғрилаб, эшикдан чиқариб юборган. Ҳеч қачон Насим ўзини бунчалик ҳўрланган ҳис қилмаган эди. Буни Бадал ўша заҳоти унинг кўзлариде ўқиди. Бирок, Насим Сардор учун бундан беш баттар хўрликларга ҳам тайёр эди. Бугунги қилмиши буни яққол исботларди. Зеро,



хар хумор тутганда Насимга қараб, қаҳқаҳлаб-қаҳқаҳлаб хуморни ёзмоқлик учун уни Сардорнинг ёнига олиб кириб тикишлари ҳеч гап эмасди. Бу ҳолда бир ойдан сўнг ёлғиз Сардоргагина эмас, Насимга ҳам ҳукм ўқилган бўларди. Аввал, албатта, Сардорга, кейин, тайинки, Насимга ҳам... Буни кўз олдига келтириб, нуқул Бадалнинг эти ёқимсиз жимирларди. У Сардорни ҳам қора курсида ҳозирга қадар фақат тасавурида кўрарди. Афтидан, вақт ўтиб, уларнинг ҳам ховурлари босилган эди. Чунки, бирор иш ё ўқишнинг этагидан тутиш ва бу билан боғлиқ югур-югурларга алағда бўлиб, уларнинг ҳеч бири Сардорга ҳукм чиқариш жараёнида иштирок эғолмади. Уни уч йилга кесишганини кўп қатори тарқалган овозадан эшитиб билишди. Сардор билан боғлиқ хотиралар ичида миъларига маҳкам ўрнашгани шу эди, чамаси. Билас, Сардор рошпа-роса уч йилга кетиб, икки йил тўлмасдан қайтиб келганида, унга кўзлари тушгани ҳамон дарҳол шунини эслашмас, эслаб, унга ҳайрон боқишмас эди.

Сардорни кўриб, эсига айнан нима тушгани ҳозир Бадалнинг ёдида йўқ. Лекин, унга чексиз таажжуб билан тикилганини аниқ эслайди. Агар адашмас, ўқишдан чиқиб, бироқ, уйга боргиси келмай, кўчада паришон тентираб юрарди Бадал. Серкатнов чорраҳани кесиб ўтиб, овлоқ муюлишига бурилганини билади, кимдир уловини шамолдек елдириб келиб, шундоққина унинг ёнгинасида гийкиллаб тўхтади. Бадал ҳаёл билан бўлиб, йўлга чиқиб кетиб қолибман, чоғи, деб ўзини чаккон четга олди. "Кўча бўм-бўш-ку, намуноча суйқалиб тўхтамасми?!" дея шундоққина ўзига такалиб тўхтаган уловга олайиб қаради. Негадир у кўзига жуда ҳам иссиқ кўринди. Бадал нигоҳи билан уловнинг эгасини излади. Бироқ, у Бадални кўп уринтирмади – эшикни очиб, ўзи уловдан туша қолди.

- Ҳой, бўлди-да, ҳадеб ҳаёл сураверадими? – деган кадрон овозни эшитди Бадал.

- Сардор? – деди у ўз кўзларига ишонмай. Фикрини жамлаб улгурмай, ўзини Сардорнинг кучоғида кўрди. – Сардор, – дерди у нуқул, Миёсида минг хил ўй чарх урса-да, тилига фақат шу сўз келарди.

- Кетдик! – деб айтди Сардор, ниҳоят, уни кучоғидан бўшатгач, боши билан уловга ишора қилиб.

Бадал тағин улов томон юз бурди ва бирдан эсига тушди. У кимнинг улови эканлиги ҳам, сўнгги бор уни қачон кўргани ҳам... Ҳа, аниқ, бу ўша – шумшукнинг улови эди.

Уни кўриб, Бадалнинг дилида ёқимсиз иштибоҳ пайдо бўлди.

- Сардор, – деб чакирди у.

Сардор ҳайдовчининг ўринини эгаллаш учун энгашган жойида тўхтаб, Бадалга савол назари билан тикилди.

- Сардор... – деб чайналди Бадал унга нима деб айтишни билмай.

Сардор унинг чайналиши боисини дарров тушунди.

- Буни айтганми? – деб боши билан уловга ишора қилди.

Бадал ундан нигоҳини олиб қочди.

- Узумини егин-у, боғини сўрама, – деди Сардор бепарво бир тарзда.

Бадал лов этиб ўт олди.

- Қанақа узум, қанақа боғ? – деди кўлини паҳса қилиб.

- Нима, бир марта еб, тўймадингми? Тағин ўша ишқомга осилганми?

- Тушунарми, – деб айтди Сардор ва маънос жимайди.

- Лекин, сен адашгансан, – деб давом этди орага чўккан озроқ жимликдан сўнг. – Мен ҳеч кимнинг ишқомига осилаётганим йўқ, – деди ва изоҳ берди: - Ҳеч қачон осилмаганман...

Шундай деб, Сардор уловнинг ичига шўнғиди ва ўриндикка ўрнашгач, эшикни "қарс" эткизиб ёпди.

Бадал унинг уловни юргизиш, шамолдек елдириб жўнашини кутди. Лекин, Сардор бундай қилишга шошилмади. Пичадан сўнг, афтидан, ховурдан тушгач, узалиб, уловнинг ўнг қўл эшигини очди ва Бадални чакирди:

- Ўтир, кетдик.

Бироқ, Бадал жойидан қилмади.

- Ҳой, нима, сенга ҳам ҳужжат кўрсатайми? – деди

Сардор бетоқат. – А? Кўрсатайми? Шунда кўнглинг жойига тушадими? Мана, гувоҳнома! – дея, Бадалга сарғиш жилдли қандайдир дафтарчани шоп қилди у. – Манави сабилни жойидан жилдириш кўлимдан келиши тўғрисида! Бе-э, бўлмасам-чи! Сен нима деб ўйловдинг? Икки йилни у ерда бекор ўтказганим йўқ! Фақат савод ошириш билан машғул

бўлдим. Ҳа, роса саводим чиқди... Нима, камми бу? Ма, манави ҳужжатларин ҳам ол! Менинг номимга ёзилган бари. Агар мен чиндан Сардор аталсам, Агар мен хануз ўша Сардор бўлсам...

Бадал жим эди. Сардорга айтмоққа сўзи йўқлиги учун эмас. Ҳарчад уринмасин, тили ҳеч қалимага келмасди. Фақат Сардор уловни жойидан кўзгатиб, шамолдек елдириб кўздан гойиб бўлганига бўғзидан отилди:

- С-с-сардо-о-о-ор!

Кўчанинг нариги бетида кетиб бораётган йўловчи тўхтаб, Бадалга ҳайрон тикилди. Бу телбаваш қичқирини билан ўзини ғирт қулгил аҳволга солганини тушуниб, Бадал бошини ҳам қилди.

Сардор кетди, ammo Бадалнинг дили гаш бўлиб қолди. Кўчада узок тентираб юрди, лекин дилидаги туман тарқамди. Фақат оқшом кўнлишига яқин ўзини таниш девор ва дарвозалар куршовида кўрди. Оёқлари Сардор билан қувалашиб қатта бўлишган ерга бошлаб келганини англаб, олға уч-тўрт кадам ташлаганини билади, кимдир орқасидан:

- Бадал! – деб чакирди.

Ўгирилиб, ўзи томон ҳаллослаб чопиб келаётган Ибодга кўзи тушди.

- Бадал... – деди Ибод чопиб келиб, уни маҳкам кучаркан.

Бадалнинг юраги ёқимсиз увишди. Ибодни елкасидан тутиб, ўзига қаратди. Унинг вужуди титраб, кўзларида эса ёш ҳалқаланарди.

- Нима гап? – деди Бадал Ибоднинг ёшли кўзларига тикилиб.

- Сардор... – дея олди у зўрға ва бошини Бадалнинг кўксига қўйиб, ўқириб юборди...

Ҳеч қачон Бўжжар атрофида бундай тумонат тўпланмаган эди. Бадал билан Ибод одамлар ҳалқасини ёриб ўтгунча адабларини еийишди. Бироқ, айни дам уларнинг кўзларига ҳеч нарса кўринмасди. Амаллаб олдинга ёриб ўтишгач, қаршиларига гавдаланган манзара ҳам Бадалнинг кўзига хира, чалпоқ парда ортида, жимирлаб намоён бўлди. Тушмоқ туғул, қарашга ҳам қишнинг юраги дов бермайдиган жар тубида кимлардир уймалашарди. Фақат юк уловларида баҳайбат чирокларни келтириб, жар тубига қаратиб ёқишгачгина Бадал аниқ кўрди: жар оғзидан пастта узун аркон ташланган, миршаблар арконда осилиб тушиб, тизза бўйи сув кечиб, чирок ёруғида ҳам қорайиб кўринаётган қандайдир темир уюми теграсида уймалаштирғи, яхшики, ерға куз, жарда сув сийрак палла, йўқса, бундай бемалол сув кечиб юриш қайда, гаввос бўлиб, сувга шўнғиларига тўғри келарди.

Бадал елкасида кимнингдир қайноқ нафасини туйди. Ўгирилиб, бошини ҳам қилганча кўзининг ёшини оқизиб турган Шошийни кўрди.


- Мен аҳмоқ... мен аҳмоқ... – деди у хиқиллаб ва ўзини тутолмай йиллаб юборди.

Бадалнинг кўнгли бузилди. Шошийнинг бўйнидан аста тутиб, бошини ўз елкасига қўйди.

- Нега уни ёлғиз жўнатдим? – деди Шоший аламли овозда. – Нега у билан бирга бормадим?

Буни эшитиб, Бадалнинг ичидан нимадир узилгандек бўлди. Сардорни жар томон итаришда ёлғиз эмаслигини англади. Бироқ, бунга ҳисса қўшганлар бисёр экан. Бадал буни кейин эшитди. Аввало билгани шу бўлдики, Сардор кўчада у билан тўқнаш келгунга қадар ҳам, ундан сўнг ҳам кўпчиликни учратган, уларга ҳам: "Кетдик!", деб айтган, бироқ ҳеч ким жойидан қилмаган. Бундан ҳам олдинроқ, яъни Бақажовузга қайтгани заҳоти Сардор тўппа-тўғри шумшукнига босгириб борган. Шумшук уни эшикка кўриб-қаранг бўздай оқарган, ўзининг ҳеч қандай айби йўқлигини, бошқа илож тополмаганини, шундай иш тутишга мажбур бўлганини лаби лабига тегмай Сардорга тушунтиришга тутишган, кечирим сўраган, бир қошиқ қонидан кечини ўтирган, ўтган икки йил уйкусида бир лаҳза ҳаловат бўлмаганини, унга озор етказганини ўйлаб, қийналиб яшаганини айтган, етказган озори эвазига, гарчи арзимаса-да, ўша, ўзи яхши билган уловни қабул қилишни сўраган, уни алақачон Сардорнинг номига хатлаб қўйганини, фақат озгина расмиятчилик қолганини маълум қилиб, қўлига уловнинг қалитичи ва бир даста ҳужжатни тутқазган, тағин нима кўмак керак бўлса, тўппа-тўғри ўзига мурожаат қилаверишни, қўлидан келганча унга ёрдам беришни уқтирган.

Тайинки, Сардор шумшукнига хун талаб қилиб



бостириб бормаган эди. Хар қалай. Бадал ўзича шундай хаёл қилади. Бирок, Сардор шумшукдан бундай тавба-тазаруни ҳам кутмагани. Албатта, унинг қайтишдан мақсади шумшукка хизматга ёлланмиш эмасди. У Сардор эди ва буни ўтган икки йил ичида бир лаҳза бўлсин ёддан чиқармагани. У дўстларини ва айнан уларнинг даврасида ўзини хар доим Сардор ҳис қилганини ҳам унутмаган эди. Шу боис у дарҳол уловни юргизиб, уларнинг қучоғига ошқикан. Шаҳар бўйлаб изғиб, уларни излаган. Бир-бир топиб, барчасига ўз одатича: "Кетдик!", деб айтган. Лекин, ҳеч ким жойидан жилмаган. Ниҳоят, у Бадалга учраган... бошда Бадал ўзича шундай ўйлаган эди. Яъни, Сардор меннинг олдидан уловни жад билан юргизиб жўнаганидан сўнг алам устида ўша қарорга келган, деб. Кейин билдики, Шоший билан Ибод ҳам ўзларича шундай хаёл қилишган. Сардорнинг ҳалок бўлишида ўзларини бош айбдор ҳисоблаган экан. Бирок, бундан қатъи назар, Бадал барибир Сардорнинг ҳаюкатини ўзича шундай тасаввур қиларди. Яъни, Сардор уловни унинг олдидан жад билан юргизиб жўнаганидан сўнг шаҳар кўчаларида узок айланган. Афтидан, дилини хун қилмиш аламини ёши чорасини излаган. Шаҳарнинг гавжум чорраҳасидаги мишаблар пости олдидан уловни шамолдек елдириб ҳайдаб ўтган. Чорраҳа ўша дам ҳаддан ортиқ гавжум бўлганим, мишаблар уни пайқашмаган. Чамаси, бу Сардорнинг ёниб турган аламини багтар ўт олдириган ва у уловни орта бурган. Бу сафар мишаблар ажал қувгандек учиб келаётган уловни олдидан илашган ва каттакларини кўтариб, унинг йўлини тўсиб чиқишган. Бирок, Сардор мишабларнинг бўйруғи ва шу лаҳза чорраҳада ёниш қизил чирокқа ҳам эътибор бермай, ўтиб кетган. Тайинки, мишаблар бу ҳақда дарҳол бошқа постларга хабар беришган, шу фангади шундай рақамли уловни тўхтатишни буюришган. Аммо, Сардор уларнинг ҳам тўхташ ҳақидаги амрларига бўйсунмаган. Мишаблар унинг кетидан ўз уловларида қувишга мажбур бўлишган. Узок қувишган. Кўча-қўйдаги йўловчилар буни оғизлари ланг очилиб томоша қилишган. Чиндан бўлжати бу, ёки кинода кўряғимизми, деб кўзларини ишқалашган. Мишаблар Сардорни қувиб етолмай, ёрдамга яни қучларни чақришган. Улов юриши мумкин бўлган барча кўчалар тўсилиб, хар ёқдан қуршовга олиб кела бошлашган, Сардор йўлни жар-томон солган...

Сардорнинг бурдаланган жасадини фақат эртаси саҳарда чиқариб олишди.

Уни сўнгги манзилга кузатгани ҳамма йиғилиб келди. Гарчи, Сардор ҳеч кимни чақирмаган бўлса ҳам. Сардорни ерга қўйиб, жаноза ўқилганидан сўнг, улар – Ибод, Шоший, Бадал очовлон ўша, битирув оқшоми Сардор уларни элтиб, кўрсатмоқчи бўлган маконни қора тортиб жўнашди. Тўғрироғи, Ибод йўл кўрсатди. Шоший билан Бадал унга эргашинди. Шаҳардан узоклашганлари сари уларнинг таажуби ортиб борарди. Сардор бу ерлардан нима топган бўлиши мумкин, деб. Телага қараб ўрлаган илонизи йўлдан кўтарилиб, қандайдир яланликка етишган, ниҳоят, Ибод:

- Бўлди, келдик. - деб ўзини ерга таппа ташлаганида, қоронғи тушиб, осмонда юлдузлар милтиллар эди.

Бошда улар ҳеч нарсани пайқашмади.

- Шу ерми ўзи, алашмадингми? – деб сўради Шоший Ибоддан.

Ибод ётган ерида: "Қайдам", дегандек елка қисди.

Улар ҳафсалалари пир бўлиб, Ибоднинг ёнига беҳол чўккалашди. Чим устида ёнибшлар ётиб, бироз нафасини ростлагач, Бадал ўрндан туриб, чимзор эганига қараб юрди. Аникроғи, оёқлари ўзи уни ўша ёққа бошлади. Чимзор ноёнига етиб-етмай, у беихтиёр:

- Хой, бу ёққа келинлар! – деб овоз берди.

Ибод билан Шоший ўринларидан туриб, у томон ошқинди.

- Қаранлар, - деб Бадал боши билан қарчиларида намоён бўлмиш манзарага ишора қилди.

Бирок, улар шундок ҳам барини кўриб туришарди. Пастда юзлаб, йўк, минглаб чироклар милтилларди. Бу қадар гўзал манзарага Бадал илк бор тавба бўлиши эди. Ўзи тувлиб ўсган шаҳарнинг бунақалик зебо эканини у сира ҳаёлига келтирмагани. Кўкда чараклаётган юлдузлар ҳам Бадалнинг кўзига ҳеч қачон бу қадар фусункор кўринмагани. Худди кўл чўсан, етганидек. Лекин чўзмайсан, уларга тегиниб, тўзгитишга ботинмайсан... Пастда чироклар, кўкда эса юлдузлар порлаб, гўё бир-бири билан баҳслашар эди. Улар ер ва осмон ўртасидаги бу баҳсининг шу лаҳзадаги ягона

гувоҳлари эдилар. Сардорнинг сирини ҳам энди ёлғиз уларга маълум эди. Бу сир аслида энди фақат Шошийга, Бадалга ва Ибодга тегишли ҳисобланарди. Бирок, Бадал уни ҳеч қачон ўзиники ҳисоблай олмаганини ҳис қилди. Тагин ашқладики, бу ерга яна бир марта шундай келмоққа ўзида куч топмоғи ҳам кўп душвор... Лекин, у барибир келди. Фақат – кундузи. Фақат – ёлғиз. Сардорни ерга қўйишганининг қирқинчи кунини эди, адашмас. Пастда чироклар анишга вақт бор эди ҳали. Кўкда юлдузлар порлашига ҳам. Сардорни эслаб, у бу ерда узок ўтирди. Бирга қулашиб катта бўлишган шаҳарга сасез тикилиб... Бир вақт нимадир қаршидан пириллаб қанот қоқиб ўтганини пайқайди. Бадал атрофга алашди, уч-тўрт қадамча нарида учиб кетаётган капалакни кўрди. У чимзор узра озрок қанот қоқиб, тагин Бадалнинг теласига учиб келди. Бадал уни ўзи билан капалакларнинг ҳеч бирига ўхшатмади. Бирок, шунга қарамай, у Бадалга анишечук қадрдон туюлди. Капалак Бадалнинг қаршисида қарх урар, қанотлари билан унинг юзини оҳиста силлаб, болашқидан азиз хисларни димоғига уфурарди. Бадалнинг юраги галати орзиди. У капалак бу ерга бекорга учиб келганини фаҳмлади. Бу чимзор унга асло бегона эмаслигини ҳам. Ниҳоят, капалак Бадалнинг ёнигасига, майсага оҳиста кўнди. Улар бир-бирларига термулиб, узок ўтиришди. Кун ботиб, пастда – чироклар, кўкда эса юлдузлар балқини олдидан Бадал чимзорини тарқ этди. У капалакни ўз сирини билан ёлғиз қолдиришни маъқул кўрди. Чимзордан узоклашаркан, Бадал энди ҳеч қачон бу ерга қайтиб келмаслиги, капалакни ҳам кўрмаслиги, димоғига болашқидан азиз хислар уфурмаслигини англаб, кўнгли бузилди. Фориг этувчи аччиқ фарёд билан бирга, бўғзига шу сўзлар келиб қадалди:

- Кетаман! Барибир бош олиб чиқиб кетаман!..

Йўк, бу унинг илк бор шундай аҳд қилиши эмасди. Биринчи марта қачон бу сўзлар бўғзини қуйдиригани Бадал ҳеч қачон унутмайди. Бу сўзлар бўғзини қуйдиришига сабаб бўлган воқеани ҳам. Қандай нуғутин, ахир, одамзод ўз отаси билан гавжум кўчада, тумонат оломон орасида доим ҳам тўкнаш келавермайди. Хар қалай, Бадал шу кунга қадар отаси билан кўчада ҳеч қачон юзма-юз келмагани. Хушрўй, хушқомад, аммо бегона аёл билан-ку, уни илк бор кўриб туриши эди. Нигоҳи отасидан ҳам бурун аёлини илғайди. Илғамаслиги мумкин эмасди. Аёл хушрўй эди. Қадди-қомати, уни кўздан яширмиш либоси, сочининг турмати – барча-барчаси хуснига зеб бағишлаганди. Бирок, унинг мафтункор жиҳати бу эмас эди. Аёлниинг чехрасидан атрофга нур тараларди. Айнан шу нур билан у барчанинг диққатини ўзига жалб қиларди. Аёлга ҳамроҳ қимсаги Бадал балки сезмас ҳам эди. Аёлниинг чиройига мафтун бўлиб, кўзлари қувилаб, юраги орзқиб ўтиб кетарди, агар унинг ёнидаги қимса туйқус жойида таққа тўхтамас ва аёл у томон ҳайрон бош бурмас. Отасини кўриб, Бадал ҳам жойида таққа тўхтади. Бошда уни аёлга ҳамроҳ деб билгани йўк. Шунчаки, оломон орасида туйқус тўкнаш келдим, деб хаёл қилди ва жилмайди. Бирок, отаси негадир уни кўриб севинмади. Аксинча, рангидан қон қочди, лаблари мулзам қимтиди. Фақат шундагина Бадал пайқайдики, аёл йўлида давом этмай, уларга тикилмоққа: дам отасига, дам унга. Қараб, чамаси, ниманидир тушунгандек бўлган. Буни Бадал отаси аёлниинг нигоҳига дош беролмай, юзини четта бурганини кўриб ашқлади. Тагин шунини ҳам сездики, отаси икки ўт-орасида ва шундай давом этса, қулиб тамом бўладиган фураат экин. Бирок, бу унга кечқурун маълум бўлди. Овқатдан сўнг, тоза ҳавода озрок айланиш баҳона, ҳовлига чиққанида. Овқат ичига қандай тушганини Бадал билмайди. Овқатни еб бўлгач ҳам дастурхон теграсидаги одатий гангир-тушурга қўшилимай, товоққа мук тушиб ўтирди. Дастурхонга фотиҳа ўқилиши билан қафтнинг юзига тортиб, ташқарига отилди. Онаси ортидаги ҳайрон тикилиб қолганини Бадал кўз қирғи билан илғайди. Осмоннинг бағрида балқиниш ой шуъласи оғушидаги ҳовлига чиқиб, "отнинг қотили" дан биттасини олиб лабига қистираркан, агар онаси бугун у гувоҳи бўлганга тўкнаш келса, бу асно оддий хайрати нечоғин мураккаб тус олинми мумкинлигини тасаввур қилди. Бадал тамақининг аччиқ дудини симириб лаззатланаркан, уй эшиги гийқиллаб очилганини эшитдию одатига кўра "отнинг қотили" ни шоша-пиша оёғи тапга ташлаб, эзгилаб ўчирди. Айвонда отасининг соясини кўзга ташланди. Унинг айвонда туриб, ҳовлига жонсарак алашганидан Бадал отаси ўзини қидириб чиққанини фаҳмлади. "Отнинг қотили" га ўрганган дамдан мерос одатга бўйсунганига ачинди. Отасининг қаршисида тамаки тутатиб,

унинг тугунини ҳавога намойишкорона пуркаш ўзига айни дам нечоғли лаззат бағишлаши мумкинлигини Бадал тахмин қилди. Хатосини тузатмоқ ниятида шоша-пиша чўнтакларини пайпаслаб, синарет изламоққа тутинди. Бирок, отаси аллақачон унга яқин келиб ултурган эди.

Хийла вақт уларнинг ҳеч биридан садо чиқмади.

- Бадал... - деб овоз берди ниҳоят отаси ва давомини айтолмай, чайналди.

Бадал бошини кўтарди ва "Хўш?", дегандек, отасининг кўзларига ниғоҳини қадади.

- Ойнинг, албатта, тилла аёл. - деб давом этди отаси. - Лекин... - Шундай деб, у тагин гап тополмай, чайналди.

Бадалнинг ниғоҳида истехзо акс этди. "Хўш, нима "лекин"? Қани, эшитайлик?!", дерди унинг отасига қадаммиш кўзлари.

Отаси Бадалнинг бу қарашига дош беролмай, кўзини олиб қочди.

- Буни сен кейин тушунасан, - деди четта қараб. - Ха, тушунасан...

Бадал миқ этмади. Бирок, отаси ундан бирор гап эшиттисин келди.

- Гапирсанг-чи? - деб айтди унга интизор тикилиб. - Нега индамайсан? Ахир, бирор нима десанг-чи?..

Бадал айтди. Лекин отасига эмас. Буни у бошқа кимгадир айтди, дейши ҳам кўп мушкул эди. Зеро, тун, ҳовлида ўзидан бўлак ҳеч зог йўқ эди.

- Кетаман! - деди у ҳозиргина отасининг шарпаси қириб ғойиб бўлган уй эшигига тикилиб ва кетмоқни кўзлаган ерига шу дамдаёқ тўппа-тўғри йўл олмаганини оқлаган каби, қўшимча қилди: - Барибир бош олиб чиқиб кетаман!

Чамаси, у мактабни битириб, етуқлик шаҳодатномаси кўлга тегишини кутмоқчи бўлди. Шаҳодатнома билан кетмоқни кўзлаган ерига йўл топиш унга осондек туюлди. Бирок, айни шу орада Сардор воқеаси содир бўлди, яъни битирув оқшомидан уни тўппа-тўғри қора курсига олиб бориб ўтқизишди ва у даҳшатли, босинки тушда ҳам кўрмаган ерга уч йилга хиёс этишди. Ҳеч қандай шаҳодатномасиз. Ҳали бу ҳукм ўқилмай туриб, улар миршабхона ҳовлисида Сардор ҳақида бирор мужда эшитиш илинжида тонг оттиришаркан, Бадал отасининг елкасига кўймиш кўлини жаҳд билан сиптаб ташлади ва асло фақатгина Сардорнинг бошига ноҳақ ёғдирилмиш маълумат сабабли эмас.

Сўнг урушдан Ғойиб қайтиб келди. Унга қадар ва кейин тирик қайтганларнинг аксариятидан фарқли ўларок, соғ-саломат, тўрт мучаси бут. Лекин, Бадал бунга унча ажабланмади. Чунки, у акасининг исми Ғойиблигини, эсини танибдики, ҳамма уни Ғойиб ғойиб деб аташини унутмаган эди. Аммо, у билан битта хонада ўтқазилган илк тундаёқ Бадал ўзининг адашганини тушунди. Ха, тўғри, у ўзининг акаси - Ғойиб, лекин ғойиб эмас, йўқ. Ғойиб тун бўйи уйқусида ваҳмани сўзларни айтиб бақириб, алаҳлаб чиқмайдди.

Урушнинг сўлоқатли дами чекиниб, кетанлар бирин-бирин - кимдир бутун, кимдир яримта - қайтиб кела бошлашган, ҳамма қон силққан жароҳатлар ниҳоят битишига умид қилган эди. Аммо, шундай умидбахш тонгларнинг бирида янтраган аччиқ фарёд урушнинг асорати у туғанидан сўнг ҳам ҳали хийла вақтгача уларни тинч қўймаслигидан дарак берди. Бу даракни уларга урушдан тўрт мучаси бут қайтганларнинг "қалдирғоч"и - Ориф қизикнинг тўнғичи Зариф етказди. Қарийб икки йил урушда қон кечиб, бир туки тўқилмаган савлатли, алшкелбат йиғит қайтиб келган кунининг эртасигаёқ, ҳе йўқ-бе йўқ, ўсал бўлиб ётиб қолади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Буни шўрлик йиғитнинг ўзи ҳам сира хаёлига келтирмаган. Йўқса, азонда, хали ҳамма маест уйқуда ётган маҳал, у эси чалғиб ҳовлига чиқармиди? Нима мақсадда - буни ҳеч ким тайинли тушунтириб беролмади. "Чекканми", деб тахмин қилди кўпчилик. Бирок, Зарифни яхши таниганлар унинг йиғит бўлиб ҳам озига тамаки олмаганига гувоҳлик беришди. Бошқа бир тайинли изох эса ҳеч кимнинг ақлига келмади. "Кўргулик-да", деб айтди кимдир. "Пешонасига шу ёзилган экан-да", деб ачиниб, бошини сарак-сарак қилди бошқа биров. Зарифнинг тунда ухлаёлмасдан, тонг отмай ҳовлига дайдиб чиқиши боисини Бадал тушунгандек бўлди. Бирок, хийла ўтиб, Ғойиб қайтганидан сўнг. Унчага урушда шунча вақт қон кечиб, бир тукига озор етмаган йиғитнинг, ҳе йўқ-бе йўқ, ўсал бўлиб ётиб қолиши сабабини сира тушунолмай, ҳамма қатори роса боши қотди. Бунинг боисини шўрлик йиғитнинг жигарлари

ҳам англаёлмай ҳалак эдилар. Айтишларича, Зариф урушдан қайтиб келган ўша қувончли кун яқин қариндош-уруғлар, кутлагани чиқкан кўни-кўшиларни улар фақат ярим тунда кузатишган. У ёқ-бу ёқни йиғитириб, эрталабдан бошланажак келди-кетдиларга андак ҳозирлик кўриб, бироз мизгиналарини билишди, ҳовлида янтраган даҳшатли ўқирикдан чўчиб уйғошишган. Ўридан шу заҳоти ириб туриб, ташқарига отилганлар йиғит боққини ҳовлининг ўртасида, иштони жикка ҳўл, кўл-оғи қалтираб, тили тортилиб, ўсал ётган ҳолда топишган. Шу бўйи йиғит тўшаққа миҳланди. Дўхтирлар уни нимадандир қаттиқ кўркан деб топишди. Бирок, нимадан - бу ҳақда ҳеч ким аниқ бир нарса деёлмади. Фарёдин эшитиб, ҳовлига дарҳол чолиб чиққанлардан бири гап орасида кўз қири билан девор орқасида тили ётган савланинг қуббасини-ей, шимандир иллаганини тили олгандек бўлди. Ориф қизикнинг ҳовлиси ҳам, Бақаҳовўздаги аксарият ҳовлилар сингари, пастгина паҳса девор билан ўралган эди. Кўчадан ўтган бўйчанроқ кимсанинг елкадан юқорисини қўлининг исталган еридан туриб бемалол кўрса бўлишди. Лекин, Исҳоқ сўфи асло бўйчан одам эмасди. Уни сўфи деб айтиш ҳам кўп мушкул эди. Хар қалай, Зариф ва унга тенгмўйсалар урушга отлангунга қадар Исҳоқ сўфилик даъво қилмоқ туғул, хали бошига савла ҳам кўндрмаганди. Кўчада унинг лапанлаган қораси кўринди дегунча дарров бола-бақра ўртага олиб, чугурлаб, қўшиқ айтишини талаб қиларди. Исҳоқ уларни қувиб солмади. Ҳатто у қадар тихирлик ҳам қилмасди. Бошини хиёл бир ёққа ташлаганча, сўйлоқ тишларини кўрсатиб иржайиб, бола-бақранинг чугурлашига қулоқ солиб-турарди-да, сўнг ўзига маълум иккита қўшиқдан биттасини бошларди. Ё "Девонаи Машраб"ни, ёки "Йўл қўшини"ни. Қайси бирини айтишини сўрашса, "Девонаи Машраб"ни камдан-кам сўрашарди. Аниқ бир қўшиқни талаб қилишмаган маҳал у албатта "Девонаи Машраб"ни айтгарди. Сўнг, чамаси, ўртадаги ҳазинлиқни кўтариш учун, қувнок овозда "Йўл қўшини"ни улаб юборарди:

Кўлларим рулда, рулда, рулда-а-а-а.

Кўзларим йўлда, йўлда, йўлда-а-а-а...

Зариф ва унга тенгмўйсаларни урушга олишгунга қадар шундай эди. Уруш туфайлими, ё бошқа бирор сабаб бўлибми, Исҳоқ ортиқ қўшиқ айтмай қўйди. Кўчада ҳам у фақат ахён-ахёнда бир кўзга ташланарди. Гап тарқатқичи, суриштиришлар натижасида Исҳоққа она томондан авага бўлиб чиққан Мулла Мағозини уни ўз тарбиясига олибди, деган, Ёши бир жойга борган одамни тарбиялаб, нимагадир эришмоқни кўзлаш, албатта, ақлга сиғмайдиган иш эди. Лекин, Мулла Мағозининг мўъжиза содир этмоққа қодир ўткир дами ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрарди. Мўъжиза чиндан содир бўлди. Қўнлардан бирида Исҳоқнинг барчага таниш овози азон айтиб, авомини намозга чақирди. Мўъжиза тагин шунда ҳам эдики, сўнгги марта Бақаҳовўзда қачон азон чақирилганини эловчилар оз топишарди. Бори ҳам азон овози у ёқда турсини, қулоғи тағида отилган тўп гўмбурининг-да фарқига етмайдиган ёшда эди. Сўнг Исҳоқни эпинга эски тўн қийиб, бошига дастор ўраган ҳолда кўчада кўришди. "Ўғри қариса, сўфи бўларкан-да", деб қулди мўъжизага бенисанд амос. Исҳоқ, албатта, ўғри эмасди. Буидан бошқа матал тилига келмагани боис авом шундай деб айтарди. Бирок, шу бўйи "сўфи" сўзи унинг исмига чинпа ёпишди. Исҳоқ ҳар сафар бошига дасторини ўраб, азон чақиргани борадиган йўл Ориф қизикнинг уйи олдида ҳам ўтарди. Ориф қизикнинг уйини ортада қолдирган, у учраган биринчи муюлишдан ўнгга бурилиб, Бадалларнинг маҳалласидан пастга қараб юрарди. Исҳоқ масжидда қулоқлик хизмати адо этган, одатда, шом қоронғисида худди шу йўлдан ортага ҳам қайтарди. Ғойиб урушдан янги келган маҳал эди. Бадал қаравотида узала тушланча капалаклар ҳақидаги қайсибир китобга кўз тикиб ётар, Ғойиб эса ланг очик деразадан кўчага термулиб, шом қўнининг уйи қузатарди. Тўртинчи кундирки, Ғойиб эрталаб тонг отиши, кечкурун эса шом қўнишига термулиб, тўймасди. Ўзи тўймаса-ку, майли. Сахар мардонда Бадални ҳам қитиқлаб уйғотарди. Шомнинг иши осон эди. Шомда Бадал хали кўчадан қайтмаган бўларди. Ғойиб келган кундан бери илк дафъа Бадал шомни у билан бирга қарши олмақда эди. Тўғрироқи, шомни Ғойиб қарши оларди. Бадал эса бефарқ эди. Шомга ҳам, дераза қилида майкачан туриб, уни қарши олаётган Ғойибга ҳам... Бирдан залворли нимадир полга тарақлаб тушди. Бадал овоз келган ёққа ялт этиб қаради. Полда чил-чил синиб ётган гўлтувақини кўрди. Адашмаса, у дераза тоқчасида турғучи эди. Сўнг Бадал



нигоҳини Ғойибга қадади. Қараб, ўз кўзларига ишонмади: ҳозиргина ташқарига кўксини бериб, шом нафасини тўйиб симираётган одамнинг ранги қув ўчган, худди ҳозир юз қақирим жойдан чошиб келгандек, деворга беҳол суянгачча, ҳарсиллаб нафас оларди.

- Ғойиб?!

Бадал қўлидан китобни тушириб, даст ўрнидан турди. - Нима гап? - деб сўради унга яқин келиб.

Ғойибнинг мижджа қокмасдан тош қотиб туришидан Бадал ўз саволига ундан бу яқин орада жавоб эшитмаслигини англади. Деразадан ташқарига бўй чўзиб, ғира-ширада лапанглаб кетиб бораётган шарпани аранг илғади.

- Исҳоқ-ку, - деди Бадал Ғойибнинг даҳшатдан олайган кўзларига тикилиб. - Нима, таңимадингми?

Ғойиб жим эди.

У фақат ярим тулда, ер-кўкни зимистон чулғаб, тирик жон борки, хордиққа бош қўйган маҳал тилга кирди. Худди Бадалнинг ўзи сингари ухлаётмай, шифтга термулиб ётганини сезмади. Уша, сочлари янги тақир қилиб олинган кўнгилчилар ва "кўнгилсизлар", яъни урушга қўнғилли бўлиб ёзиллига журъат этмаганлар ортидан уловлар карвонни йўлга чиққан дамдан бошлади у. Карвон узок йўл юрди.

- Тўйгепага келдик, - деди бир вақт кимдир.

Лекин, уловни Тўхтамурод РУСТАМ. Капалаклар

ўйини нг улар ўтирган юкхонаси қора мато билан бирор тирқиш қолдирмай ўралгани боис, ҳеч нарсани кўриб бўлмади. - Шошдан ўтяпмиз, - деган овоз қулқоққа чалинди бир маҳал тагин.

Ўтирганларнинг бари бирдан питирлаб қолишди. Ҳамма тимириланиб, бирор тирқиш топишга уринарди. Шу вақтгача фақат номини эшитишган шаҳарга бир нигоҳ ташламоқчи бўлишарди.

- Шошдан ўтяпмиз... Шошдан ўтяпмиз... - деб шивирларди ҳамма алланечук ҳаяжон билан.

Тагин ким билсин. Бу ҳарбийлар нимаки айтмасин, нимаки иш қилмасин - бари сир, жумбоқ. Чунки, карвон ниҳоят тўхтаб, улар ёруғ оламга чиқишганида, шаҳардан асар ҳам йўқ эди. Атрофда кенг саҳро ястаниб ётар ва уни Шош деб айтмоққа асло тил бормасди. Бу ерда уруш кетиши мумкинлигига ҳам ишониб кўп мушкул эди. Тўрт томон - саҳро, охир-адоғи кўринмайди, жой ҳаммага етарли, оёқни бемалол узатиб, чўзилсанг ҳам, эҳ-ҳе, тагин қанча жой ортиб қолади. Бақаҳовуздан нечтасини келтириб жойлаштириш мумкин. Хулиас, бир қарашда талашса арзигули ҳеч нарса йўқдек. Фақат бир қарашда. Чунки, бу ернинг ҳавосини ютганинг сайин ўтли нимадир димоғингни қақрағиб, қуйдиргандек бўлади. Сезасанки, асло саҳронинг жазирама офтоби сабабчи эмас бунга. Зеро, ҳеч қандай сув босмайди уни. Шомга бориб яйдок саҳро бўйлаб қандайдир бесаранжомлик кўлкаси кезгандек бўлади. Худди ҳозир саҳрода бирдан куюн кўтарилиб, ҳаммани ютадигандек туюлади. Лекин, роса икки йил шу ерда бўлиб, Ғойиб бирор марта ҳам куюнни кўрмади. Боз устига, саҳронинг яйдоклиги ҳам сароб бўлиб чиқди. Ха, у яйдок туюларди, токи қаршинда лоп этиб бирор қишлоқ ёки шаҳарча пайдо бўлмагунча. Хар қандай қишлоқ ёки шаҳарда бўлгани каби, уззукун уларда ҳаёт қайнарди. Уруш бошланиши билан бу ерларда азон овози тинган эди. Аммо, ҳеч ким бошидан дасторини ечмаганиди. Ғойибнинг назарида, улар нафақат ўз қишлоқлари, шаҳарлари, саҳроси ва офтоби, балки бошга дастор кийиш ҳуқуқлари учун ҳам курашардилар. Қишлоқ ёки шаҳар кўчалари бўйлаб атрофга зийрак аланглаб, қуролларини отишга тайёр туганча илгарилашаркан, дўст ким, душман ким - фарқлаш маҳол эди. Ҳеч ким ўзининг душманлигини тан олмасди. Лекин, ҳеч кимса уларга дўстона нигоҳ ҳам ташламас эди. Сафлари эса дам сайин сийраклашиб борарди. Қунда, қунора кимнидир жасади топиларди. Кимнидир соқчилик қилаётган пайт ўлдириб кетишарди. Кимдир ёзилмоқ учун четга бирров ўтган маҳал ўлим топарди. Ғойиб ҳеч унутмайди, унуттолмайди. Мактабдоши Шаҳобни. Икковни тенгмўйса эди. Лекин, Ғойибнинг кўзига у ёш бола кўринарди. Чунки, нуқул уйда қолган капталари ҳақида қайғуларди. Бошқалар юрган йўлларига ўз сояларидан ҳайқишар, тунлари тик этган товушга ҳам уйғошиб, кўз ююлмай чиқишарди. Шаҳоб бўлса, кечасию кундузи фақат капталларини эслаб, хўрсингани-

хўрсинган эди. Капталархонаси эшигига қулф осидан олдин у капталларининг барини олиб учирганди. Айни чоғ улар бутун шаҳар бўйлаб қўлма-қўл бўлиб тарқалиб кетганини Шаҳоб ўзича тахмин қиларди. Аммо, улар барибир учиб келиб, капталархонасининг томида гўж бўлиб тизилишиб, ўзига кўз тикишларига ишонарди. Капталари билан албатта юз кўришишга ҳам. Бунга у Ғойибни ҳам ишонтирган эди. Уларни топшириқ билан жўнатишган ўша кун ҳам Шаҳоб тушлик устида Ғойибга капталларини қўмсаб гап бошлаганди. Бирок, у гапини тамомлашга улгурмади. Товоғидаги бўтқасини еб бўлишга ҳам. Учинчи ё тўртинчи лўқмани оғзига яқин келтирган лаҳзада уларни оёққа турғизишди. Сабаби тагин эди: тагин қайсидир тункада шубҳали ҳаракат кузатишган. Қун давомида неча бор кузатишувчи шубҳали ҳаракатларнинг биттаси. Саф адоғида Шаҳоб борарди. Ундан йўн қаламча олдида - Ғойиб. Гўж бўлиб юришга рўхсат йўқ эди. Гўж бўлиб юриш хавфи ҳисобланарди. Қандай топшириққа отланишмасин, бир-бирларидан маълум масофа узокликда, ёйилиб юришга улар кўникишганди. Йўл қандайдир бозорчадан ўтарди. Икки ёнда - пасткам расталар. Расталарда - сотувга қўйган моллари каби кўримсиз сотувчилар. Айниган мевачеванинг омихта ҳиди димокка урилиб, қўнғилни беҳузур қилади. Пўчоқ ё шу каби шилимшиқ ниманидир бозор, сирланиб йиқилмаслик учун оёқ тагига тикиласан. Димоғига урилаётган бадбўй хиддан бурнини жийриб, расталар оралаб кетиб бораркан, улардан бирига осилган темир қафас Ғойибнинг эътиборини дарров ўзига тортди. Қафасдан пастрокда барча ерлик аҳоли сингари ятак-иштон кийиб, бошига салла ўраган кимса чўк тушган, саллани бошини совинтирган кўйи мудрамодда эди. Ғойиб қафасга яқин келиб, кўринишдан қақликка ўхшаш, аммо ундан хиёл ихчамроқ бир қушни кўрди. Одам нафасини сезган қуш безовталаниб, питирлаб қафасни силқитди. Қафасдан ерга чўк тушган асно мудраётган кимсанинг бошига дувиллаб тупроқ тўкилди. Бирок, у бунга сезмай, ё сезса ҳам бепарво, мудрашда давом этаверди. Ғойиб мийиғида жилмайди. Кимсанинг бу тарз боқибегамлигига унинг ҳаваси келди. Ўгирилиб, орқада судралиб келаётган Шаҳобга тикилди. "Буни кўр", дегандек, боши билан растада оснелик қафасга ишора қилди-да, қулиб, йўлида давом этди. Ўн-ўн беш қадам юрганини билади, бугиқ гупиллаган овоз қулоғига чалиниб, Ғойиб сергак тортди. Атрофга аланглади, лекин шубҳали ҳеч нарса кўзга ташланмади. Орқага бош буриб, Шаҳобни излади. Бирок, негадир унинг қораси кўринмади.

- Шаҳоб! - деб қақирди Ғойиб, хар доимгидек китмирилиги тутиб, унинг жингига тегиш мақсадида, бирор растанинг панасига ўтиб яширинган, деган ҳаёлда.

Одатда, Шаҳоб бундай пайтлар унинг биринчи чорловигаёқ: "Ха, боқладимми? Ичинг ўтиб кетди-а?", дея, ё шунга ўхшаш гашига теғувчи бирор бошқа гап айтиб, қулиб, яширинган еридан чиқиб келгучи эди. Аммо, бу сафар у Ғойибнинг гашига тегишга шошилмасди.


- Шаҳоб! - деб қақирди Ғойиб тагин. - Бас қил ҳазилини!

Унинг тахминича, Шаҳоб айни дам қафас оснелик растага етган бўлиши лозим эди. Агар унинг қўлда қанот қоккан жонзотга анграйиб қараш одати ҳисобга олинса...

Ғойиб юраги безовта дукиллаб, бир фуреат муқаддам ўзи тўхтаб тикилган қафас оснелик раста томон нигоҳини қадади. Фақат шунда илғадики, қафаснинг тағидан тепага ҳовур кўтариляпти. Ғойиб уни қуш питирлаб, қафасни силқитган чоғ тарқанган чанг, тупроққа ўхшатмади. Чунки, қуш қақликдан ихчам, қафас ҳам шунга яраша эди. Бундай ҳовур эса ҳавога қамиди эшакнинг туёқлари тағидан кўтарилиши мумкин эди. Ғойиб юраги кўнғилсиз ниманидир сезиб, раста томон отилди. Растада қафас ўша-ўша оснелик турарди. Қафасдан пастрокда ятак-иштон кийиб, бошига салла ўраган кимса чўк тушганча мудрарди. Кимсанинг қаршида... оёқ остида... тупроққа қоришиб...

Ғойиб бир лаҳза ўзини йўқотди. Вужудини титроқ қоплади.

- Шаҳоб.. - деб айта олди у базўр. Овози ҳам алланечук титраб чиқди. Шаҳобнинг ерда тупроққа қоришиб ётган жонсиз гавдаси узра энгашиб, бошини аста кўтармоқчи бўлди. Бармоқлари қайноқ, шилимшиқ нимагадир тегиб, Ғойиб қўлларини илкис тортди олди. Шаҳобнинг бошидан тугган қафтларида у қон кўрди, қип-қизил қон. Дарди-дунёси қоронғи тортди, нима қиларини билмай, Ғойиб атрофга



аланглади. Кўзига бирор тирик жон кўринмади. Фақат уч-тўрт кадамча нарида ётган кўринишдан арава гупчагини эслагувчи йўғон алламбалониғина нигоҳи илғади. Гупчакнинг ҳам бир учи қон эди, қип-қизил қон. Фақат шундагина Ғойиб дўстига нима бўлганини фаҳмлади. Кўзларига қайноқ ёш қуйилиб келди. Худди ўзига ҳамдард излаган каби, Ғойиб ёшли кўзларини қаршидада чўк тушмиш кимсага қадади. Бирок, у шундоққина тумшунга тағида юз берган воқеани пайқамаган, ё сезса ҳам бепарво, саллалли бошини бир томонга хиёл солинтирган асно хотиржам мудрамоқда эди. Ғойиб кимсага тикилганча қотиб қолди. Баайни уни энди кўраётгандек. Баайни унга қадар бу тарз чўк тушиб мудраган кимсани ҳеч қачон кўрмаган каби. Туйқус нигоҳи кимсанинг эпнида қандайдир майда доғларни илғади. Оёқларида, яктагида ва ҳатто бошидаги салласида ҳам. Ғойиб юриб кимсанинг тепасига келди. Шу баробар, у доғларнинг рангини ҳам фарқлади: қизил, қип-қизил... Сездик, улар Шаҳобнинг бошидан сачраган, Шаҳобнинг қони. Ғойибнинг бирдан ғазаби кўзиди. Ғойибнинг кўзларига қон тўлди. Елкасида осиллик куролнинг заранг қўндоғи билан кимсанинг бошига жаҳд ила туширди. Кимса, чамаси, мудроқдалиги боис, зарбни ҳис қилмади, фақат ўтирган жойида илкис бир қалқиб, Шаҳобнинг қонига омихта тупроққа шилқ этиб йиқилди...

Бу Ғойибнинг урушда илк бор қўли қон бўлиши эмасди. Бундан кейин ҳам у кўп марта ўлим билан тўқнаш келди. Саҳрода, сўнг эса тоғ-тошлар орасида тирик қолишнинг пайида бўлди. Кимнингдир ўқиға чап берди, кимнидир ўққа дучор қилди. Лекин, راستага суяниб мудрамини кимсанинг қўндоқ зарбидан илкис бир қалқиб, Шаҳобнинг қонига омихта тупроққа шилқ этиб йиқилиши сира кўз олдидан кетмади. Қаерга бормасини, нуқул у изидан таъқиб қилаётгандек туюларди. Уша, راستага суянганча, бошини хиёл бир томонга солинтирган асно, хотиржам мудраётган алфозда. Кимса кўз ўнгиде пайдо бўлгани ҳамон Ғойиб зўр бериб уни тасавуридан ҳайдашга уринарди. Токи, у қўндоқ зарбидан жойида илкис бир қалқиб, Шаҳобнинг қонига омихта тупроққа шилқ этиб йиқилгунча...

Гарчи, урушдан ғойиб қайтмаган бўлса-да, барибир у хануз ўша Ғойиб эди. Буни Бадал кўп ўтмай ҳис қилди. Ғойиб янги қайтган, ухлаёлмай, алламаҳалгача хонада у ёқдан-бу ёққа юриб чикувчи туллардан бирида Бадал унинг тўшагини бўш кўриб, таажжубланган эди. Бора-бора Ғойибнинг оқшом кетиб, эрта азонда қайтиши одат тусига кирди. Кечкурун оила дарвасида гангир-тунгур овқатланиб, дастурхон йиғилгани ҳамон у ҳаммага хайрли тун тилаб, ётгани кириб кетарди. Кўп ўтмай унинг кетидан кирган Бадал хонани тирик жондан холи, деразани эса ланг очик тоғларди. Ғойибнинг тунги дайдишлари уйда ҳеч қимга сир эмасди. Ўзининг зинҳор ёш бола эмаслиги, муҳими, ниҳоят, буни ота-онаси тан олишганини, энди улардан ўспиринлик пайтидаги сингари ҳуда-беҳуда дашном эшитмаслигини Ғойиб яхши англади. Лекин, англаса-да, тунги дайдишини барибир дераза ҳатлаб бошларди. Афтидан, бу унга бошқача бир завқ бахш этарди. Бу завқни ҳис қилмоқ учун тун бағрига бир марта бўлса ҳам Ғойиб сингари дераза оша шўнғиб кўрмоқ жоиз эди. Бадал эрталаб уйғониб, у н и н г жарангдор овозига махлиё ўтирганида, Ғойиб ўрнида маст уйқуда ётган бўларди. Шу овоздан бўлак ҳеч нарса кизиктирмасди Бадални – на Ғойибнинг тунги дайдишлари ва на тун бағрига дераза оша шўнғиш завқи.

- Хайрли тонг, азиз ҳамшаҳарлар! – дея жаранглаб, ҳар сахар уйғотар эди уни бу овоз. – Эрталабки бадантарбия машғулотини бошлаймиз.

Бадални бадантарбияга ихлосманд деб айтиши кўп мушкул эди. Умри бино бўлиб ўз гавдасидан ортиқ юкни кўтарганини у билмасди. Овозга фақат қулоқ соларди, холос. Унинг амрини бажаришга асло ошиқмасди. Аммо, барча машқларни бош-алоқ бажарган каби, кун бўйи гайратли жўшиб, ўзини тоғни талқон қилишга қодир ҳис қилиб юрарди.

-...Эрталабки бадантарбия машғулотини бошлаймиз.

Бу овоз янграган маҳал у хонада Ғойибнинг борлигини ҳам буткул унутарди. Лекин, бир сафар у Бадалга ўзининг борлигини англади. Машғулот бошланиб, бутун вужуди қулоққа айланган чоғда Бадал ботиний бир туйғу-ла кимдир овоз билан танҳо мулоқотга дахл этаётганини ҳис қилди. Дахл этувчи узоқда эмас, ўзи билан бир уйда, ҳатто битта хонада эди. Бадал унинг нафас олишини ҳам сезди. Бу нобакор ким бўлди, дея порози бир асно нафас келган тарафга кескин бош бурди ва... худди ўзи сингари овозга қулоқ тутиб, жойида

тек қотган Ғойибга кўзи тушди. Бадалнинг ўзи томон бош бурганини Ғойиб сезмади. Машғулот тугаганидан сўнг ҳам анча вақт унинг таъсирида нигоҳини бир нуқтага қадаб, сеҳрланган каби анграйиб ўтирди. Бадалнинг тоқати тоқ бўлди – оёқларидан кўрпани олиб ташлаб, ўрнидан даст турди. Каравот гичирини эшитиб, Ғойиб ниҳоят ўзига келди. Нигоҳи ўзи томон олайиб тикилиб турган Бадалнинг кўзлари билан тўқнашиб, мулзам илжайди ва бошини ёстиққа ташлаб, юзига тўшакни тортиди... Бу ҳол бўлак такрорланмади. Бирок, Бадал одатдагидек эрта тонгда овознинг даъвати билан уйғониб, унга қулоқ тугаркан, гарчи, кўрпага бурқалиб ётган эса-да, Ғойибнинг уйғоқ эканлигини ҳис қиларди. Бир оқшом Бадал уйқуга ётишдан аввал ҳар тонг жаранглаб, уларни уйғотувчи кутининг овоз мурватини бурашни атай унутди. Бир маҳал у тапчиллаган овоздан чўчиб кўз очди. Ғойиб навбатдаги тунги сарғузаштнинг тамомлаб қайтган, дераза ошиб кириб, каравоти тепасида тимирскиланарди. Бадалнинг кўзидан уйқу қочди. Кўп ўтмай қаердир хўроз қичқирди. Тагин пичадан сўнг Иехоқ сўфи азон чакирди. Бадал юраги потирлаб ура кетганини ҳис қилди. Хона деворида осиллик кутидан салом янграб, Ғойиб икковини уйғотиши лозим бўлган вақт яқинлашган эди. Аммо, бу тонг қути сукут сақларди. Айни сир ёлғиз Бадалгана маълум эди. Ғойиб, табиийки, бундан мутлақо беҳабар, кўрпага бурқаланганча, дили орзиқиб, икки қулоғи эса динг бўлиб, кутининг тилга киришини интизор пойларди. Бир вақт у кутавериб тоқати тоқ бўлдим, ё кўнгли ниманидир сездими, ётган ерида нимирлаб қолди. Узалиб, тоқчадан соатини олди ва кўзига яқин келтирди. Тўхтаб қолмагани, дея уни қулоғига тутиб кўрди ва бирдан ўрнидан сакраб турди. Оёқларига чуваланган тўшакни нари тепиб, шоша-пиша хонанинг қути осилмиш бурчатиға йўналди. Кела солиб кутининг овоз мурватини буради.

-...қўлимизни елкамизга қўямиз – икки, юқорига кўтарамиз – уч, пастга туширамиз – тўрт. Машқни якунладик, – деган овоз таралди кутидан.

Бадал нафасини ичига ютиб, тунчирок тугмаси томон аста қўл чўзди. Тонг отиб қолаётган эса-да, хона гира-шира ёруғ эди. Бадал тунчирок тугмасини босиши баробар, хона лоп этиб ёришди. Ғойиб турган ерида Бадал томон ялт этиб ўтирди. Худди Ғойибни жиноят устида қўлга туширган каби, Бадал ўзини ғойиб ҳис қилди. "Ғойиблик ёлғиз менга хос, деб ўйлайсанми? Адашсан!", дегандек, унга таънаомуз тикилди. Бирок, Ғойиб, Бадал кутанидек, ўзини йўқотмади. Унинг нигоҳида ҳатто саросима учқунни ҳам сезилмади.

- Ёқимли, а? – деди Ғойиб, кўзлари Бадалда, қулоқларини кутидан таралимиш овозга тутиб. – Бу – овозику. Сен унинг ўзини бир кўрсанг эди!

Бадал Ғойибга тикилган асно қотиб қолди. Чунки, Ғойиб унга ғалаба деб ўйлагани асло ғалаба эмас, Бадалнинг ҳаётидаги илк мағлубияти, тўғрироғи, мағлубиятининг боши эканини ўзи сезмаган ҳолда англаган эди. Адони ҳам Бадални кўп кутдирмади. Орадан, чамаси, икки ойча вақт ўтгач, Ғойиб дераза ошиб, тонгача қайдадир дайдиш одатини ниҳоят қанда қилган туллардан бирида, хофиз "Тўйлар муборак"ни сўнги бор чулдираб, тўйининг охиригача сабри чидаб қолган меҳмонлар кўзлари сузилиб, келин-куёвни тўшанга хозирланган уйга кузатишаркан, Бадал буларнинг барчасига алам-ла тикилиб, тилида айланган фақат бир гапни тинимсиз ямлар эди: "Кетаман! Барибир бош олиб чқиб кетаман!..."

Кўкда чарақлаган жазирама қуёш ҳавода кезмиш чангни жингинак қилиб қуйдираб, йўлдан гириллаб ўтаётган уловларнинг ели эса уни димокка келтириб урарди. Атроф-жавониб шу жазирама қуёшнинг измида, ердан, гиёҳлардан қайноқ ховур кўтарилар, тирик жон борки, бари офтобда жингинак бўлмаслик учун сояга бикинган эди. Ёлғиз Бадал Армонгина панага ўтишга шошилмасди. Ёлғиз Бадал Армон жазирама офтобда туриб, йўлдан гириллаб ўтаётган уловларнинг ели димокка келтириб ураётган қайноқ чангни кўзлари ёшланиб ютганча, худди қаҳратон совуқда қолган каби қалт-қалт титтарди. Бадалнинг вужудини чулғамини безакни айна дам офтоб эмас, "жонинг қотили"дан бир қултумиғина босиши мумкин эди. Албатта, агар бўлса, у иккинчи ва ҳатто учинчи қултумдан ҳам бош тортмасди. Буни Бадал безак тутишдан хийла аввал Ибод чопиб келиб, қўлига тугқазиб кетган майли шишага қараб аниқ ҳис қилди. Бирок, Бадал Армон майдан озгина тотиниб, безакдан қутилишга эмас, аввало шишани эгасига элиб тоширишга ўзини бурччи деб билди. Уловдан тушиб, айна жойга қозикдек



қокилганидан бери илк бор атрофга боқиб, ўзининг Бакаминордан бир қадам нарида турганини пайқади. Бурчини бажаришга киришини учун ундан Бакаминорни айлашиб ўтиб, ариқ бўйига чиқиб талаб этиларди. Ариқ ёқалаб узун йўл кетганди. Йўлдан озгина юрлса, шундоқ ариқ устига қурилган супага дуч келинарди. Супага ариқ бўйида шох отиб ўсган бахайбат толлар соя ташларди. Унда толлардан бирининг шохига ўрнатилган темир карнайдан дунё хабарларини эшитиб, дунё тақдирини ўзларича ҳал қилиб, чоллар ўтиришарди. Орасира ариқ ёқалаб кетган йўл чангир ва чолларни севимли юмушларидан чалитиб, шу яқин маҳаллик бола-бақра пайдо бўларди. Улар чоллар танда қурмиш супага анча етмай тўхташар ва жўр овозда чувиллаб, кўшиқни бошлашарди:

Ариқ бўйида толлар,
Толлар тагида чоллар.
Бу чоллар ёмон чоллар,
Ўтган кампирни пойлар!

Қизини шундаки, сўнги мисрани улар айниқса баянд овозда кичкириб қуйлашар, таъкид оҳанги бу ерда асло талаб қилинмас-да, кетига бўйлар баробар ивонди кўндиришарди.

- Ҳа, тилинганта шакар!

- Булбул-а, булбул!

- Хой, кел-чи, бир нима бераман! – деб алкаган бўлишарди уларни чоллар, кетлари билан пойгак томон аста суришиб, кўлларини қалишлари томон чўзишаркан.

Чурвақалар супадаги талорикни пайқаб, пиқир-пиқир кулганча аста орта тиланишарди.

- Ҳа, келмайсанларми? – дея, қалиш тутган кўлини орқасига яшириб, ўрнидан кўзгаларди чоллардан бири. Иккинчи кўли билан эса чўнтагини қовлаган бўларди. – Қани, ке, понук бераман!

- Отинг, иволамиз! – деб жавоб берарди чолнинг бу такаллуфига чурвақалардан бири.

Чол, ҳийласи иш бермаганидан тажанг, кўлидаги қалишини жаҳл билан бола-бақрага қарата иргитарди. Шумтақалар чувиллашиб, тўрт ёққа қараб тўзгншар, чол эса уларнинг ортидан:

- Ҳа, ўша сенларга тарбия бергани! – дея сўкиниб, мушт силкиб қоларди.

Чурвақалар шу кетганча ўйинга алағда бўлиб, маълум вақт чолларни унутишарди. Ўйин ҳам ахийри уларни зериктирар ва нимага чалғишни билмай, бошлари қотиб турган маҳал, ораларидан кимдир бирдан чолларни, улар билан мулоқот ўтган гал адоғига етмаганини эслаб қоларди. Бола-бақра эрмак топилиганига севиниб, чувиллаганча кўчани бошига кўтариб Бакаминор томон ёпириларди. Вақт ўтиб чурвақалар улғайишар, ариқ устидаги супада тинчгина турув қуриб ўтирган мўйсафилларга хиралик қилиш одатларини йиғиштиришарди. Тўғрироғи, ариқ устидаги супада танда қурмиш қариялар энди уларни қизиқтирмасди. Уларнинг ўрнини дарҳол бошқа чурвақалар эгаллашарди. Улар ҳам Бакаминор яқинидан ўтган ариқ устидаги супада муқим танда қурмиш чолларга хиралик қилишни энг севимли эрмак деб билишарди. Чурвақалардан фарқли ўларок, чоллар негадир ҳеч улғайишмасди. Фақат орасира бирининг ўрнида бошқаси пайдо бўларди. Супа атрофида хиралик қилиб айланган чурвақаларни қувиб солишини улар ҳам бир эрмак деб билишарди. Бола-бақра ўйинга берилиб, узок вақт кўринмай кетса, чоллар тинчликмиқан, дегандек, андак хавотир билан, кўзлари олазарақ бўлиб, йўлга термулшарди. Чурвақалар тезроқ кўчани бошига кўтариб келиб, уларни дунё ташвишларидан бир зумга бўлса ҳам чалғитишларини исташарди.

Тош тоға келгинди мардикор билан тил бириктириб, Шошга қочиб кетган биттаю битта қизи, кўзининг оку қорасини излаб йўл олганида ҳам чоллар шу супада дунёнинг тақдирини ҳал қилиб ўтиришарди. Қизнинг мардикор йиғити билан кўл ушлашиб, Бақажовуздан қочиб чиқиб кетиб бораётганини ҳеч ким кўрмаган, “Хой, йўл бўлсин, қаёққа қараб қочиб кетиб бораёйсизлар?”, деб улардан биров сўрамаган, демакки, улар ҳам ҳеч қимга: “Шошга”, деб жавоб қайтаришмаган эди. Бирок, негадир ҳамма қимчи ишонч билан қиз-йиғит иккови тил бириктириб қочиб кетган, бу фитналарига сўнги манзил сифатида улар айнан Шошни танилашган; деб ҳисобларди. Эртасига чошгоҳда, Тош тоға келгинди мардикор билан тил бириктириб, Шошга қочиб кетган арзандисини қидириб, қайтиб келаётганида ҳам чоллар ҳануз шу супада дунёнинг тақдирини ҳал қилиб тутатолмай, зерикиб, ҳар доим шу ерда пашшахўрда тирмизаклар кўринмаётганидан тажанг бўлиб ўтиришарди. Тош тоғанинг

хийл букчайган қомати кўчада кўзга ташланиши билан улар бирдан жонланиб қолишди.

- Шошни кўрдингми? – деб сўради чоллардан бири ҳовлиқиб, Тош тоға супа ёнига келиб тўхтаб, улар билан салом-алиқ қилганни заҳоти.

Тош тоғадан садо чиқмади. Фақат хийладан сўнг, оғзига қаламиш бир печа жуфт қора кўзларини ниҳоят илғаб, улар ўзидан нима қутишаётганини фаҳмлаган каби, тасдик маъносиде бош ирғади.

- Қаерда экан?

Тош тоға тагин миқ этмади. Фақат боши билан: “Хўв, ўша ёқда!”, дегандек ишора қилди.

- Бу ердан кўринмайди, - дея тилга кирди Тош тоға, чоллардан бири у имо қилган томонга ўтирган ердан бўйинини чўзиб қараётганини кўриб. – У ердан ҳам, - деб кўшимча қилди у, чоллардан тагин биттаси Бакаминорга чиқиб қарашни кўзлаётганини илғаб.

Орадан уч йилми, тўрт йилми чамаси ўтиб, Тош тоғанинг эшигидан кўчага қайсидир юз ифодаси тоғаникига ўхшаш, қайсидир ифодаси эса ўхшамайдиган бир қарич чурвақа чопкиллаб чиқди. Тагин озроқ вақт ўтиб, у мудом ариқ устидаги супада танда қурмиш чоллар атрофида пашшахўрда тирмизаклар сафини тулдирди. Бирок, Тош тоға супадаги чоллар қаторига келиб қўшилишга негадир шошинамасди. У энди қайсидир юз ифодаси ўзиникига ўхшаш, қайсидир ифодаси эса ўхшамайдиган болага андармон, қуни унинг қорни ва устига қараб кеч қилиши ҳеч қимга сир эмас эди. Бола тенгмўйсалари билан ўйнаб кетган ё кўча чангитиб қайтиб, ётиб ухлаб қолган пайтлар эса Тош тоға эшик оғзига чиқиб, йўлга термулларди. Чолнинг нигоҳидан қутаётган одами йўлда кўринишига унинг ҳеч қандай умиди йўқлигини пайқаш қийин эмасди. Лекин, шунга қарамай, ички бир туйғу айни иштибоҳни рад этиб, чолни кўчага бошлар ва қачондир келишига умиди бўлмаган одамининг йўлга кўз тикмокка мажбур қиларди.

Бадал Армон Бакаминорни айланиб ўтиб, ариқ ёқалаб кетган тупрок йўлга чиқаркан, нафақат вужуди, балки оёқлари ҳам қалт-қалт титрай бошлаганини ҳис қилди. У бирор юмуш билан ёки шунчаки бекорчиликдан бу ёққа йўли тушиб, ариқ устида қурилган супага яқинлашди дегунча нуқул шундай бўларди. Чоллар йўлда бирор қимсани, айниқса, ўспирин ёки ёш йиғитчани кўришари билан туйқус жонланишарди. Бирок, ҳажжонларини сездиримасди, худди йўлда кўринган одамини пайкамагандек, суҳбатларини давом эттириверишарди. Ўспирин ё йиғит салом берса, алик олиб, кетидан хафсалалари пир бўлган каби, маънос тикилиб қолишарди. Мабодо, у ёшлигига бориб ёки қарияларнинг ширин суҳбатини бузини истамай, барибир пайқашмайди, деган хаёлда салом бермай ўтса, севинчдан чолларнинг боши осмонга етарди. Дарров овоз бериб уни тўхтатишар, ёнларига қақириб, нўстагини қоқшига туттиришарди. Чолларнинг бу феълдан яқин хабардор аксарият тенгмўйсалари сингари, Бадал ҳам, қачон шу ёққа йўли тушмасини, супага етмасданок чолларга салом беришни бошлар, улардан овоз етмайдиган масофага узоклашмагунча, қудуқ қилишни кўйишарди. Чоллар уни нафақат қақириб, балки қалиш отиб ҳам тўхтатолмайдиган ерга етганига ишонч ҳосил қилгачгина Бадал етил тин оларди. У чоллардан хайиқмасди. Қачондир, бир қуни уларнинг қаторидан ўрин олишига тўғри келиши мумкинлигини йўлаб, ўзининг ҳам йўлдан ўтганларга нисбатан худди шу тарз иш туттирини тасаввур қилиб, даҳшатга тушарди. Бундай пайтларда Бадал мудом ўзидан унга исмини мерос қилиб қолдирган олис аждодининг тарихини эслаб ва уни, у қатори ўзини ҳам тушунгандек бўларди. Айни тарихни ёдга олмак туғул, унинг борлигидан ҳам истиҳола қилувчи отасидан фарқли ўларок. Бу тарихни Бадал бувисидан эшитган эди. Болалик чоғида, бувиси ҳали уни ва бу оламини тарқ этмасидан бурун, Болалигига бориб, Бадал бу тарихни ўшанда бир эртақ сифатида қабул қилган, бувиси ҳар оқшом сўзловчи эртақлардан бири қатори у шуурига ўрнашган эди. Орадан йиллар ўтди. Бувиси ўшанда айтган эртақларнинг ҳеч бири ҳозир Бадалнинг ёдида йўқ. Эртақ сифатида айтилган, лекин эртаққа фақат ўхшайдиган ўша тарихдан ташқари. Буни Бадал ўшанда ҳам ботинан ҳис қилар эди. Яъни, эртақ аслида эртақ эмас, унга фақатгина ўхшашлигини. Чунки, бу эртақ деб айтилган, лекин эртаққа фақатгина ўхшайдиган воқеада эртақлардаги сингари қўққинчли девлар, аждарлар, уларни маҳв этиб, ўз гўзал малагини қутқаришга нитилувчи ботир шаҳзодалар ё нуқул бир-бирини қув тушириш пайида бўлувчи қитмир хайвонлар



ҳақида эмас, оддий бир одам боласи ҳақида сўз борарди. У бахт куши тўғрисида орзу қилмас, девлар, аждарларни маҳв этиб, ўз малаги васлига етишмоққа интилмас, одамлар элитборига моллик иш билан ҳам шуғулланмасди. Унинг касби қоровуллик эди. Бирок, у Бадал билган қоровуллардан фарқли ўларок, мактаби, дўконни ё Гришанинг яқинда очилган, лекин тез орада ёпилиши тайини ошхонасини эмас, шаҳар аҳлининг уйқусини кўриқларди. У шакилдоғини кўтариб, кўчага чиққанида шаҳарга аллақачон тун чўккан, одамлар уй-уйларига таркаб, кундузги югур-югурлардан дам олаётган бўлишарди. Ташқарида тунги қоровулнинг шакилдоғи садо бергани ҳамон ҳамма ухлаш вақти бўлгани, бунга таҳдид соладиган ҳеч хавф йўқлигини англаб, хотиржам уйқуга ётарди. Одамларнинг уйқусини кўриқлаб, тун билан миңжа қокмасдан чиқувчи касб эгаси тўғрисида эса ҳеч ким уйламасди. Дунёда шундай касбнинг борлигидан ҳам кўччилик беҳабар эди. Одамлар фақат шакилдоқ овозини эшитиб, хотиржам уйқуга ётиши билдишарди, холос. Шакилдоқ садо берини учун кимдир уни қўлида силкитмоғи лозимлиги биронинг ҳаёлига ҳам келмасди. Қоровул йигит эса ўйларди. Касб-корининг бу ерда ҳеч кимга кераги йўқлиги, умри беҳуда ўтиб бораётганлиги, бўлак ишнинг эгагидан тутмоққа ўзида журъат топа билмаётганлиги тўғрисида. Ўйлаб, дили зардобга тўларди. Ниҳоят, кушларнинг бирда у аҳд қилди. Кўч-кўрони, бола-чакасини олиб, бу ердан бош олиб чиқиб кетишга. Гадоётмас бирор ерга бориб ўрнашиб, ҳаёгини янгидан қуришга уринмоқ учун. Шу виятда у кўч-кўронини бир туяга ортиб, бола-чакаси билан йўл-йўлаккай ўтиб бораётган қарвонга қўшилиб, шаҳардан бош олиб чиқиб кетди. Қарвон билан бирга у йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Қақраган саҳролар, қор босган довлонлардан охири, ниҳоят, бир юртга етди. Йигитнинг дилига шу ер маъқул келди. Қарвондан ажралиб, бола-чакаси билан шу юртда ўрнашишга у қарор қилди. Бор пулига бир уйни сотиб олиб, яшай бошлади. Кўпроқ одамлар орасида бўлишга, одамларга зарур касбнинг эгагидан тутишга уринди. Буна у эришгандек ҳам бўлди. Бирок, баъзан дили ёлғизлиқни, тунни, сукунатни кўмсарди. Айни шу орада ота юртидан уни кидириб бир чопар келди. У йигитдан ўз юртига қайтиб, ота-касбини давом эттиришни ўтинди. Маълум бўлишича, йигит ўзи билан бирга шаҳар аҳлининг уйқусини ҳам олиб кетган эди. Ўзи сезмаган ва истамаган ҳолда. Йигит кетиб, туллари кўчада шакилдоқ садо бермай қўйгач, одамларнинг уйқусидан ҳаловат йўқолган, кеча билан кундузнинг фарқида улар алаша бошлашганди. Бунинг сабабини кидириб, улар уйқуларидан ҳаловат йўқолиши арафасида шаҳардан кўчиб кетган тунги қоровулнинг зидида тўхташган, барига унинг шаҳарни тарк этиши сабабчи эканини тушуниб, кетидан чопар жўнатишганди. Чопарнинг ўтинчини эшитиб, йигитнинг дили қаттиқ бир орзиди. Аммо, бу туйғу фақат бир лаҳза давом этди. Сўнг йигит чуқур хўрсинди ва ўзига интизор кўз тикмиш чопарга қараб бош чайкади... Орадан бир кун ўтди. Иккинчи, учинчи кун ҳам поёнига етди. Лекин, йигитнинг қўли ҳеч ишга бормасди. Гангир-гунгир давралар ҳам унинг қоронги кўнглини равшан этмоққа ожиз эди. Бу ҳол роппа-роса уч кунга қўзилди. Тўртинчи кун деганда у шартта бор кўч-кўронини йиғиштириб, бола-чакасини етаклади-да, чопарнинг кетидан ота юртига қараб йўлга тушди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, у ниҳоят қадрдон шаҳрига омон-эсон етиб келди ва одамларнинг уйқусини кўриқлашда давом этиб, бу касб-коридан бўлак ҳеч қачон ўксинмай, умрининг охирига қадар хузур-ҳаловатда яшаб, мурод-мақсадига эришди.

Бувиси ҳар сафар эртақ сифатида ҳикоя қиладиган, лекин эртаққа фақатгина ўхшайдиган бу тарих шундай хотима топарди. Яъни, худди эртақ сингари. Шунга қарамай, Бадал унинг эртақ эканига шубҳа қиларди. Вақт ўтиши билан бу шубҳа фақат кучаярди, холос. Жумбоқ ҳеч қутилмаганда ечилди. Бувиси уни ва бу оламини тарк этганидан анча ўтиб, Нимадир туртки бўлиб, Бадал мудом эртақ сифатида айтилан, лекин эртаққа фақатгина ўхшайдиган бу тарихни бирдан эслади. Эслаб, қалби нурга тўлди. Гарчи, бувиси уни ҳар гал эртақ сифатида айтса-да, унинг эртақлигига доим шубҳа қилганини хотирлади. Бу шубҳа Бадалнинг дилига тагин соя солди. Эртақ сифатида айтилган, лекин эртаққа фақатгина ўхшайдиган тарихнинг қахрамони кўнглининг зимистон кўчаларида шакилдоғини силкитиб, кезаётгандек туюлди. "Об-бо, бир камин энди шу эди! Шакилдоғини силкитишга шаҳарнинг кўчалари камлик қилти-да, бу Армонга?!", деб айтди Бадал ҳаёлан ва бирдан кўз олди равшан тортиди.

Армон?! Ҳа, унинг исми шундай эди. Бувиси мудом эртақ сифатида ҳикоя қилган, лекин эртаққа фақатгина ўхшайдиган тарих қахрамонининг. Нега бу илгари Бадалнинг ҳаёлига сира келмади экан? Ахир, эсини танибдики, исмининг кетиға шу номни улаб чақиршади. Тўғри, асосан ўқитувчилар. Исмига бу ном уланибдими, демак, унинг эгаси ўзига зинҳор бегона эмас. Демак, бувиси ҳам унга шунчаки бир тарихни ҳикоя қилмаган. Бир кун келиб у бу тарихнинг тағига етишига ишонган. Шунга қарамай, Бадал ўзининг бу кашфига тасдиқ истаб, отасига юзланди. Отасини уйлаб, онасини қувёга узатишларидан анча илгари бўлиб эди бу. Ҳали ораларидан ола мушук ўтиб улгурмаганди. Бадалнинг ганини эшитиб, отасининг ранг-рўйи бирдан ўзгарди. Хийла вақт унинг саволига нима деб жавоб қайтаришни билмай, қаловланиб турди.

- Ким айтди? - деб сўради ниҳоят, барибир жавобга сўз тополмай.

- Эшитдим, - деди Бадал, "Ким айтганининг нима аҳамияти бор?", дегандек қош чимириб.

- Бўлмаган гапни гапирма! - деб айтди отаси ва нигоҳини четга олиб қочди.

Бир ониз сўз: "Бўлмаган гапни гапирма!" Шундай дея отаси юзини четга бурди ва Бадал бувиси доим эртақ асносида сўзлаган бу тарих исмини отасига, у орқали эса ўзига мерос қолдирмиш аждодига тегишли эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилди.

Шу тарз Бадал Армон ўзининг олис аждоди тарихидан огоҳ топади ва рости, унга ҳаваси келди. Умрининг охиригача хузур-ҳаловатда яшаб, мурод-мақсадига эришганига эмас, йўқ, бу хузур-ҳаловатга етишмоқ йўлида кўп риёзат чекиб, ҳатто ота юртидан бош олиб чиқиб кетмоққа ҳам ўзида куч топа билганига. Бадал айни дам ариқ ёқалаб кетган тупроқ йўлдан чоллар таида қурган сунага қараб бораркан, тўртга эзма чолнинг олдидан ўтишга ҳам тиззалари қалтираётганини ўйлаб, қаттиқ ўқинди. Ўқинч баробар, бувиси эртақ асносида ўзига сўзламиш аждодининг тарихи ҳаёлига келди ва Бадал жойида такка тўхтади. Тўхтаб, тиззаларидаги титроқнинг босилишини кутиб турди. Жасурлик учун қўлида маҳкам тутмиш "жонинг қотили"дан бир хўпламгина тотинишга ҳам ҳаёли жонди. Бу савилни чолларнинг қаршидан қўлда кўтариб ўтиш ҳам бир дунё жасурлик талаб қилишини ўйлади. Бирок, нафси ҳарчанд зўриқ қилмасин, Бадал "жонинг қотили"дан тотинишдан ўзини тийди. Кўзларини чирт юмиб, ўзини тўртга эзма чолнинг олдидан ўтишга тиззалари қалтираётган Бадал Армон эмас, бемаъно туюлган ҳаётдан бош олиб чиқиб кетишга аҳд этиб, бу аҳднинг бажарган аждодининг вориси ҳис қилди ва шахд билан олға босди.

Супадан илгари уни пана қилмиш тарвақайлаб ўсган толлар ва улардан бирининг шохига ўрнатилган қарнай кўзга ташланди. Унинг овози ўчганига кўп бўлгани йўқ. Айтишларича, сўнгги вақтларда у қайфни учириб, ҳаёли кўлда қарақлаётган офтоб, димокка оламининг анвойи атрларини келтириб ураётган шабада ва ариқнинг сокин жилдираб оқишидан қалитувчи совуқ хабарлардан нари ўтмай қўйган.

- Кеча эрталаб Мексика ва Америка Қўшма Штатлари чегараси яқинидаги йўлда автомобил ҳалокати рўй берди, - деб дарак берган қарнай овози бутунлай ўчган ўша кун, чоллар супада тўланишлари ҳамон. - Йўловчи ташийдиган икки уловнинг тўқнашиши натижасида ўттиз тўрт киши ҳалок бўлди, тўққиз киши оғир аҳволда касалхонага етказилди. Ходиса рўй берган жойни текширган мутахассислар ҳалокатга эрталаб турган қуюқ туман сабабчи бўлган, деб ҳисобламоқдалар.


- Ҳалокат деб шунга айтадилар-да, - деб айтган чоллардан бири.

- Ҳа, ҳа, - дея бош чайкаб, маъқуллашган уни қоланлар.

- Марсел денгиз бандаргоҳига қарашли "Одиссей" океан лайнери Гренландия яқинида ҳалокатга учради, - дея эгни жунжиктиришда давом этган қарнай. - Юзиб юривчи муз тоғи билан тўқнашиши оқибатида кема қаттиқ шикастланиб, чўкиб кетди. Ёрдамга етиб келган кутқарувчилар сувадан бир юзу саксон икки йўловчи ва ўттиз уч нафар экипаж аъзосининг жасадини чиқариб олдилар. Изсиз йўқолган деб ҳисобланаётган қирқ етти йўловчи ва ўн нафар экипаж аъзосини кидириш ишлари давом этмоқда.

Бу даракдан супада ўтирганларнинг ранги қув ўчган, бир нарсга деб фикр билдирмоққа-да ҳеч кимнинг холи етмаган.

- Ёлпирай! - деб, ниҳоят, овоз берган чоллардан бири соқолини тутамлаб ва супа тагидан сокин жилдираб оқётган



арикка ҳадикли нигоҳ ташлаб кўйган.

Бу сафар уни маъқуллаб ҳеч ким кўшилмаган. Ҳамма нигоҳини: “Энди нима дер экан бу иблис?”, дея юрак ютиб, карнайга қадаган.

- Жанубий Корея бош вазири Ро Дэ Ву истеъфо берди, - деб бошлаган карнай ва супада ўтирганларнинг барчаси: “Ўзинга шукр!”, дея енгил тин олган. - У Сеул шаҳридаги Осиёда энг йирик саналган кўприкнинг кулаб тушишида ўзини бош айбдор деб ҳисоблашгани маълум қилди, - дея давом этган овоз ва тагин ҳамма тек қотиб, карнайга қадаган. - Маълумки, ушбу ҳалокат оқибатида тўрт юздан ортик киши ҳалок бўлган, минданг ортик киши жароҳатланган эди...

- Астафирўлло! - дея ёқа ушлаб, ўринларидан сакраб туриб кетишган чоллар. Шоша-пиша супадан тушиб, оёқларига қалишларини нари-бери илтишган-да, жўнаб қолишган. Шу кунни тушга қолмасдан карнайнинг овози ўчган. Карнайнинг овозини ўчиришган-у, лекин унинг ўзи супага соя ташламыш толнинг шохиди қолаверган. Афтидан, чоллар ҳовуридан тушиб, оламда нелар бўлаётганини билмоқни истаб қолишса, тагин карнай билан толга тирмашиб, овора бўлмасликни ўйлашган. Бирок, ариқнинг майин жилдираб оқиши ва қушларнинг живирдан бошқа ҳеч овоз қулоққа чалинмаётганидан Бадал чолларнинг хануз ҳовуридан тушмаганини тахмин қилди. Супа ҳали толлар панасида эди. У етган ердан супада биров бор-йўқлигини фарқлаб бўлмасди. Аммо, супада ўтириб олиса кўринган кимсани ҳам бемалол илғаш мумкин эди. Бадал ўзининг пайдо бўлиши супада ўтирганларни нечоғли жонлантирганини тасаввур қилди ва мамнун жилмайиб, қадамини жадаллатди. Супага яқинлашаркан, қаттиқ томоқ кириб, гўё уни илғамагандек гурунгда давом этаётган қарияларнинг ҳафсаласини пир қилмоққа тайрланди. Супага етар-етмай, пиша тутган кўлини орқасига яшириб, бўш кўлини эса кўксиди қовуштириб, тавозе билан:

- Ассалому... - деб бошлади-ю, супада одам қорасини кўрмай, саломининг берди қисми бўғзида қолиб, дами ичига тушиб кетди. - Ваалайкум ассалом, - дея ярим-ёрти саломига ўзи алик олди Бадал ҳафсаласи пир бўлиб. Тагин пича фурсат у бўм-бўш супага маънос термулиб турди. Иесик бугун хатто эрта тонгдан то шом кўнунга қадар супани тарк этишни ҳаёлига келтирмайдиган чолларни ҳам тумтарақай қилганини тушуниб, чуқур бир хўрсинди-да, йўлида давом этди.

Тупроқ йўл ариқдан айри тушиб, гузарга уланган ерда у ниҳоят одам қорасини илғиди ва бу оламда ўзи ёлғиз эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Гузарнинг бошига қараб илгариларини сари атроф гажумлашиб, шовқин, талотўп кучайиб, Бадал ўзини бу ерда ортикча хис қилиб борди.

Аммо, ортга энди йўл йўк, қочиб биқинса бўладиган бирор қавак ҳам кўринмас, истаса-истамаса, у олға қараб юришга мажбур эди. Олдинда мудроккўз Гришанинг гузар бошидаги ошхонаси кўринди. Очилганига унча кўп вақт бўлгани йўк. Адашмаса, яқинда хў-ўш... саккиз... тўққиз... ҳа, ўн йил тўлади. Лекин, тез орада ёпилиши тайин. Ҳа, бунга ҳеч шак-шубҳа йўк. Бу қарорга Бақаҳовуз аҳли ўша заҳоти келди. Гузар бошидаги бир парча хокисор ерда кўз очиб юмгунча вақт ичида ҳашаматли иморат қад ростлаб, пештоқда “ошхона” деган ёзув пайдо бўлгани ҳамон. Бақаҳовуз аҳли ҳали ҳеч қачон адашмаган эди. Бақаҳовузга келиб, Бақаҳовуз тупрони ёки бақаҳовузлиқнинг ўзага дахл этган келгиндилар борасида. Азим баққолнинг меросхўр қақажони сочи аломат қузланган, кўзлари нукул ўйнаб турувчи келгинди ошиқ йигит билан шаҳарнинг бош кўчасида қўлтиқлашиб пайдо бўлгани заҳоти кўрганлар бари тахмин қилди. Ошиқи бедаво шаҳарга қандай кўтилмаганда ташриф буюрган бўлса, бир кунини шундай кўкқисдан қорасини ўчиришини. Ошиқ бўлмишининг сочинга эмас, исми ҳам Бақаҳовуз аҳлига кўп аломат туюлди. Зулхайр Мўмин (“ў”дан сўнг тутук белгиси ёзилади). Бир бечора ошиққа нисбатан бадгумонлик қилмадикман, деган ҳаёлга борганлар ҳам бўлди. Чунки, вақт ўтиб борар, аммо у қорасини ўчиришга негадир шошилмасди. Аксинча, бақаҳовузлиқлар билан муносабат ўриятишга уринарди. Кўчага Азим баққолнинг меросхўр қақажонисиз чиққан пайтлар у учраган кимса билан салом-аҳик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашга киришарди. Ҳали танишиб ултурмаган бўлса, исмини айтиб, унга ўзини танитар, исмининг иккинчи бўлагиди “ў”дан сўнг тутук белгиси

ёзилишини алоҳида уқтирарди. Бир бечора ошиққа нисбатан бадгумонлик қилмадикман, деган ҳаёлга борганлар энди бу олчоқ секин-аста қаторга суқлиб, бақаҳовузлиқлардан бирига айланишни кўзлаяпти чоғи, дея ташвишга тушиб қолишди. Бирок, ниҳоят, уларнинг бу ташвишлари мутлақо бекор экани маълум бўлди - кунлардан бир кунни Азим баққолнинг меросхўр қақажони дилини ром этган у олчоқ аломат исмиё ундаги тутук белгисига кўшилиб қорасини ўчирди. Бу Азим баққолнинг бутун мероси якка-ёлғиз меросхўри - бақаҳовузлиқ мана ман деган йигитларнинг ишқини рад этиб, келиб чиқиши номаълум бир олчоқнинг тўрига илгинган қақажон ихтиёрига ўтган куннинг эртасига содир бўлди. Худди шу олчоқ сингари қаерданлиги номаълум, миктидан келган, қоксуяк кимса гузар бошидаги бир парча ташландик ерда қурилиш бошлаганида ҳам ҳеч ким бундан бир иш чиқишига ишонмади. Бошда уни ора-сера Бақаҳовузга кўй-эчки ҳайдаб келиб, пуллаб кеташган саҳройи қозоқлардан гумон қилишди. Чунки, Азим баққолнинг меросини мўлжал қилган ошиқ сийратиданг анани олчоқдан фарқли ўларок, унинг кўзлари ўйнаб турмасди. Умуман, уларнинг очик ё юмуклигини ҳам фарқлаш маҳол эди. Масала бақаҳовузлиқлардан бири у билан гаплашганидан сўнг пича ойдинлашди. Ҳа, фақат пича. Чунки, гузар бошидаги ташландик ерда қурилиш бошлаганга ҳадди сикқан у кимсанг саҳройи қозоқлардан эмаслигига маълум бўлди. Одатда, қозоқлар “жўк-жўк”лаб гапиргучи эди. Гузар бошидаги ташландик ерга кўз тикмиш саҳройи қозоқлардан деб гумон қилинган кимса билан мулоқотга киришган бақаҳовузлиқнинг далолат беришича, у асло “жўк-жўк”лаб гапирмаган. Аксинча, бақаҳовузлиқ ҳар мардум дунёга келиб, ўзини таниган дамдан бошлаб гапириб, бир-бири билан мулоқот қилиб одатланган тилда шундай равон, шундай бурро сўзлаганки, ундан тап олишга уринган бақаҳовузлиқ гурунг жараёнида ҳаяжондан тили хиёл тугилганига кимсанг олдида, рости, хижолат торган.

Бақаҳовузлиқлар кимсанг келиб чиқиши устида бош қотириб, бир тўхтама келиб ултурмасларидан гузар бошидаги шип-шийдам ерда ҳайбатли иморат қад ростлаб, пештоқда аввал “Ошхона”, сўнг эса “Кўксув” деган жимжимодор ёзув пайдо бўлди. Хар қалай, бақаҳовузлиқлар уни шундай деб ўқишди.

- Тугилган жойи бўлса керак, - деб тахмин қилди биров.

- Ўзимизданга ўхшайди, - деб айтди тагин кимдир. Бу тапи билан у бақаҳовузлиқларнинг сув тимсоли мавжуд жамки ном ва тушунчани суйиб, ардоқлаш одагига шаъма қилди. Шу тўфайлими, бақаҳовузлиқ саводхонлардан кимдир ошхона пештоқдаги ёзувдан хато топиб, унда сув тимсоли мавжуд деб даъво қилиш учун битта ҳарф етишмаслигини айтганида, бу гапга ҳеч ким жиддий эътибор қилмади. Лекин, биров номида сув тимсоли мавжуд, деб оёғини кўлига олиб, тамадди қилгани гузар бошига чонгани ҳам йўк. Ҳеч ким бадгумонлик қилмади. Фақат сарфланган шунча меҳнат ва харажатга ачинишди, холос. Шундай дабдаба билан қурилган ошхона бирор хўранда кўрмай, ёпилишига ҳам. Ошхона пештоқдаги ёзувда бир ҳарфни кам ўқиган саводхоннинг даъвосини улар анча ўтиб эслашди. Бақаҳовузда ошхона қуришга журъат этган ва бақаҳовузлиқлар сингари сувга кўнгли суёт деб тахмин қилинган кимса “жантҳо”га - Бўжижар ортидаги овлоқ майдонга томоша кўргани келганидан сўнг. Бу ерда ҳар шанба дам олиб, ҳордиқ чиқаргани Сайрибоғ ёки яқин теградаги бирор чойхонага йўл тонмаган бекорчихўжалар ит уриштиришарди. Кимса “жантҳо”да чошгҳога яқин, эҳтирослар айни қайнаб тошган, ҳавога таралмиш қон исси фақат жанга олиб чиқилган итларнинг тилига эмас, томошага тўпланган халойикнинг ҳам эсини огдирган маҳал пайдо бўлди. У хашаки лайчаю тозилар жангини бир чеккада туриб, бепарво томоша қилди. Фақат навбат ҳайбати отни ҳуркитувчи кўшпақларга келгачинга жойидан кўзланиб, аста даврага яқинлашди. Кимса кўшпақлар олишувини бақаҳовузлиқларга ҳос эҳтирос билан томоша қилди. Бунга даврадагилар дарров аҳамият беришди. Итлар бир-бири билан гажишиб, жанг кизгин тую ола, у бақаҳовузлиқларга кўшилиб, жўр овозда бақириб-чаққарар, итлардан бири паст келиб, жуфтакни уришни кўзласа, ҳай-ҳайлаб уни даврага ҳайдарди.



Чўлпон ЭРГАШ

КЎМИР ОДАМ

(достондан парча)

Қаҳқаҳаю кийкириқлар устига шитоб,
 Бошдан-оёқ қоп-қора қурум,
 Қўлтиғида икки қотган нон,
 Чойхонага бурилар чўпдек бир одам.
 Сўрининг бир четига келиб, бемажол,
 “Гурс” этиб, ўзини ташлар, ўликдай.
 Чопқиллаб чой ташувчи бола,
 Чой келтириб кўяр, бир патнис.
 Иккита косов -
 Узун-узун гадир қўллари билан
 “Карс-қурс”,
 Нон синдираб - иккита сопол.
 Бир бурдани кўйиб-кўймасдан,
 Бирни тез оғзига тикар у, титраб.
 Ботирар чойга.
 Икки лунжи - иккита ўра,
 Хозир тешиб чикқудай бир ёғидан нон,
 Бирни кўйиб-бири чиқар ирғишлаб.
 Чой хўплар юток.
 Нон эмас, гўёки темир пайраха,
 Томоғидан ўтиб борар экан у,
 Кўриниб шундоқ,
 Икки кўзи-икки нураган қудук,
 Бир очилиб катта,
 Кўмилар қайта.
 Қўлмак сувдек, тирқираб, ёш чиқиб кетар.
 Йўмирилиб ичи, худди қирк йил ётган сил,
 Йўталади бўғилиб хир-хир.
 Эгилиб сўрининг остига, пинҳон,
 Тупуради бир чакса кўмир.
 Очиб-юмганида оғзини тез-тез,
 Бўлак-бўлак бош суяқлари,
 Чаккалари, кулоқлари тенг, -
 Ўйнаб турар, чоқ-чокидан кетгудай ҳозир.
 Чой ичар юток...
 Жон кириб сал-пал,
 У ён-бу ён олайиб боқар.
 Қараб-қараб кўяр унга яқин даврадан,
 Сўниб лабидаги туссиз табассум,
 Кучаниб тургандай бир хилда, силлик,
 Қулоқларигача қип-қизил, семиз
 Кўзлари юмилган сап-сарик одам.
 Худди оч бўри билан етилган тўнғиз,
 Тўқнашади кўзлар ўшандай.
 Қўлини кўксига тегизиб орик,


Шошиб, оғзидагини чайнамай ютар,
 Салом қилган бўлар, бош эгиб, куюк.
 Оқариб юзи бир,
 Лабини тишлаб,
 “Бандалик-да” дегандай, чўчиб,
 Бош ирғайди, оғзи очилиб семиз.
 Гўё бир яхшилик қилмоқчидай у, -
 Кўнгил сўрамоқчи бўлиб астойдил,
 Сурилади аста яқинроқ.
 Оёғини чўзар кучаниб баттар,
 Пишиллаб кейин,
 Чўнтағидан олиб хўл бир дастрўмол,
 Кат-кат семиз бўйинини артар:
 - Чойхонага тушибсеиз-да тўғри хизматдан!?.
 - Ха... йўк... шундоқ, унчалик эмас.
 Аттанг ойна кирмай, шу бугун
 Кўмир ғамлаб олдик, домлажон!
 - Хўп иш қилибсеиз-да!..
 Жуда ҳам аммо...
 Уринтириб кўйманг ўзингизни ҳам!
 Ҳозир тўқчилик...
 Дўшни топилади - бош омон бўлса.
 - Сиз шундоқ дейсиз...
 Бола-чаканинг савдоси -
 Кетимга тегди навдаси!..
 Бу ёғи - қиш,
 Ейман деру ҳам.
 Меҳнат билан ўлмас одамзод.
 - Биламиз, биламиз... хикмат-ку меҳнат!
 Овқатни бўшатманг аммо ҳеч қачон,
 Ўзингизни олдириб кўйманг, деймизда!..
 Ошқозон қандоқ?
 - Микдай, домлажон!
 Ҳали айтганингиздай, тўқчилик ҳозир.
 Арзимаган ул-бул учун ҳам
 Аюҳаннос солғучилар бор.
 Қадимда кўп казо-казолар
 Юз, саксонни урган, гўшт емасдан ҳам.
 Нонга зор қушларни кўрганмиз, хох-хо!..
 Ношуқурлик бугун - турмушдан болиш.
 Нима турар бир буханка нон!
 Фақат, баъзи тўқлар каффоратиға
 Чўғи камроқ сўнгги маҳаллар,
 Нарҳи сал мўлроқ,
 Аммо сероб, худога шуқур.
 Тортиб кўйса нима қилардик тамом!
 Тунги сменада қоламан тез-тез,
 Ишламайди ошқозон бирлай.
 Жон койитиб, баковулларга,
 Нима фойда қуруқ балиқдан.
 Чўзилишиб қолади ёшлар.
 Ўтмасмиш-а, қорин очса нон!..
 Қорни тўқлар болир ҳаётдан.
 Ёнимизда шундоқ - нон дўкон,
 Ярим кеча ўтсанг ёнидан,



“Гул” этади иссиқ нон иси!
 Деразаларидан буғ чиқиб турар!
 Яхши-ям - нон бор...
 Юрт-олам шу билан оёқда турар!..
 Овқат маҳал бўлдими, ҳар кун,
 Олиб келиб қайноқ бир буханка нон,
 Ёнбошлаб оламан сувчил остига.
 Оҳ-оҳ, худди қаймоқ, жонивор!
 Хўпиллама яна, баҳосиз...
 Тишлаб-тишлаб, қатта-қатта,
 Пўмиштиб, воей,
 Чайнасанг, мой чайнагандай,
 Ютсанг, сарёғдай!..
 Қаёққа кетяпти, билмайсан одам.
 Сувчил жўмрағига ётиб дамодам,
 Тўйиб-тўйиб сув ичсанг, - роҳат!
 Бир буханка нонни кўрдим демайман.
 Кекириб хўр-хўр,
 Отдай, ишга тушиб кетаман яна,
 Жир битмади-битмади аммо...
 - Буни қаранг, хай-хай!..
 Осон бу жуда!
 - Айтнинг, буни сирни нимада?
 - Биринчидан, зинҳор, еманг қотган нон.
 - Хўш-хўш, домлажон?
 - Ундан кейин, ҳар кун
 Янги сўйилган
 Қора кўчқор гўшtidан олинг.
 Бир кило-бир ярим кило бас,
 Ярим килодан мўл думбасидан ҳам.
 Бир килоча картошка-пиёз.
 Оқ пиёз фақат.
 Қизил сабзи шунга яраша,
 Бир-икки боғ ошкўк, райхон ҳам.
 Памилдори, болғари...
 Шуларни ғамлаб,
 Эринмайсиз ҳеч,
 Паррак-парраклаб;
 Бир - сабзавот,
 Бир - гўшт-ёғ...
 Қаватма-қават
 Териб чиқа беринг қозонга.
 Сув солманг аммо.
 Зира, қалампир, туз - табга яраша.
 Қозонни осиб,
 Хаво кирмайдиган қилиб, димлайсиз.
 Паст қилиб оловни бир-икки соат,
 Кўк чой ичиб, думалаб ётинг.
 Қарабсизки бир вақт - таппа-тахт!
 Бу жуда хушхўр,
 Ҳам енгил таом.
 Кечқурунлар яна ўшандай,
 Фақат янги сўйилган гўшtidан,
 Лағмон, манги қилинг тановул
 Кейин ҳазми таом -
 Сайр қилиб юринг очик хавода.
 Кечалар ўн, кундуз икки-уч соат,
 Бундан оз-кўн ухламанг асло!
 Сўриб шуни қўлланг бир йил-ярим йил,
 Отдай бўлиб кетасиз тезда!
 Билмас одамлар.
 Мен айтаман: “Хей...”
 - Раҳмат, яшанг, яшанг!
 Тўғри-я, аммо...
 Сиз ундок дейсиз...
 Бугун кўмир туширдик, қаранг,

От билан туямас, шунчаки - ўтин...
 Тўрт тўннага ёзилиб зўрға,
 Қоғозини кўкрагимга солиб тумордай,
 Белни маҳкам боғлаб, оч-наҳор,
 Чиқиб кетдим, излаб машина.
 “Гул” у ёққа ўтар хон таклид,
 “Гул” бу ёққа кетар, итмисан демас.
 Тўхтатди биттаси тиралиб охир,
 Инсоф деган лаънатини еб кўйган аммо.
 Ярим соатлик йўл, тўрт тўнна,
 Икки юз сўм сўраса, дангал!
 “Правдан қуруқ қолмасам,
 Менга ярми тегади, ока,
 Уч-тўрттаси тўсар, - дейди, - оғзи бир қулоқ.”
 Отанг - бозор, онанг - бозор,
 Юз элликка кўнчирдим аранг.
 Етиб келдик исқолотта ҳам.
 Салом бериб, кириб бордим тик.
 Сўрашмасин, майли, олмасин алик,
 Икки кўзи лўк:
 “Йўк - дейди - кўмир.
 Бор, - дейди, - аммо...
 Бу ер кон эмаски, ҳаммага етса.
 Навбат билан оласиз, отам,
 Бир марта келмас қиш одам умрида!..”


Қайтиб чикдим, домлажон, гаранг!
 Сиз бундок дейсиз...
 Узрим айтиб шопирга дарров,
 Рози қилиб ўнта сум билан,
 Жавоб бериб юбордим аранг,
 Ўз ёнимдан олиб отпуска
 Сал кам бир ой қатнадим кейин.
 Бир иш чиқаролмай шунда ҳам,
 Ёш боладай йиелаб битта шопирга,
 Ҳасрат қилсам, қулади нуқул:
 “Нима, - дейди, - кеча туғилганмисиз!
 Ё осмондан тушганмисиз?..
 Қистиринг бундок!..”
 Бай қилиб юз элик манатга тағин,
 Кириб бордим, кўлим кўксимда,
 Йингирма беш қоғоз узатиб, аста:
 “Жон ука, - дедим, -
 Қўллаб юборинг бир, барака топкур!”
 Очилиб пес-мохов чиройи, қулиб:
 “Кўймадингиз аммо, отахон!..” дея,
 Қоғозимни олиб, ёзиб берди чек!
 Дўшним осмонда!..
 Кўмир уюмига етдим ҳам, ногоҳ,
 Қайдан пайдо бўлди, ё обло,
 Қоп-қора одам -
 Кўзи билан оғзи бор, холос,
 Ола-кула,
 Ниманидир қавшанар хунук.
 Лиқ тўла пул икки ҳамён ҳам.
 Бир чўнтак ёнғоқ дейсиз,
 Тўкилади, териб олади...
 Моччилатиб оғзини яна:
 “Мошинани тортдиринг, - дейди, -
 Уч юзинчи бўласиз, окам, очарат!
 Гаплашиб берардим, аммо кўрянсиз,
 Ошиб ётар ишим бошимдан.”
 “Қолмас - дедим, - бизда... - тутқазиб беш сўм. -
 Барака топ умрингдан, ука!”
 Ишшайиб у аввал, ютишиб,
 Урди, олиб пулни, чўнтакка.



“Тарозбонни рози қиларсиз...”
 Торттирдик беғалва учта сўм билан.
 Қора одам яна безрайиб, девор:
 “Экскваторни гаплашинг тезроқ,
 Қўлда юкломмайсиз, - дейди, - тўрт тўнна!..
 Беш-ўн минут ҳар бир мошина учун.
 Очарат - яна,
 Перерип яна...”
 Икковига тагин икки ўн қўқон.
 Қун пешин, қарағ,
 Қорин ҳам пўстак.
 Қуруқ нонга жикқамушт одам.
 “Бу ер сенга нонвойхонамас,
 Шашлик пулини ҳам қўшиб тўлайсан...”
 Берган нони юк бўлмас аччиқ ичакка.
 Нафсимга урдим.
 Гаплашиб тез юкчи кранни, борсам,
 Қулф осиеглик турар темир дарвоза.
 Бир жонзот ўтирар лигиллаб, жилмай.
 Билиб бўлмас - эркакми, хотин.
 Пул санар, туфлаб.
 Фарчиллатиб нон ер ошноқ ёғ билан.
 Уста бўлиб қолдим энди, денг.
 Ўнталикнинг қиррасини кўрсатдим секин.
 Юкланди кўмир.
 Чопиб, энди кассага борсам,
 Ёлик зангар ҳам.
 Қун оғиб борар...
 Кассир ичкарида ўтирар аммо.
 Пул санар у ҳам.
 “Ноумид қилмагин, барина қизим,
 Ол буни!...” дедим.
 Жигибийрон ҳалиги маржа:
 “Қачон паряткани ўрганар булар?
 Анграймасдан қўйдаи, узат бабайка!..
 Қош-қўзини бўяб анча вақт, кейин
 Қулиб боқиб ойнасига, лабини ялаб,
 Пулни олиб дарров, қўйиб берди қўл.
 Қун ҳам ботмоқда...
 Путёвкага чопдим сўнг
 Уни ҳам зўратган кўндирганимда:
 “Килограммини кўрсатсин менга,
 Торттирмабсиз, - дейди, - оборинг!”
 Ёлбордим ҳалиги қоп-қора гўрга.
 Торттириб қайтдик.
 Энди диспетчер,
 Коровул, вой-бў!..
 “Қўёлмайман, - дейди, - олтидан кейин”.
 “Беш сўм... отахон!..
 Суваракдай шунча кўп булар...
 Ниқоб кийиб олгандай атай,
 Таниб бўлмас тукқанингни ҳам, -
 Қоп-қора кўмир.
 Таниб қолдим кейинроқ лекин...
 Мен ҳам билиб, билмасга олдим.
 Дарвозадан чиқиб кетдик ҳам,
 Сир бермади у.
 Тилло йигит ўзи,
 Нақ бир қоп ёнғок.
 Мехмон бўлса уйимда қачон,
 Қулдириб, ичкани узарди, хумнар.
 Қудратингдан ўргилай эгам,
 Қоп-қора гўр одам ўша, денг,
 Хотинимнинг туғишкан акаси экан!
 - Вой, иймонсиз... ҳазил эмас бу!
 - Ит талаган гаюдан баггар,

Энди худойимга шуқур, деб турсам,
 Шопир ҳунар кўрсатса яна!
 Шарт ағдариб, жўнаб қолса, кимга дод дердим.
 “Қуним ўтди - дейди, - битга сиз билан.
 Тайёр қилиб аввал онкелинг эди.
 Ками, яна уч-тўрт юздан қолдим, - дер, - хуноб.
 Тагин элликта сўм қўшинг, йўғаса”
 “Хўп, - дедим, - мусулмон, сен ўзинг кўрдинг, -
 Ағдариб кўрсатдим чўнтагим унга, -
 Шилиб бўлди булар, оларсан...”
 Тушдик йўлга ҳам.
 Боряпмиз, аммо
 Кўмир ўгрисидай икковимиз тенг,
 Қалтираб, шапкали бировни кўрсак,
 Жовдираймиз, “бисмилло...” деб, бир-биримизга.
 Ўғри ҳам худо дер,
 Мол эгаси ҳам.
 Кошки, дейман эллик ёнимга қолса.
 Хужжатлар-қу жойида, бироқ
 Ҳеч гап эмас экан ишқал тонаман деса.
 “Авлиё бўпкет-ей!” дейман шопирга.
 Тўртта жойда тўсди ростдан ҳам!
 Қолса, ярми қолди унга ёки йўқ.
 “Эй, окам-ей... - дейди қуйиниб шопир, -
 Беш юз тўлаб минамиз бир машинага.
 Бузилса, тузатиш - ўз ёнимиздан.
 Ҳисоб-китоби бор яна ойда бир...”
 Туширмаёқ кўмирни, кириб уйга тез,
 Олиб чиқиб бердим эллик сўм: “Мана...
 Ол, бу сенга-она сугидан ҳалол!..
 Сиз айтасиз...
 Кўчала ётибди кўмирим ҳозир.
 Қани уни ташишга дармон!
 Икки нонни қўлтиклаб, чошдим...”

Токиравоқ том солмадим, йўқ,
 Жойлашиб олмадим мўмайроқ ишга,
 Ё мукофот обберган йўқ биров-бир ошнам;
 Қози бўлиб, биров каззобни
 Оқлаб юбормадим, иймоним ютиб,
 Ёки нафсим гапига кириб,
 Бировни ўқишга жойлаб қўймадим:
 Гўдақларим ризқидан уриб,
 Кўмир олдим, тўрт тўнна кўмир!
 Еб бўлмайди бу гўрни, палид,
 Кийиб ҳам бўлмас,
 Ётиб бўлмас, кириб ичига!
 Қорни тўқ, усти бут, саломат одам
 Исинади уч ой, ўлим бўлмаса.
 Сиз айтасизки...
 Наҳот дарвозасиз бу шаҳри азим?
 Сўрайдиган одам йўқми, а?!
 Суриштирсанг,
 Музлаб қолсан кишда,
 Гўдақларда пима гуноҳ?..
 Кимнинг тоби бор -
 Қиш-кировда сарсон-саргардон,
 Дори дармон қидириб чошишга, домла,
 Кўмир эмас дори, биларсиз...
 Ёттулик қилмасин худойим аоло,
 Битта ўрни... кўйинг, таширмай...
 Эгам у қушини ҳаром қилсину,
 Битта апарасса турмас уй-жойим.
 Беш юз сўмга тушиди тўрт тўнна кўмир.
 Олсин, майли, қанча истага!
 Сиз ўйлайсизки...



Норсафар ИМОМОВ

ЁРДАМ БЕР МЕНГА, ЭЙ, ЖУРЪАТ!

МАНСУРАЛАР

ИЗТИРОБ

Ҳеч туганмаслар менинг сенсиз кунларим. Вакт - оксокол қария. Тўхтаб қолган соат миллари.

Менга маҳтал кўзларингни унутмок истайман. Буткул унутмок. Лекин бунчалар оғир, бу сурат?! Тинмай титрайверар кулларим.

Кунларим утмай қолган сенсиз. Хотирага айланган вужуд. Юрак эса тошга. Қоядан узилган улкан бир тошга.

Унутмок истайман, буткул унутмок. Аммо, юрак сотқин. Сотқин нигоҳлар. Тинмай сотиб кўяр, сотаверали. Улар мениқимас, сеники фақат.

Ўзимни кўймоққа жой қилганиман, бироқ топмоқнинг иложи йўқ.

Рух ўлиб бўлган, вужуд бор, ҳолос.

Кунларим - Азоб, тунлар - Изтироб.

Шундай утаверар кўнларим, сенсиз.

ИСТИСНО

Занжирларинг бўшат, Имконият,

Куйиб юбор мени, Шароит.

Мен хувв анови ўқисиз

Йиғлаётган кизнинг

Бошини сўламоқчиман.

Тушунсангизчи, ахир, мен ҳам

унга кўшилиб йиғламоқчиман.

Қўлларимдан тутмагил,

Тутмагил, Уят.

Нега чўчиб тушлинг, Андиша?!

Ёрдам бер менга, эй, Журъат,

Ие, хой қаёққа, тўхта, Жамоа?!

...

Нега титрайисиз, кўлларим?!

ПУШАЙМОН

Кўшиқ айтгим келар, аммо айтолмайман.

Куй янграйверар қалбни титқилаб. Кўшиқ эса йўқ. Сен айтган кўшиқ. Сел бўлиб куйларинг-а, исён ҳақида.

Бугун менинг айтгим келар исён ҳақида, унга айланиб кетган сенинг ҳақингда. Энди сенда йўқ, кўшиқ ҳам. Пушаймон бор, аччиқ. Душманга айланган, сунгра ўзимга. Энди мени тинмай таъкиб этаётган Пушаймон.

Мен борман, ҳолос. Ҳам ўзим учун, ҳам сенинг учун яшаши шарт бўлган инсон.

Кўшиқ айтгим келар ҳайқириб, бироқ: "Қуйлаш мумкин эмас, сизга, - деганли табиғ, - йиғлаш эса бемало. Тугриси, кўз ёши тўқмок".

Кўшиқ исёнга айланиши мумкин. Кўз ёши эса йўқ. У шўртаём бир сув, ҳолос. Нарг борса оқиб тушиши мумкин лабларга. Аламдан қимтилган лабларга.

КНЁФА

Мухим масала ҳал қилинаётган давра. Мен ақлнинг башарасини кўриб қолдим, даъфатан. Ҳа башарасини. У ўз ўзи билан уялиб, торгиниб-қимтиниб турарди.

Ҳеч ким танимаслиги учун ўз тўнига - Андишага ўрналиб олган Ақл!

Бор журъатимни тўплаб улан нафрат-данмоқчи бўлдим.

Эплай олмадим.

Чунки уни таниб қолдим.

У менинг ўз ақлим эди.

МУСАВВИР ҲАҚИДА КЎШИҚ

У шундай яшайди, яшайверали. Ҳар қандай кўнғилсизликни, қулфат-у, қийинчиликни, бошига тушган ҳар қандай зарбани жимгина, маълум кутиб олади.

"Мен жаҳо олиш учун дунёга келганман!" - дейди у жимқилиб. Қулгандай бўлади, аммо кўзлари ҳеч қачон қулмайди.

- Нега?! - дейман ажабланиб.

- Ҳаётимда энг буюқ хиёнат қилганман?

- Кимга?!

- Кимга, ахир?! - сўрайман тоқатим тоқ бўлиб.

- Ўзимга, - дейди у кўнлагига мўйқаламини навабдаги суратларидан бирининг устида юрита туриб.

- Яъни?

- Чекинганман - қиска бўлади жавоб, мийиғида жимқилиш аро.

Ҳар гал келганимда у ўзининг суратлар бетартиб сочилиб ётган мана шу устахонасида бирор асари устида ишлаётган бўлади. Гуё унинг ҳузурига мендан бошқа ҳеч ким келиши мумкин эмаслек, угрилиб ҳам қўймайди. Гарчи унинг алмоғи-жалмоғи гапларидан ҳеч нарса тушунмасам-ла, зериккан пайтларимда нималир ҳаёлимни шу устахонага тортаверали. Албатта ҳар бир ташрифимда навабдаги асар тайёр турган бўлади. Мени суратлардан-ла кўпроқ уларнинг номланиши хайратга соларди: "Йиғлаётган момо суврати ёки Ватан", "Рух ва тан ёки Рух - Ватан".

- Қаердан? Қаёққа? - сўрайман унинг жим қолганидан қўриқиб.

- Ўбтиқол деган қалъалан, Узлат деган маконга, -

жавоб берали, у истехзоли жиламайиб.

- Қаерла у калта? - дейман гашланиб.

- Олисларла, - кўлини юраги устига кўяркан менга маъноли қарайди.

- Узлат-чи?

- Мана уша макон, - у кулларини ёйиб устахонасини кўрсатади.

Назаримла у мен билан суҳбатлашаркан, тезла зерикиб қолаётгандек туюлди. Шундай пайтларла мен унинг уз хаёлларига ганд бўлган чехрасини кўрмаслик учун у чизган, бироқ мендан бошқа бирор кимсга кўрсатмаган галати-галати суратларини томоша қила бошлайман.

Кейинги пайтларла кўни билан у чизган янги суратларга ном қилдириб юрадиган олат чиқардим. Мана бу суратга нима деб ном қўйсам бўларкан?

Унда тепаши очик айлана кўра тасвирланган, кўра ичи ғира-шира, бир бола нарвон қўйиб тепага - кўм-кўк осмон томонга интилар, коронфуликда кўра ичида на қўйилгани, на одамнинг ангилаш қийин бўлган бир тула гуж бўлиб турар, кўм-кўк осмонла бургут парвоз қилар, у худди болани парвозга чорлаётгандек, сал нарироқда, кўралан ташқарида оппоқ қийинган момо урчук йигирар, момо қайларгадир жуда олисларгайдек туюлар, лекин урчук хакикийдек, калава хозир юмалаб кеталгандек кўринар, олисларла - тоғлар бағрида қимлир қўй боқиб юрар, бола бир умр тинмай нарвонга тирмашаётгандек, у қайларгадир - жула олисларга кетмоқчилик кўринар, суратга тикилганинг сайин болага ёрдам бергинг келар, аммо иложинг йўқлигини сезиб юрак потирларди.

- Умрингда бирор кишини севганмисан? - сурайман уни суҳбатга тортиш ниятида.

- Ҳзимни.

- Худбин экансан-ку.

- Худбинлик ёвузлик билан баробар, - дейди у, - мен эса ёвуз эмасман.

- Бировдан нафратланасанми?

- Фақат узимдан, - дейди у чизишда лавом этаркан.

Лабаари аянчли қийшайди, кўзларида бир лаҳза кундан-кунга сўниб бораётган ўт чакнайди. "Умрингдан маъно қолдими?" - деб сўрашдан ўзимни тияман хар гал. Назаримла бу савол ҳамма нарсани узгартириб юборалгандек, уни бутунлай ало этадигандек туюлади.

У шундай яшайди, яшайверали.

ТАВБА

Булди. Тушунари. Мен энди худди сиз айтгандек яшайман.

Ниҳоят қор қилди, насихатингиз.

Гулларга салом бермайман ҳеч маҳал. "Улар тирик", - дея алламайман ҳеч қимни. Бонг урмайман, урага тириклайин ташланган мушук боласини қуриб.


Қўйлаб юбормайман тўсатдан. Хиргойи қилмайман жамоат жойда. Аския айтаман фақат.

Нега қудмаяисиз? Ғамгин эканми? Тегиб кетди, денг?!

Келинг, тилимни боғлаб ташлаймиз катта бир тошга. Йўқ, яхшиси анани тўнкага. У ишончлироқ.

Тош ёрилиб кетиши мумкин. Тўнқанинг эса илдизи

Норсафар ИМОМОВ - 1966 йилда туғилган, 1984-86 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган, 1990 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг роман-герман филологияси факультетини тугатган. Ҳикоя ва мансуралари, немис тилидан қилган таржималари, газета ва журналларда эълон қилинган. Ҳозирги пайтда ИИВ Академиясида ишламоқда.



маҳкам.

Сизга тушунарсиз расмлар чизмасман, минбаъд. Қаламимни бўлақлаб чунтакка яшираман.

Юракни нима қилдик? Уни сиз олинг. Менла кўялган жой қолмади ҳисоб. Чунтагингизга солинг. Потирлаб безовта қилса, аёвсиз эзинг.

Ўйлаб посаман хар бир қаламим. Саккиз бор улчайман қилар ишимни.

Энди топган тутганимни уйга ташийман. Хонамга тикмаман ҳаммасини. Сунг устига чиқиб узок ухлайман.

Кейин сиз айтган "Тирикчилик деган уммон"га қалла ташлайман.

...

Кечирасиз, алахсиралим, шекилли. Ахир мен сузини билмайман-ку?!

ҲОЛАТ

У чизмоқчи бўлиб, чизиш учун утирди. Ниҳоят узок танаффусдан сўнг қўлга қалам олди.

Турди. Чекди. Қайта утирди. Ич-ичдан нималир тошиб келаверди.

Аммо қоғоз, оппоқ эли хали.

Куллар қалтиралади, лаблар қимтилади, пешона асабий тиришди.

Ўқинди. Кўзлари ёшланди.

Энди ҳеч қачон, нагаригилек чиза олмаслигини, чизмаслигини ангилади. Хўрсинди. "Тўнкадан нима фарқим қолди?", - деди пичирлаб.

Хотини узича уни жиннига чиқарган, дўстлари устидан қулишар, расмлардан сўз очса, танишлари масхараомуз бош чайкашарди.

Шундагина у ғариблигини, бир пайтлар шуларни дея қўп нарсалан воз кечганлигини, тирикчилик, қорин ғамила юрган одамлар орасида бир умр ёлғиз бўлиб келганлигини тушунди.

Кетгиси, қайларгадир, олис-олисларга, ўзи ҳам қаергадигини билмайдиган жойларга бош олиб кетгиси келди. Бироқ гунингда иложи йўқлигини, анъана-матсулият имкон бермаслигини ҳис қилди.

У қайта утирди.

САВОЛ-ЖАВОБ

- Қани, шогирдим,

- Нимага ухшайди ер шари, айт-чи?

- Футбол тушига.

- Ие, унда одамлар қим?

- Энди, муаллим, хар хил-ла хар қим.

- Хуш, мен қимман, қим?!

- Сиз уйинни тугатсангиз, устига устак енгилди.

- Унда атрофлагила-а-а-ар.

- Улар томошабинлар!

- Сен қимсан, ахир?!

- Ҳозирча захираламан, энди тушмоқчиман майдонга.

Ана шунда ғалала.

- Хуш, хуш..?

- Яна билмадим, тўп юмалоқда, хозирча.

Ҳозирча фақат шу билганим, муаллим.

Салима УМАРОВА

ЮРАКНИНГ РАНГЛАРИ

ИҚРОР

Мен соғиниб кутган,
Мен сиғиниб кутган,
Кўнглимни бир даста
Гулдайин тутган.
Хаёт нахот - Сен?

Талпиниб излаган,
Ортдан ҳам сизлаган.
Муборак каломдек
Орзиқиб сўзлаган -
Хаёт нахот - Сен?

Рухсизу ранги йўк,
Бир ёруғ тонги йўк.
На дўст, на ёр ичра,
Бир содиқ жонки йўк -
Кўрдим юзингни.

Бардошга айландим,
Саботга бойландим.
Сен ранглиғ тақдирнинг
Хукмига шайландим -
Ютдим "ўзим" ни!

Мен соғиниб кутган,
Мен сиғиниб кутган...
Хаёт нахот - Сен?!



АКАМ КЕЛИН ТУШИРГАН ОҚШОМ

Қувончларга кўноқ бўлмадим,
Тўйхонада тўлиб-қулмадим.
Кайғу тиғидан-да ўлмадим,
Акам келин туширган оқшом.

Бир кўнглим тўйга бор, деди.
Бири "борма, номус-ор", деди.
"Болаиғ руҳи қакшар зор", деди.
Акам келин туширган оқшом.

Жигар бир ён, ғам бир ён бўлди,
Қай бирин деб юрак қон бўлди.
Кўз ёшларим минг жаҳон бўлди,
Акам келин туширган оқшом.

Бировдан камману бировдан зиёд,
Яшайман сиртда, дилда-чи фарёд.

Қуларимга чўкиб, тушларим ютиб,
Бир қайғу яшайди рух-жоним титиб.

Тонглар кўз очаман, кўйнимда у бор,
Ҳатто уйқуда ҳам ажрамоқ душвор.
Йўлларимга ҳамроҳ, кўнглимга ҳамроҳ,
Қулсам кўзларимдан интраб учар оҳ!

Ки ҳаёт саҳнида ҳар кун шу ҳолим,
Кечар бардош рангда ишу амолим.
Фақат "ўлим" дея сўз очманг яна,
Кетар бардошлару дунёлар ёниб.

* * *

Уйда гул, деворда, шида гул,
Қоғоздан, елимдан, матодан.
Вале, бу лаҳзада баҳор тул,
Ёлғонлар яралган хатодан -
Юракка дард инар, доғ инар,
Ифорий гулларни соғинар.

Оқ илон ўртада субҳидам,
Бир танки қўштўшак ўпади.
Вафонинг дили хун, кўзи нам,
Жонидан хиёнат ўтади.
Юракка дард инар, доғ инар,
Тутмакка гулларни соғинар.

Арзонга сотгучи "дўст"лардан,
На жон, бу дал-дунё қуяди.
Панадан отгучи "дўст"лардан
На хона, кенг шаҳар қуяди -
Юракка дард инар, доғ инар,
Кетмакка чўлларни соғинар.

* * *

Қулар ўтаверар сениз сарғайиб,
Тун азоб рангига жонини чайиб,
Тонг отар андуҳдан юрагим майиб,
Болам, қисматингда алашим қолди.

Дилдош дўстим бўлиб, диллашган болам,
Кўксингда яшарди порлоқ бир олам,
Бугун бари битди, ўрнида бир Ғам:
Болам, қисматингда Олашим қолди.

Энди менга гуноҳ-савоблар ҳечдир,
Дунё дардларидан бу кўнгил кечдир,
Сенсизлик жонимни синқориб ичди,
Фақат қўлда бўзлаб қаламим қолди.

Кўпчилик дилчимизда умид чирогини ёққан, покизалик ифोरини келтирган, чин инсонлик ҳисларини уйғотган опа-сингилларимиз ҳақида ҳақ гапни айтишдан-да андиша қиламиз. Барибир уларнинг амали ва ишжоятини эл билади. Фаршита каби кўради.

Қармана туманида туғилиб ўсган шоира ва публицист Салима УМАРОВАнинг уқтам сўзи, ёниқ шахси, мардона қисмати саҳродаги Гул янглиғ кўнглимни кўтаради. Чунки саҳродаги гулда имконсиз бир шароитда Ҳаёт асари беихтиёр кишини янаш ўчун қурашга ундайдди. Салима УМАРОВАнинг "Дил дафтари", "Юракнинг ранглари" шеърый, насрий китобларини ўқиганлар, уни яқиндан билганлар буни ҳис қилмаган бўлиши мумкин эмас.

Мана озод юртимизда айёлларимизга сохта муносабатда бўлишдан, дилда бошқача ўйлаб, тилда бошқача сўзлашдан тийилиб, Ҳақ буюрганчи қадрлигини ўрганаёلمиз. Айёлларимизга ўрнак бўладиган табаррук оналаримиз, оналаримизни излаб, улар ақли ва кўнгли билан ҳам эртаимиз гўзал ва пок бўлишини орзу қилаёلمиз. Улуғ шоира, халқимизнинг фахри, садоқат ва вафо рамзига айланган Зулфия номида Давлат мукофоти таъсис этилгани ҳам мамлакат миқёсида бунга ажиб бир далилдир. Менимча, бу мукофот ўз тақдир билан шоирамизнинг мунис ҳаётини, садоқати ва меҳри, тоза сўзини эсга солидиган сингилларимизга берилиши керак. Шунда биз ҳавас қилган, ишонган, муслима, жасура, маъсума миллатдошларимиз сафи тўкие бўлади.

Вафо ФАЙЗУЛЛО

Муртазо ТУРСУНОВ



«ШАЙТОН»

ЧОЛ



(Бади)

Бизнинг Аҳмад бобо саксондан ошган бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимайдиганлардан. Шўхлиги туфайли у кишини ёшлигида "Шайтон" деб чақиритган, энди эса, соқол ҳурмати бўлса керак, мулойимроқ тарзда "Шайтон бобо" дейдилар.

Бободан энг сўнгги барча янгиликларни билиб олса бўлади, зеро у киши эрта тонгда маҳалламизни, қолаверса, эски шаҳарни бир айланиб чиқадилар.

Ҳар қанақа давранинг гулига айланиб олиш бобо учун чўт эмас. "Шайтон бобо" бирор сабаб билан чойхонага чиқмай қолса, ўша куни ўзимизни бир нарсамизни йўқотгандай ҳис этамиз.

Аҳмад бобога "Шайтон" лақаби шунақанги ёпишиб қолганки, яқинлари у ёқда турсин, ҳатто баъзан ўзи ҳам исмини унутиб қўяди чоғи. Уттан йили бир бола ёнимга келиб бобоси қаердалигини сўради.

- Бобонг ким, сен кимнинг невараси бўласан? - деганимда, бола тутилиб қолди-да:

- "Шайтон бобо" нинг неварасиман, ҳозиргина сиз билан сўрашиб турган эдилар-ку, - деб қолди.

Бу ҳам майли, бир сафар уйларига борганимда супада икки аёл ўтирган экан.

- Аҳмад бобо уйдаларми? - деб сўраганимда, иккови ҳам елка қисиб, ҳайрон бўлишди.

- "Шайтон бобо" ҳақида сўрапман, - деганимда улардан бири "ҳозир чақираман" дея ичкарига кириб кетди.

Кейин билсам аёл бобонинг хотини экан. Шунинг учун ҳам "Шайтон бобо" сўзини ишлатганимга таажжубланманг.

Аҳмад бобо урушда ҳам бўлган, аммо буни эслашни ёқтирмайди.

- Бобо, урушда ҳам шайтонлик қилган бўлсангиз керак, шу ҳақда бир-икки оғиз сўзлаб беринг, - деб жон-ҳолига қўямасам, ноилож тилга киради:

- Урушни душманларингга ҳам тиламанглар. Уруш бировни ўддириш, қаҳрамонлик эмас. Урушда голиб томон бўлмайди. Барча жабр тортади. Мен 1941 йилнинг августидан 1943 йилнинг сентябригача жанг қилдим. Бошида ҳар 2-3 кишига битта милтиқ беришарди. Ундан ҳам яхшигина фойдалана олмасдик, ҳар бир ҳужум олдидан немислар биз турган жойларни ҳам тушлардан, ҳам самолётлардан бомбардимон қилар эди. Ҳақи ҳужум бошланмасданок дўстларимнинг учдан икки қисми нобуд бўларди. Улганлар ўрнига бошқалар келиб қўшиларди. Урушни фақат жангчилар сони ҳисобидан юдик десам муболаға бўлмас. Мен билан бирга борган йигитлардан фақат икки нафари қайтди.

Яхшиси, сизларга уруш билан боғлиқ бир ҳодиса ҳақида сўзлаб берай. Бу жуда қизиқ, Бирорталарингга асқотиши мумкин.

Маҳалламиздаги Самандар муаллимини ҳаммангиз яхши биласиз.

Мен беихтиёр бош ирғаб кулимсирадим. Чунки муаллим ҳамма вақт биров устидан шикоят ёзиб юрадиган одамлардан эди.

- Шу десангиз, Самандар дастидан азият чекмаган киши маҳалламизда бўлмаса керак. Охир-оқибат менинг устимдан ҳам ёзибди, бачағар. Нима эмиш, мен урушга бормаган эканман. Менинг укам урушда қатнашган, мен эса унинг ҳужжатларини ўз номимга расмийлаштирган эканман. Военкоматдан икки киши, унинг аризасини олиб, уйимга кириб келишганида ҳайратдан ёқа ушлаб қолибман. Улар барча ҳужжатларимни обдон текширдилар, айниқса ҳарбий дала госпиталидан берилган маълумотномага алоҳида эътибор беришди.



Ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишгач улардан бири менга қараб: "Бундай ҳужжатни қалбакилаштиришнинг иложи йўқ. Дала госпитали бутун бу шаҳарда бўлса, эртага бошқасида. У ердан маълумотномани фақат ўша жойда ётган киши олиши мумкин. Энди эса муаллим устингиздан тухмат қилгани учун шу ҳужжат билан уни судга беришингиз мумкин?" - деди. Аммо мен бундай қилмадим. Уни худого топширдим. Ҳар бир тўйма-матракадан муаллимга ош олиб юбордим, ўзим обориб бердим. Охири бечора тоза йиғлаб кўнглини бўшатди. "Мен сизга ёмонлик қилсам ҳам, сиздан фақат яхшилик кўрдим. Энди мен бу маҳаллада яшайолмайман", деб кўчиб кетди.

- "Душманингни шакар билан ўлдири", деган мақолга амал қилибсиз-да, "Шайтон бобо"?

- Йўқ, болам, мен яхшилик қилиб, уни тарбияладим. Шайтон бўлсам, қўштирноқ ичидаги шайтонман. Одамларни тўғри йўлга соладиганларданман.

Ҳа, бобога гап йўқ. Агарда у киши саводли бўлганида, бемалол қағза идораларни бошқариши мумкин эди.

"Шайтон бобо"нинг қизиқ одатлари бор-да. Мисол учун ўзига маъқул бўлмаган инсон билан масалани иложи борида тезроқ узил-кесил бир ёқлик қилиб қўя қоладилар. Бошларини қимирлатиб "ҳа" ёки "йўқ"дан нарига ўтмайди. Кўп гапирадиган, мақтанчоқларни умуман ёқтирмайди.

Бобо илгари милиция бошлиғи бўлиб ишлаган Сағтор амаки билан салом-алик қиласола шошиб туриб кетаверарди. Кўярда-қўймай бободан бунинг сабабини сўрадим:

- Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Бу одам авваллари даврамизда ўтиришга ор қилар эди. Энди эса ҳеч кимга гап бермасдан ўзини мақтагани мақтаган. Унинг қимлигини билмасак, бошқа гап эди. Вақтида эгалаган вафизасидан фойдаланиб кўп номаъқулчилик қилган. Энди мақтанишига бало борми? Мансабда бўлган кишилар халқ орасида юриши керак. Чойхонада, тўй-матракаларда ўзини қандай тутиш кераклигини ўрганиши шарт. Шундагина нафақага чиққанида ҳам бемалол одамлар билан бирга ўтироладиган бўлади. Ҳозир мен Сағтор мислини бир оғиз сўз билан жойига миҳлаб қўйишим мумкин. Аммо ёши ўтган одамнинг кўнглини ранжитим келмайди. Шунинг учун ундан қочаман-қутуламан.

Маҳалламиз кўчасида йил-ўн икки ой сув тўпланиб қоларди. Бир неча йил олдин ариқ қазилиб, 40-50 метрига қувур ҳам ётқизилди. Аммо қувур сув сатҳидан баландроқда жойлашганили боис уни қайтадан ётқириш ёки ариқ сатҳини кўтариш керак бўлиб қолди. Шу атрофда яшовчиларнинг бормаган жойлари, ёзмаган идоралари қолмади. Охири "Шайтон бобо" бу ишга аралашди. Орадан бир ҳафта ўтмасдан оқ мухассислар келиб ишни бошлаб юбордилар. Бобо уларга бош-қош бўлиб турди.

Кейинроқ Аҳмад бободан бу масалани эринмай сўраб-суриштирдим.

- Ҳар бир раҳбарга ўзига яраша муомила қилиш керак. Ҳокимнинг ўринбосарига учрашдим. Отаси шогирдим бўлганлиги туфайли ёшлигидан танийман. Отасига тортмаган, тоғалари каби мансабни, пулни яхши кўради. Шу бобо тўғридан-тўғри хужумга ўтдим: "Сен илгари райкрокумда ишлар эдинг, энди эса ҳокимиятда. Ҳамон шу хонани эгалаб ўтирибсан, ўша иш столинг. Машинани янгилабсан, ҳайдовчинг ҳам эски одам. Сайлов олтидан кўп ваъдалар берган эдинг. Бирортасини бажармадинг. Агар шу ишни тезда ҳал қилиб бермасанг, бу сафар хонанга маҳалла вакиллари билан келаман. Шунда ҳам ҳал бўлмаса, ўзингни маҳаллага қақиртириб, халқ олдида ҳисобот беришга мажбур қиламан. Ушанда ҳолинг нима кечилишини тасаввур қилаялсанми? Отанг оддий одам бўлса ҳам ўздан кейин яхши ном қолдирди. Унинг ҳурмати сен билан ёлғиз гапираялман. Яхши одамдан кейин из қолади. Ўз пулларига масжид, кўприк, ҳаммом

қурдирганлар оз эмас. Сен ҳеч бўлмаса бўйнингдаги вазифани бажарсанг ҳам қағза гап. Сенга бошқа айтадиган сўзим йўқ", деб чиқиб кетдим.

Аҳмад бобо маслаҳатларига амал қилганлар кам бўлмаган. Аминжон деган йигит яшарди маҳалламизда. Охири вақтларда кўп ичадиган бўлиб қолди. Улфатлари эса унинг сахийлигидан фойдаланишарди, ахир бировнинг ҳисобидан ичиш кимга ёқмайди дейсиз! Аминжоннинг тунд аҳволда юрганини кўрган бобо бир куни уни олдига чақириб деди:

- Ўғлим, хафа кўринасан, оилангидеги аҳвол ҳам чапоққа ўхшайди. Сенга маслаҳат бермоқчиман. Бутундан бошлаб ичишни, жўрабозликни йигиштириб қўй-да, бозорга туш, гуруч, қўй гўшти, майда-чуйда харид қил. Хотининг яхши кўрган нарсалардан ол. Уйга бориб аввало совгани бер-да, сўнг ош бутор. Бир ҳафта чойхонага чиқма. Вақтида уйга қайт. Келаси ҳафта шу куни чойхонада учрашамиз. Нағижасини ўшанда айтасан. Ҳа, айтгандай, пулинг бўлмаса, қарз беришим мумкин.

Келаси ҳафта Аминжон чойхонага бардам кириб келишидан оқ оилада тинчлик барқарор бўлганини тушуниш мумкин эди.

- Бобо, сиз Шайтон эмас, фаришга экансиз. Айтсам ишонмайсиз. Хотиним атрофимда парвона, ховли-уйлар тоза-озода. Кўрпачалар солинган. Утирган заҳотим орқамга пар ёстиқ қўяди. Болаларимнинг ҳам юзларида табассум. Келиннинг билан ёлғиз қолсам, дарров белимни ё оёғимни уқалайди. Раҳмат сизга, кўзим энди очилди.

Бир куни "Шайтон бобо" кўшни маҳалладаги Зокир акага "Ҳа, Қори Ишқамба, ҳалиям тирикмисан", дея ҳазиллашганининг туюғи бўлдим. Дарҳол бунинг сабабини сўрадим.

- Бу Зокир ўлгурнинг нафси ёмон, ебтўймас. Илгари қанча берсанг ҳам бўлди демасдан еяверарди. Тўй-маросимлар дастурхонида ҳеч вақо қолдирмасди. Ҳатто косада ароқ, пиво, вино, помидор сувларини аралаштириб ичаверарди. "Ажалингдан олдин ёрилиб ўласан" - десам, "Ёмон одамни бало ҳам урмайди", деб ўзини оқларди. Бир марта тўйда ошнинг гўштини майдалашини буорганимизда, бирини товоққа қўйиб, бошқасини озига солаверган, кечкурун эса бўкиб ўлишига сал қолган. "Тез ёрдам"ни чақиритиб муолажа қилишгандан кейингина сал нафсини тиядиган бўлди.

Бир вақтлар Зокир мактабда меҳнатдан дарс берган. Пахта терими мавсуми. Тушлик пайти макарон шўрва беришган. Зокир ўқитувчилардан олдин келиб, бир лаган овқатта нонни майдалаб тўғраб ейди. Бошқа ўқитувчилар даладан чиқишганда, у қорнини ишқалаб пахта устида ётган. Шунда муаллима Зарипованинг эри бир лаган ош олиб келади. Ошнинг устида яримта товуқ ҳам бор экан. Зокир ошни кўриб паш-пашлаб келади-да, товуқни майдалаб ош устига қўяди. Сўнг товуқнинг гўшига қўшиб ошни паққос туширади. Кейин қўлини артиб, даврани айланиб келади-да, сумкадан товуқнинг иккинчи ярмини топади. Ундан: "Муаллим, товуқнинг бу ердалигини қандай қилиб қолдингиз?", деб сўрашганида, "ҳидидан, жигар, ҳидидан", - деб жавоб берган экан. Шунда бир домла: "Бурнингизнинг ҳид сезиши кучутиминикидан ҳам зўр экан, Қори Ишқамба", деган экан хайратланиб.

Айтганимиздай, бобо эрта шаҳарда маҳаллани айланиб, қизиқарли маълумотларни йиғади. Ҳамма нарсдан хабардор. Баъзи бировлар бирор иш қилишдан олдин, албатта бобо билан маслаҳат қилишга ўрганиб қолишган. Жумладан, мен ҳам. Укам бу йил олий ўқув юртини битиради. У прокурор бўлишни орзу қилади. Менга қолса, ҳуқуқ бўйича диссертация ёқлаб, профессор бўлсин. Шу сабабли укам билан келишиб, Аҳмад бобо фикрларини билиш учун унинг ёнига бордик. У киши гапларимизни диққат билан эшитди.



- Инсон ўзи билан фақат икки нарсани олиб кетиши мумкин. Бири иймон бўлса, иккинчиси илим. Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда илмнинг биринчи ўринга қўйилиши буни тасдиқлайди. Сизларга бир ривоятни айтиб бераман, хулосасини ўзларингиз чиқаринг. Бир куни шаҳар қозиси олдига икки киши арз билан келади. Улардан бири: "Бу киши мендан бир йилга қарз олган эди. Икки йил бўлган бўлса ҳам бермаяпти", деб шикоят қилади. Шунда иккинчи киши: "Мен олган қарзимни вақтида қайтарганман", дейди. Қози улардан қарз бериш ва қайтариш вақтида гувоҳлари бўлган ёки бўлмаганини сўрайди. "Йўқ", жавобини олач, ўйаниб қолади. Шунда арзчи: "Қози бобо, мен ҳозир айтадиган гапларимни олдингизда қайтарсам, қарзимдан воз кечаман: "Агар олган қарзларимни қайтариб бермаган бўлсам, менинг гўрим қози гўридай бўлсин", - деса бас. Иккинчи киши эса: "Қози бобо, мени шайтон йўлдан урди, шу бутуноқ олган қарзимни қайтариб бераман", деб чиқиб кетади. Қози бу гапларнинг маънисини сўраганида, у киши шундай дейди: "Қози бобо, мени авф эпинг. Гапнинг мудоаси шуки, бизлар икковимиз ҳам гўрков. Мен ўз кўларим билан уч қозини гўрга қўйганман. Ҳали лаҳат оғзини ёпмасимдан, илону кумурсқалар қози бошини ея бошлашининг гувоҳи бўлганман..." Бу гапларни эшитган қози калон салласини бошидан олиб, қозихонани бир умрга тарк этган экан.

Шунинг учун, ўлим, аканг айтганидай иш тутиб, илм билан шугуллан. Терговчи, суд, прокурор инсон тақдирини ҳал қилишда ҳақога йўл қўйса, қапта гуноҳга ботади. Илмга иштиёқинг бўлмаса, адвокатлик қилишинг мумкин. Ундан ҳам яхшиси шахсий нотариал идорасида ишла, ҳокимлардан бошлаб оддий одамларгача, ҳамманинг ҳолатини чиқарасан. Одамларнинг ўзлари, розилиги билан, айтганидан ҳам кўпроқ беришади. Фақат уларнинг ишини тез, пайсалга солмасдан бажариб берсанг кифоя.

Бобонинг гаплари укамга қаттиқ таъсир қилгани сезилиб турар эди. У ўрнидан туриб, "Бобожон, айтганингиздек бўлади" деди.

Аҳмад бобо ҳар қандай маъракада бош-қош. Тўй қиладиган киши, албатта маҳалма оқсоқолидан олдин бобо билан учрашади, у кишининг фикрларини олади. Бобо барчанинг қанча қариндоши ва ёру дўстлари борлигини ҳисобга олиб, шунга яраша қанча ош дамлаш керак ва бошқа маслаҳатларини беради.

Бир тўйдан чиқиб чойхонага кирдик.

- Равшанбек яхши тўй берди, - деди бобо. - Фақат овқатни бир хил қилса ҳам бўларди. Столардаги минерал сувлар ва яхна ичимликларга эҳтиёж йўқ эди. Улар фақат дастурхон беағи учунгина қўйилади. Умуман олганда, охириги пайтлари булар модага айланиб бораёпти. Тўй ароқсиз қандай яхши ўтса, бу ичимликларсиз ҳам ўтиши мумкин. Маъракада асосан уч нарсага аҳамият берилади. Булар ош, нон ва чой. Ошни қўй гўшти, думба ёғи ва бозорнинг олди бўлган гуручдан дамласа, бошқа овқатга ҳожат қолмайди. Нонсиз овқат егандай бўлмайди киши. Ичимликлар чой ўрнини босолмайди. Тўйда камдан-кам киши минерал сув ичади. Равшанбек ўша нарсалар учун қанчадан-қанча пул сарфлаган. У бу пулларни болаларига едирса, уларни яхшигина кийдирса маъқул эмасми? Бу нарсалар арзон бўлса ҳам майли, нархлари осмонда. Шу пулларга болаларига табиий нарсалар олиб бериш маъқул эмасми? Худога шукр, бизда ҳамма нарса бор, яъни асал, ёнғоқ, майиз, тут шиннисини ва бошқалар. Тўйнинг ўзи бўлмайди. Унга қанчадан-қанча пул сарфланади. Бир умр йиққанини бир-икки кунда совуриш шартмикан?

Ҳали шунақанги замонлар келади-ки, ҳар биримизнинг ўз маошимизга нафақат кундалик эҳтиёж маҳсулотларини харид қилишга, балки иморат кўтаришга, янги машина сотиб олишга ҳам қурбимиз етади. Ушанда

тўй қилувчилар ўйлаб сарф қилишар? Негаки, ўша даврда пора берувчилар, мансабдан фойдаланувчилар камайиб қолади. Тер тўкиб тошган пул қадрли бўлади. Фақат Аллоҳдан ўша кунларга тезроқ етказишни тилаб қоламиз.

Бобо фотиҳага қўл оқдилар...

"Шайтон бобо" ақсар ҳолларда бир қарашда одамнинг кўнглида нима кечаётганини сеза олади. Бир куни чойхонага Содиқжон дўстим билан бирга кириб бордик. Бобо биз томонга бир назар ташлади-да, дарров дўстимга мурожаат қилди:

- Қани, Содиқжон, нима гап? Сенинг тинчлигингни бузаётган нарса ҳақида гапириб бер-чи. Бир нарсангни йўқотган кишидай юрибсан.

Мен Содиқжонни Аҳмад бобога нисбатан кўп кўрсам-да, аммо унинг тинчи бузилганини пайқамабман. Содиқжон бобо билан кўришиб ўтирди-да, гапни бошлади:

- Мен бир дўконни бошлиқ буйруғи асосида текширдим. Дўкон шахримизнинг марказида жойлашган. Шеритим харид қилинган маҳсулотларнинг нархларини ҳисоблаш билан овора, мен эса ҳужжатларни кўздан кечираётган эдим. Одатдаги текшириш, индамас сотувчилар норозиликларини сездирмасликка ҳаракат қилмоқчи бўлардилар. Бу ҳол "хўжайин" - яъни дўкон мудури келгунга қадар давом этди. Мудир сотувчилар билан алоҳида суҳбат қилиб, текшириш сабабини билиб олди. Сотувчилар ҳам бир-бирлари билан ниманидир муҳокама қилиб, шивирлашар ва ҳар замонда биз томон қараб-қараб қўярдилар. Ниҳоят "хўжайин" яқинлашиб, худди бизларни олдиндан танигандай муомала қилиб кетди: "Менинг исмиим Ҳабиб. Огоҳдантормасдан келибсизлар. Олдиндан билганимизда бошқача кутиб олар эдик. Наҳотки эски қадрдонлар шундай иш тутишса... Ахир, бизлар солиқ инспекцияси билан яхши муомалада эдик". Кейин паст овозда ишни тўғриласак, бизни хурсанд қилишини айтди.

Барча камчиликларни қайд этиб, солиқ инспекциясига қайтдик. Қизиги шундан кейин бошланди. Ҳужжатлар туман ички ишлар бўлимига юборилди. Аммо мен ўша куни у ерга боролмадим. Бошлиқ ўринбосари кечгача ушлаб қолди. Билмадим, у айнан шу мақсадда мени ушлаб қолдими ёки... Эртасига билсам шеритим ва икки холис гувоҳлар олдин берган маълумотларни тасдиқлашган экан. Аммо уларнинг жавобини бериб, Шермат исми харидорни ушлаб қолишади. Унинг қўлларига темир кишан кийгизиб, аввалига дўқ-пўписа қилишган, кейин эса тепкилаб, олдин берган ёзма равишдаги кўрсатмасини ўзгартиришга мажбур этишган. Нима эмиш? Сотувчи харидорга назорат-касса машинасида чек уриб берган, тегишли ҳужжатларсиз маҳсулотлар дўконда сотилмаган, савдо қонуний олиб борилган ва энг муҳими, дўкон мудури касал бўлиб, умуман ишга чиқмаган экан.

Эртаси куни эрталаб Шермат бу ҳақда айтиб берганида, биринчи навбатда судмедэкспертизага мурожаат қилиб, қўлларидан кишан излари борлиги ва баданининг кўкарганини расман қайд этдик. Шаҳар прокуратурасига мурожаат қилиб, Шерматга нисбатан куч ишлатилганлиги, унинг қўрқув остида кўрсатмаларини ўзгартиришга мажбур бўлганини айтдик. Терговчига нисбатан жиноий иш қўзғатилади. Аммо икки-уч ой ўтар-ўтмас бу иш ёпилди. Сабаби: холис гувоҳлар ва Шерматнинг кўрсатмалари пойма-пой бўлиб чиққани. Дўкон мудури касал эканлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам пайдо бўлиб қолди. Вақт ўтса-да, терговчи Муқимов ҳатто шу даврда ишдан четлаштирилмади. Унга нисбатан иш қўзғатилганига қарамасдан, у кўтарилди. Мана сизга ҳақиқат.

Бобожон, мени қийнаб қўйган нарса шу. Нима қилишни билмай қолдим. Бу ишларга кўзимни ёполмайман. Ўз ишимни қилаверайми? Ёки улар билан

курашишни давом эттирайми?

Шу чоққача Шерматнинг ҳикоясини диққат билан эшитган бобо чуқур хўрсиниб:

- Ўғлим, ҳозирча сен бу воқеани ёдингдан чиқар. Бу ёгини менга қўйиб бер. Худо хоҳласа бир-икки кунда сенга нима қилиш кераклигини айтаман, - дея уни тинчлангирди.

Учинчи куни эрталаб бобо Содиқжонга дўкон мудирини Ҳабибнинг ички ишлар бўлими бошлиғи ва прокурор ёрдамчисининг яқин қариндоши эканлигини айтиб қолди.

- Улар сенга қарши иш олиб бораётган экан. Эҳтиёт бўлишинг керак. Бугун бирга вилоят прокурори хузурига борамиз. Соат ўнда бизларни кутади. Ҳозироқ барча ҳужжатларни тахлаб олдимга келасан. Мен шу ерда кутаман.

Соат ўнда бобо, мен ва Содиқжон вилоят прокурори хонасида эдик. Прокурор вилоятда янги одам эканига қарамай, бизларни, айниқса "Шайтон бобо"ни жуда самимий кутиб олди. Барча ҳужжатларни обдон текширгач:

- Содиқжон, бориб бемалол юмушларингизни қилаверинг. Бу иш менинг шахсий назоратимда бўлади. Ҳали сизлар билан учрашамиз. Айниқса, бобо билан гурунглашамиз, дебумид қиламан, - дея у бизларни эшиккача кузатиб қўйди.

Кўп ўтмасдан терговчи Муқимов, дўкон мудирини Ҳабиб ва ҳатто сохта касалик варақасини ёзиб берган поликлиника врачини устидан жиноий иш қўзғатилди. Прокурор ёрдамчиси ва туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи эса ўз вазифаларидан бўшатилади. Шу билан ишга нуқта қўйса бўларди. Аммо Содиқжон ҳали ҳам тинч эмас. Кўпинча шу ишни ташлаб, илгари меҳнат қилган савдо коллежига ўқитувчиликка қайтишни ҳам истаб қолади. Чунки жазоларини олганларнинг кўплаб дўсту биродарлари борки, улар қўлларини қаерга узатсалар бемалол етади...

Энди Содиқжон ҳар бир текширишдан олдин савдо нуқтаси кимга қарашли ва улар эгаларининг орқасида кимлар туриши билан қизиқади. Бу қўшимча иш, аммо бошқа иложи ҳам йўқ-да. У шу ишда қолиши ва бемалол ишлаши учун, бир дўсти маслаҳат берганидай, "бурнини ҳар бир тешикка тикмаса" бас. Камчиликларга кўз юмиб, берганларини олса, кам демаса, нафақагача тинч ишласа бўлади. Аммо охир-оқибат (бобонинг маслаҳати билан) Содиқжон солиқ инспекциясидан кетишга қарор қилди.

Бирор ҳодиса ёки воқеанинг тагига етолмасдан баъзан жуда хуноб бўласиз. Аммо бу ҳақда бободан сўрасангиз, у киши оддийгина қилиб тушунтириб беради. Аҳмад бобонинг зукколигига тан берасиз, чунки бу масаланинг бошқа ечими йўқ-да.

Машинада кетаётиб светофорнинг қизил чироғида тўхтадим, радиодан таралаётган кўшиққа маҳлиё бўлганча, бир зумга хаёл суриб қолибман. Шу пайт машина ёнида алақадан пайдо бўлган кишининг: "Оғайни, "юзта"га қарз бериб тур", - деган сўзлари хаёлимни бўлди. Тиламчига яхшироқ қараб, дўстим Шухратжонни таниб қолдим. Унинг уст-боши кир, кийимлари йиртилган, кўзлари қизариб кетган, юзи кўкарган эди. Уни бир амаллаб машинага миндириб олдим-да, уйи томон ҳайдадим.

- Урсанг ҳам, сўксанг ҳам майли, фақат ичкиликка берсанг бўлгани, - деди у йўлда кетарканмиз.

- Ўзингни, болаларингни ўйламасанг ҳам, ота-онанг ҳақида қайгурсанг бўлмайдами? - дедим уни койиб.

- Отам даврини суриб бўлган, сен нега менга ачинмайсан? Ичмасам ўламан. Юз грамм топиб берсангчи, - деганча у машинадан тушиб кетди.

Эртаси куни ишхонада ўтирарканман, Шухрат бутун хаёлимни чулғаб олди. Наҳотки, одам шу даражага тушиб қолса, деган савол тинчлик бермасди. Ахир бу йилнинг ҳеч қандай камчилиги йўқ эди-ку! Олий маълумотли, яхшигина ҳунар эгаси бўлса! На отаси ҳурматини билади, на онасига қарайди, олдида эса бир гала боласи бор. Ароқ уни шу куйга солди, топган-тутганини шунга сарфлайди. Ҳаттоки уйдан нарсаларини чиқариб сотган кунлари ҳам бўлган. Хотини бунга чидалмай болаларини олиб, онасиникига кетиб қолган. Шухрат эса бир жойда уч-тўрт ойдан кўп вақт ишламайди. Охири ишсиз қолиб, кўчада санқиб юрадиган, тиламчилик қиладиган одат чиқарди. Ўйлаб ўйимга етолмадим. Кечкурун ишдан қайтаётиб чойхонага кирдим. Бобога дардимни ёрдим. У киши менга жиддий боқди:

- Ҳозир унга ёрдам беролмайсан. Сабаби унда эмас, отасида. Яхшиси, мен Шухратнинг ота-онаси, авлоди ҳақида гапириб берай, балким ўзинг тушуниб оларсан.

Шухратнинг отаси Хушвақт урушдан тўрт мучали соғ қайтанида мулло Абдуқодирбобонинг севиначи ичига сизмаган эди. Ахир, жангдан соғ-саломат, кўкраги орден ва медалларга тўла, бунинг устига зобит бўлиб қайтиш ҳар кимга насиб қилмаган эди-да. Катта ўғли Равшан оёғидан яраланиб келган бўлса-да, ўртанча ўғли Рашиддан қора хат олган эди. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг бирдан-бир умидлари Хушвақтдан эди десам хато қилмайман. Ҳали ҳам эсимда, Абдуқодир бобонинг хотини унга қараб "Дадаси, ўглингиз Хушвақтжоннинг қўшнимиз Эшмат аканинг қизи Дилоромга кўнгли борга ўхшайди. Кеча уларнинг севишган мусичалар сингари гапиришиб ўтирганларини кўрувдим. Бугун қизимиз Сайёраҳон ҳам икковини шаҳарда бирга кўрган экан. Тўй тарадудини кўраверинг", деганида бобо нима дейишини билмай қолган эди, - дея Аҳмад бобо бир қултум чой ичиб сўзида давом этди:

- Хушвақт урушда полк комиссари ёрдамчиси бўлиб хизмат қилгани боис уни заводга парткомликка тавсия этишди. Кўп вақт ўтмасдан у туман ижроя кўмитасига ишга таклиф қилинди. Янги ишга ўтиши туфайли унинг Дилором билан фотиҳа тўйлари кейинга қолдирилди. Хушвақт янги жойда ўзини кўрсатиш, жамоа орасида эътибор қозониш учун кўп меҳнат қилди. У ҳатто уйга ҳам онда-сонда келар, кўп ўтирмасдан яна ишхонага шошарди. Бир куни отаси тўйдан гап очганда "Ишларимни саранжомлаб бўлганимда, ўзим айтаман", - деб чиқиб кетганича қайтиб келмади. Кейинчалик унинг бирга ишлайдиган Юлдуз исми қизга уйланганиги маълум бўлиб қолди. Қизнинг отаси йирик корхонанинг бошлиғи экан. Бундан хабар топган Абдуқодир бобо қанча азоб чекканини худонинг ўзи билади. Негаки, ўғли Дилоромни адаб, ота-онасининг розилигисиз уйланган, тўйга тарадуд кўраётган ота-онасини маҳалла олдида шарманда қилгани у кишига қаттиқ таъсир этган эди-да.

Хушвақтнинг ишлари юришиб кетиб, тумандан шаҳарга, у ердан вилоятга, бир вилоятдан иккинчисига янада юқори лавозимларга ишга ўтиб кетди. Шу тариқа у шаҳардаги уйда хотини ва болаларини қолдириб кетар, ўзи шаҳарма-шаҳар юриб, ўша ерда бошқасига уйланиб оларди. Хушвақт ота-онасини деярли ёдидан чиқарди. Йил давомида бир-икки марта келиб кетар, ҳатто уларнинг жанозаларига ҳам тўлиқ қатнашмади. Шунга қарамасдан у дўстлари, ҳамкасблари орасида ҳурмати билан эканлигидан гурурланиб юраверди. Ҳар қанақа ишни бажаришга (текинга эмас, албатта) қурби етадиган Хушвақт шу даврда не-не ишларни қилмади. Абдуқодир бобо эса унинг бу қилмишларидан норози эди. Ахир, у умр бўйи меҳнат қилиб кун кечирган, ҳалол-ҳаромни фарқлай



оладиган киши эди-да. Шу боис у ўғлини болаларингдан топ дея ёмон қарғаб кетганди. Хушвақт эса ўз мансабини қандай қўлга киритган бўлса, шу тарзда ундан айриди.

Охир-оқибат совхоз директориликдан нафақага чиқди. Шунинг учун, болам, ота-она қарғишидан ёмон нарса йўқ. Ота-онанинг дуосини олган киши икки дунёда ҳам хору зор бўлмайди.

Ҳа, энди барчаси тушунарли эди. Абдуқодир бобонинг қарғиши туфайли Хушвақт аканинг ўғли ҳаётда адашганди. У ҳар куни ичиб келиб, ота-онасини ҳоли-жонига қўймас, уларни қийнар эди. "Шайтон бобо"нинг Шухратга ҳеч қандай ёрдам беролмайсан деган сўзларига тушуниб етдим. Хушвақт ака фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилган куни Шухрат маст ҳолатда келиб, қариндошлари билан жанжаллашган экан... Лекин марҳум чиқарилган кундан бошлаб Шухрат ҳам ичишни ташлаганини эшитиб қолдим. Абдуқодир бобонинг қарғиши Хушвақт аканинг ўлими билан тутаган эди. Шухрат яна аввалгидек соғлом турмуш тарзини кечира бошлади. Хотини, болаларини қайтариб олиб келди. Кўп вақт ўтмасдан иморатини кўтарди, тўнғич ўғлини уйлантирди. Айни пайтда у автомобилларни таъмирлаш устaxonасини очиб, у ерда болалари билан бирга ишламоқда. Яқинда эса "Нексия" машинаси ҳам сотиб олди...

Аҳмад бобо ўқиш-ёзишни билмаса ҳам, ҳисоб-китобда унга тенг келадиган одам топишмайди. Менимча, компьютер ҳам бунча нарсани хотирасига сиғдира олмас керак. Айниқса, бобо билан бозорга тушсангиз, у кишининг сара маҳсулотларни арзонга олишига тан бермасдан иложингиз қолмайди. Шу сабабли бўлса керак, кўпчилик тўй-маърака ўтказса, албатта бобо билан бозорга тушади. Эсимда, ўғилчаларнинг суннат тўйларида бирга бозор қилгандик. Ўшанда керакли нарсаларни арзон-таровга олиб, ҳатто пулимнинг ярмини тежаб қолган эдим. Қизиги шундаки, бир кишидан уч-тўрт хил маҳсулот олганимизда сотувчи унинг нархини калькуляторда ҳисоблади.

Шунда бобо:

- Ўғлим, бошқатдан ҳисобла, озгина адашганга ўхшайсан, - деганларида, йигитча хижолат бўлиб бошқатдан ҳисоблаб кўрди. Сотувчи ҳақиқатан ҳам адашганди. Бобо эса ҳазиломуз:

- Ҳа, ўғлим, 255 сўм кўп сўрадинг, ҳечқиси йўқ, банди ожиз янглишади, - деб қўйди.

Айтганимдай, бобо ҳисоб-китобда зўр. Майли, бу худо берган истеъдо. Аммо у кишининг деҳқонни савдогардан ажрата олишларига қўйил қолдим. Бу ҳақда бобо шундай дедилар:

- Ўғлим, менга бозор қилишни бобом ўргатган. Бирга бозорга тушардик. У киши ҳар доим "хотин кўйган ёки отаси ўлганни топсанг, арзон нарҳда яхши маҳсулот харид қиласан" дердилар. Буни қандай билиб оламан, деб ҳайрон бўлардим. Кейин билсам, шошаётган одам бозорда кўп ўтиролмайди, нарсасини сотиб, тезроқ қайтиш пайида бўлади. Бобом айтган кишилар айнан шу тоифа кишилар экан. Улар билан савдо қилганингда шошиб турганидан дарров нархини туширади. Олиб сотарлар эса фойда кўриш мақсадида ўтиравердилар. Ҳеч қачон олган нарҳдан арзонга бермайди. Шунинг учун бозорни эринмасдан айланиш керак. Сотувчини кимлигини муомиласидан фаҳмлаш мумкин. Қолаверса, бозор шунақанги нарсани, нархлар ўзгариб туради. Бозорга қанча кўп маҳсулот келтирилса, шунча арзончилик бўлади.

Аҳмад бобо билмаган, тушунмаган нарса йўқ. Агарда у киши саводли бўлганида, камида академик унвонини олган бўлармиди. Ҳозир ҳам у кишини халқ арбоби десак ҳам бўлади. Чунки бобонинг ҳаётги тажрибалари бизларга асқотиши мумкин. Бундай одамлар минг йилда бир марта тугилади. Шундай экан, уларни авайлаш, хурмагини жойига қўйиш бизнинг вазифамиздир.

Чойхонага кириб "Шайтон бобо"нинг бетоб эканлигини эшитгач, кўнглим алланечук бўлди. Бир коса қаймоқ билан иккита нонни кўтариб уйларига бордим. Фарзандлари, қариндошлари, маҳалла аҳли у кишининг атрофида жамулжам.

- Кел, ўғлим, ўтир. Бугун чойхонага чиқолмадим. Эрта-индин тузук бўлиб қолсам керак, - деб менга қараб гапирди бобо. Яқинроқ бориб қўларини ушлаб кўрдим - муздай.

Эртаси куни хабар олиш учун келганимда:

- Болаарим, менинг вақти-соғтим етганга ўхшайди. Ҳаммаларинг мендан рози бўлинглар. Бировнинг кўнглини билиб-билмасдан оғритган бўлсам, кечиринглар, - деб қолди бобо.

Шунда бобонинг умр йўлдоши келиб пичирлади:

- Дадажониси, сиз ҳам мендан рози бўлинг, биз сиздан мингдан-минг розимиз.

- Онажониси, мен сендан розиман, болаларимни тарбиялаб вояга етказдинг, ҳамма вақт иссиқ-совуғимдан бохабар бўлдинг.

Бобо калима келтира бошлади...

Бобонинг жанозалари жума куни масжидда ўқилди. Уни охири йўлга кузатиш учун келганларнинг сон-саногини йўқ эди. Тобутни олиб чиқинди. Шоҳи Зинда қабристонига етиб борганимизда тобутни бир марта кўтариш насиб этди. Бошқа маҳаллалардан ҳам кўплаб одамлар бизга қўшилавердилар. Жасадни тобутдан олиб, қабрга қўйиш пайтида тўрттагина ёмғир ёғиб ўтди. Ҳеч ким овоз чиқармасди. Чунки бобо ҳар доим кимда-ким менинг жанозамда йиғласа, у менинг нариги дунёда азоб чекишимни хоҳлайди, деб айтарди.

Бобонинг қирқини ўтказганимизнинг эртаси куни у кишининг хотини ҳам бандаликни бажо желтирди. Шунда Аҳмад бобонинг эркак бир кун бўлса ҳам хотинидан олдин фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилса, чинакам бахтли саналади, чунки эркакка хотинидан бошқаси маҳрам бўлолмайди, онага эса қизлари маҳрам, деган сўзлари ёдимга тушди. У киши айтганларидек бўлди, бобо чинакам бахтли эканлар...

Чойхонага чиқдим. Аммо у ерда бир нима етишмагандек туюларди. Ёши катталар бир томонда, ёшлар бошқа томонда йиғилишиб ўтирардилар. Ҳар бир давра ўзгача. Аммо чойхонанинг файзи йўқдай эди. Бобо ҳаётлигида барча у киши атрофида тўпланарди. Энди эса бобонинг жойи бўм-бўш. Ҳар гал кўзимни юмганимда у кишининг оқ яқтақда, бургутдай қоматларини келганча барчанинг кўзига тик боқаётганларини кўраман. Ҳайҳот, кўзимни очсам бошқа манзара. Одамнинг тирикчилигида қадрига етиш керак экан.

Бобо тирик бўлсалар, мен у кишига:

- Бобожон, сизни ким "Шайтон" деб айтган бўлса, адашибди. Сиз шайтон эмас, фаришгасиз. Ҳар доим одамларга яхшилик қилгансиз, тўғри йўлга соддингиз. "Шайтон" лақабли фаришга экансиз, - деб айтган бўлардим...





Сайфуллоҳ ТОҒАЙ

ЎЗ КҮНГЛИМДАН КЕЧИБ ЯШАДИМ...

Тошкентда ким кўп, келиб-кетгувчи кўп. Келиб кетгувчиларнинг қўлларида тўрхалталлар. Сурхондарё вилоят, Олтинсой туманининг Мўъмин қишлоғидан келган йигит - Сайфуллоҳ Тоғайнинг ҳужжатларини кўздан кечирган миришаб, кўнгли жойига тушиб,

- Яхши, - дейди. - Энди тўрхалтани ҳам очинг-чи!

Сайфуллоҳ очади. Миришаб йигитнинг бисотидаги нарсаларни кўздан кечира бошлади: Сергей Есенин, Усмон Носир, Рауф Парфи китоблари...

- Шоирмисан, нима бало? Нуқул китоб кўтариб олибсан?

- Ҳа, шоирман.

- Ростданми, ҳазиллашмаяпсанми?

- Ана; халтада газеталар ҳам бор, шеърларим босилган.

Миришаб қизиқсиниб, газеталарни ҳам кўздан кечирди. Йигит уни алдамабди. Ўқиб кўрганида баъзи шеърлар маъқул тушди.

- Шоир бўлсанг, нима қилиб юрибсан бу ёқларда адашиб, бор - газета-журнал редакцияларига.

Шундай қилиб, Фафур Фуломнинг машҳур "Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим" шеъридаги каби, Миришаб йигит Сайфуллоҳга йўл кўрсатиб қўйди.

Сайфуллоҳ Тоғайнинг шеърларида ўзига хос кўнгличанлик ҳамда қатъият бор экан. Ҳар икки жиҳат меъёрида бўлгани учун шеърхонда малоллик эмас, хайрихоҳлик уйғонишига сабабчи бўлади. Шеърятда бу кичкина гап эмас. Айниқса, ёш шоир учун. Шундан бўлса керак, унинг машқларидаги девоналик ва телбалик сингари тушунчалар маълум бир кайфиятнинг акси сифатида қабул қилинади. Кайфиятларни сувратлаш эса катта шеърятнинг дебочасидир.

Шукур ҚУРБОН

Эрка эдим, шўх эдим, она.
Оғир ишга эгмас эдим бош.
Бағрингиздан олисда мана -
Соғинаман, кўзим тўла ёш.

Сархуш бўлдим, маст бўлдим, она,
Хўрсинади уфқда тўлин ой.
Соғинчларим, телба Армонлар -
Юрагимга бўлмас сира жой.

Кимларнингдир кўнглига қараб,
Ўз кўнглимдан кечиб яшадим.
"Мусофирман". Илло ушбу дам,
Дардим шароб, ичиб яшадим.

Соғинганман Сизни, Онажон,
Кетгим келар қишлоққа қайтиб.
Жонга тегди ҳар куни она -
Юравериш шаҳарда дайдиб.

Сўзингизга қулоқ осмадим,
Кетар эдим, қишлоқ оралаб.
Тополмадим бугун, бир Сирдош -
Ўтирибман, қоғоз қоралаб!

Юрагим тубида асрайман Сени,
Омонат биламан ойдек юзингни,
Жудолик Бир Эрмак бўлса-да Жоним -
Мен қўмсаб яшайман ҳар бир сўзингни.

Келиб қолдим, кимгадир малол,
Майли мени, телба десунлар.
Жой талашиб, минг битта савол -
Дардларимни бўлиб есунлар...

Юрагим тубида асрайман сени,
Мен эрмак қиламан омадсиз бахтни.
Сен эса бахтлisan; билмадим нега?
Ҳақорат қиласан кекса дарахтни.

Юрагим тубида, асрайман Сени,
Юрагим йиртилиб кетгунча жоним...

...ГА

Осмон тўлиб юдўзга,
Маржон бўлиб тизилди.
Қўй йиғлама, жон Синглим -
Гулинг эрга узилди.



Тақдиримда бор экан,
Ғам чўқади хонамга,
Келин эмас, оқ либосда -
Аъза тутдинг Онангга...

Битта илга ўттиз мунчоқ,
Қатор қилиб тизардинг.
Оқ орзулар уммонида -
Оқ елканда сузардинг.

Онанг бўлиб қора тупроқ,
Бўса олар пойингдан.
Қизгалдоқлар, қизил сиёҳ -
Жилолмайсан, жойингдан.

Қароғларинг - Анбарфишон,
Қўй йиғлама, жон Синглим.
Кўзларингни юм бир пас -
Отиб қолар тонг, Синглим...

...

Юлдузлар жимгина -
Қулоқ тутади,
Қаро тун ишқимга тутади мотам,
Видолар тутади, саслар тутади -
Ёлғонлар хотамдир, армонлар Хотам.

Қайрағоч баргига тўкилган ҳислар,
Фироқи тинмасдан, ёришади тонг.
Ўн тўққиз баҳорим, хазонлар кечиб -
Туну-кун кўксимда ураверар бонг...

Хажрингда йўқ эди, ўзга бир ҳавас,
На улфат ортдирдим, на бир дўст битди.
Чилларчин синди-ю, сен қўйган қафас -
Кўзим сойларида оқди-ю кетди.

Вужудим андоза олади тундан,
Нур бўлиб юзида ёришар дардим.
Ойнинг юзларига доғ бўлиб тошар -
Менинг кўксимдаги ишонч-у сабрим...

...

Олис қишлоқ ортида кўнглим
Хилват топиб бекиниб олган.
Энди мени унутгин, синглим -
Фақат менми бахтин йўқотган?

Энди мени унутгин, синглим,
Олис қишлоқ, ортида баҳор.
Сени олиб, кетаётган ким?
Кўзларимдан тўкилар заҳар.

Сени олиб кетаётган ким?
Олис қишлоқ бағрида армон.
Юрагингдан чиқиб кетар жим -
Менинг дардим ортилган карвон...
Энди мени унутгин, Синглим!

Ғулом КАРИМ



■ Оқ йўл, болакай! Энди мустақил яшайсан

- Ўқишга кириш осон, битириш кийин
- Текин адабиётлар
- Кутубхона эмас, сарой!
- Ишсизлар 1200 марка нафақа олишади
- Кўчада ётган уй жиҳозлари
- Ким зўр: эрми, хотин?
- Жинси кийган қароқчилар
- Муҳаббат паради

Ўтган йили биз, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқишунослик институтининг беш нафар ёш илмий ходими немис шарқишунос олимларининг бой тажрибаларини ўрганиши ва ўзаро илмий ҳамкорлик мақсадида Германияда сафарда бўлдик. Деярли олти ой мобайнида биз асосан университетлар ва йирик кутубхоналарда ишлаганимиз туфайли немис ёшлари, айниқса, талабалар турмуши билан бир қадар яқинроқ танишиши имкониятига эга бўлдик.

Маълумки, Германия жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан бирidir. 1990 йилда капиталистик ва социалистик Германия ягона давлат бўлиб бирлашди. Бу тарихий воқеа айниқса шарқий Германия ёшлари ҳаётида катта ўзгаришлар ясади.

Немис ёшларига хос сифатлардан бири мустақил яшашга интилишдир. Ўғил ёки қиз бола мактабни битириши биланок, ота-онасидан алоҳида бўлиб яшашга интилади. Ота-оналар бунга қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, аксинча қўллаб-қувватлашади. Чунки мустақил ҳаёт одамни тез шишитади, у тезда ўз йўлини топиб олиб, ўз кунини кўриб кетади.

Германия олий ўқув юртларига кириш анча осон-у, битириб кетиш қийинроқ. Сти-

пендия кам таъминланган оилалардан бўлган талабаларга ва унда ҳам қарзга берилади. Талаба диплом олиб ишга жойлашгач, йиллар давомида ўз қарзини давлатга тўлаши шарт. Шу сабабли кўп талабалар ўқишдан бўш пайтларида газета сотиш, официантлик, хусусий дарс бериш каби ишларга машғул бўлишади. Талабаларнинг машғулотларга қатнаш тартиби курслар бўйича қатъий қилиб белгилаб қўйилмаган. Талаба бу йил баъзи фанлардан машғулотга қатнашгиси келмаса ёки бунга вақти бўлмаса, ўз хоҳишига кўра ушбу фанлардан келаси йили бошқа курс талабалари билан тахсил олиши мумкин. Юқори курсларда одатда ҳафтада бир марта махсус коллоквиумлар ўтказилиб, талабаларнинг мустақил равишда илмий маърузалар қилишларига катта эътибор берилади. Машғулотларга тўла қатнашиш мажбурий эмас. Аммо кимки бирон фан бўйича имтихондан ўтолмаса, унга яна икки боргина қайта топширишга руҳсат этилади. **Учинчи гал ҳам имтихонни топширолмаган талаба университет билан хайрлашиши ҳеч гап эмас.**

Германияда муайян фанлар бўйича олий ўқув юртлари учун дарсликлар ёзиб нашр қилиш одат эмас. Ҳар бир ўқитувчи ўз ишига ижодий ёндошиб, ўзи дарс берадиган фанга оид маърузалар туркумини тайёрлайди. Албатта муайян соҳага оид қўшимча адабиётлар ҳам кенг жалб этилади. Масалан, **немис талабалари фалсафа фанини бизга ўхшаб дарсликдан эмас, балки йирик файласуфларнинг асарларини мутолаа қилиш орқали ўрганишади.** Ўқитувчининг талаби ҳамда талабанинг шахсий кизиқишларига кўра, айрим файласуфлар ижодига кўпроқ эътибор берилиши мумкин.

Барча олий ўқув юртлари компьютерлар ва бошқа замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган. Кўпчилик талабаларнинг қўлда кўтариб юрса бўладиган кичик шахсий компьютерлари бор. Бундай компьютерлардан дарсда фойдаланиш ва кутубхоналарда ишлаш мумкин.

Талабалар университетлар ошхоналарида тушлик қилишади. Бу ерда овқатлар нархи кўчага нисбатан икки-уч баробар арзондир. Театрлар ва музейлар чипталари ҳам талабалар учун арзон қилинган.

Ҳар бир университет ўз журналини нашр этади. Унда илмий хабарлар, талабалар ҳаётига доир муаммолар ёритилади. Собик талабалар билан улар ҳаётда нималарга эришганлари ва қандай муаммоларга дуч келишгани ҳақидаги суҳбатлар чоп этилади. Бу журналлар кутубхоналар ёки талабалар ошхонасига кириш йўлакларидан кўйилиб, бепул тарқатилади. Ҳар бир университет ўз китоб дўконига эгадир. Уларда кўпроқ талаба ва ўқитувчилар учун зарур бўлган

илмий адабиётлар сотилади. Гумболдт университети китоб дўкони Берлиндаги энг катта китоб дўконларидан биридир. Умуман, Германиянинг ҳар бир шаҳрида китоб дўконлари кўп. Биз икки ой бўлган, 350 минг аҳоли яшайдиган Ҳалле шаҳридаги Марказий китоб дўконининг катталиги Тошкентдаги Марказий универмага баробар келади. Бир қаватда бадний, бошқасида илмий китоблар, яна бирида таомнолар, касб-ҳунарга оид китоблар, саёҳат маршрутлари ва ҳоказолар сотилади. Илмий китоблар зали фалсафа, тарих, дин, психология, адабиётшунослик ва ҳоказо бўлимларга бўлинган. Шунингдек, алоҳида техника ёки тиббиётга оид китоб дўконлари ҳам бор. **Чингиз Айтматовнинг китобхоналар билан учрашуви Ҳалледаги китоб дўконининг ўзида кечки пайтда ўтказилди.** Дўконнинг бир қанотида бундай тадбирлар учун махсус жой қилинган эди. **Уч юз ўринга чипталар олдиндан сотилган бўлса-да, ўша кун яна кўп мухлислар келишди.** Кўшимча чипталар сотилиб, мухлисларнинг бир қисми тик туриб ёки полда ўтириб, сеvimли адибнинг сўзларини тинглашди.

Немислар ўз мумтоз адабиётлари ва фалсафаларини ғоят қадрлашади. Классик ёзувчи ва файласуфлар асарлари доимий равишда нашр қилинади. Уларнинг алоҳида жилдлари ёки асарлари тўпламини исталган катта китоб дўконидан харид қилиш мумкин. **Германияда китобсеварлар учун қулай ҳоллардан бири шуки, янги китоблар ҳақида маълумот берувчи журналлар бепулдир ва улар китоб дўконларида алоҳида жойда тўп-тўп қўйилади.** **Ҳоҳлаган киши олиши мумкин.** Бундан ташқари, нашриётлар ҳам йилнинг ҳар чорагида нашр қилган китоблари номлари, қисқача мазмуни ва нархи ҳақида маълумот берувчи китобчалар чоп этишади ва булар ҳам китоб дўконлари орқали бепул тарқатилади. Асарларнинг кассеталар ёки компьютер дисklarига ёзиб сотилиши ҳам кенг тарқалган. Харидор қидираётган китоб айна пайтда дўконда бўлмаса, дарҳол компьютер орқали буюртма беришади ва уни бир кун кейин келиб олиб кетишингиз мумкин. Китоб чет элдан буюртма қилинса, бир неча кун кутишга тўғри келади, лекин унга ошқоча нарх қўйилмайди. XX аср Шарк адабиётидан Чингиз Айтматов, турк ёзувчиси Яшар Камол, араб адиблари Жуброн Хашил ва Нажиб Маҳфуз, шунингдек, бир қанча япон ёзувчилари китоблари кўп нашр қилинар экан.

Германияда ҳар бир ёш йигит ёки қиз ўзи танлаган соҳада чуқур билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд. Масалан, китоб дўконларининг биргина адабиётшунослик бўлимини кўздан кечирганда ҳам, китобларнинг кўплиги ва хилма-хиллигидан хайратга тушасиз: немис



ва жаҳон адабиёти тарихи, турли адабий оқимлар, айрим ёзувчилар ижодига доир китоблар, “Роман қандай таҳлил қилинади?”, “Драма, шеър ёки хикоя қандай таҳлил қилинади?” деб номланган амалий қўлланмалар, луғатлар ва ҳоказолар. Турли муаллифларнинг муайян бир мавзуга турлича ёндошиб яратган асарлари жавонда ёнма-ён туради. Уларни бир-бирига таққослаб кўриб, ҳар ким ўзига ёққанини олади. **Мактаб ўқувчилари ва талабалар учун немис классик ёзувчилари асарларининг талқин ва таҳлиллари алоҳида китобчалар қилиб чиқарилган.** Гёте ва Шиллернинг айрим шеърларига довр таҳлил қилиниб нашр этилган. **Немислар жаҳондаги энг кўп ўқийдиган халқлардан биридир.** Барча газеталар кўп саҳифалиқдир. Ҳар бир соҳага оид бир нечталаб журналлар нашр қилинади. Халле, Йена, Лайпциг, Мюнхен, Берлин шаҳарларидаги биз кўрган катта китоб дўконлари ҳашаматли саройларни эслатади.

Сўнгги икки ярим ой мобайнида биз Берлин Давлат кутубхонасида ишладик. Кутубхона биносини маҳобатли қошона деса бўлади. Унинг катта бўлимлари ойнаванд деворлар билан ажратилган. Бир бўлимдан бошқасига ўтиш осон. Кутубхонанинг ҳам адабиётшунослиқ бўлимини тасвирлайдиган бўлсак, бу ерда жаҳон классиклари асарлари, адабиётшунослиқка оид илмий тадқиқотлар, маълумотномалар жавонларга териб қўйилган. Немис, инглиз, француз, италян ва бошқа тиллардаги адабий журналларнинг янги сонларини ҳам шу ердан топасиз. Европа классиклари асарлари немисчасидан ташқари аслият тилларида ҳам қўйилган. Буларнинг барчасидан китобхона бемалол ўқув залида фойдаланавериши мумкин. Шарқ бўлимида шарқ тилларидаги китоблар, шарқшунослиқка оид адабиётлар, турли журналлар мавжуд. Ўқув залида Ўзбекистонга доир китоблар сақланадиган жавон ҳам бор. Аммо у ҳануз Шарқий Европа бўлимида, собиқ Иттифок халқларига оид китоблар қўйилган жавонлар қаторида турибди.

Ўқув залида бўлмаган китобларни каталог ёки компьютердан қидириб топиб, буюртма қилиш керак. Компьютер сиз излаётган китоб ушбу кутубхона ва Берлиндаги бошқа кутубхоналарда бор-йўқлиги ҳақида маълумот беради. Нодир бўлмаган китоблар бир ой муддатга уйга ҳам берилади. Шунингдек, кутубхонада бор бўлган аудио ва видеокассеталарни ҳам уйга олиб кетиб фойдаланиш мумкин.


Ҳар куни эрталаб тўққизга яқин кутубхона олдидаги майдонда юзлаб одамлар жам бўлишади. Улар шахсий машиналари, велосипедлар ва жамоат транспортдан келишган. Кутубхонанинг 7-8 та эшиги бирдан очилади.

Одамлар гуриллаб-ичкарига киришади. Баъзи кунлар кутубхона бўлимларида бўш жой топиш қийин бўлади. Аммо, бемалол полга ўтириб мутолаа қилиш мумкин. Айрим жойларда ёнбошлаб ўқиш ишқибозлари учун юмшоқ ўриндиқлар қўйилган. Мутолаа орасида мияга дам бериш учун мизғиб оладиганлар ҳам бор. Бир бурчақда йигирмага яқин нусха олиш дастгоҳи ишлаб турибди. Ҳақ тўлаб, исталган журнал ёки китобдан нусха олиш мумкин. Ошхона кун бўйи ишлаб туради. Хоҳлаганлар егуликни уйдан олиб келишлари мумкин.

Немис ёшларининг ҳаёти айрим муаммолардан ҳам холи эмас, албатта. Иккала Германия бирлашгач, собиқ ГДРдаги кўпгина корхоналар ракобатга бардош беролмай ёпилди. Натижада ишсизлик муаммоси кучайди. Тўғри, ишсизлар давлатдан 1200 марка (ҳозирги курс бўйича 600 доллардан кўпроқдир) миқдорда нафақа олишади. Аммо немисларнинг турмуш тарзини ҳисобга олсак, оилали кишилар учун бу камроқдир. Ишсизлар орасида фашистлар ташкилотларига аъзо бўлган ёшлар учрайди. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги Германияда фашизмнинг кучайиши учун шартшароит ва замин йўқ. Жамиятнинг асосий кўпчилиги фашистлар ҳукмронлиги йилларини Германия тарихидаги аянчли ва шармандали бир давр сифатида эътироф этишади.

Келажagini ўйлаган талабалар, албатта,





ўқишга зўр беришади. Чунки, яхши билим ва малакаси бўлмаган одамнинг иш ўрни топиши қийин кечади. Илмий ходимлар учун доимий иш ўрнининг ўзи йўқдир, деса бўлади. Бир олим ўзининг бир неча йилга мўлжалланган илмий лойиҳасини тасдиқдан ўтказиб, бирон илмий марказга ишга жойлашди, дейлик. Лойиҳа амалга оширилгач, олим қанча муваффақият қозонган бўлмасин, энди барибир бошқа жойдан иш излашга мажбурдир. Бу чора олимлар бир жойда муқим туриб қолмасликлари ҳамда янги-янги илмий лойиҳаларни кўтариб чиқишлари учун кўриларкан. Бу ҳол албатта илмий янгилик ва тажрибаларнинг мамлакат бўйлаб тез ёйилишига ҳам ёрдам беради. Доврукли олимларга турли жойлардан ишга таклифлар кўп бўлади. Шу ва бошқа сабаблар туфайли Германияда бир жойда тургун яшайдиган аҳоли камайиб, “кўчманчилар” эса тобора кўпайиб бормоқда. Яъни, аҳолининг катта қисми маълум муддатдан сўнг иш жойини ўзгартириб, шаҳардан шаҳарга кўчиб юради. Балким, қисман шунинг ҳам таъсири бордирки, немис ёшлари орасида мол-дунёга хирс кўйиш иллати йўқдир. Бир неча йилдан сўнг бошқа шаҳарга кўчишга тўғри келар экан, ортиқча қақир-куқурни кўпайтиришнинг нима кераги бор? Шунинг учун аксарият ёшлар хонадонларида фақат энг зарур жиҳозлар бор. Кийинишда ҳам ортиқча ясан-тусан йўқ. **Бойроқ хонадонлар янги мебель ё бошқа буюмлар харид қилишса, эскиларини кўчага чиқариб қўйишади. Хоҳлаган одам олиб кетиши мумкин.**

Ишсиз ёшлар орасида “панкилар” деган гуруҳлар пайдо бўлган. Панкилар турлича кийиниб, сочларини ҳар хил ёрқин рангларга бўяб, қулоқларига, бурунларига, баъзилари ҳатто тилларига халқалар тақиб, гуруҳ-гуруҳ ёки якка юришади. Улар кўпинча саёқ ҳаёт кечиришади. Панкиларнинг мақсади ташқи кўриниш ва ғалати ҳаёт тарзи билан бошқалардан ажраб туриш, шу тарзда асрий анъаналарга қарши исён кўтаришдир. Улар гуруҳ бўлиб ашула айтиб ва ўйинга тушиб, пул топишга ҳаракат қилишади. Шунингдек, йўловчилардан майда пул сўраб тиланчилик қилишади. Талабалар ва ишли одамлар орасида ҳам панкилар каби сочларини ярим қирдирган ёки ёрқин рангга бўяган, бурни ё тилига халқа таққан кишилар учраб туради. Панкилар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. **Германида шахс эркинлиги ва дахлсизлиги ғоят қадрланади. Кимки қонуларни бузмаса, ўзга одамларга зиён етказмаса бўлди, бошқа хоҳлаган ишини қилаверади.**

Ёшлар ҳақида сўз юритганда, албатта, уларнинг қандай оила қуришлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш зарурдир. Кейинги йилларда

Германияда расмий никоҳдан ўтиб олила қуриш камайиб бораётган экан. Бу мамлакатда никоҳдан ўтиш осон, аммо эр-хотин келишолмай қолса, ажралиш мушкулроқ. Яъни, мол-мулкни бўлиш ва бошқа расмийчиликлар бор. Шулардан қочиш учунми, ёки бундан ҳам кучлироқ сабаблар туфайлими, бир-бирларини ёқтириб қолган йигит ва қиз, кўпинча расмий никоҳдан ўтмай, “дўст” ва “дугона” бўлиб яшашади. Улар ўзларига мақбул пайт келганда, никоҳдан ўтиб, тўй қилишлари мумкин. Албатта, ҳақиқий эр-хотинлардек бир уйда яшаб, бола-чақа қилиб, уларни тарбиялаётган “дўст” ва “дугона”лар ҳам бор. Лекин алоҳида яшайдиганлар ва “дўст” ёки “дугона”ни тез-тез янгилан турадиганлар ҳам кам эмас. **Оилали кишидан кўра бўйдоқлардан даромад солиғи кўпроқ олинади.** Шунинг учун яхши маош оладиган кишилар расмий никоҳдан ўтишгани маъқул. Умуман, Германияда ёшлар кеч оила қуришса-да, никоҳсиз жинсий ҳаётни анча эрта бошлашади. Боқиралик бу ўлкада қадрият саналмайди. Юқори синфда ўқийдиган ва “дўсти” бўлмаган қизни синфдошлари қалака қилиб, устидан қулишлари мумкин экан.

Камроқ бўлса-да, анъанавий тарзда никоҳдан ўтиб, мустақкам оила қуришни ёқтирувчилар ҳам бор. Дрезден шаҳрида*бир талабалар оиласи билан танишиб, дўстлашдик. Дўстимиз Ханно санъатшунос талаба, хотини ҳам қайсидир ўқув юртида таҳсил оларкан. Улар тўй қилишган, чақалоқлари ҳам бор. Ханнога бошқа шаҳарда яшайдиган отаси пулдан ёрдам қилиб турар, боласига ҳам давлат яхшигина нафақа тўлар экан. Эр-хотин шулар ҳисобига яшаркан. Стипендия олиш имконияти бўлса ҳам, Ханно ундан ўзи воз кечибди. “Уни кейин яна қийналиб қайта тўлашга тўғри келади”, деди у. Ханно оиласи билан кўп қаватли уйдаги кичикроқ хонада ижарада тураркан. Уйда меҳмон бўлдик. Хонага камтарин жиҳозлар қўйилган. Турли мавзуда суҳбатлашдик. Ханно никоҳдан ўтиб оила қурганидан хурсанд эканлигини изҳор қилди. “Дўст” ва “дугона”ларнинг аҳволини кўриб турибман. Уларнинг кўпчилигида кўнгил хотиржамлиги йўқ. Мен эса оиламдан тинчман, энди бемалол ўз соҳам бўйича яхши иш топиш ва ўсишга ҳаракат қилавераман”, - деди у. Ёш эр-хотиннинг бир-бирларини севишлари ва бахтиёрликларини кўриб турардик. Шаҳар хиёбонлари ва Элба дарёси соҳилида бирга сайр қилганимизда чақалоқ ётган аравагани гоҳ дадаси, гоҳ аяси сураб, эр-хотин тез-тез бир-бирларига меҳр билан талпиниб, қучишиб ва ўпишиб олишарди. Пивоҳўрликдан сўнг, нозик мавзуларга ҳам кўчиб, минг исти-хола билан Ханнодан “Сен хотинингизда кизлик



пайтида уйланганмисан”, - деб сўрадик. “Йўк, албатта, - деб жавоб берди Ханно бамайлихотир. - Хотиним олдин ҳам бошқа йигитлар, ҳатто менинг якин дўстларим билан юрган. Мен бунга тушуниш билан қарайман. Ахир, ўзимнинг ҳам унғача бир нечта “дугоналарим” бўлган-да. Эр-хотин бўлганимиздан кейин бир-биримизга вафо қилишга бурчлимиз. Ундан олдин бўлиб ўтган нарсаларнинг бизнинг турмушимизга ҳеч зиёни йўк”. Энди бунга нима дейсиз?

Аммо булардан қатъий назар, биз Германияда орттирган танишларимизнинг аксарияти расмий никоҳдан ўтиб, ёки “дўст” ва “дугона” тарзда бўлса ҳам, тотув оилавий ҳаёт кечирishaётганини кўрдик. Оилада эр ва хотин баббаравар мавқега эга. Даромадлари бир хил бўлса, уй ишлари тенг иккига тақсимланади. Эр давлат ишига кўпроқ банд бўлиб, каттароқ пул топсагина, хотин адолат юзасидан уй ишларининг кўпроқ қисмини ўз уҳдасига олади ёки аксинча. Немис шарқшунос олимлари ичида турк, араб, корейс ва бошқа Шарқ халқларига мансуб қизларга уйланганлари кўп учрайди. Хайделберг шаҳрида бўлганимизда биз билан учрашиш учун Тюбинген шаҳридан ёш тасаввуфшунос олим Флориан Шварц келди. Флориан Бухоролик талаба киз Дилдорага уйланган экан. У бизга Бухорода бўлиб ўтган тўйда олинган суратларни кўрсатди. Флориан асосан Марказий Осиёга оид илмий тадқиқотлар билан шуғулланади. У бухоролик тарихчи олим Ғолиб Қурбонов билан ҳамкорликда Бухоро шаҳар кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаларнинг илмий тавсифларини тузиб нашр этган.

Германияда секс масалаларига анча эркин қараш мавжуддир. Эротик журналлар кўплаб дўконларда сотилади. Ҳар бир катта шаҳарда эротика дўкони бор. Уларда турли эротик ва

порнографик адабиётлардан ташқари, эркак ва аёлнинг ўз шахвоний ҳирсини сунъий тарзда кондиришига мўлжалланган ғоятда турлитуман мослама ва асбоблар сотилади. Дўконнинг бир тарафида танга ташлаб, шахвоний фильмлар томоша қилинадиган кабиналар мавжуд. Газеталардаги оила қуриш ёки танишиш учун бериладиган эълонлар тартиби қуйидагича: олдин аёлларнинг эркакларга, сўнгра эркакларнинг аёлларга, ундан сўнг аёлларнинг аёлларга, энг охирида эркакларнинг эркакларга ўзаро танишиш учун қилган таклифлари босилади. Учинчи ва тўртинчи хил таклифлар нисбатан анча камдир. Гомосексуалистларнинг ўз газетаси бўлиб, у саксон мингдан ортиқ тиражда босилар экан. Ҳар бир катта шаҳарнинг “кўнгилочар жойлар” китобча-хариталари нашр этилиб, уларда фоҳишахоналар ва бошқа учрашув жойлари манзиллари кўрсатилиб, ҳатто нарх-наволар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Телевиденияда ҳам ҳар кун бу хусусда қайта-қайта рекламалар бўлади. Ўсмирлар орасида шахвониятни тарғиб қиладиган журнал ҳам нашр қилинар экан.

Телевизорда эротик кўрсатувлар ва кинофильмлар асосан кечки соат ўн бирдан сўнг намойиш қилинади. Порнографик фильмларни эса, фақат пул тўланадиган махсус каналлар орқали кўриш мумкин.

Юқоридаги айтилганлардан мамлакатда жинсий бузуқлик роса авж олган экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Эротик китоб ва журналлар орасида эр-хотинга ўз жинсий ҳаётларини рангинроқ қилиш ва яхшилаш юзасидан амалий маслаҳатлар бериладиган, шартли равишда одоб доирасида, дейиш мумкин бўлганлари ҳам бор. Бундан ташқари, немислар жамиятда мавжуд бўлган баъзи иллатларни яшириш ва тақиқлашнинг кераги йўк, деб билишади. Жинсий бузуқликларнинг

айрим турларига камчилик одамлар чалинадиган касаллик, деб қаралади. Дарҳақиқат, Берлиндаги энг катта китоб дўконининг турли бўлимларида харидорлар гавжум-у, гомосексуалистлар ва лесбиянкаларга доир адабиётлар сотиладиган бўлимига эса деярли ҳея ким ўтмаётганини кузатдик. Бизга таниш талабалар ва илмий тадқиқотчилар ҳам эротик кўрсатувларга ишқивоз эмас эдилар. “Кўрмаганинг кўргани курсин” - деганларидек, дастлабки кунларда биз ҳам уйқудан қолиб, кечки эротик кўрсатувлар ва фильмларни томоша қилдик. Лекин бу тезда меъдага тег-





ди. Бу хил кўрсатувларни кўриш вақтни бе-кор ўтказиш эканлиги аён эди. Шундан кейин, ҳар ким ўз руҳига мос бошқа нарсаларни, масалан, камина адабиётга доир кўрсатувлар ва тарихий кинофильмларни кўрадиган бўлдим. **Телевиденияда ўттизта программа бўлгани учун ҳар ким ўзи ёктирадиган бир-икки кўрсатув топа олади. Аслини айтганда, бўш вақтни ҳар куни ойнаи жаҳон қаршисида ўтказадиган немислар кам.** Улар дўстона суҳбатлашиб, пиво ёки вино ичишни яхши кўришгани учун, кечкурунлари кафелар гавжум бўлиб кетади. **Ҳамёни бўшроқ талаба ҳам бир чашка қаҳва буюриб, соатлаб китоб ўкиб ўтириши ёки таниши учраб қолса, суҳбатлашиши мумкин.** Тонг отгунча очик бўладиган дискотекалар ҳам бор.

Немислар ўз мамлакатлари бўйлаб ёки чет элларга сайру саёҳат қилишни хуш кўришади. **Дам олиш кунлари поезд билетлари анча арзонлаштирилади.**

Германия театрларида томошаларни рангбаранг қилиш, классик асарларни ҳам замонга мослаштиришга интилиш кучлидир. Камина университетда ўзбек тилини ўрганаётган турк қизи Айфер (Германияда турклар кўп) билан Берлин театрларидан бирида Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” асари томошасига кирдим. Тўғриси, классик асар кўрармиз, деб кутгандим. Аммо актёрлар замонавий кийимларда чиқишди. Асар тўла замонавийлаштирилган. Бош қаҳрамонлар севги сахналарини ҳам ўта замонавий қилиб юборишди. Томоша-

бинларнинг аксарияти ёшлар эди. Театрдан чиккач, Айферга томошадан кўнглим тўлмаганини айтдим. “Томошабинларни кўпроқ жалб қилиш учун асар шу тарзда сахналаштирилган, - деди Айфер. - Классик асарларни аслича сахналаштирадиган театрлар ҳам бор. Бу нарса кўпинча режиссёрга боғлиқ”. Дарҳақиқат, бошқа театрларда классик сахна асарларини ҳам кўрдик.

Немис ёшлари, шунингдек, ўйин-кулгу билан ўтадиган турли байрамларни яхши кўришади. **Биз Берлиндалигимизда ёз кунларининг бирида ёшларнинг катта байрами - Муҳаббат паради бўлиб ўтди.** Чет эллардан ҳам кўп одам келган экан. Берлиннинг катта хиёбонларидан бирига юз минглаб ёшлар йиғилган. Катта машиналарда чолғучилар соз чалиб, раққосалар ўйнаб хиёбондан ўтишарди. Томошабинлар ҳам уларга қўшилиб, рақс тушишади. Одамлар ўйинчоқ автоматлардан бир-бирлари устига сув сепишади. Ўша куни ҳаво иссиқлиги туфайли бўлса керак, ярим яланғоч юрган ёшлар ҳам кўп эди. Бу параддан мақсад одамлар орасида дўстлик, ахиллик ва меҳр-оқибатни кучайтиришдир.

Германия ёшлари турмуш тарзига оид кузатишларимнинг қисқача баёни шулардан иборат. Назаримда, немис ёшларининг биз учун ибрат бўларлик хислатлари - мустақил фикрлаш, миллатпарварлик, ўзи танлаган соҳада муваффақиятга эришиш учун ҳормай-толмай курашиш ва китобсеварлик кабилардир.



2000 йИЛ — СОҒЛОМ

АВМОЛ ШИМ



САРБАЛАНД ҲАҚДАЙ ГУБОРИМ...

Классик шеърят анъаналарини давом эттириб, уни янгича йўсинда ривожлантириб қалам тебратган Огаҳий ижодида от образи алоҳида ўрин тутди. От образи орқали шоир мушоҳада тарзининг назиклигини, сўзининг бадний имкониятларга муносабатда шоирнинг нечоғлик эркин бадний салоҳияти юксаклигини аниқ тасавур қилиш мумкин. От образини қўллашдаги шоир маҳоратини байтлар шарҳи орқали кўрсатишга уринамиз:

Бўлди рикоби кўзим топгани побусини,

Отига қилғоч рикуб этгани ёрим сафар.

Огаҳий акс эттирган лирик қаҳрамон қанчалик жабру зулм, ишқ йўлида машаққат чекмасин ҳамиша ёр ҳаёли билан яшайди. Келажакка бўлган ишонч руҳининг устиворлиги шоир акс эттирган лирик қаҳрамоннинг ирода эгаси эканлигидан далолат беради. Огаҳий айтадики, ёр сафар қилиш учун отига минган вақтда Ошиқнинг кўзи узанги бўлиб, нигоҳи билан унинг узангига қўйган оёғини ўпади. Бу ҳаёл унинг кўзи олдида бир лазҳага жонланади ва ана шу ҳаёл уни маъшуқага руҳан яқинлаштиради. От образи воситасида бетакрор лирик-лавҳа яратилиб, васлга умидворлик ғояси Огаҳийга хос тарзда ифодаланади. Таносиб санъатининг нодир намунаси яратилади (от-улов-узанги сўзлари орқали).

Огаҳий лирикасида кўпин-

ча от билан боғлиқ ўринларда афсонавий қаҳрамонлар отларнинг номи кўзга ташланади. Булардан энг кўп қўлланилгани Рахшидир.

*Рахши сабо сайрининг
туйноғи гарди эмас,
Кейинча борур қилиб
ҳайли губорим сафар*
(1.206)

ёки:

*Рахши дунёга етиб
жавлон чоғи,
Сарбаланд ўлғай губорим
ҳар тараф.*
(1.278)

Рахш - ўтда қуймас, сувда чўкмас афсановий қаҳрамон Рустамнинг оти. Шоирнинг бу номни кенг қўллашининг босиси нимада? Бу бир томондан такрорийликка йўл қўймай услубий жиҳатдан тилнинг ранг-баранглигига эришиш учун санъаткор маҳоратининг натижаси бўлса, иккинчи жиҳатдан эса от образи билан боғлиқ ўринларда Огаҳий акс эттирган фикр-мулоҳазалар ҳаёлий ҳис-туйғулар меваси экани билан белгиланади.

Биринчи байтда Рахшнинг орқасидан кўтарилган чанг-тўзон эмас, балки бу менинг қалбимда йиғилиб қолган кўнгил гашликларим гуруҳидир, демоқчи. Шоир отнинг чопиши натижасида ҳавога кўтариладиган чанг-тўзон манзарасидан фойдаланиб, лирик қаҳрамон қалбида туғён ураётган кечинмалар манзарасини чизиб берган.

Ташхис, муболага санъатларига мурожаат қилиш йўли билан байтнинг эмоционал таъсири кучли, бадний жиҳатдан юксак бўлишига эришган.

Кейинги байтда ошиқ руҳиятида авж олаётган ғалаёнлар кўрсатиб берилган. Байтда Рахшнинг ўйноқлаб туриши маъшуканинг шўх-шодон, қувноқ юришига ташвиқ қилинади. От образи воситасида маъшуканинг ошиқ аҳволига бепарволиги, ўзининг унинг кўнгил дардларидан беҳабардек туришини кўриб, ошиқнинг дарду дунёсининг қоронғиланиши, бу кўнгилсизликлардан қутилиш чорасини топа олмай, ошиқнинг оғир қийноқлар азобига гирифторм бўлгани очиб берилади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Огаҳий от образи орқали реал ҳаёт гўзаллигини, инсоний муҳаббатни тараннум этган истеъдодли талант соҳибидир.

Биз юқоридаги кичик бир кузатқиларимиз билан мумтоз шеърятимизнинг улуғ вакили ижоди орқали тафаккур оламида ҳайвонот-набобот дунёси, жониворларнинг руҳияти-мизга таъсири хусусида айтмоқ бўлдик.

Бу синчиклаб ўрганилса, халқимиз маънавий олами шаклланишидаги кўп ғаройиб дурдона қарашларга дуч келиш мумкин.

Тозагул МАТЁҚУБОВА,
Урганч Давлат Университети аспиранти

ИЧКУЧА ЖОМИ АЖАЛ

Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) ёшлигидан тасавуф руҳида ўсди, мутасавуфларни саройга чорлади, улар билан мулоқотда бўлди. Бу рух унинг дилбар шеърлятига ҳам таъсир қилмай қолмади. Бу шеърят ҳар бир даврда янгидан-янги талқин ва тадқиқотларга сабаб бўлди. Шу маънода Бобур шеърлятида тасавуф ғояларининг бадиий ифтихосини ўрганиш ҳам муҳим ва мароқлидир.

“Бобур шеърлятида бадиий акс этган тасавуф ғояларидан бири “Ўлим” тушунчасидир. Маълумки, тасавуфда “ўлим”нинг тўрт тури бор:

1. Оқ ўлим (мавти абиз) - Очлик билан ўздаги қудратни англаш.
2. Қора ўлим (мавти асуд) - Одамларнинг тухмату-бўхтонларига сабр қилиш.
3. Қизил ўлим (мавти аҳмар) - нафси ептиш.
4. Яшил ўлим (мавти азхар) - жундан жанда кийиб, саодатли яшаш.

Бобур шеърлятида мана шу сўнгги - Саодатга олиб боровчи яшил ўлим куйланган. Унга кўра, ўздан ва дунё таъмаларидан кечиб саодатга етмак керак. Ана шу ўзликдан ва дунё таъмаларидан кечишлик “Ўлим”дир. Шоир бир ғазалида дейди:

*Ичкуча жоми ажал кўнгулда ул соқий турур,
Тўлғунча паймонам ул соқий билла боқий турур.*

Бу “жоми ажал”даги сир кишини боқий айлайдики, унинг Соқийси Илоҳдир. Шу сабабли лирик қаҳрамон умри борича (“паймонаси тўлғунча”) у Соқийдан ажралмоқчи эмас. Диккат қилинса, кўнгулдаги Илоҳ тажаллисини англаш йўлидаги хагги-ҳаракатлар “Ўлим”га мензалмоқда. Бунда Нафс ўлган ва Рух тирилган. Шоир шеърлятида мана шу ғояни тарғиб этувчи “Ўлим” куйланган. Чунки бундай “Ўлим” шоирни Мутлақ ҳақиқатларни англаб олишга бошлайди:

*Ул пари ишқиде йўқ ўлмоқдин ўзга чорас,
Чун ўзи-қотил, сўзи-муҳиқ, кўзи хунхор эмиш.*

Ҳақ таоло ўз ҳақиқатларидан аён қилмоқ учун тажалли (зухур) этади, лирик қаҳрамон эса уни англамоқ учун “ўлиб тирилиши” шарт. Демак, бу ҳол Соқийнинг (Ҳақ таолонинг) ўздан бўлиб, Унинг Ўзи қотил, Сўзи-ҳукмфармо, кўзи (илоҳиёт чашмаси) эса хунгалаб (“хунхор”)дир. Боязид деган экан: “Ўлдинг-еттинг”. Шу маънода Бобур ҳақиқатга етиш йўлида, Оқ, Қора ва Қизил ўлимларни тақозо сифатида таснифлайди. Мана улар:

Оқ ўлим: *Ўлтурур гарчи гуфторинг,
Тиреузур ул лаби шакарборинг.*
Қора ўлим: *Неча даврон ғуссаси бўлғай
менинг жонимга хос,
Қошқи ўлсам, доғи бу ғуссадан халос.*
Қизил ўлим: *Ўлғали еттиш, менинг жоним
гамин е, эй рафиқ,
Даҳр аро чун йўқ киши менга гамхорроқ.*

Чунки биринчи байтда “Ўлса ҳам ҳақ ва ҳақиқат лаззатидан тирилиши” ҳақида гап борадики, бу - оқ ўлим моҳиятидир.

Иккинчи байтдаги “даврон ғуссасини кутулиш учун унинг қора ўлимдир.

Учинчи байтда ифодаланган “Бутунлай йўқотил

арофасида турган киши Улуғ Дўст (Ҳақ) дан малад сўраш” мазмунидаги бу ўлим - нафсанга қилиб келиш, яъни қизил ўлимдир.

Демак, шоир шеърлятида маърифатга бошловчи тасавуфий тушунчадаги “Ўлим” тўғрисида сўз боради. Афсуски, Собик тоталитар тузум даврида бу ҳақиқат Бобурнинг ҳаётда “беҳад қийналиб кетгани” сифатида изохланади. Зеро, Бобурнинг мумтоз лирикасида инсонни ёруеликка олиб чиқувчи тасавуфий “Ўлим” мавзуси ўз аксини топандир. Таъкидлаш лозимки, Бобур шеърлятида Ҳақ васлига етакловчи саодатли “Ўлим” (яшил ўлим) куйланган:

Лабинг гар бермаса бўса, нечун жон

элта олғайман,

Бу йўлдаким адам саҳросига энди равон бўлдим.

Агар тасавуфда “лаб”нинг “Пирнинг илоҳиёт борасидаги суҳбати” эканлигини ҳисобга олсак, шоир “Пир суҳбатидан бебахра бўлсам нега жон бераман, гар унинг суҳбатига ҳамдам бўлсам ўзликдан кечиб унга равона бўлди” мазмунида сўзлаётгани маълум бўлади. Мана шунинг учун шоир “Ўлим”ни севди, уни куйлайди, тасвирлайди ва орзу қилади. Ўлим ғояси Бобур учун ҳақиқатга етакловчи куч бўлиб, у кучли овоз соҳибининг қудратини намоён қилади. Тасавуфдаги Фано тушунчаси Бобур шеърлятида бевоҳита “Ўлим” саодати асосида бадиий талқин қилинган. Унинг моҳиятида, инсоннинг ички, лекин чексиз қудратини намоён қилиш туради. Шу жиҳатдан олганда шоирнинг мана бу ғазалида “ўлиб тирилиш саодати” жуда яхши тавсиф қилинган:

*Оёгин ўлсам етишгай ари соқийсига бошим,
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим маҳвашиим.
Қўймоғимдур этигинг кетсанг илқидин ҳар неча,
Бормоғимдур остонингдир агар борса бошим.
Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қаругим ишқиде,
Ўлганам яхши бу навъ ар ўтса элқидин ёшим.
Дўстлар, кўнгулдагин қабрим тошига ёзгасиз,
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқиде ичу тошим.
Ёр ити, қизқирма гар Бобур деса ҳолин санга,
Найлашин бу гурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.*

Диккат қилинса, Бобур Ўлим (фано) тушунчасида инсоннинг кўнгли ва амали (суврати ва сийрати) уйғун бўлиши фикрини илгари суради. Унга кўра, лирик қаҳрамон жисми ҳақиқат нури (Ёр ишқи) билан тўла, вақти келиб буни қабр тошига ёзишларики, қабр тоши ҳам ҳақиқатдан сабоқ бериб турсин. Чунки қабр ичида Ўлим (фано) тушунчасини англаб етиш билан бу дунёдаёқ Ҳақ ва ҳақиқатни англаган ҳақшунос инсон ётибди. Демак, унинг қабри ҳам ҳақшуносликдан сабоқ бермоғи керак. Бу Бобур шеърлятида акс этган тасавуфий тушунчадаги “Ўлим”нинг мазмунидир.

Бобур ижодининг шу йўсиндаги таҳлили, “тасавуфга ички яқинлиги” (И.Ҳаққул) унинг оригинал шоир бўлиб етишидаги муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

*Дилфуза ЖУМАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентини
ҳузурдаги давлат ва жамият
қурилиши академияси аспиранти*



АНГЛАШ ИЗТИРОБЛАРИ

Бугун ёзувчиларимиз томонидан ўзбек насрининг янги кифёсини яратиш учун изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Назар Эшонқулнинг "Ёшлик" журналида 1998 йил эълон қилинган "Қора китоб" қиссасида шундай изланишлар, бадий ва фикрий ўзгаришлар сезилади.

Қиссанинг биринчи эътиборли томони - ёзувчи ўзини чекламаган, унда ўқувчи талаби билан ҳисоблашиш йўқ. Адиб ўзи тўқиган эртаққа ҳеч қимни ишонтирмоқчи эмас. У фақат англаган ва ҳис қилган нарсаларини ёзмоқчи. Асардаги рамзлар, воқеаларга ғайритабiiий мистик ёндошув қимнидир ажаблантириши мумкин, лекин ёзувчини эмас. У айтиб бўлди. Қиссада ёзувчи эзулик ва ёвузлик муносабатларини қаламга олар экан, дунёни бир бутун кўришга ҳаракат қилади.

"Бериладиган жазо ҳар қалай виждон азобидан энгилроқдир..." - буни ўқиб истехзоли қулиш мумкин. Ва айни пайтда ёзувчи буни нима билан исботламоқчи, бу исбот ўзини оқлармикан деган тақаббуруна ҳаёлга ҳам бора-сиз. Адиб ҳам айнан шуни инсон фожиасини, эзулик ва ёвузликнинг азалий муқаррарлигини, мутаносиблигини кўрсатмоқчи бўлади. Ёзувчи гўзаллик ва санъат даҳшат, ваҳшийлик туғдириши ҳақида умидсиз мушоҳада юритар экан, айнан шу мушоҳадаси паноҳидан эзулик учун маскан қидиради. Албатта, моҳият эзулик ва ёвузлик туншунчаси ҳақида адибнинг шундай хулосага келишида эмас, аксинча бу хулосага биз-

нинг муносабатимизгина унга ҳаётийлик, завқ бахш этишидадир.

Шарҳ бериш бир қарашда биров қалтис вазифа, айниқса талқин манбаи турли рамзийликларга бой бўлса. Биз ифодаланаётган тасвир бошқа бир моҳият бўлиши эҳтимоллиги ҳамиша мавжуд. Аммо бу эҳтимоллик олдида беқарор иккиланишда тўхтаб туролмай-миз, қолаверса мақсад ҳам шу беқарорликни енгиб ўтиш, англашга бўлган урунишдир.

Адиб воқеа ва ҳодисаларни асар шаклига бўйсундиришга, уларга умумий бир боғлиқлик бахш этишга ҳаракат қилади. Воқеаларга эргашар экансиз, бундай бўлиши мумкин эмас, деган эътироз сизни ҳамиша таъқиб қилиб туриши ва шу баробарида ҳаммаси бўлиши мумкин эканлиги, ўлиш, тирилиш, мистиканинг ҳам ғайритабiiий мавжудлиги ҳисси сизни тарқ этмайди. Ўринлиси шунда: бўлиши мумкин бўлмаган ғайриоддийликда, яъни шу сизни кўпроқ ошуфта этади, у сизга нимадир ваъда беради, ихтиёрий тарзда ортидан эргаштиради. Адиб маҳорати ҳам шунда билинади: у ўз мантиқини, мақсадини мазкур қурилмалар асосида ишончли, ҳаётий ёритиб бера оладими ёки бу мақсад адибнинг маҳоратсизлиги туфайли ёлғон эртаққа айланадими?

Назар Эшонқул шу маънода фикримча баъзи ўринларда ўз мақсади, моҳиятини англашида биров китобiiийликка, тўғрироғи, бепарволикка йўл беради. Бадий мукамалликка аввало лавҳалар қурилмаси, тасвирлар йиғиндиси орқ-

али эришиш мумкинлигини назарга олсак, бу ўринда муваффақият билан бирга оdatий китобiiий тасвирларга ўрин берилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, оддий деталларда бу икки ҳолатнинг намоён бўлишини кўриб ўтайлик: китобни бутун маҳалла ўқиши, унга тиз чўқиб вақт ўтказиши сизга жуда эриш туюлади. Гап фақат бу ҳолатнинг ишончсиз чиққанида эмас, балки айнан шу ишончсизлик боис, бу тасвирга юклатилган рамзийлик ҳам ўзини оқлай олмаганида. Маҳорат эса шу иккиликни ҳаётий ярата билишда. Ва бу маҳоратга биз бошқа лавҳаларни кузатиб гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, чўққи сақолнинг суратдан ҳаётга кўчиши тасвири. Сиз бунга ўзингиз сезмаган ихтиёрсизлик билан ишонч билдирасиз. Нега? Чунки аввало адиб сизни бунга тайёрлаб бўлган, шунингдек муаллифнинг ўзи ҳам бунга сиз ишонгандан кўра кўпроқ иқрор бўлишга тайёр. Бу тўғридан тўғри ишониш эмас, албатта, балки асар мантики талаб қилаётган шартли эҳтиёжликдир. Асардаги яна бир эътиборли қурилма Қаҳрамон - Хотин - Китоб муносабатларининг ривожланиши, бу қурилма ҳақиқатда маҳорат мактабини намоён эта олган. Тан олиш керак, мавҳумлаша боргани сари, шунчалик жозиба кашф эта бошлайди. Лекин сизни сескантираётган нарса нима? Иблиснинг қаҳрамон хотини кучоғига киришими ёки ёвузликнинг мислсиз кучи? Бу лавҳада ҳақиқатда иблис кучини намоён эта оладиган нимадир бор. Эҳтимол бунга мистика-

нинг ҳаёт билан уйғунлигини кўрсатиш орқали эришилгандир. Албатта, уни турлича талқин қилиш мумкин ва мен бу ерда талқин этишдан кўра муҳимроқ аҳамиятини таъкидлаш билан чекланаман. Зотан, бу ерда ифода этиш, рамзийлик талқинини беришдан кўра, англашга бўлган эҳтиёж туғилишининг ўзи муҳимроқдир. Бу адиб маҳоратининг ўқувчига тақдим меваси. Тафаккур, гафлат тафаккурига туртки беришга бўлган уринишдир.

Баъзан оддий ҳолатлар, тасвирлар умуммоҳиятдан чалғитади, тўғрироғи, ёзувчи уларни асарга мукамалликни тўлдириш учун киритади, лекин бу уринишларнинг акс таъсири ҳам намоён бўлади. Масалан китобнинг отиб юборилавериши, пайдо бўлавериши каби ҳолатлар оддий ҳафсаласизликдан, бошқача айтганда баъзи ўринларда ёзувчининг зерикканидан далолат беради.

Ёзувчи англаган, уни безовга этаётган муаммолар, инсон фожиасига муносабати баъзи уйғунсизликларга қарамасдан асар мобайнида ўзлигини кўрсатишга муваффақ бўла олган. Баъзан огоҳликнинг даҳшатли зарбасидан гангитиб қўядиган саволларга дуч келасиз: исён, санъатига қул бўлиш, ҳаётдан мазмун излаб унинг мазмунсизлигини англаган инсон тақдири. Воқеа ва ҳодисаларнинг кутилмаган бир изчиллик тарзида ривожланиши ҳам эътиборга молик. Чўкки сакол, Китоб, Кундалик воқеаларининг ягона мантқ остида ривожланиши қиссани завқли қилади.

Ёзувчи ўзининг бешафкат саволлари билан ўқувчини оживликда қолдириш ҳаракатида бўлади ва бунга муваффақ бўлади ҳам: *"Ҳар қандай гузаллик ортида ваҳшийлик турди"*, *"Олдингисидан ёвуз-*

роқ кучга хизмат қилиш учун санъат қолади". Воқеанинг бундай кескинлашуву ўқувчини бироз хавотирга солиши табиий, муаллифнинг мақсади ҳам шу: у ҳақиқатни, мақсадни нимада кўриш зарурлигини уқтирмақ пайида. Қисса қаҳрамони ўз хулосаларини тўлиқ ишонч билан, аччиқ ҳаётгий тажрибасига таяниб гапирди. Санъатнинг ёвузликка хизмат қилишини тушуниш мумкин ва бу ақида янги эмас, асосийси ёзувчи буни муҳокамага жонли қўя олганида.

Ўқилиш жараёнида қаҳрамоннинг парчаланган эътиқоди кўп нарсани ёдга солади. Шу баробарида ўзингизни жамлаб, инсон ҳаётига бошқа бир кенгликлардан қараш, баҳолаш имконини, истагини ҳам пайдо қилади.

Энди қиссада ёзувчи танлаган услуб ҳақида бироз тўхталсак. Бу қарашда Назар Эшонқул услубида қандайдир таниш услуб мавжудлигининг кўзга ташланиб туриши. Хусусан, А.Камюнинг *"Падение"* қиссасидаги ҳикоя усули бир қарашда такрорлангандек. Ва буни дадиллик билан муваффақият сифатида баҳолаш мумкин. Чунки санъатга, изланишга бўлган йўл ўхшатишдан, тақлиддан бошланиши сир эмас. Энди янги услуб ўз ўзидан осмондан тушмаслиги, у ўрганилиб, ривожлантирилиши аён ва буни изохлашга ҳам хожат бўлмаса қерак.

Назар Эшонқулнинг насрода янгиликка талпинишига қисса сюжетини кузатиб ҳам гувох бўлиш мумкин. У ўз қурилмасини дунёвий ривоятга мослаштиради. Адиб маълум диний мистикани ўз қаҳрамонлари тақдири билан бошлашга ҳаракат қилган. Бу баъзи ўринларда қисса моҳиятини, камровини чеклаб ҳам қўяди. Мазкур қурилма кўп ўринларда диний манбадаги ривоятли-

гича қолиб қетади. Агар уни қиссага киритишдан мақсад қаҳрамонлар иштирокида ривоятни яна бир бор жонлантириш бўлган десак, қиссада айнан шу жонланиш сезилмайди. Ривоят аввалги нусха ҳолатлигича қолаверади.

Шу сабаблидир кейинги хотималар: кемадаги ҳолат, Одам Ато, бола ўғирланиши каби ҳолатларнинг ортикчалиги сезилиб қолади. Адиб ўз дахлсизлигини насихатгўйликка, ваъзхонликка алмаштиради. Ёзувчининг бу чекинishi эса асарга таъсир этмасдан қолмаган.

Юқоридаги қайдлар қиссанинг бадийлиги, услубийлигига тегишли. Бироқ яна бир муҳим томони бу қисса ортидаги ёзувчи олами, изтироблари ва изланишларининг давомий ҳис этиб турилиши. Уни қандай таърифлаш мумкин, эҳтимол бу қиссада айнан бир инсон тақдирининг бутун инсоният қисматига уланиб кетиши орқали намоён бўлгандир. Асар ўқилиши давомида сизни қандайдир аламли ифода оҳанги тарқ этмайд. Бу алам ёзувчининг дунёни англашга бўлган ҳаракати деб тушунмоқ тўғри бўлар. Қисса яхлит бир узвийликка даъвогар бўлмаса-да, ютуқ шундаки, ёзувчи ўрни воқеа ва ҳодисалар замирида йўқолиб кетмайди. Асардаги асосий ўрин - муаллифнинг воқеалар ортидаги босиқ изтиробни эканлиги сездира олинган. Бу менимча ёзувчининг ўзлигини намоён эта олиши. Айнан шу нарсани ҳис қилишгина асарнинг ҳақиқий баҳосини белгилайди.

Малик МАНСУР

МАҲЗУН ОКШОМ ШУЪЛАЛАРИ

Эссе

Маҳзун окшомлар... Ҳозир шу окшомлардан иккитаси ёдимга тушди. Чароғон кечаларнинг бирида дўстлар, устозлар йиғилдик, мезбон дўстимиз ва рақиғаси шод бўлганларидан елиб-югуришар, топган-туганларини дастурхонга тўкишарди. Сухбат кизигандан кизиб борарди. Нима ҳам бўлдию, мазам қочаётганини сезиб, секин ўрнимдан туриб, бекатга қараб юрдим, дўстларимдан бири етиб келиб таксига ўтказди, бирга кузатиб кўйди деса, унамадим, сухбатни кўзим киймади - унга илиндим. Дўстим ёш ижодкорлардан, устозлар гурунгида бахраманд бўлсин дедим. Кўнглим айниб, таксида шарманда бўлмай деб қаттиқ чиранганимдан бўлса керак, ўтиришим билан "Тансиқбоев, 10" дедиму ўзимдан кетдимми ё уйкуга кетдимми, билмайман. Тансиқбоев масивни ҳам бир нечта экан, хайдовчи зўрга топибди. Яна бир окшом тобим бўлмай Эски Жува бекатига келаётган эдим, тасодифни қарангки, бир дўстим учраб, ха шоир рангингиз синик, мазангиз йўқми, дедию туси ўзгарди, билдимки, кўришим "чакки" эмас, э, қачон еизу бизнинг рангимиз бутун бўлган, шу ҳар доимги синик-да деб ҳазиллашган бўлдим. Йўқ, бу гап кетмайди, уйга киримиз.

Унинг уйи бозорнинг яқинида эди. Унамадим, уйга тезроқ етиб олай дедим. Хай-хай дейишимга қарамай такси тутди; кузатиб кўяман. Йўқ, деб қаттиқ туриб олдим. Таксичига икки баравар гўлаб дедимки, шу уй меники, кутиб турман, жавобини айтасиз. Кўп ўтмай хавотир олиб барибир уйимга етиб келди. Бу улкан шоир ва улкан инсон Тилак Жўра эди. У билан дастлабки танишувимиз Дорилфонуида кечган. У ётоқхонанинг четки, бир кишилик хонасида истикомат қиларди. Туллар машинка чиккиллашидан биз унинг хонасида эканини билиб, чақирар, у эса бизни ичкарига таклиф этар, ҳалал бермадикми дегандай иккиланиб турсак, ўша ернинг ўзида шеър бошлаб юборар эди: "Бедазорда бедана Бўлиб-бўлиб сайрайди. Кампир кизи жонона. Ошхона туйнугидан Бедазорга қарайди: - Тезроқ пишса холвайтар, Оним кирарди уйга. Ёнинта чикардим ёр, Пичан солаёй деб кўйга..." ва биз беихтиёр унинг ёнига кўтарилар эдик, аламаҳалгача шеърхонлик давом этар, биримиз кўйиб, биримиз олар эдик, шунда унинг кичик хонаси кенгайиб кетгандай туюларди. Ўшандаёқ мени унинг "ҳазон табассум"дай шеърлари ғоятда рангинлиги ва миллийлиги билан мафтун этган эди, ҳануз севиб такрорлайман. Ўшандаёқ жиндай чапанлик, ўзбекона бағри кенлик, озурдажонлик етакчилик қиларди унинг шеърларида, ҳануз шундай ўйлайман. "Ўрмалар деворга нам, Лабни қучган каби гам. Шувогидан айрилиб, Тумшаяди сомон ҳам. Кимсасиз бир ҳовлида қип-қизариб чўг бўлиб, Ўсар бир туп атирғул, Кетанларга туг бўлиб. Деворни нам йиқади, Одамни гам йиқади. Ҳазонга кўмилиб, Атирғул қон ютади..." Узок йиллар такрорлайман: деворни нам йиқади, Одамни гам йиқади. Бу содда, самимий сўзлар кўнглимга бир мақол каби ўрнашиб қолади. У ғамдан йиқилгиси келмади, У ғамга суянгиси келди, бамисли асога суянгандай, лекин бу ҳасса бир кун қарсизлаб... садо берди! Тилак



Жўра ҳаётнинг аччиқ кўчаларини кўрди. У Эски шаҳардаги бир хоналик уйида токат билан болаларига қаради, дўстларини, устозларини кутди - улар ҳам кўп бора ёрдам кўлини чўзилар ва ниҳоят анча кеч бўлса ҳам (бу кийинчиликлар туфайли бир неча дард ортдирди) Кизил Шарқдан "дом" олганида унинг суюнганларини кўрдим. "Ҳар кун айтиладиган гап" деб номланган мана бу шеър эса менга ўша кийин кунларидан хотирадай туюлади:

Ишлар битсин, хотин!

янги қавиған кўрдангда оёқни чўзи-иб,

кўк чойи сузи-иб,

маза қилиб ётаман...

Ҳайдарқул

муздай сувда қоқ ноини эзиб,

эзиб қафти билан тириши петионасини

қирқ йилки, ҳар кун шу гапни

эзилган хотинига

айтади, эзиб-эзиб...

Бу шеър нафақат унинг шахсий ҳаётини, балки жафокаш ва меҳнатқаш халқимиз ҳаёти зарб этилган бўлиб, унинг оғир меҳнати, турмуши ва сабрлигини ёдимизга солади. Пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: "Қавмига қараб бошлиғи, яъни ўзингиз қандай бўлсангиз бошингизга шундай бошлиқ келади". Бошлиқлар ҳам, шоирлар ҳам халқ ичидан чиқадилар. Лекин ўша пайтда бошлиқлар бошқа ёқлардан келар эдилар. Албатта, бу ҳам амалимизга қараб... Тилак Жўра шеърини халқ оғзаки ижоди, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзига сингдириб юборган бетакрор ижод. Унинг қай бир шеърини ўқиманг, бир қадрдонлик, бир ошнолик ва яқинлик туясиз. Бунинг исми миллийликдир. "Бойсу деган элатдан Сөзин созлаб пир келди. Унга эргашиб, дўстлар, Лолазорли қир келди. Қирчиллама қир эди, Баҳор ҳали туш эди. Туйғуларни кўтириб, Ҳасрат гамиш супириб, Эрйтиб дил қорини Дўмбираси кўр келди. Қоражондай ор қилиб, Ганхўрларни хор қилиб. Оти билан шоҳ суриб, Шобердидай зўр келди. Сөзинг жўрини кўриб, Сўзинг зўрини кўриб, Қалбнинг кўрини кўриб, Оҳ, эгамо, воҳ, эгам, Кўзларимга сел келди." Бу шеърнинг ва кўшини бўлганимиздан кейинги кўпгина шеърларининг ёзилишидан хабарим бор. Шоберди бахши ижросида "Алпомиш" достони битилган тасма бўларди. Бизникида бирга эшитардик, Тилак Жўра бирга эшитишни хуш кўрарди, бошқа кўни-кўшинларнинг таассуротини ҳам билишни хоҳлар, достоннинг драматик жойлари келганда ҳаммамизга бир-бир зимдан кўз ташлаб чиқарди. Бир кун янги магнитофон сотиб олди ва уни кўчирди олди-да, энди бизникида эшитамиз, деди. Шундан бошлаб гоҳ деразадан гоҳ икки хондонни тугаштирувчи иситтич қувурларни уриб, "сигнал" бериб чақирар, яна бирга эшитиб бирга дардлашардик. Эҳ, деб кўярди, Эргаш ота, Фозил ота, Ислом ота, Пулкан оталарнинг тасмалари ўчирилиб юбормаганда, бирга эшитган бўлардик. Шоира, Ориф, чой! Аччиқ бўлсин! - хайқирарди болаларига.

Тилак Жўранинг ўзига хос шеърини мунаққидлар томонидан етарлича баҳосини олмади, ўша ўзига хослик "очиб" берилмади. Чамамда, буни унинг ўзи ҳам сезар ва



сезмасликка оларди, жуда камтарин, хокисор инсон эди. Нашриётдан унинг босилажак тўпламга ички тақриз ёзиб беришни меҳдан сўрашди... Раҳмат, дўстим, деди кўзлари порлаб бир кун учрашиб қолганимизда, - матбуотда чиқарсангиз бўларкан, тақризингиз мени жуда қувонтирди, кўнглимдаги гапларини айғибсиз, айниқса, менга "шеър фикр айтмайди, фикр уйғотади, унинг фикр айтгани шудир" дебсиз ва умуман, санъат шундай деб қўшиб қўйдим. Ўша тақриз нуسخалари менда қолмаган экан, узоқ вақт унга кўринмай юрдим. Раҳмат, деди яна бир кун кўришганимизда мени ҳижолатдан қутқариб, "каминага бағишланган шеърингизни эшитиб бошим осмонга етди, Сайётдаги боғчамда теракзордаги суғара қилиб, дўстлар, устозлар билан бирга ўтирувдик, бирдан жимғочдаги қарнайлан овозингиз эшитилиб қолди: "Ёниб кетди уйи Тилак Жўранинг!" Меҳмонлар орасида машҳур озарбайжон олими Рустам Алибеков ҳам бор, у зот тура сола мени кучоқдай кетди ва кўп илик сўзлар айтди". Анча енгил тортидим: Бирок унинг ёнган уйини эслаб маҳзуландим - одамлар бор қўшна-қўшна иморатларда яшайди, илоҳи буюрсин, лекин нега шоир хор яшайди, нега мўйлов қўйган кўнни ҳам унинг устидан қулади, ахир. Шоир ҳам инсон-ку, тузук яшашга ҳаққи йўқми, ота-онаси-чи, бола-чақаси-чи, уларда нима айб?! Абдулла Матёқубов, Мирзакарим Пирматов, Шавкат Раҳмон, Назар Шукур, Чори Аваз, Равшан Файз, Ҳамза Имомберди, Аскар Косим, Маҳмуд Тожибоев, Баходир Содик каби шоир ва мунаққидлар ҳам Тилак Жўранинг жўралари, укалари, қисматлари ўхшаш, эрта кетдилар. Тилак Жўра: *"Оғир-оғир, жуда оғир, Ўз юртингда хўрланиб яшаш. Рўҳинг бўлар доимо сағир, Умринг бўлса, тилингни чайнаш"*, деб ўша қисматдошлари, сизу биз замондошлари номидан юраи силкиб, жигари силкиб, истиқлолни орзулаб, унга интиқ бўлиб қўйлаган эди. Унинг шеърлари бақувват бадиий образларга тимсоҳларга бойлиги билан ўзбек шеърлятида алоҳида ўрин эгаллайди *"Юлдузлардай эрир нафасим Шафтолнишг ишдўринг папида. Жўхорилар балиққўз бўлиб Сузилади менга эгилиб... Ёқам икки қирғоқдай очик, Бундай бахтга боқиб ётолмай Офтоб юзин чўқилар чумқуч..."* У Темур Бобожон тимсоҳида чўл бағрини очган пахтакорлар ҳаёти нечоғли оғир эканлигидан изтиробли ўйларга ботади: *"Бемор фарзандини Болордан асрамоқ истиган отадай Илдиз бўлиб китриқлари санчили қумга, Юлдуз бўлиб кўзлари сингиди қумга, Қорга беланган каби беланди қумга. Қонга беланса ҳам бунчалар оғир ботмасди унга."* Тилак Жўра ҳақиқий санъаткорларга хос инсон ички дунёсининг манзараларини ташқи дунё аломатлари орқали очиб боради: *"Сўкланади тун бўйи менга Болорга босилган вассалар, Боқолмайин тикилиб охир Кўзларимни қонлар гуссалар. Фижимлайман отпоқ чойшабини Оғир тоқидай қалқиб чўкман, Айтолмасдан тунга ҳақ гапни Мен тонг оттиришдан кўрқаман..."* Ёки Шукур Бурхонга бағишлаб ёзилган шеърдан бир парча келтираман: *"Тонгла титроқ тушларни ўйлаб, Рўх кўтара бошларкан исён, Узугага жойлаб дунёни Айлантиради Шукур Бурхон!"* Шу бир банднинг ўзини ўқинимиз билан кўз олдимизда машҳур Шукур Бурхон ва унинг бетакор салобати намоён бўлади. Унинг бир қанча шеърлари борки, тенгқур замондошларимизнинг ҳолдан таржималар ёки урушдан кейинги Ўзбекистон ёки Туркистон сувратлари дейишимиз мумкин: *"Мен туғилганда отам арпа ўриб, Тикан гуллаб, халили хол отиб, Довуччага тиг ураркан қўёш... Онамнинг бир қўлида мен, Бир қўлида ёргучоқ, Мен не-не бахтли болалар каби бешикда тебраниб кўзминчоқ санаганим йўқ, Мен туғилганда бешикқоз уста Урушдан қайтганди, қўлини қолдириб, Беланчакка бойланган эски бўз Шир-шир сўқилган сари, Шир-шир чўзилган сари гоз бўйишдай чўзилди бўйим, Шу чорак асрли умримда Она титроқ сийнасига қўйсамда қадим, Шафтолидай эгилдим тига..."* Ундан кейинги даврлар, ҳолатлар "Сура" да аке этади: *"Мен сурач чизилман... Мурғак ҳаёлимда қолган мурғ-*

ак лавҳада: Ерга умр тамгасин босган Отам ўрнига Тизимни тилиб ишдан қайтганим, Қоратолнинг куртагидай кўкареган тириюгимни Пешонамга шикаб, қоратолнинг соясида ётганим. Онам... Ҳўзаларнинг ҳиди кўчган, Бир озгина ранги ўнган Оқши рўмолин буюдойранг юзимга ёйгани; Мен отамдай Қоратолнинг соясида ажриқнинг юлдузли толасин тишлаб, Ёнбошлаб ётганимни кўргани; Онамнинг Узоқ аза азобдан сўнг Чўқур кўзларига, Сўлгин юзларига табассум келгани; Ўша оқширанг рўмолдай, Оқшироқ қозога Нопармон бўёқда Шу лавҳани бир умид билан Чизилман... Мен сурач чиздим..."

- Отамиз беш ёшларида отадан етим қолган, - деб эслашади фарзандлари Нодира, Ориф, - бувимиз Ашир моё хам ота, хам она бўлиб улгайтирдилар, ўқитдилар.

Менга ҳам раҳматли Тилак Жўранинг ўзи ҳаётининг аччиқ-чучукларини сўзлаб берганлар. Уларда ҳикматли, ибратли жиҳатлар кўп. Тилак Жўра гарчи ҳаётининг аччиқ томонларини мўлроқ кечирган бўлса-да, болаликнинг изтироблари билан биргаликда завқу шавқларидан ҳам бенасиб бўлмаган. Болаликда шўх-олов бўлганини, қўшни маҳалла болалари билан "кураш", "уруш" ўйинларида "атаман", "генералисимус" дея "шўхраг" қозонганини, ҳатто бу "унво"ларни маҳсус темир-гунқадан ясаб, болаларнинг ўзлари тақдим этганликларини тўлиб-тошиб ҳикоя қиларди. Шунанга, айтмабидим, шоирлар - ўз соҳасининг генераллари деб, ўзгалардан олишмаса, ўзлари нишон ясашади! Улар рўҳий изтиробларининг, туйғулар жағнининг "отаман"ларидир! Умуман Тилак Жўра ҳаёти ҳақда бемалол қатга бир китоб битса арзиғулик. Дарвоқе, ўзи болалиги ҳақда роман битаётди эди... Тилак Жўра дард ва ҳаёт билан олишиб умр кечирган бўлса-да, дээрли барча шеърларида унинг ўзига хос - гамага қоришиқ, туйғулари ёришиб, умидлари порлаб, жилваланиб, ажиб товлабниб туради. Ёруғ-қоронғу қулиларида умид уин тарқ этмади. Умид - иймон белгисидир. Ноумид шайтон дерлар. Унинг умид билан яшашига, умид учқуниб турган ёрқин бититига, онаси, яқинлари, турмушдоши, дўстлари, устозлари Файбулла ас-Салом, Нажмиддин Комиловлар яқиндан мадад бериб турдилар. Қадрдони Норғўхта Қилич дори дармонлар етказиб турди. Дунёдан ўтган қулиари беғзин таҳчиллиги сабаб "тез ёрдам" етишмайди. Шоир жасадини она қишлоғига (айтишларича васияти шундай бўлган) элтиш учун "маҳсус" "тез ёрдам" машинасини топишда Мирза Кенжабек хизматлари бекиёс бўлди. Аллоҳ рози бўлсин!

Ўша кун... Отамнинг маъракаларини ўтказиб қайтанамга икки кун бўлган эди, одамлар таъзияга келиб кетгач, шомдан сўнг, том орқадаги боғчамга сув тараб қайтаётгандим, "дом" бошида йиғилишиб ўтирган қўшнилар чоғга тақлиф этиб қолишди, энди пиёлани кўлимга олудим ҳамки, зинамиз олдида турган машинага қараб ўтган Тилак Жўрани кўриб қолдим, машинанинг "тез ёрдам" эканини билишим биланок юурдим - жойидан кўзганиб тезлаб кетди, "аттанг, бир ўзи кетди, бирга боролмадим" дегандай афсусланиб турувдим тепадан янгамнинг: "мошина ичиди жияялари Ихтиёр бор, ўйланманг" деган тасаллиларини эшитиб, тинчланиб уйга қайриб кетдим... Не маҳалда эшик кўнгирағи жириглаб Ихтиёр Тилак Жўра оламдан ўтганини хабар қилди. Не бўлди, қўяверинг! Дўхтирлар қанча тиришмасин қуни битган экан. Бу ёқда Отамни қўйиб келганман. Бу ёқда... қўшнилар кўп, бари яхши, аммо дардлашадиган, яхши-ёмон қулинда ёнигда турадиган қадрдон, биродар, жон қўшни энди йўқ. Мен дунёга келиб, ҳамма яхши кўрадим, ҳеч ким ёмон кўрмайдиган Инсонни, Шоирни кўрдим. Бу Тилак Жўра эди, Бундан кейин, иншоаллоҳ, кўплаб кўрармиз унинг каби дилбар инсонларни. Қўпол бўлса ҳам айтишга тўғри келади (не қилай Шайтон зўрлик қилмоқда) жами ишларини йиғиштириб келганда унинг бир бандига татийдими йўқми, баъзи озгина қучи етмаганлар тоҳо унга ҳам танбех бериб: камзулнинг беўхшовлигинию, бўйинбоғни доим тақмаслигини айтиб беозор



диглига озор беришар, у эса ҳеч озорланмагандай кулибгина: бизга шуям бўловради деб кўярди. Ахир у қанча ойлик олади, қандай яшайди, хабарлари йўқмиди... қонларим қайнаб кетар, лекин ўзимни босардим. Бу қисман Тилак Жўра сабоқларидан. Яна ўзимни хаёлап айблардим, улар ҳам Тилак Жўрани яхши кўрганидан, бундан ҳам гўзалроқ кўриш истайдиган бўлса-чи, жа, унақа камситиш нияти бўлмаса керак... айтдим-ку, ҳеч ким ёмон кўрмасди деб, ўз-ўзимдан хижолат бўламан. Шоир босиқ бўлиши керак, - деб кўярди гоҳо, - эсланг. Ўлжас Сулаймонни: "Мен бировдан ошириб ҳақорат қилмайман. Сукут қиламан. Кўзғолмайман. Мен кўзғолсам шунчаки кўзғолмайман!.."

Баъзан жим турганимизда ҳазиллашиб хайкириб қолар, гоҳ боладай беғубор кулса, гоҳ шундай қаҳ-қаҳ отардики... хозиргача кўшни "дом" дағилар: ўрни билиниб қолди-да деб кўйишади. Раҳматли Тилак Жўра ва Шавкат Раҳмонга ўхшаш шоир-адиблар социализмни, коммунизмни, коммунистик партия ва унинг даҳоларини, беш йилликларни қуйламадилар. Уларга садоқатини билдирмадилар, билдирганларида эди ўша алақачон ўлиб бўлган даҳолар билармидилар, эингармидилар, йўқ, ўзимизнинг ичимизда юрган тумашгалари эшитар ва тақдирлар эдилар. Кўзғаб нима керак дерсиз, кечирасиз, сиз юмшоқ тулпорингизда ҳоволаб юрганнингизда улар зах ижараларда қон қусар эдилар. Ҳа, давр шунақа эди, дейсиз, кечирасиз, улар учун давр эмасмиди, ҳа, давр эмасди, сизнинг даврингиз келган эди, лекин ҳали тамом кетиб ултургани йўқ, чунки у қонларда, фикрларда ҳали бироз яшайди, яшайдики, баъзи таҳририятлардаги баъзи дўстлар шу истиклолни кўшиб кетмабизда деб меҳрибонлик қилган бўлади, у кеча даҳолар номини кўшишни сўрар эди битигингизга. Ахир, ҳар қандай гўзал асар, истиклол, инсоний иқбол ҳақида эмасми, бу сўзларнинг асариди бўлиши шартми?! Ахир, у ҳозир мен битаётган мақола эмас-ку, у бадий асар-ку?!

Мана, шундай муҳит чангалзорларини оралаб ўтди Тилак Жўра ҳам. Сабр қилди. Энди биз ҳам сабр қиламиз. Шундай кийин қунлар бўлишига қарамай қизиқ гаплар, латифалар сўзларди... Шундай қилиб шифохопадан чиққанамиз да пиқиллаб кулиб юборди, бояги бош шифокор дўсти эканини, синфдошлари билан келишиб бизни бир овунтириб қўймоқчи бўлганини айтиб, роса боқладимми деб кўярди.

Рауф Парфи, Тилак Жўра каби шоирларга омад сал кечикиб қолишининг сабаби улар ижоди оммавий эмас. Оммавийликда ҳавф бўлса, мураккаблилик, ўзгачаликда кийнок бор. Шу билан бирга Тилак Жўра шеърятда соддалик, ёркинлик умид нурлари балкиб туради, кайфиятинингизга кўтаринкилик бағишлайди: "Умидларим бир гўзалнинг қора ҳолига Бўямлоқ бўлдилар, бўялдилар. Йигирма иккиннинг пишиқчилигида. Умидларим томчи эди - Дарёландилар, Куртак эди - чинорландилар. Ҳамон офтобнинг огушида Эзгуликнинг товушида Умидларга осилиб яшайман. Йигирма бешининг пишиқчилигида..."

Мен Тилак Жўра шеърларини ўқирканман борликдаги барча жонзотга нисбатан кўнглимда севи уйғона бошлайди, қаранг: "Бугдой бошогидай чайқалиб, бугдой бошогига суқланган, Бугдой бошогига, Кенжатоё чирогига суянган онаминг Қари умидларини Севаман: Ёмгирнинг ёғишини, Қўшини аёл сизир соғишини, Дарёнинг мавжини, Илонинг чипор рангини севаман..."

"Нозим Хикмат" шеъри шундай тугалланади: "Иймонга эрк берайлик, Эрк берайлик виждонга. Ҳеч бўлмаганда Кўкда юлдуз ургандай ранда, Бир жимирлаш юз берсин танда..." каби шеърлари ижодларини севиб ўрганган устозлари Миртемир, Нозим Хикмат бадий қувватидан қолишмаслиги ва ҳамма вақт бирдай жаранглаши билан эътиборли, эъзозлидир. У ўткинчи шов-шувларга, ўзини кўрсатишларига, оммавий шухратга қул бўлмади.

Тилак Жўранинг ўз вақтида шов-шув бўлган тўрт қаторгина "Машраб" шеъри ҳозир ҳам бадий жасоратдир:

"Кўкка қараб қўлин силтади, Ерга қараб силкди этаган, Иккисин ҳам кўзга беркитди, У дунё деб билди юраги".

Менинг ҳаётимда ҳам мунгли кечалар, чороғон қундузлар, ҳазин оқшомлар мўл бўлди, Ундан кейин ҳам кўчаларни кўп бор маҳзун кездим, бироқ Тилак Жўра... унинг шикаста табассуми, синиқ жимайиши, баралла қаҳ-қаҳалари, меҳрибонлиги, самимиятли, дўст учун жон тутишлари энди йўқ. Мен шеърларини ўқиб хотирлар эканман, ўша маҳзун оқшомлар шўъласи ўйларимни ёритгандай бўлади, маънос кўчаларни кезарканман, ўша маҳзун оқшомлар шўъласи ўйларимга тўкилаётгандай бўлади. Ва дадил айтганда, Тилак Жўра ижоди ҳар қанча эъзозга арзигulikдир. Шукрки, шогирдлари кўп, устозлари кўп. Янги уйга кўчиб ўтгандан кейин битилган мана бу биринчи шеър Тилак Жўра шеърятда, нафақат унинг ижодида балки кейинги йиллар назм майдонидида сезиларли бурилиш бўлди:

*Бу қунларнинг нидосидан
ой бўлмайин ҳилол йиғлар,
бу қуннинг минг хатосидан,
қун кўрмагани иқбол йиғлар.*

*Бир бурчақда тумшайганча
мени кутиб висол йиғлар,
қундан-қунга ошар гуссам,
толиққан тўрт девол йиғлар.*

*Ўзлимни излаб ўзим,
тополмайин босган изим,
айтолмайин, айтар сўзим,
руҳимда бир малол йиғлар.*

*Ўз уйимда ўзим зорман,
хаёлимда фақат борман,
ўз умримга ўзим дорман
қўнглимда бир савол йиғлар.*


*Юрар бўлсам соям йўқдир,
тик боқмоққа қоям йўқдир,
ичорликдан чорам йўқдир,
бошим силаб, шамол йиғлар.*

*Нима бордир қўлларимда,
ортимга ҳеч чўзолмасман,
ўзи тугиб, йўлларимдан
муштитар бир аёл йиғлар.*

*Бошдан учиб ақлу ҳушим,
мендан қочган камол йиғлар,
ўнгдан келмай сира тушим
мендан кечган хаёл йиғлар.*

"Юрар бўлсам соям йўқдир", "мендан қочган камол йиғлар", дейиш учун, шоир ва инсоннинг ўзи қомил бўлиши керак. Тилак Жўра шундай шоир, шундай инсон эди. Умуман бу шеърни битиш учун кам деганда кўп ўқиган бўлиши, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини тогган олим бўлиши керак. Тилак Жўранинг бу каби шеърлари ҳар қачон назм майдонидида жасоратдир. Афсуски, биз, қофияга солинган мақолаларни кўкка кўтарамиз, курсдошимизга қўлдошлик қиламиз, ундан нақ миллий қахрамон ясаймиз. Шеърятда эса миллий қахрамонлик йўқ, бадий жасорат бордир! Яъни Қахрамонлик миллатда, миллат ичиди, ҳаётда бўлиб, асарда ҳаётдан илгарирок бадий қудрат акланади. Шеърятимиз оммавий урачуриликдан қутулгани сайин Тилак Жўра каби шоирлар ижоди ярақлаб очилиб бораверди. Ва биз Тилак Жўранинг илмий фаолияти, юморга бой, ўзига хос оҳанглари эга бўлган шеърлари ҳақида ишлар қилиш иштиёқи билан қоламиз. Охироти обод бўлсин. Ҳамишалик дуолар билан ихлосланди.

Йўлдош ЭШБЕК



**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот"
жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Ахмад ОТАБОЕВ
Қобил СОЛИХОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Ахмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО
Қахрамон ҚУРОНБОЕВ

Бош мухаррир:

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КҮЧНИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир ЎНАР
Ғаффор ХОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Луқмон БҮРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририяти-
нинг компьютер марказида саҳифаланди.
Саҳифаловчи:
Саодат ТҮЛАГАНОВА

с "Ёшлик" № 1 (171) 2000 й.

Муқоламизда:

1-бет. 2000 йил - Соғлом авлод йили
2-бет. Акмал НУР. "Армон" (58-бетдаги "Ичкуча жомй ажал" мақолаига қаранг)
3-бет. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раиси Абдулла ОРИПОВ.

4-бет. Хушовоз хонанда Собиржон МҮМИНОВ
(А. Жумаев фотолари)

МУҲАРРИР МИНБАРИ
ИМКОНИЯТ.

1

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁКАРАШ. ЁШЛАР

Тамара МИРНИЁЗОВА. Маънавий янгиликнинг
- зарурий жараён

4

НАСР

Асад ДИЛМУРОД. Оқ ажлар сайёраси.
Фантастик қисса 6
Тўхтамурод РУСТАМ. Қапалақлар ўйини.
Роман 27
Норсафар ИМОМОВ. Ёрдам бер менга,
эй, журъат! 42

НАЗМ

Абдулла СОДИК. Мангу ёпилмайди
умид дафтари 2
Садриддин Салим БУХОРИЙ. Қалбимда
сен, аё ёр 26
Чўлпон ЭРҒАШ. Кўмир одам 39
Салима УМАРОВА. Юракнинг ранглари 44

ИНСОН ЁНИНГДА-КУ...

Муртазо ТУРСУНОВ. "Шайтон" чол.
Бадиа 45

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Сайфуллоҳ ТОҒАЙ. Ўз кўнглимдан кечиб
яшадим... 50

САФАР

Ғуллом КАРИМ. Германияда ёшлар ҳаёти 52

ЖАЖЖИ ТАДКИКОТ

Тозагул МАТЁҚУБОВА. Сарбаланд ўлғай
ғуборим... 57
Дилфуза ЖУМАНИЁЗОВА. Ичкуча
жомй ажал... 58

АДАБИЙ ТАНҚИД

Малик МАНСУР. Англаш изтироблари 59

БЕВАКТ СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР

Йўлдош ЭШБЕК. Маҳзун оқшом
шуълалари 61

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл
Неру, 1-уй Телефон: 133-40-83, 133-44-73

Босишга 21.01.2000 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи
12,2. Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0 Буюртма №

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан
олинди деб изоҳланиши шарт.

"Янги аср авлоди" нашриёти. Тошкент,
Қаторгол кўчаси, 60-уй.